

Ҳаммасига қарамай,
«Аллоҳ» дея билсанг,
демак, ҳали ҳам умид бор.

Афв эт, Аллоҳим



КАДИР АКЕЛ



Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

Ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--



Ҳузур сари...

© 2023, Huzur nashriyoti

Лойиҳа асосчилари: Абдукарим Мирзаев, Отабек Тиллаев

Таржимон: Одинабону Маҳмудова

Мухаррир: Маъмура Зоҳидова

Мусахҳих: Мустафо Жасур

Муқова дизайнери: Дониёр Нишонбоев

Саҳифаловчи: Саид Аҳмад

Ижтимоий тармоқлар бўйича масъул: Диёрбек Баҳромов

Huzur: 01 / Адабиёт— Роман

ISBN: 978-9943-9171-0-1

УЎК: 821.512.161-31

КБК: 84(5Турк)

A 40

Huzur nashriyoti

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Оқтепа МФЙ, 7-мазев,
2а уй, 13-хонадон. Тел: +998 90 954 54 15

Чоп этиш ва муқовалаш хизмати:

Mega Basım босмахонасида чоп этилди.
Истанбул, Туркия.

Муаллифлик ҳуқуқи

Ушбу китоб Таржимонлар академияси томонидан ўзбек тилига ўгирилди. Асар таржимасига оид барча ҳуқуқлар «Huzur nashriyoti»га тегишан бўлиб, тахририятнинг ёзма рухсатисиз ундан нусха (матн, аудио, видео) кўчиришнинг барча турлари тақиқланади ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Кадир Акел

АФВ ЭТ, АЛЛОҶИМ

(роман)



HUZUR NASHRIYOTI

2023

КАДИР АКЕЛ

Кадир Акел 1975 йил Қаҳраманмарашда туғилган. Гази университетини тамомлаган. 2002 йил ҳарбий госпиталда ишлаган, шунингдек, кўплаб масъулиятли лойиҳаларда иштирок этган.

У айти пайтда Genç Gelişim, Genç Öğrenci ва Süper Beyin журналларида фаолият юритмоқда.

Ёзувчининг яқин кунлар ичида нашриётимиз томонидан чоп этилиши кутилаётган асарлари:

- «Аллоҳ суйган қулини қандай асрайди?»
- «Дард этма, Аллоҳ етар»
- «Севма мени юрагингда Аллоҳ йўқ бўлса»
- «Боламни интернетда йўқотиб қўйдим...»



I БЎЛИМ

Шудринг қўнган атиргуллар бағрида бошланганди менинг ҳикоям. Сеҳрли булутлар ва порлаган қуёш нури остида суйгандим уни. Мудом кўзларимни юмиб боқардим. Туманли бир ишқ бор эди юрагимда.

«Аллоҳим, уни менга насиб эт. Сендан бошқа ҳеч нарса сўрамайман», дердим. Ваҳоланки, қанчалар катта гапирган эканман. Тушуниб етганимда эса жуда кеч бўлганди. Кўзларим шунчалар кеч кўрди ҳақиқатни. «Эвоҳ!» деяпман энди. «Эвоҳ!» Бошимга тўкмоқдек урилмоқда бу «эвоҳ»лар.

Эҳ, қилдай ингичка дор узра кўз юмиб юрган ўша кунларим...

Қалбимни бўяган ишқ оғушида телбавор туйғуларни бошдан кечирардим. Оёқларим ердан узиларди уни кўрганда. Ҳар кун эрталаб мўъжаз боғли уйимиз олдидан ўтарди, мен эса олма дарахлари панасидан уни жимгина кузатардим.

Бир телба қуш учарди юрагимда.

Кўнглим бесаранжом бўларди.

Телбавор ҳолда алаҳлардим.

Токи кўздан ғойиб бўлгунча тошдек қотиб турардим.

Бир кун бор жасоратимни тўплаб, Селинга: «У билан танишиш вақти келди», деган эдим, юзимга яхшигина тарсаки тушди.

— Маст эмасмисан?! Икки ёшли гўдакдай иш тутишни бас қил.

Селиннинг бу сўзларини умрбод унутмадим. Бошдан кечирган ва англаган ҳақиқатларим асло унутишга қўймади унинг сўзларини.

Яна бир тонг... Яна олма дарахтлари ва яна сахнада у... Салқин тонгда — хушбўй нон иси келиб турган чоғда маҳзун туйғуларга чулғангандим, яна жасоратим йўриғига тушгандим. Азобли севгимнинг изидан эргашдим. У кетиб борарди. Мен эса унинг ортидан измимга бўйсунмаган оёқларим билан калтакесакка ўхшаб қадам ташлаб борардим. Аслида, гавжум бўлса-да, сахна бўм-бўш эди мен учун. Фақат у ва мен бор эдик катта кўчада... Унга етиб олиш учун қадамимни бироз жадаллаштирган эдим, ерга юзтубан йиқилдим. Тузлама қамалган банкадек думалаб кетдим. Аламзада ва ғазабнок ҳолда:

— Бўлмади, тагин бўлмади! — деб турганимда юқоридан кўмак учун бир қўл узатилганини пайқадим. Қуёш нурлари аро илғай олмадим — кимдир қўлимдан тутиб турғазди. Кимдир хижолатдан қизарган юзимга қараб турарди.

— Умид қиламанки, бирор жойинг оғримайпти, — дейиши ҳамоно тушундим. Хаёлларим тўзгиб кетди. Қўлларим қалтираб, булбулигўё тилим тугилиб қолди.

— Йўқ, йўқ! Нега оғрисин?

Йиқилган жойимга қаради.

— Тошга қоқилиб тушдинг, дердим-у, аммо сени ерга йиқитган тошни тополмадим.

Шаҳд билан қўлимни унинг панжалари орасидан тортиб олиб, ғазабнок ҳолда жавоб бердим:

— Марҳамат қилиб, қўлимни қўйиб юборасанми? Бу қандай ахлоқсизлик?

Унинг юзи уятдан бўздек оқариб кетди.

— Кечирасан. Мен фақат ёрдам бермоқчи эдим.

Ортига ўгирилиб юриб кетди. Кўча ўртасида бир ўзим қолгандим. Устига устак, имкон топган бўлишимга қарамай, дардимни англата олмагандим. Бемаъни гаплар гапирдим. Ўзимдан жуда жаҳлим чиқди, жуда...

— Шунчалар ҳам содда бўласанми, ҳой қиз!

Бу ҳам кам эди. Ўз-ўзимни ҳақорат қилардим. Йўлдан ўтаётганлар ажабсиниб қарашарди, «телбами бу», деган ифода бор эди уларнинг нигоҳларида. «Ҳа, жинниман, жинни бўлдим», дейишни истардим уларга.

Чорбоғимизга қайтдим. Ҳали ўйин бошланмай туриб ютқазган омадсиз қиз курсига ташлади ўзини. Бўш қопдай шалвираб қолгандим. Қўлларим акашак, оёқла-

рим шол эди гўё. Бирдан бетизгин ўй-фикрлар пайдо бўлди. Америка орзуси бор эди хаёлимда ва тагин исмини ҳам билмаганим — бир йигитнинг севгиси... Бу ёшда инсоннинг қалбида пушти рангга бурканган баҳор ҳоким бўлиб оларкан. Заҳматсиз етишмоқ истаркан киши. Тақдирга тан беришни хоҳламайсан, барча имкониятларни ишга соласан. Қайси йўл хайрлигини билишни истайсан. Бундай пайтларда ҳатто дардлар ҳам хузурбахш таъм беради. «Дардларим билан бахтлиман», деганлари шу бўлса керак.

Инсон йўқотса-да, унутолмайди. Мағлуб бўлса-да, муваффақиятсизликни тан олмайди.

Бир неча кундан сўнг Селинни ортимдан эргаштириб ишхонасигача уни кузатиб бордим. У осмонўпар бир бино эшигидан ичкари кириб, кўздан ғойиб бўлди. Селиннинг ҳар қанча қаршиликларига қарамай, кириш жойи томонга юрдим. Оддий ходимлардай эшикдан ичкарига йўналганимизда, осмондан тушгандек, рўпарамизда бир қўриқчи пайдо бўлди.

— Хўш, хонимлар, сизга қандай ёрдам бера оламан?

Селин уялиб қўлимдан тортқилар экан, мен жавоб қилдим.

— Ҳалиги... Биз ичкарига кирмоқчи эдик.

— Узр, хонимлар, бу бозор ёки жамоат боғи эмас. Истаганингизда кириб, истаганингизда чиқа олмайсиз.

— Бироз олдин кириб кетган жаноб билан кўришмоқчи эдик.

— Тушунарли, учрашув белгиланганми?

Албатта, йўқ. Лекин ким биландир шунчаки кўришиш учун учрашув белгилаш шартми?

— Қанақа учрашув? — дедим.

— Учрашувни келишмай туриб, ҳеч ким билан кўриша олмайсиз.

Чўнтагидан бир парча қоғоз чиқариб бизга узатди.

— Шу рақамга қўнғироқ қилиб, Амир билан кўришмоқчи эканингизни айтинг. Қабул қилишса, бемалол.

Илк дафъа исмини эшитганим учун қаттиқ ҳаяжонга тушдим. Селин қўлимдан судраб олиб кетаркан, мен фақат «Амир» деб шивирлардим...

Бу иккинчи муваффақиятсиз уринишдан сўнг бир неча кун ўтди. Менинг у билан рисоладаги суҳбатим эса бутунлай тасодиф туфайли юзага чиқди. Қанчалар ёмон тасодиф эди бу! Ўша куни дарахтнинг баланд шохида жуда чиройли бир олмани кўриб қолдим. Уни олиш учун чиқаётганимда, суяб қўйган нарвоним сирғалиб кетди-ю, нақ картошка қопидек йўлакка йиқилдим. Ўзимга келишга уринар эканман, кимдир менга жилмайганча қараб турганини сездим. Мен билган йигитлар ичида энг келишгани — Амир йўл четидаги тошга ўтирган ҳолда, кафтларини бир-бирига ишқаларди.

— Яна йиқилдинг. Қачон қарама сенга дуч келсам, нуқул йиқиласан. Ёрдам беришни истардим-у, бунга журъат қилолмайман. Худо асрасин, кейин мени безориликда айблашинг мумкин.

Бошимни силаб-сийпалар эканман, у ҳамон қаҳқаҳа отиб куларди. Одатда йиғлашим керак бўлган бу вазиятда мен ҳам жилмайдим. Бир неча дақиқа ўтди, устма-уст қаҳқаҳалар жаранглаб турди. Икки ўртада юзага келган бу илиқлик олдиндаги гўзал кунларнинг даракчиси эди. Маҳалланинг энг хушсурат йигити хаёлларим уфқини буткул ишғол этаётганди. Уни яқиндан таниган сари иштиёқим янада кучайиб бораётганини англадим. Уйимиз олдидан ўтаркан, энди у менга эътибор қилар, салом бериб ўтар эди. Уни кўриш учун ишга бориш ва қайтиш вақтларини кутардим. У билан чой боғчасида суҳбатлашган кунимни ҳеч қачон унута олмайман. Ҳар доимгидек яна пойинтар-сойинтар гапирдим. Дуруст бир жумла қура олмадим. У менга: «Хотиржам бўл, бундай телба-тескари гапириш сенга жуда ярашади», деди. Ҳаяжонланишим унга хуш ёқарди.

Бу ишга ота-оналаримиз ҳам аралашгач, йўл қарга олиб бориши маълум бўлиб қолди. Севги шамоллари бизни никоҳ остонасигача етаклаб келди. Воқеаларнинг бундай жадал тус олганига Селин ҳам ишонолмасди. «Бу бир туш ва биз кун келиб уйғонамиз», дер эди.

Олижаноб хулқ-атвори, болаларча самимияти билан бир олам муҳаббатга тўлиб-тошган бу инсон менинг жуфти ҳалоломга айланганди.

Икки қаватли ажойиб уйга кўчиб ўтдик. У ўз ишидан яхшигина даромад топарди.

Турмушимизнинг илк дамларида уйимизга инган пушти булутлар вақт ўтиб тарқала бошлади... Уйга интиладиган Амирнинг ўй-фикрлар дунёсида кичик-кичик узилишлар рўй бермоқда эди. Баъзан дўстлари билан кўпроқ вақт ўтказишни истаётганини билдирар, баъзан эса турмушда орада бир танаффус қилиш кераклиги ҳақида сўз очарди. Айрим кунлар ўз қобиғига ўралиб, ташқарини сас-садосиз кузатар, кейин уйдан чиқиб, мен билмайдиган олис-олис ерларга кетиб қолар эди. Эҳтимол, у менсиз кунларини соғинарди. Энг катта қўрқувим ҳам унинг мендан бешиши, борлигим унга ортиқчадек туюлиши эди. Бу ҳақда сўраганим сари ололмаётган жавобим мени баттар қўрқувга соларди. Сассизлик даҳлизида ўз кечинмалари оламига ғарқ бўлишлари янада ортди. Мен бу жимжитлик ичидан ҳам ўзимни ахтарар, лекин сира топа олмасдим.

Унинг қўлидаги чуқур тилинган устара излари мени доим қизиқтирар эди. Бир кун бу ҳақда сўрашга қарор қилдим. Сўраганимда эса ўша кунга қадар ҳеч дуч келмаган муносабат билан қаршилашдим. Овози бўғилиб қолгунча бақирди. Кўпол бир оҳангда ҳаддимдан ошганимни айтди.

Ўша куни у менга биринчи марта бақирди. Бу жаҳлдор овозни шу кундан сўнг тез-тез эшита бошладим. Арзимас баҳоналар билан юрагимни яралар, кейин эса ҳеч нарса бўлмагандек, уйдан чиқиб кетарди. Кечаги кунгача дунёнинг энг яхши инсони сифатида кўрган ёстикдошим энди бир табрикхат устидаги суратдангина иборат эди. Бу сурат бир лаҳзада йиртилар ва мен конверт ичида яшаётган йиртқич ҳайвонни кўрар эдим. Ғазаб зўравонликка айланганда ошхонада синмаган идиш-товоқ қолмас эди.

Катта бўрон кўтарилиб, омонсиз довул қўпар эди. Бу вазият мени жуда чўчитарди. Булутларга қадар юксалган ловия илдизлари чирт-чирт узила бошлаганди. Шу беҳаловат кунларнинг бирида ҳомиладор эканимни билиб қолдим. Энди эримни ўзимга қаттиқ боғлаб оладиган кучга эга бўлдим, деб ўйладим, аммо бу ўйда ҳам янглишган эканман. У қўйнида олиб юрадиган компютерида ўзи учун янги бир олам очиб олган эди. Шу билан овора бўлиб, ҳаётни, оиласи борлигини унутарди... Ичида мен бўлмаган ҳаёт тарзи қора бир туйнукка айланиб, кўз олдимда эримни ютиб борар, менинг эса қўлимдан ҳеч нарса келмасди.

Ўғлим Айтачнинг туғилиши ришталаримизни мустаҳкамлаш ўрнига янада заифлаштирди.

Охирини бир оқшом муносабатларимизга шиддат, куч ишлатиш ҳам аралашди. Олдинлари буюмларга югурган қўллар энди мен томонга бурилганди.

Ароқ билан бошланган оқшом, калтак билан яқунланган кеча...

Тонгга қадар биргина йиғи менга тасалли эди. Изтиробларимга бардош бериш йўли эди кўз ёшларим. Чекимга тушгани эса ҳақорат аралаш бир севги эди. «Севаман!» дерди у. «Мен сени ўлғунимча севаман!» каби сўзлар билан севгимни ўлдириб борарди. Сева туриб ўлдирилган аёлга айлангандим. Гўё кавш қайтаришни хуш кўрувчи тимсоҳнинг тишлари орасидаги ўлжага ўхшардим.

Кунлар ўтди, умидларим домино тошларидек ерга сочилди. Ҳаётимдаги энг яхши одам ёвуз қиёфага кирди. Қаршимда кўринмас ёпинчиғи ерга тушиб кетган даҳшатли махлуқ турарди гўё. Ўзини тута олмайдиган, бошқарувини тамомила йўқотган руҳий хаста билан бир уйда яшардим.

Табассум бир неча ойлар бурун уйимизни тарк этган эди. Севинчим кўз ёшларга алмашган, унутилган бахт хаёллари аро ўзим ҳам йўқолиб кетгандим. Энди унинг уйга келган-келмаганини ҳам фарқламасдим. Кечаси соат иккиларда жимгина келиб ичкарига кирар, диванга чўзилар ва шу алфозда тонг орттирар эди.

Эсаётган шамолга эш бўлиб деразани чертаётган дарахт шохлари... Сокин тун... Музлатгичнинг дирил-

лаган товуши... Хонасида жимгина ухлаётган бола-
кай — Айтач... Одатдаги бир кеча...

Ўша оқшом ошхона столига бош қўйганча ухлаб қолибман. Қандайдир овоздан уйғониб кетдим. Жойимдан туриб овоз эшитилаётган томонга юрдим. Товуш юқори қаватдан келаётган эди. Кимдир эҳтирос билан бир нималарни сўзларди. Майда одимлар билан зинадан юқори кўтарилар эканман, гапираётган киши Амир эканини англадим. Секин эшик олдига келиб, қулоқ тутдим. Амир қандайдир аёл билан гаплашаётганди. Турган жойимда тош қотиб қолдим. «Бўлиши мумкин эмас», дея олардим холос. Эшикнинг тирқишидан қараганимда компьютер экранига ярим яланғоч аёлга кўзим тушди. Шу он ўзимни йўқотиб қўйдим. Жаҳл билан ичкарига кирдим, ўша манзара ҳамон уй ўртасида яққол кўриниб турарди. Амир интернетда бегона аёл билан суҳбат қуриб ўтирарди. Мени кўриши билан шошиб, компьютерни ўчириб қўйди. У мен томонга қаради-да, «Нега хонага тапир-тупур бостириб кирапсан?» деди.

Сўнгги умидим ҳам пучга чиққан эди. У ҳеч бўлмаса мана шундай иш қилмайди-ку, дегандим ўзимга ўзим. Қилди. Охирги илинжимни ҳам сўндирди виждонсиз...

Кўз ёшларим дув-дув оқар экан, уни бутунлай йўқотганимни англаб етдим. Энди унинг кўнглида менга жой йўқ. Бошқалар кирди орамизга. Қилишим мумкин бўлган ягона иш — жимгина ўгирилиб кетиш эди. Ортга қайтдим. Ёшларга фарқ бўлган кўзимни катта очиб, янги қарор қабул қилишим кераклигини тушундим.

Ўша мудҳиш кечадан сўнг унга бир оғиз ҳам сўз айтмадим. Икки кундан кейин олдимга келиб, қилган ишидан ўлгудай пушаймон эканлигини айтди ва кечирим сўради. Соатлаб ёлворди. Уни кечириб бўлмас эди. Қалбимга санчилган ханжарнинг чиқиш йўли йўқ эди. Яра чуқур, бу ярага сабр қилиш эса имконсиздек кўринарди. Жунбишга келган асабларимни жиловлай олмасдим.

— Қалбимдаги сенга бўлган жамики ҳис-туйғуларимнинг қотилисан сен. Ажрашмоқчиман! — дея олдим холос. Аввалига йиғлаб юборди, сўнг кўзларида ғазаб гирдоби пайдо бўла бошлади. Бир муддат қараб турди-да, бир лаҳзада менга ташланиб, овозининг борича бақира кетди.

— Ҳеч қанақа ажрашиш йўқ. Мен севар эканман, сен кетолмайсан. Бундай қарорни қабул қилишга ҳақли эмассан. Йўқ дедимми, йўқ! Истаганингда тарк этолмайсан бу хонадонни.

Шундай деди-да, менга яқинлашди, қўлини мушт қилиб ҳавога кўтарди. Тишларини гичирлатиб, яна қичқирди.

— Бир уриниб кўр-чи, нима бўларкин?

Бу йиртқич ҳайвонни ўзим топгандим. Кўзларим кўр бўлгани учун, кўра олмаганим учун ҳам асл айбдор мен эдим. «Адашдим», деганим билан муаммо ечилиб қолмас эди. Ҳеч кимга дастурхон қилиб бўлмас дард эди бу. Амир билан яшаш нақ қурол омборида гугурт чақишга ўхшарди. Исталган лаҳзада бомба қурбонига айланишим мумкин эди. Бу унинг жаҳаннами эди ва мен бу жаҳаннамда ортиқ қололмасдим.

Охирги сўзларимни айтдим:

— Менинг қарорим қатъий.

— Менинг ҳам! — деди.

Ошхонадан чиқиш учун йўналдим. Эшиқдан чиқаётганимда пичоқ зувуллаб келиб музлатгичга урилди. Илкис ортимга қарадим.

— Ҳа, бу масофадан мўлжалга теккиза олмайман, — деди.

Бу орада Айтач бақир-чақир овоздан уйғониб кетиб, қўрқув тўла кўзлари билан хонаси эшигидан менга қараб турарди. Амир Айтачга ҳам парво қилмасдан бақирини давом этар, ҳатто тишларининг ғичирлагани ҳам эшитиларди. Айтач кўзларини чирт юмиб олди.

— Ишон, одатда, нишонга уролмайман. Пичоқни иккинчи марта улоқтиришга мени мажбур қилма.

Хаёлим чалкашиб кетган эди... Ҳаяжон, қарорлар тўқнашуви ва хавотир... Бир лаҳза ҳам кечиктирмай бу уйни тарк этишим кераклигини билардим, аммо

буни амалга ошириш осон бўлмаслиги аниқ эди. Қатъий қарор учун яна бироз вақт керак. Қум бўрони тарқалгач, атрофни янада яхшироқ кўришим мумкин, деб ўйладим.

Вақтга қўйиб бериб хато қилибман. Бир куни ётоқхонани тозалаш учун кирганимда унинг ёстиғи тагидаги қаттиқ бир жисмга қўлим тегиб кетди. Ёстиқни кўтардим. Не кўз билан кўрайки, қоп-қора тўппонча. Қуролни олиб синчиклаб кўрдим. Кўрқувдан қўлларим қалтирарди. Устига устак, бу тўппонча ўқ узишга тайёр ҳолатда эди. Тезда дераза олдига бориб ташқарига қарадим. Бу уйда ҳар лаҳза хавф остида эканимни ҳис этдим. Айтач, ҳеч нарсадан беҳабар, ўз хонасида ўйнаётганди. Кўрқувим сўзга дўнди.

— Жин урсин, бу одам мени ўлдиришга қарор қилибди.

Қуролни олиб, омборга отилдим. У ердан белкурак олиб, ташқарига чиқдим. Боғда буталар зич жойлашган бир бурчак бор эди. У ерга бориб, дарахт тагига чуқур қазидим. Саросима ва чарчоқдан нафасим бўғзимга тиқилар, оёқларим дир-дир титрарди. Қуролни олиб, ўқларини чиқара бошладим. Уни чуқурга кўмиб, устидан тупроқ ташладим. Билинмаслиги учун қўлимга илинган барглар билан қазилган ернинг устини беркитдим. Кейин тўппонча «магазини»ни олиб, уйнинг рўпарасидаги ботқоққа айланган чуқурга улоқтирдим.

Мен вақтга қарши курашаётганимни билардим. Оёғимни қўлимга олиб уйга югурдим. Ётоқхонага кириб, чамадонга кийимларимни жойладим. Ҳамён ва билагузукларни олиб, Айтачнинг хонасига кирдим. Сокин бир овозда ўйинчоқлари билан гаплашиб, ўз дунёсида ўйнардди у.

— Айтач, қани, бўлақол, тур. Кетамиз, — деганимда менга ҳайратланиб қаради.

— Қаерга кетяпмиз? Дўконгами?

— Билмайман қаёққа кетаётганимизни. Бўлақол, ҳозироқ кетишимиз керак, бўлақол.

Жавонидан бир нечта кийимларни олиб, чамадонга солдим. Айтачнинг қўлидан тутиб, шаҳд билан эшик томон йўл олдим.

Гавжум кеча... Қизил чироқда тўхтаб турган машиналар... Жаҳддор бир киши асабий тарзда машина рулини бурди. Амир олдидаги автомобилларнинг гоҳ ўнг, гоҳ чап томонидан айланиб ўтяпти. У яна бақира бошлади:

— Шошаётган жойинг бўлмаса, ўнгга ўт, лаънати!

Биз тезда уйнинг эшигини ёпиб, боғ томондан пиёдалар йўлакчасигача югуриб бордик. Бу орада

кекса қўшнимиз ўз балконида бизни диққат билан кузатиб турарди. Ғалати воқеалар юз бераётганини сезганди. Бошимиздан ўтказган кунларимизга гувоҳ бўлганлиги учун кўрганларидан ўзича хулоса чиқариб:

— Қоч, қизим, ўзингни қутқар. Бу жинни сени ўлдирди, — деб қичқирди.

Унга қўрқув аралаш табассум қилдим. Айтач тинмасдан «Ойи, қаёққа кетяпмиз?» деб сўрарди. Уйдан тепароқдаги йўлга чиқиб, у ердан узоқлашдик.

Машина бирдан тўхтади... Жаҳл билан автомобилдан тушган Амир уйга югуриб кирди... Қўшниси яширинганча, уни кузатиб турарди. Амир икки дақиқадан сўнг қайтиб чиқди. Қаттиқ ғазабланган эди. Боғ ичида туриб чуқур-чуқур нафас оларди.

— Мендан қочиб қутуламан, деб ўйляяпсанми? — дея бақирди у. Машинага чопди. Энди ўтираман деганда қўшнисининг балконда эканини кўриб қолди. Орқага қайтиб, баланд овозда сўради:

— Жавдат амаки, Айданни кўрмадингизми?!

Жавдат амаки хатарни сезгани учун уни чалғитмоқчи бўлди.

— Кўрдим. Айтачни болалар ўйингоҳига олиб бораётганини айтганди.

Амир қизишиб машинани ўт олдирди-да, бирдан жўнаб кетди. Жавдат амаки ўзига ўзи шивирлай бошлади:

— Кетгин-у қайтиб келмагин, иншооллоҳ.

Тор йўлаклардан кесиб ўтиб шоҳқўчага чиқдик. Йўл четида кутиб турганимда телефоним жиринглай бошлади. Тинмай жиринглайверди. Айтач ора-сира: «Ойи, телефонингиз жиринглаяпти, жавоб бермай-сизми?» деб қўярди. Менинг эса қарашга журъатим етмасди. Кимлигини билардим. Унинг овози ва заҳарли сўзлари руҳиятимга зарар беришини истамасдим. Билгисиз томонга йўл олгандим. Беқарорлик ичра тезроқ қарор чиқаришга уринардим.

Ота-онамнинг уйига бора олмасдим. Чунки Амирнинг биринчи борадиган жойи мен туғилган ва орзулар оғушида яшаган ўша уй эди. Дўстим Селиннинг олдига бориш ҳам жиддий хато бўларди.

Мен жуда яхши кўрадиган ва камдан-кам учрашадиган дугонам Ниҳолникига боришга қарор қилдим. Ниҳол шаддод қиз эди. У, албатта, мени меҳмон қилади ва уйдан бир хона ажратади.

Қарши тарафдан келаётган таксига қўлимни кўтардим. Такси ҳайдовчиси чамадонни юкхонага жойлади ва биз у ердан узоқлашдик. Машинага ўтирганим заҳоти хийла енгил тортдим. Бир чуқур нафас

олдим-у, тирик эканимни ҳис қилдим. Айтач қучоғимда ўтирар, икки қўли билан билагимга маҳкам ёпишиб олган эди. «Ойи, ўзи нега кетяпмиз?» дер, нимани ҳис қилаётгани саволидан сезилиб турарди.

Мен ҳар доим ҳаётда кучли бўлишга уриндим, аммо бошимдан кечирганларим мени заифлаштирди. Ўз хоҳиш-иродам билан номаълум сўқмоққа кириб йўлимдан адашиб қолгандим. Агар бу сўқмоқда бир жиноят юз берса, у меники эди. Жазосини мен тортмоғим керак эди. Истанбулдаги энг шафқатсиз одамни топиб, беркинмачоқ ўйнагандек ўз қўзларимни боғлашим менинг хатоим эди. Бироқ Айтачнинг умуман айби йўқ.

Тиним билмай жиринглаётган телефон овозини ўчирдим. Ярим соат ичида уйимиз жойлашган тумандан узоқлашдик. Қўзлари қонга тўлган одам бизни топа олмасди энди. Бошдан кечирганим ваҳшат ва ҳадик қалбимга ўрнашиб қолганди. Юрагим ҳамон бесаранжом потирларди.

Йиғлашни сираям хушламайман. Бугунги кунгача йиғламаганман, десам ёлғон бўлмайди. Аммо мен тушган мушкул вазият бу сўзларимни йўққа чиқарди. Йиғладим, шунча пайт йиғламаган дамларимнинг ҳаммасини бир қилиб йиғладим. Қўз ёшларим Айтачнинг сочлари орасидан сизарди.

— Нега йиғлаяпсиз, ойи?

У шундай дегач, ҳайдовчи машина кўзгусидан менга диққат билан қарай бошлади. Ташвишимни

бошқалардан яшириш учун ҳар қанча уринмай, бўлмади.

Ниҳоят, дугонам Ниҳолнинг уйига келдик. Уч ёшли Айтач ухлаб қолганди. Таксидан тушдим. Қўлимда чамадон, қучоғимда эса Айтач. Борлиққа шом қоронғиси инганди. Чарчагандим, жамоат боғига кириб, бир ўриндиққа ўтирдим. Шу маҳал Айтач уйғонди. Уйғониши билан бир мушукка кўзи тушди ва бола эмасми, унинг ортидан эргашди. Мушук билан боғда айланиб юрди. Боққа келаётганлар сони борган сари ортиб борар ва мен бу одамлар орасида тобора ўзимни ёлғиз ҳис қилардим. Ҳеч қачон бу даражада ёлғиз бўлмаганман. Ерга йиқилганимда мени оёққа турғизадиган онамнинг қўлини ҳис этгим келарди ҳозир. Бир пайт телефоним жиринглади. Не ажабки, онам қўнғироқ қилаётган эди.

Амир уларнинг олдига борибди, оғзига келганини гапириб, дўқ-пўписа қилиб чиқиб кетибди. Мен меҳрига муҳтож бўлиб турганим — онам йиғларди... Бу ғам-ташвишлар мен учун муаммо эмаслигини айтишим, яшаётган жойим хавфдан холи эканига уни ишонтиришим лозим эди. У билан ҳеч нарса бўлмагандек гаплашдим ва тинчлантирдим. Кейин Ниҳолга қўнғироқ қилдим, аммо телефони ўчиқ эди. Қайта-қайта уриниб кўришимга қарамай, натижа ўзгармади.

Ўрнимдан турдим ва шаҳарча кираверишидаги нозирхонага йўл олдим. Ниҳолни кўргани кел-

ганимни айтдим. Хавфсизлик ходимлари у билан боғланишга киришишди. Телефонга ҳеч ким жавоб бермагач, дафтарларига қарашди. Сўнг «йўқ» деган маънода бош чайқашди.

— Афсуски, Ниҳол хоним уйда эмас.

Анталияга акасиникига кетганини айтишди. Бу мен эшитишдан қўрққан хабар эди. Бу орада Селин тинмай қўнғироқ қила бошлади. Кўриниб турибдики, Амир уни ҳам «йўқлаган». Ноилож, у ердан чиқиб, меҳмонхона излаш мақсадида йўлга тушдим. Ярим тун эди, зиндон зулмати кўча чироқларига панжасини суқарди. Айтачнинг овозидан чарчоқ аломати сезилиб турарди. У йиғлаб: «Ойи, уйга кетайлик!» дерди. Ҳорғинлик ва умидсизлик туфайли у бўлган воқеаларни унутган эди... Унутган эди уйда ўлимни кутиб яшашни...

Бир неча кўча нарида катта меҳмонхона бор экан. Ичкарига кириб, қабулхонага яқинлашдим. Бир хона учун бир юз эллик доллар тўланишини эшитиб, изимга қайтишга мажбур бўлдим. Бир кечалик турар жой учун сўралган бундай тўловни ҳозирги шароитда ҳамёним кўтармасди. Икки кўча нарида — бурчакдаги бошқа бир меҳмонхонага кўзим тушди. Ичкари кирдим, эшитган жавобим олдингисидан деярли фарқ қилмади. Айтачнинг толиққанини ҳисобга олиб, айтилган суммани қабул қилишга мажбур бўлдим. Ёдимиздан буткул кўтарилган очлик хонага кир-

ганимизда Айтачнинг тилига кўчди. Диванга ўтириб олиб фақат зорилларди.

— Ойи, қорним очиб кетди. Овқат олайлик.

Қабулхонага қўнғироқ қилиб, битта гамбургер буюртма бердим. Ҳамма нарсани ўйлардим-у, лекин очлик ҳаёлимга келмасди. Вақт эса ўтиб борарди. Гамбургер келган, Айтач телевизор томоша қилиб, қорин тўйдирар, мен эса каравотнинг бир бурчагида қимир этмай ётардим. Туйқус ҳаёлимдан Амир меҳмонхонага ҳам келиши мумкинлиги ўтди. Дарров телефонни қўлга олдим ва қабулхонага қўнғироқ қилдим. Уларга, ким бўлишидан қатъи назар, қўноқлаган еримиз ҳақида маълумот бермасликни тайинладим.

Бу орада Айтач тинчланди. Қўлидаги телевизор пулти билан ухлаб қолган эди. У қанчалар маъсум эди. Ҳаёт уни ёш бўлишига қарамай, оғир синовлар билан имтиҳон қиларди. Хузур-ҳаловат қўйнида, ўз уйида ухлаш ўрнига олисдаги қандайдир меҳмонхонада ётарди. Мултфильм овози сукунатни бузарди. Миямга бир фикр келди. Телефонни олиб, яна қабулхонага қўнғироқ қилдим. Фойдаланиш мумкин бўлган компьютер бор-йўқлигини сўрадим. Мени хафа қилишмади, компьютер олиб келиб беришди.

Иштиёқ билан грин карта учун топширган аризамни кўриб чиқдим. Натижа бугун маълум бўлиши айтилганди. Юрагим ҳаяжондан гуп-гуп ура бошлади. Агар Америкага йўл очилса, Амирдан бутунлай қутулишим мумкин эди. Эҳтимол, озодлик учун йўл-

ланмани ушбу дастур ёрдамида қўлга киритарман. Тасдиқлаш паролени киритдим ва ёд олган барча дуоларимни ўқидим. Грин карта сўрови тугмасини босдим. Кучли ҳаяжон сабаб сониялар нақ соатларга айланди. «Қани, қани, бўлақол!» дердим. Тўсатдан «Сизнинг аризангиз кўриб чиқилапти», жумласига кўзим тушди. Ёмон натижа эмаслиги, ҳар ҳолда, севинтирди. Бутун борлигим билан дуо қилдим.

— Иншооллох, омад кулиб боқади. Айтачим билан бирга Америкада янги ва хавфдан холи ҳаёт бошлаймиз, насиб этса.

Америкада яшаш, у ерларни кўриш болалик орзуларимнинг гули эди. Америка киноларини томоша қилиб улғайган ўспирин тасаввурида воз кечиб бўлмас бир диёрга айланганди уммонорти... Ўсмирликда ҳавас қилганим — бош қаҳрамоннинг оғиз тўлдириб, «Ҳей дўстим, сенинг нима дардинг бор?» қабалида гапириш услубига мос ҳаёт тарзи эди. Ўн саккиз ёшга тўлишим биланоқ грин картага ариза топширдим ва ҳар йили янгилаб турдим. Турмушга чиққанимдан кейин ҳам орзу қилишдан тўхтамадим. «Оилавий борамиз» деган ният билан тайёргарликни давом эттиравердим. У ерга борганда қийналмаслик учун бир неча ой инглиз тили курсига қатнадим. Амир: «Ҳатто америкалик Майкл ҳам Американи сенчалик яхши билмайди», дер эди. Колорадодан Ютагача, Флоридадан Нью-Йоркка қадар барча штатларни синчиклаб ўргандим. Орзу қилдим ва орзуимнинг ортидан эр-

гашдим. Тилаклари қанча кўп бўлса, шу қадар кенг фикрлай олар экан инсон. Ўй-фикрларим тизгинини бошқарувчи улкан орзуларим бор эди. Қолипларга сиғмай, эркинликка интилаётган ёшлар каби ўзим истаганча яшашни хоҳлардим.

Кеч соат 00:30...

Амир уйнинг деразасига суяниб, асабий ҳолда ташқарига қараб турибди. Ҳамма хоналар ёруғ... Чироклар ёниқ... Уй олдидаги йўлдан машиналар ғувуллаб ўтади; гўё ҳеч нарса бўлмагандек, гўё ҳамма нарса одатдагидек...

Ўша оқшом компьютер қаршисида ухлаб қолибман. Қуш уйқуси қандай бўлишини ўшанда билиб олдим. Ҳатто ўз нафасим сасидан ҳам чўчиб тушардим. Тонг отди, мен учун янги кун бошланди. Янги ва машаққатли кун... Бир томондан ўлимдан қочар эканман, бошқа томондан янги ҳаёт режасини тузиш ҳаракатида эдим. Мен энди Амирнинг қийноқ ва изтиробга солувчи ҳаётини тарк этган эдим.

Шу он эшик қўнғироғи жиринглади. Қўрқув бир зумда яна ичимга қайтди. Ваҳимага тушиб, ширингина бўлиб ухлаб ётган Айтачга қарадим. Кейин секин

Ўрнимдан туриб, эшик томон юрдим. Оёқларим қалтирарди. «Ким у?» дейишга журъатим етмади. Эшик қўнғироғи яна бир бор жиринглади, сўнг жимиб қолди. Келган киши Амир бўлганида ё эшикни синдирар ёки оғзига келган гапни айтар эди. Бир неча дақиқадан ўтгач, эшикни оҳиста очдим ва йўлакка кўз қиримни ташладим. Ҳеч ким йўқ эди. Чуқур нафас олдим.

Бир соатдан сўнг нонушта қилиш учун меҳмонхона ресторанига кирдик. Айтач ликопга шоколад тўлдириб олиб, нонга суртиб- суртиб ерди. Юз-кўзига шоколад чапланганди. Унинг кулгили хатти-ҳаракати, ғам-андуҳларимни унуттирди. Анча вақтдан бери биринчи марта кулдим.

— Ҳой! Аҳволингга қара. Худди бир челақ шоколадга тушиб кетгандексан.

Унинг дарди бошқа эди.

— Менга асал олиб келиб берасизми? Илтимос, ойи, илтимос!

Уни хафа қила олмадим ва бориб у хоҳлаганча бол олиб келдим. Юзи ва кийимининг қолган тоза қисмини ҳам асалга булғади. Унга бу ҳолатини икки оғиз сўз билан:

— Шу камлик қилиб турувди. Ана энди ҳақиқий масхарабозга айландинг-қолдинг! — деб тушунтирдим.

Овқатланиб бўлгач, уст-бошини алмаштириб, меҳмонхонадан чиқдик. Нима қиларимизни билмай,

кўчаларда кеза бошладик. Хаёлимда биргина савол чарх урарди: «Энди нима қиламан?»

Елканларни кўтариш вақти келганди. Янги бир кема ва янги бир денгиз... Ўнлаб жавобсиз саволларим бор эди. Айланиб юришдан чарчагач, харсангтош устига ўтирдик ва шамолда тўлқинланаётган денгизни томоша қила бошладик. Айтач қўлидаги таёқ билан қаршисидаги дарахтни уриб ўтирар, ҳам сўроққа тутиб, ҳам ўйнарди:

— Ойи, қачон уйга кетамиз?

— Ўғлим, энди уйни унутганинг маъқул. У ерга энди қайтмаймиз.

— Нега, ойи? Дадам бизни топиб оладими?

— Ҳа, отанг то ўша уйда экан, биз боролмаймиз.

— Биз унга кўринмай орқа эшиқдан кирамиз.

— Бўлмайди.

— Нима бўлади, ойижон? Ўйинчоқларим ўша ерда қолган. Улар мени роса соғинишгандир. Илтимос!

Айтач юрагимни тирнар эди. Қалбидан отилиб чиқаётган беғубор сўзлари билан нақ бир фаришта эди. Унинг бетакрор дунёсида ўйинчоқ бўлсайдим, кошки! Ўйинчоқдек унинг оламида қолсам эди, кошки...

Пуштиранг туйғулар ичра оёғим ердан узилган кунлар ёдимга тушарди. Қандай саодатли қиз эдим. Ёмғирдан кейин дадам билан гул териш учун қирга боргандик. Бир мойчечакни узиб, менга узатар экан,

«Сен баҳордан дарак келтирувчи бу чечакдан ҳам гўзалроқсан, қизалоғим!» деганди менга. Ваҳоланки, ҳозир ўзимни шунчалар қадрсиз ҳис қиляпманки, кўчада улоқиб юрган кўзидек ҳуркакман, ахлатга улоқтирилган матоҳдек кераксизман...

Бу қадрсизлик отасининг эркатойи, онасининг овунчоғи бўлиб ўсган қизга ярашмасди. Тақдир экан! Истамаса-да, қисмат чоҳига қулайди инсон. Тақдир шамоли уюрмасида энг қоронғи пастқамларга бориб тушади. Аммо билмайди борар ерини... Ташлаган қадамлари қаерга олиб борса, ўша ерга кетишга мажбур бўлади. Киши кўнгли тусаганидек яшашни истар экан, ҳаёт ҳақиқати унинг йўлини тўсиб, бутунлай бошқа манзил томон лангар қўяди. Очилган елканнинг йўналиши шамол билан бурилади. Хоҳласа-да, чиқиб кета олмайди шамолнинг измидан одам. Менинг йўлимни ҳам Яратганнинг қадари чизиб берган эди. «Хайрлиси шу» деган сўз белгилаб беради бу тақдир эврилишларини...

Айтачнинг шивирлаб айтаётган қўшиғи тубига шўнғиб, денгиз тўлқинлари аро йўқотган ҳаловатимни қидирардим. Телефоним жиринглади. Унга қарашни ҳам истамасдим. Тинмай чалавергач, хавотирга тушдим. Қарасам, Селин экан:

— Эшитаман, Селин!

— Қаерлардасан, Худо хайрингни бергур! Тирик-мисан?

— Сен билан гаплашаётганимга қараганда, ҳали ўлмабман...

— Кеча сенга роса қўнғироқ қилдим. Нега кўтармадинг?

— Телефонда гаплашишдан ҳам муҳимроқ ишларим бор эди.

— Кеча Амир келди. Худди ўт қўйгудек. Уйда бор-йўқлигингни сўради, «Йўқ!» дедим, ишонмади. Уйга кириб, ҳамма хоналарни бирма-бир кўздан кечирди.

— У телбанинг нималар қилганини тахмин этияман.

— Кетаётганда чўнтагидан қоғоз чиқарди, кейин имзолаб, менга узатди. Бу одамнинг ростдан ҳам ақли жойида эмас.

Мен қизиқиб сўрадим:

— Қанақа қоғоз?

— Айтсам, кўнглинг оғрийди.

— Ҳозир кўнглим оғримаяпти дейсанми?

— Қоғозга бир нарса ёзибди.

— Нима?!

— Ўлим фармони. «Агар уни кўрсанг, бериб қўй буни. Имзолаганимни айтиш ҳам эсингдан чиқмасин!» деди.

Бу гапларни эшитиб, тўғри қарор қабул қилганимга яна бир бор ишончим комил бўлди. Селин давом этди.

— Қаердасан, азизам?

— Билмаганинг яхши.

— Эҳтимол, ҳақдирсан. Яхшимисан? Айтачнинг аҳволи яхшими?

— Қандай ҳам яхши бўлишим мумкин? Бир жинни қувлаяпти, биз эса қочяпмиз.

— Эҳ жоним, бу бало бутунлай ақлдан озган. Агар у сизларни топиб олса борми, бошингизга итнинг кунини солади. Иложи борича узоқроққа кетинглар. Бу ерларда айланиб юрманг.

Селин ақлли қиз эди. У ҳар доим тўғри маслаҳат берарди. Айтганидек, мени тополмаслиги учун узоқларга кетишим керак. На овозимни эшита олсин, на ўзимни кўра билсин...

Боғ ортидаги қоятош... Бир тарафда денгиз... Тош устида икки киши ўтирибди — Айдан ва Айтач... Қоятош ёнидан ўтган йўл... Машина шу йўл бўйлаб улар томон ўқдек учиб бормоқда... Ғазаб отига минган ва асаби таранг тортилган Амир... Телбасифат ҳолда атрофга аланглаб бораётир. Уларнинг шундоқ ёнидан ўтиб кетди. Тақдир чизиғи яна бир бор кесишди-ю, йўллар айрилди. Хотини ва боласининг шу яқинларда эканини пайқамади.

Кун бўйи арзонроқ меҳмонхона қидирдик. Тушдан сўнг иккинчи тоифали меҳмонхона топишга муваффақ бўлдик. Йигирма кунлик тўловни тўлаб, турар жой масаласидан қутулдим. Аммо ҳали ҳануз чораси топилмаган учта муаммоим бор эди: «Амирга кўринмасдан қандай яшаймиз? Омон қолиш учун қандай иш топаман? Ишда бўлганимда Айтачга ким қараб туради?»

Бир неча кундан сўнг юрагимни чуқур бир умидсизлик қамраб олди. Айтачнинг «Уйга кетайлик» деган хархашалари билан тузукроқ иш топа олмадим. Тақиллатган ҳар эшигимда Айтачнинг борлиги муаммо бўларди. Шу куни англадимки, инсоннинг умидлари сўнса, қуввати ҳам қолмас экан. Қўл-оёқларим карахт эди. Англаб англамаса-да, инсон ўз умиди қадар кучли бўларкан. Кучли бўлиш учун эса кучли умидларга эга бўлиш керак.

Айтач билан кучоқлашиб ухлаётгандик. Телефоннинг тинмай жиринглашидан уйғониб кетдим. Ярим кеча экан. Апил-тапил ўрнимдан туриб, «Тинчлик бўлсин, ишқилиб. Янги ташвиш туғилмасин, Аллоҳим!» деб телефонга қарадим. Селин эди. Гўшакни кўтаргач, орзуларимга қанот бергувчи хушхабар эшитдим. Америкага киришни осонлаштирадиган грин карта аризасини биргаликда топширган, иккимиз битта электрон почта манзилидан фойдалан-

гандик. Селин ўша манзилга юборилган хабарларни текширганида «Табриклаймиз! Сиз грин кард лотереясида ғолиб бўлдингиз. Илтимос, расмийлаштириш ишлари учун биз билан боғланинг», деган хабарни кўрибди. Қайта-қайта ҳайрат ва ҳаяжон билан сўрадим.

— Селин, қара, нотўғри тушунган бўлма яна. Агар бу ҳазил бўлса, қасам ичаман, Амир мени ўлдиришидан олдин мен сени ўлдираман!

— Йўқ, Худо ҳаққи, рост.

— Балки хабар бошқа одамга жўнатиладир. Яна бир обдон қараб чиқ! Айдан Эроғлу ёзилганми?

Қайта-қайта сўраганимга қарамай, маълумотларнинг тўғрилигини таъкидлади. Англадимки, ҳазиллашмаётган эди.

Бу қандай гап, ё Худойим! «Банда заҳмат чекмагунча Хизр етиб келмайди», деганлари ҳақ экан. Мени қийинчиликларда ёлғиз ташлаб қўймагани учун Ўзига минг шукурлар бўлсин!

Шамдек сўниб бораётган умидларим қайтадан аланга олди. Ҳаётимга бирдан кўклам нафаси кириб келди. Қувончимдан Айтач уйғониб, «Ойи, нима бўлди?» дер, мен эса телбаларча уни кучардим.

— Қутулдик, ўғлим, биз қутулдик! Янги макон, янги ҳаёт бизни кутмоқда. Ва ниҳоят!

Бир ҳафтадан бери сезилмаган очлик қайта жонланди. Ўзимни оч бўридек ҳис қилаётгандим. Яқин атрофдаги ресторанга буюртма бердим. Йигирма

дақиқадан сўнг ичкарига икки киши кирди. Хонадаги столга дастурхон ёзиб, тўлдиришди. Улар чиқиб кетгач, зиёфат бошланди. Шаҳзодам Айтачни қаршимга ўтирғиздим. У нима учун севинганимни билмасам-да, қувончимга шерик бўлди — болаларча семинар, ора-сира юзимдан ўпиб, сўнг яна жойига қайтиб ўтирарди. Ўша кеча бўккудек еб-ичдик. Эртага мен умидбахш ва гўзал саргузашт сари илк қадамларимни қўяман. Тонггача мана шу иштиёқ билан андармон бўлдим. Кўзимга уйқу илинмади.

Эрталаб қилган биринчи ишим консалтинг фирмасига бориш бўлди. Компания вакилларининг таъкидлашича, мен жуда ҳам омадли эканман. Ойлаб давом этадиган жараён АҚШда ишчилар етишмаслиги туфайли тезлашибди. Шунинг учун менинг сафарим бошқа пайтга қараганда анча енгил кўчадиган бўлибди. Компания томонидан берилган ҳужжатларни тўлдириш учун ФХДЁ бўлимига, битирган олий ўқув юртимга, касалхонага ва бошқа кўплаб муассасаларга боришимга тўғри келди, жуда ҳолдан тойдим.

Инсон чарчаса, умид ниҳолларидан куч олади. Ҳаммаси шунчалик яхши кетаётган эдики, Америка менинг тақдиримга ёзилганини ҳис этаётгандим. Бу кунларда Айтач тунд бўлиб қолганди. Унга Америка ҳақида гапирганимда, бир оз дадиллашди. У билан Америкада нима қилишимиз ҳақида суҳбатлашдик.

— Ойи, менга янги ўйинчоқлар сотиб оласизми? — деди.

— Ҳа.

— Мени ҳайвонот боғига олиб борасизми?

— Ҳа, — дедим. Унинг истакларига ҳеч қандай тўсиқ йўқ эди. Ўнлаб тилакларини қувонч билан санади.

Бир ҳафта давом этган расмиятчилик ишларидан сўнг виза олиш учун Америка элчихонасига бордим. Ичимда кабутарлар учиб юрарди. Бу — умидимга етишишнинг сўнгги нуқтаси эди. Сўралган ҳужжатларни америкалик ходимга узатдим. Қоғозларни олиб, компьютер олдига ўтди. Бир аёл келиб, бошқа расмиятчиликларни битириш мақсадида қўшни хонага киришимни, жуда узун саволлардан иборат сўровномани тўлдиришим ва у ердаги одамларнинг сўроқларига жавоб беришим кераклигини айтди. Ичкарига кирдим, саволларга узоқ вақт жавоб бердим ва сўровнома тўлдирдим. Ишим битганини ва бошқа ҳужжатларни тўлдиришим мумкинлигини айтишди.

Хонадан чиққанимда Айтач кутиш залидаги курсиларнинг биридан бошқасига завқ билан сакрарди. Бориб унинг олдига ўтирдим. «Э Худойим, иншооллоҳ, бир муаммо чиқмасдан битираман!» деб дуо қилдим. Шу чоғ ҳалиги аёл мени америкалик ходим чақираётганини айтиб қолди. Ҳаяжон билан ўрнимдан туриб, америкаликнинг олдига бордим. У туркчада акцент билан гапира бошлади.

— Хоним, боланинг розилик қоғози қаерда?

— Қанақа қоғоз дедингиз, тушунмадим?

— Бола сизникими?

— Ҳа.

— Уни ҳам олиб боришни истайсизми?

— Ҳа.

— Бола сиз билан кетиши учун отасининг рухсати бўлиши керак. Рухсат қоғози қаерда?

Шошиб қолдим ва ўйга толдим. Ҳеч ақлимга келмабди. У давом этди.

— Розилик хатисиз болани ўзингиз билан олиб кета олмайсиз.

Ёш тўла кўзларим билан унга қарадим. Орзуларим оламида улкан портлаш юз берганди.

— Қаранг, жаноб, мен боламни бу ерга ташлаб кетолмайман. Уни олиб кетишга мажбурман. Илтимос, ёрдам беринг!

Ходим лоқайдлик билан қўлларини силкиди.

— Кечирасиз, хоним. Розилик хатисиз мумкин эмас.

Қатъий туриб олганимдан сўнг, америкача услубда жавоб берди.

— Хоним, жуда ошириб юбордингиз! Агар шундай давом этсангиз, мен сиз ҳақингизда салбий ҳисобот беришга мажбур бўламан.

Маҳзун ва ночор аҳволда Айтачга қарадим. У ҳамон курсида думалаб ўйнарди. Шу пайт бир ходим чақирди.

— Мен сизнинг протоколингизни яқунлаяпман. Боланинг рухсатномасини олиб келганингизда, уникини ҳам битирамиз.

Аста Айтачнинг ёнига бордим. Кўзим ёшга тўлди, ўзимни зўрға тутиб турардим. Уни қучоғимга олиб, элчихонадан чиқдим. Ҳеч нарсани англамас эдим. Титроқ овозда «Мен усиз кетолмайман», дердим. Шу гапни ҳар икки гапнинг бирида такрорлардим. Айтач юзимга қараб болаларча соддалик билан сўрарди.

— Ойи, ишимиз битдими? Тезроқ Америкага бора қолайлик.

Унга «кета олмаймиз» деб айтмадим. Отасининг рухсатсиз бу мумкин эмаслигини сўзлай олмадим.

— Хўп, ўғлим. Кейинроқ борамиз.

— Оқшомдами?

— Кейинроқ.

— Зўр-ку! Менга янги ўйинчоқ олиб берасиз-а, ойи?

— Албатта, ўғлим, иншооллоҳ.

Ичимда чаппар уриб гуллаган боғ бир зумда ер билан яксон бўлди. Янги ҳаёт ҳақидаги орзуларим ҳали бошланмай яқун топди. Ўғлимсиз асло кетолмасдим. Отаси рухсат бермаслиги аниқ эди. Америка йўллари беркила бошлаганди мен учун. «Агар бирор нарсани ҳаддан ортиқ хоҳласангиз, у амалга ошмайди», деган экан ота-боболаримиз. Балки жудаям хоҳлаганим учун бу иш юришмаётгандир.

Қаноти синган қушдек меҳмонхонага қайтдим. Ғамгин ва чорасиз ҳолим Айтачнинг назаридан четда қолмади, албатта.

— Ойи, биз кетяпмиз-ку. Нега хафасиз?

Индамай қучоқладим, бир оғиз ҳам сўз айтолмадим. Бир неча соатдан кейин уйқусизлик уни асирга олди. Ётоққа чўзилиб, ухлаб қолди. Селинга қўнғироқ қилдим. Йиғламсираб гап бошладим.

— Селин, муаммо чиқди, кетолмаймиз.

— Бўлиши мумкинмас! Ҳазиллашяпсанми?

— Айтач учун отадан рухсатномага ўхшаш бир нарса олиш керак экан.

— Эҳ, афсус! Бу ҳеч хаёлимизга келмаганди. Бундай муаммога йўлиқишларингни тахмин қилишимиз керак эди.

— Йўлиқдик!

— Жуда хафа бўлдим, жуда! Бундай бўлмаслиги керак эди.

— Америка орзуси бошланмасдан туриб тугади.

— Йўқ, йўқ, якунланмаслиги керак!

— Яна қанақа «йўқ-йўқ»? Ҳаммаси тамом!

— Кетишга мажбурсан, Айдан!

— Айтачсиз қандай кетаман?

— Кеча Амир сизларни меникида деб ўйлаб, яна уйим олдига келди. У сарҳуш ҳолатда ҳавога ўқ узди. Бутун маҳалла қўрқувдан сакраб тушди. Полициячилар уни зўрға ушладилар. Бу ерда қолиш сен учун ўлим билан тенг.

— Лаънати, мени тинч қўймайди. Жуда афсусдаман, ростдан ҳам... Лекин Айтачсиз бир қадам ҳам боса олмайман!

— Айдан, кетишинг керак. Истанбулда қолсанглар, бу телба сизларни топади. Ёлвораман, кет, илтимос!

Мен чорасизликдан йиғлардим.

— Селин, Айтачсиз кетолмайман.

— Ҳақсан, лекин қолсанг, нариги дунёга равона бўласан.

— Усиз борсам, ўламан.

— Сенга маслаҳатим, болани отасига қолдир ва кет. Ишон, бу энг тўғри қарор бўлади.

— Селин, сен нима деганингни биялпсанми? Бу жиннига болани қандай қилиб ташлаб кетаман?

— Бошқа илож йўқ, азизам.

— Мен уни ҳеч қачон бермайман, ҳеч қачон! Отаси уни нима қилишини билиб бўлмайди.

Ўша кеча тонгга қадар бир тўхтамга келолмай қийналдим. Қайси вариантни кўриб чиқсам ҳам, фойдаси бўлмади. Иккиланишим баттар кучайди.

Элчихонага бориб, америкалик масъулга шароитни батафсил тушунтирдим. Айтачни олиб боришим кераклигини изоҳлашга ҳаракат қилдим. Мени тушунишни истамади у одам. Ҳаётий таҳлика учун Туркия расмийларидан ёрдам олишим мумкинлигини айтди. На мени эшитди ва на вазиятимни англади. Эҳтимол, у ўз ишида ҳақ эди. У ерда ҳам қоида бор ва унга бўй-

сунади. Ичкарига кириб, виза хужжатларимни олиб келди.

— Мен сизнинг ишингизни осонлаштирмоқчиман. Мана визангиз! Сиз олти ой ичида самолётга ўтиришингиз ва кўнглингиз тусаган пайт кетишингиз мумкин. Бу ораликда Америка сизни кутиб олади. Табриклайман, — деб қарсак чалди.

Хужжатларни олар эканман, тепа сочим тикка бўлганди. Мени тушуниш учун ҳеч қандай ҳаракат қилмаётган одам гўё у ерда олқишланадиган ҳолат бордек муносабатда эди. Шайтон айтардики: «Қоғозларни юзига улоқтир-да, кет!» Йўқ, бундай қила олмадим. Кўлимдан келгани қаҳр билан у ердан узоқлашиш бўлди.

Кейин овқатланишга кирдик. Айтачнинг иштаҳаси жуда яхши эди. Мен шунчаки томоша қилдим. Ўз лаганимдан бир луқма олмай ўғлимга қараб ўтирардим. Қанчалик маъсум эди. Миттигина қўллари билан қорнини тўйдиришга уринарди. Уни ташлаб қандай кета оламан? Усиз нафас ола биламанми? Бир томонда ҳаётда омон олиб қолувчи, болалик орзуийм Америка турган бўлса, бошқа томонда тириклигим мазмуни Айтач. Аниқ бир тўхтамга келишим керак эди.

Бу орада телефонимга хабар келди. Селиндан экан. Бугун ҳам Амир уларнинг уйига келиб, бақирчақир қилибди. Демак, Амир ҳали ҳам мени ўша ерда, деб ўйлаяпти. Уларни муаммодан халос қилишнинг

биргина йўли бор, деб ўйладим. Яъни Амирга хабар ёзишга қарор қилдим. Шунда у Селинларни бошқа безовта қилмас.

«Амир, хайр! Мен Туркияни тарк этипман». Беш дақиқадан сўнг ўнлаб ҳақоратли, заҳар-заққум, таҳдидли хабарлар ёғилди. У хаёлига нима келса, ҳам масини ёзарди. Агар инсоннинг қалбида гўзаллик бўлмаса, ундан ёмонлик келар экан. Дунёнинг нариги чеккасига борсам ҳам, топишини ва ўлдиришини ёзарди. Амирнинг бу муносабати мени тезроқ қарор қабул қилишга ундади.

Меҳмонхонада яна бир неча кун туришимиз мумкин эди. Пулимиз ҳам охирлаб қолди. Вазият эса зудлик билан қарор қабул қилишимни тақозо этарди. Заргарлик дўконига кириб, охирги бисотим — учта билагузукни сотдим. Ўн минг лирага яқин пул бўлди. У ердан чиқиб, авиакомпания агентлигига кирдим. У ерга боргунча орадан бир неча асрлар ўтгандек бўлди. Оёғим ҳеч қачон бундай майда қадам ташламаган. Юрагим ҳеч қачон бунчалик беқарорлик чангалига тушмаганди. Фикрларим ҳеч қачон бунчалик чалкашмаганди. Нима қилишни билмай туриб қарор қабул қилиш ниҳоятда оғир эди.

— Хуш келибсиз, эшитаман, — қарши олди ҳодим.

— Раҳмат.

— Сизга қандай ёрдам беришим мумкин?

— Америкага чипта олмақчи эдим.

— Албатта, марҳамат, ўтиринг.

Ўтирдим.

— Қайси штат?

Қаерга боришни ҳам ўйлаб кўрмагандим. Лекин доим хаёлимда Маями бор эди. Ходимга грин кард аризаси билан боришимни билдирдим. Американинг энг гўзал штатларидан бири бўлган Маямини танладик. У ерга борганимда иммиграция идораси ёрдам беришини айтди. Хонани сукунат эгаллади. Айтач нималардир терс кетаётганини тушунгандек жим бўлиб қолди. У умуман гапирмас, фақат оёғимни кучоқлаб тебранарди. Ходим яна сўради:

— Менимча, икки кишилик.

Ҳаётимдаги энг оғир вазият эди. Агар кимдир оғзига келганини айтиб, тепиб-тепкилаб, юзимга шапалоқ тортиб юборса ҳам, бунчалик эзилмаган бўлардим. Кўнглим оғрирди. Юрагим гўё кафтларимда эди. Бир сўз билан айтганда, ўлим азобини тотаётгандим. Ходим такрорлади:

— Хоним афанди, икки кишиликми?

Вақт тўхтаб қолган эди. Айтач ҳам ҳаммасини фаҳмлагандек, ишимни осонлаштириш учун ҳеч нарса демасди. Одатда, у: «Ойи, икки кишилик десангиз-чи!» дер эди. Демади. Оғзимни очиб, минғирлай бошладим. Кўзларимдан ёш қуйиларди. Лабларим билан тишлаб бир нима дедим. Ходим оғриқли ҳислар қуршовида қолганимни тушунди.

— Хоҳласангиз, кейинроқ оларсиз.

Бир лаҳзада изтиробли туйғулар исканжасидан чиқдим ва дедим:

— Бир кишилик!

Шу биргина гапим юрак-бағримни пора-пора қилди. Минглаб ўқ сийнамни тешиб ўтди. Гўё дунёдаги энг худбин ва энг шафқатсиз аёл саҳнага чиқиб, «Мен ёмонман!» деб қичқираётганга ўхшарди.

Ходим чиптани чиқариб, тўловини сўради. Пулни бериб, чиптани олдим. Айтач отилиб сакраб, «Ойи, менга беринг!» деб уни тортиб олди. Қўлга киритган чиптасини байроқ кўтарган болакайдек силкитарди.

Ўша куни кечгача «Кетяпмиз-а, ойи?», деб бот-бот сўраб турди. Мен эса дунёдаги энг буюк ёлғончидай «Кетяпмиз», дедим.

Қанчалар маҳол экан ёлғон гапириш!

Жуда қийин!

Виждонсиз бўлиш, виждонни юлиб отиш қанчалар душвор.

«Ҳаётимсан!» деган сўзнинг ёлғони, «Сени жуда яхши кўраман» деган сўзларнинг беҳудалиги...

Маъносини йўқотган туйғулар орасида ўз боласини еган арслондек ҳис қилиш... Шундай бўлар экан...

Меҳмонхонага келганимизда бизни ёмон сюрприз кутиб турарди. Қабулхонада ишлайдиган йигит югуриб олдимга келди.

— Опажон, бир дақиқа!

Мен тўхтаб, унинг гапларига диққат билан қулоқ солдим. У эгилиб овозини пасайтирди:

— Опа, энди бу меҳмонхонада қолманг!

Ҳайрон бўлдим. У мен тахмин қилган ва айни қўрққанганимни айтмоқда эди.

— Опа, сиз хавф остидасиз!

— Қандай хавф?

— Бугун тушда икки киши келди. Исмингизни айтди ва меҳмонхона рўйхатини қараб чиқишимни сўрашди. Улардан бирини сиз таърифлаган одам деб ўйладим.

— Умид қиламанки, билдириб қўймадинг.

— Албатта. Бунақа ишларни яхши биламан. Уларни мен ҳам ёқтирмадим. Яна келамиз, деб кетишди.

— Тушундим.

Бу қандай тақдир?! Бир тарафдан янги ҳаёт сари очилган аламли дарча, иккинчи томондан эса ўлимни елкасида ташийдиган одамнинг таъқиби. Ҳаммасига қўл силтаб, нима бўлса бўлар, дейиш ҳам бор эди... Кучли бўлиш ва курашни давом эттириш ҳам...

Инсон озодлигини чеклашга қарши ичимда исён пайдо бўлганди. Бу исён ҳаётимни ўзининг бузук тушунчалари йўлида қурбон қилувчига қаратилган эди.

«Ё меники бўл, ёки ўл!» деган ваҳшийлар ва уларнинг танловига эди нафратим.

Бу беш кунлик дунёда омонат жонни бизга қўп кўрадиганларга эди бутун ғазабим.

Бу ҳаёт меники!

Бу яшаш тарзи меники.

Менга берилган умрни ўзим ихтиёр этгандек ўтказишни хоҳлайман, сенга нима!

Ўз эшикларимни ўзим очаман. Умидим кабутарлари меники, сен уни нега тутмоқ бўласан?

Хонага кириб, юрагимга сиғмас кўркув ва оғриқлар билан каравотга чўзилдим, соатлаб йиғладим. Ўзимга келганимда, Айтач телевизорда намоёйиш этилаётган мултфильмга шўнғиб кетган эди. Жимитдек бармоқлари билан пульта ни маҳкам тутиб олганди. Бу иши унинг намоёйиш қилинаётган мултфильмни қанчалик яхши кўришини билдирарди.

Мен кучли бўлишни хоҳлаган эсам-да, баттар заифлашгандим. «Ҳаётимни ҳимоя қиламан» деган умидим сўнган эди. Урушдан қолган вайронадек эди туйғуларим. Эртанги кун бу шаҳардаги сўнги куним эди. Ҳамма нарсани ташлаб, қочишга уринаётган жойимда атиги бир кунлик ҳаётим қолганди. Сўнги тонг, сўнги қуёш, сўнги оқшом... Истанбулнинг салқин ва сершовқин кўчалари... Босфор бўғозининг қизил аргувон дарахтларидан тож кийган тепаликлари... Ҳаммаси бу куннинг ниҳояси каби узоқ эди...

Эртасига қуёшнинг илк нурларида уйғондим. Бўғозга қўнаётган туманли ҳаво ҳамма нарсани яширишга уринаётган бундай чоғда уйғонишни ёқтирардим. Истардимки, агар бутун охириги кун бўлса, энг яхшиси бўлсин! Энг гўзал нарсалар шу кунга сиғсин!

Куш учмоқчи бўлса, бугун учсин! Чечаклар очилишни истаса, бугун очилсин!

Ҳамма буюмларимни тезда чамадонга солиб, Айтачнинг қўлидан тутиб пастга югурдим. Калитни қабулхонада қолдириб, табассум билан меҳмонхонадан чиқдик ва бўғозга яқин қаҳвахонага ўзимизни урдик — куннинг энг яхши нонуштасини қилдик. Айтач кулиб турарди. Менга табассум ҳады қиларди. У кулганда яна баҳор келар, атрофга хушбўй ислар тараларди.

Нонуштадан сўнг денгиз бўйига чопдик. Оёқ кийимларимизни ечиб, денгизнинг илиқ сувларида кечдик. Бошимиз узра парвоз қилаётган чағалайлarning шовқини ичра тўйиб-тўйиб суҳбатлашдик. Бола билан бола бўлиш — ҳаёт лаҳзаларини тутиб қолиш экан. Инсон ўша лаҳзани тута олса, ҳаётдан завқ оларкан. Ҳаётимдаги энг қадрли кичкинтойим билан болаларча суҳбатлашиш нақадар ёқимли эди.

Жуда тез ўтаётганди кун, Сўз бергандим ўзимга. Ҳаётимдаги энг гўзал ва маъноли кун бўлади бугун. Ўйинчоқ дўконига кириб, нархини ҳам сўрамай, Айтач энг кўп орзу қилган совғани сотиб олдик. Қўлида сув пурковчи ўйинчоқ тўппонча билан болалар майдончасига кирдик. Ҳамма ўйинларни бирма-бир ўйнаб чиқдик. Сўнг катта чой боғчасига бордик. Боғдаги баҳайбат дарахтларга боғлаб қўйилган кажава беланчақда ётиб, биргаликда учдик. Бу кун Айтачнинг ҳаётидаги энг яхши кун бўлиши керак эди.

Искалага келиб, қайиққа ўтирдик ва Истанбул бўғози бўйлаб саёҳат қилдик. Жоним ўғлимнинг севинчдан оғзи қулоғида, уни хурсанд кўриш бахтнинг энг гўзали намунаси эди. «Ҳаётимдаги энг яхши кун эди!» дея оладиган бир кун қолдиришим лозим эди унга. У ҳар доим бу кунни эслаши, доимо шу кунда қолиши керак эди.

Қайиқ саёҳатидан сўнг савдо марказида тушлик қилдик. У билан ичкарида соатлаб айландик. Вақт ўтар, руҳим қаърига нохушлик чўкиб борарди. Савдо марказининг яна бир овқатланиш бўлимига бордик. Кўп югурганимиз учун Айтач яна очқаган эди. Унга пицца буюртма қилдим. Ўрнимдан туриб, буюртмани олишга борганимда, ортимга ўгирилдим. Айтач овқат олиб келишимни интиқлик билан кутарди. Қувониб қизиқ-қизиқ ҳаракатлар қиларди. Ликопни олиб келиб, олдига қўйдим. Юрагимда ҳайбатли бўронлар чайқаларди.

Ичимда безовталанаётган бири:

— Бундай қилма Айдан, қилма! — деётган эди.

Энди у билан хайрлашиш вақти келганди. Уни отасига қолдириш жуда нотўғри, деб ўйладим. Виждонли ва раҳмдил кишига топшириб кетган маъқул, деган хулосага келдим. Ҳеч бўлмаганда, одамдек меҳр-муҳаббат кўради.

У овқатланаётганда бир неча қадам ташладим. Кимдир жигаримни жойидан суғуриб олаётганди. Кейин ортимга ўгирилиб унга қарадим. Қўлидаги

бир бўлак пиццани менга узатди. «Олинг, ойи, сиз ҳам жуда очиқдингиз», деди. Унга насбатан виждонсизлик қилаётган бўлсам-да, у менга марҳамат кўрсатётганди. Минг ўй билан аччиқ қарорга кела бошладим. Атрофга қараб, уни ишониб топширадиган одам борми-йўқми, текшириб кўрдим. Ён томондаги олтиш ёшлардаги эр-хотинга кўзим тушди. Изтиробдан қўлларим титрарди. Кўзларим ёшга тўлди. Уларга яқинлашиб, паст овозда, «Кечирасиз», дедим.

Аввалига ортларига қарашди, кейин кекса аёл сўз қотди.

— Гапир, қизим.

Кўлим билан Айтачга ишора қилиб дедим:

— Болам овқатланыпти. Мен қўл ювиш хонасига боришим керак. Уни сизга ишониб топширсам бўладими?

Ёрдамсевар турк халқи йўқ дермиди ҳеч? Эркак дик этиб ўрнидан турди.

— Албатта, боришингиз мумкин. Биз болага кўз-қулоқ бўлиб турамыз.

Кейин жойимга қайтдим. Айтач ҳамон пиццасини иштаҳа билан ер эди. Олдига бориб, қучиб олгим, уни юрагимга босиб, ўша ерда қолгим келди. Кўзимдан беихтиёр ёш томчиларди. Ўзимни сал йиғиб олиб, унинг ёнида тиз чўқдим. Бутун қучимни тўплаб:

— Азизим, мен ҳожатхонага бориб келай, — дедим.

Менга беғубор кўзлари билан боқиб:

— Ойижон, кеч қолманг, майлими, — деди.

Ўзимни аранг тутиб турардим. «Хўп», дея олдим фақат. Эр-хотин хатти-ҳаракатларимдаги ғайритабиийликни сезгандек син солиб қарашди. Сас-садосиз чиқиб, зинадан пастга тушдим.

Овқатланиш зали... Ёнбошида кекса эр ва хотин, пицчасини еб, атрофга аланглаётган бола... Савдо марказидан югуриб чиққан ёш аёл... Кўзлари нам... Ўқиниб йиғлаб боради... Атрофдагилар унга ҳайрон бўлиб қарашади.

Савдо марказидан ташқарига қадам қўйгач, юзлаб километр олисга кетиб қолгандек бўлдим. Ўғлимни тепада қолдириш энг катта зулм эди. Хушимни йўқотаётгандек бўлдим. Бир дарахтга аранг суяндим. Тиззаларим бўшашиб кетганди. Айтач хаёлимга келганда, вужудимни титроқ босарди. Чидай олмадим, удалай олмадим. Югуриб савдо марказига кирдим ва шитоб билан зиналардан юқори кўтарилдим. Қайтиб борганимда кекса жуфтлик ўғлимнинг сочларини силаётганди. Кўз ёшларимни артиб, уларнинг олдига бордим. Аёл бир муаммом борлигини пайқанган эди. Охири сўради:

— Қизим, болагинам, ғамгин кўринасан. Агар биз ёрдам бера оладиган бирор нарса бўлса, тортинмасдан айт.

Кулимсираб:

— Йўқ, раҳмат, — дедим. Кейин Айтачнинг қўлидан тутиб у ердан узоқлашдим. Нечоғлик қийин! Фарзандингиздан ажралиш қанчалар оғир экан... Мен уддасидан чиқолмадим. Самолёт тун ярмида Маямига учиши керак эди. Айтачни шафқатсизларча тарк этишга ҳали вақтим бор эди. Ақлимни эгаллаб олган Америка хаёли, Амирнинг ўлим таъқиблари беқарорлигимга барҳам берарди.

Айтач билан йўл четида кетиб борар эдик. Уни ваҳшийларча ташлаб кетиш чораси ҳақида ўйлар эканман, бойлар маҳалласида қолдиришим мумкин, деган ўй пайдо бўлди. Тезда таксига ўтирдик ва Бебек маҳалласига бориш учун йўлга тушдик. Айтач чарчоқдан ухлаб қолганди. Оналарга хос иш тутмаётганимни ўйласам, юрагим эзиларди. Бебекка етиб келганимизда, куюёш қиёмдан оғганди. Қиммат қахвахонанинг бир бурчагидаги стулга ўтирдик. Атрофда ёш-қари — юзлаб одамлар бор эди. Официантлар у ёқдан бу ёққа югуриб буюртма олишарди. Айтачни бир бурчакка ўтирғиздим. Кун тафти унинг кучини олиб қўйганди. Икки гапининг бирида: «Меҳмонхонага кета қолайлик!» — дерди.

Ичим жиз этиб, унга яна бир бор ёлғон гапирдим.

— Азизим, сен шу ерда ўтир, мен ҳозир келаман.

Уринишлари бекор кетгач, «яхши», деб қўйди. Ўрнимдан туриб, жимгина кафенинг чиқиш эшигига қараб юрдим. Ҳар бир босган қадамимда гўё лаънатланаётган эдим. Ўзимни энг ёмон одамдек ҳис қилардим. Чиқиш эшигига етганимда ёш тўлган кўзларим билан ортга қарадим. Сўнгги марта кўрай дедим боламни. Айтач узоқдан мени диққат билан кузатиб турарди. Қимир этмай тикилиб қолганди. Эшиқдан чиқиб, одимладим. Оёқларимнинг жони узилди, бир бурчакка чўккалаб йиғлай бошладим. Бир пайт таниш бир овоз эшитилди:

— Ойи, ҳожатим келиб қолди.

Ҳайрон бўлиб бошимни кўтардим — рўпарамда Айтач менга қараб турганди.

— Ойижон, жуда боргим келяпти.

Уни қучоқлаб, бағримга босдим.

Яна бир уриниш муваффақиятсиз ниҳояланганди. Шубҳасиз, хато эди қилган ишларим. Гўёки Аллоҳим «Уни тарк этма!», «Бевафо бўлма, қулим!» деяётгандек. Мен шайтоннинг асирига айланиб, ўзимни ўйлашдан бошқа ҳеч вақо қилмадим. Бўлмади.

Туркиянинг қаерига бормай, Амир мени топиб ўлдиради. Мен вафот этгач, Айтач шундоқ ҳам етим қолади. Етимлик абадий, мен эса беҳуда ўлиб кетган бўламан. Тирик қолишимнинг ягона шарти Айтачнинг етим қолиши эди. Дарднинг энг катта бўлаги унинг улушига тўғри келаётганди.

Оқшом қоронғисида денгиз бўйида ўтирганимда азон ўқиладганини эшитдим. Айтач бир қўли билан оёғимдан ушлаб, бошқа бир қўли билан денгизга тош отар эди. Азон овозини эшитиб, туйқус хаёлимга бир фикр келди. Ўрнимдан туриб йўл четидаги масжидга қарадим. Кўзларимда ёш билан азон тугашини кутдим. Орадан ўн-ўн беш дақиқа ўтгач, жамоат масжиддан чиқиб, тарқалиб кетди. Айтачнинг қўлидан тутиб масжидга етиб келдим. Оёқ кийимимизни ечиб ичкарига кирдик. Айтач катта ва кенг майдонни кўриб ҳайратга тушди. Бир оздан сўнг у масжид ичида югура бошлади. Мен эса бир бурчақда ўтириб, афтода ҳолда уни кузатдим.

Вақт ўтган сари Айтачнинг чарчоқлари ортди. У жун гиламлар устига ётиб думалай бошлади. Охири тинчланиб, бошини гиламга қўйиб менга қаради. Кутганим Айтачнинг ухлаб қолиши эди. Бир неча дақиқадан сўнг ўғлимни уйқу элита бошлади. У бир ухлаб, бир уйғониб, менга қарар, кейин эса яна ухларди. Унинг бу беғубор қиёфаси, билардимки, ҳеч қачон хаёлимдан чиқмайди. Бир неча дақиқадан сўнг у қаттиқ уйқуга кетди. Чақирсам ҳам эшитмасди энди. Ўрнимдан туриб, унинг олдида бордим. Эгилиб юзидан ўпдим. Сочларини силаб, сўнгги бор термилдим. Тўёлмасди, тўймасди инсон. Четда турган гиламчани олиб устини ўрадим. Сўнг, жимгина, унинг кийимлари солинган сумкани ёнида қолдирдим. Бу менинг Айтачга кўрсатган энг сўнгги оналик меҳрим

эди. Масжид эшигига етгач, охирги марта қарадим. У ҳамон пиш-пиш қилиб ухлар эди. Кўз ёшлар ичида масжиддан чиқиб қочиб кетдим. Ҳар доим «Булар қандай инсонлар!» деганим — виждонсиз одамлар каби эдим энди мен ҳам. Энди оналикда сўзга ҳақи бўлмайдиган бир хатонинг «қаҳрамон»и эдим. Қаҳрамонлик! Қаҳрамонлигимнинг номи қўрқоқлик эди. Кўчани кесиб ўтиб, дуч келган биринчи таксига ўтирдим.

Денгизга яқин масжид... Жамоат масжидга кириб боради... Одамлар орасида «Ойи!» деб йиғлаётган бола... Кейин у ерга келган полиция машинаси... Полиция машинасига ўтқазилган бола — Айтач... Кўзлари йиғидан қизарган, уст-боши кўз ёшларидан хўл... Ожиз ва хуркак... Одамларга паришон қарайди...

Таксида борарканман, кўз ёшларим тўхтамасди. Юм-юм йиғлардим. Танам дир-дир титрарди. Аянч аҳволим ҳайдовчининг ҳам эътиборини тортди. Меҳрибонлик билан:

— Синглим, аҳволингиз яхши эмасга ўхшайди. Агар хавф остида бўлсангиз, сизни полиция бўлими-

га олиб боришим мумкин, — деди. Мен йиғи аралаш жавоб бердим.

— Йўқ, хавф остида эмасман. Раҳмат.

Такси ҳайдовчиси: «Вой-бў! Одамлар қандай мусибатлар чекяпти-я, синглим!» деб ғўлдирадди ўзича.

Кейин бирдан орқага қайтиш фикри пайдо бўлди.

— Илтимос, тўхтатинг. Мени олган жойингизга қайтаринг. Илтимос, тезроқ!

Такси ҳайдовчиси олдиндаги чорраҳадан бурилиб, машинага ўтирган жойим томон ҳайдай кетди. Олдиндаги машиналарни ортда қолдириб ўтиб кетардик. Менинг ягона ўйим, тезроқ етиб бориш ва Айтачни бағримга босиш эди. Натижаси ўлим бўлса ҳам айрилиш ниятим йўқ эди. Таксидан тушиб, ўғлимни қолдирган масжид томон югурдим. Эшик олдига келганимда ҳеч ким кўринмади. Бу жимжитлик этимни титратиб юборди. Чопиб эшикка бориб, «Аллоҳим, Айтач ҳали ухлаб ётган бўлсин!» дедим. Ичкарига кирганимда эса мени сассиз, қоронғи ва бўм-бўш масжид кутиб олди. «Айтач!» деган фарёдларимдан масжид ҳам нола қиларди. Шу атрофларда бўлса керак, деб ўйлаб ташқарига чиқдим. Масжиднинг теграсини бир неча бор айланиб чиқдим. Атрофни кезиб бақирим фойдасиз эди. Қарши тарафдаги уйнинг балконида бир одамнинг қичқиргани эшитилди:

— Етар энди! Ўғрини-тўғрини, соғни-носоғни Ўзи билади. Мунча бақирасан?!

Наздимда, инсонликнинг шакли, худбинлик қобиғига ўралиб олган оддий бир одам гавдаси балкондан мени огоҳлантирарди. Ғазабдан бор кучим билан бақириб юбордим.

— Бор-э!

Ўғлимнинг қаердалигини билолмай қолиш эди менинг насибам. Ночор кетиш эди кўлимдан келгани. Қаерда ва кимдалигини билмай яшаш, ҳаётда қора туйнук очиш... Буни ўзим бошимдан ўтказаятган эдим. Ҳаётимда очилган бу тешик қачон кулсам, қачон мамнун бўлсам, мени ютиб юборарди...

Яна таксига ўтирдим. Отатурк аэропортига келганимда вақт анча кеч бўлган эди. Тун яримлаб, тирбандлик камая бошлаганди. Таксидан тушиб, чегара текширувидан кейин аэропортга кирдим. Қилган виждонсизлигим ичимни ёндирарди. «Аллоҳим, сен боламни асра», деб шивирлардим. Тилимда дуо, ҳаёлимда эса Айтач эди. Ўз юртимдан кетиш олдидан Селинга кўнгироқ қилдим. Аэропортда эканимни ва бир ярим соатдан кейин Америкага учушимни айтдим. Яхшилик тилагим келди. У тинмай Айтач ҳақида сўрарди, айтолмасдим. Бу виждонсизлигимни тилга кўчириб бўлмас эди. У яна сўради, мен яна жим турдим. Қайта-қайта сўрайвергач, телефон тугмасини босиб қўйдим.

Қаҳвахона... Селин ва Амир бир стол атрофида суҳбатлашишмоқда. Амир жаҳл билан Селинга қаради. Селиннинг қўлида телефон, норози аҳволда, юзида эса пушаймонлик. Амир илкис ўрнидан туриб, курткасини олди ва тезда у ердан узоқлашди.

Онамга қўнғироқ қилмай тўғри йўл тутдим. Айта олмасдим Айтаччи масжидда қолдирганимни... Мени оқ қилишини билардим. Бу орада Селин яна қўнғироқ қилди. Сўраши аниқ эди. Ўзимга берадиган жавобим йўқ-ку, унга нима дердим. Телефонни овозсиз режимга ўтказиб қўйдим.

Учиб бораётган машина... Ақлдан озгандек кимдир йўлни кесиб ўтади...

Судраб олиб келган чамадонимни авиакомпанияга топширдим. Самолётга чиқишимга йигирма дақиқа вақт бор эди. Нақадар муҳташам тилак эди мен учун Америка. Нақадар қизиқарли саёҳат эди

орзуларим сари олиб борувчи йўл. Ҳаммаси вайрон, ҳаммаси етим қолганди. Бир болани сағир қилиб қолдириб, есир аёл билан кетаётган эдим олисларга. Аэропортнинг девдек улкан биноси тор бўлиб туюлди менга. Нафас етишмаётганди. Шошиб бинодан чиқдим. Кучли шамол эсарди, дарахтларни силкитар, гул чангларини ҳавога учирарди. Дарахт тагидаги ўриндиққа бориб ўтирдим. Миям алғов-далғов эди. На гапирар ва на ўйлар олардим.

Шамол сочларимни ўнгу сўлга тебратарди. Сал нарида, ақли норасо одам ахлатни ковлар, ундан олган қоқларини очиб, ичига қарарди, «Йўқ!» — деб қичқириб уни атрофга улоқтирарди. Қулгили ҳоли бор эди. Эҳтимол, чорасиз эди. Бир муддат ўша одам мендан кўра омадлироқ, деб ўйладим. Шу аҳволида ҳам мендан бахтлироқ эди у. Унинг бор-йўғи икки юмуши бор эди. Қорнини тўйғазиш ва ётарга жой топиш... У қоқларнинг ичидан топган пакетини очди. Пицца қутиси эди бу. Ичидаги бир неча бўлак пицца-ни олиб иштаҳа билан ея бошлади. «Оҳ, жуда мазали экан!» — дерди. «Оҳ, оҳ!» — қўшимча қиларди у.

Шу бугун Айтачим пицца еганди, шу одам еганидек... Кўзим ёшга тўлди. «Айтач» деб алаҳладим. Соғинчим, орадан эндигина бир неча соат ўтган бўлишига қарамай, улкан ҳасратга айланганди. Мен билан ўзини хавфсиз сезганди болагинам. Фарёд ичра: «Энг оғир хиёнатни унга мен қилдим», дея такрорлардим.

Машина юқори тезликда Отатурк аэропортига кириб келарди. Ташвишли ҳолда, олдидаги машиналар йўл бериб, ён томонга силжиши учун чироқларни ўчириб-ёқарди. Шуниси аниқки, у жуда шошилаётганди. Амир жаҳли билан рулга муштларди. Иложи борича тезроқ Айданни топиш ниятида...

Шамол шиддати яна бироз кучайгач, менда қўрқув пайдо бўлди. Тўзиган чанглар орасидан халқаро линияга кириш учун йўл олдим. Эндигина йўлни кесиб ўтаётганда саросимада қолдим. Эшикдан жаҳл билан кириб келаётган Амирга кўзим тушди. Нима иши бор бу ерда унинг! Дарҳол ортга қайтиб, аэропортдан узоқлашдим. Соатга қарасам, аэропорт йўналишида ҳаракатланувчи автобуснинг жўнашига ўн беш дақиқа қолган экан. Дарҳол девор тагига ўтирдим ва кириш томонга қарадим. Амир хавфсизлик хизматчиларига жон-жаҳди билан ниманидир тушунтирарди.

Ички линиялар томон югурдим. Ичкарида яна бир бор хавфсизлик текширувидан ўтдим. Мен ички линиялардан халқаро линияларга югуриб ўтдим. Эндигина халқаро линияларга кирмоқчи эдимки, эълонни эшитиб қолдим.

— Айдан Эроғлу! Сизни халқаро линияларнинг киришида кутяпмиз. Илтимос, шу ерга келинг.

Овозни эшитиб, эълонни Амир берганини англадим. Якуний назоратдан ўтаётиб, халқаро йўналишга кираверишдаги устун орқасидан қарадим. Амир асабий тарзда, қўлини белига қўйганча, турган жойида гир-гир айланарди. Сездирмай юрмоқчи бўлганимда, у мени кўриб қолди. У бор кучи билан бақирди:

— Айдан!

Ўзимни эшитмаганга солиб, юришда давом этдим. Овозини борича қўйиб қичқирарди.

— Айдан!

Кўриқчилар унинг бошида тўпланишди. Соқчилар уни ташқарига олиб чиқар экан, менга қараб турарди. Ўгирилиб, диққат билан тикилдим-да, қўл кўтардим. Бу у билан охирги диалогим бўлиши керак эди. Якуний текширувлар учун навбатда турдим. Беш дақиқадан сўнг ёнимга бир гуруҳ кўриқчилар келди. Улардан бири сўради:

— Айдан хоним.

— Ҳа менман?

— Илтимос, биз билан юринг.

Таажжубланиб уларнинг ортидан эргашдим. Яқин атрофдаги бир хонага кирдик. Хизматчи тўсатдан қўлимдаги чамадонни олди. Кимдир:

— Илтимос, четроқда кутиб туринг, — деди.

Нима бўлаётганини тушунмасдим. Кўриқчи аёл келиб, аввал қурилма билан, кейин эса қўли билан

бутун вужудимни тинтув қилди. Хизматчи аёлдан сўрадим:

— Хоним, тинчликми? Нималар бўляпти?

— Сизда бомба борлиги ҳақида хабар келиб тушди.

Хабарнинг кимдан келганини дарҳол тахмин қилдим.

— Нима? Сиз ҳам ишондингиз, шундайми?

— Хоним, асоссиз бўлса ҳам, бундай эмаслигига ишонч ҳосил қилишимиз керак.

— Лекин бир оздан сўнг самолётим учиб кетади. Мен автобусга ўтиришим керак.

— Хавотирланманг. Агар чамадонингизда муаммо бўлмаса, биз сизни олиб борамиз.

Ҳамма нарсаларимни ерга сочиб, синчиклаб қидиришди. Ҳеч қандай шубҳали ҳолат йўқлигини пайқагач, буюмларимни чамадонга солиб менга қайтаришди. Ёнимга бир эркак қўриқчи келди:

— Айбга буюрмайсиз, сизни безовта қилдик. Аммо бундай шубҳа билан сизни самолётга чиқара олмасдик.

Асабийлашгандим.

— Бўлдимиз?

— Ҳа, кетишингиз мумкин.

Чамадонни олиб, якуний текширувлар учун тезда навбатга турдим. Амир кетишимнинг олдини олиш учун охирги картасини ўйнади, аммо ютқазди. Чипта, паспорт назорати ва автобусга чиқиш...

Самолётга чиқаётиб охирги марта ортимга ўгирилиб Истанбулга боқдим. Она шахримнинг ҳавосидан охирги марта ўпкамни тўлдириб нафас олдим. Эркин ҳаёт кечирганим Истанбулдан асирлик сабаб айрилаётган эдим.

Айтчимни ўзим билан олмай, ота-онамга алвидо деёлмай, саёҳат қувончимни ҳеч ким билан баҳам кўролмай кетаётгандим.

Америкага кетишим тақдиримнинг бир қисми эдими ёки қисмат шартларига қарши менинг исёнимми? Қандай шароитда бўлишидан қатъи назар, ичимда дилгирлик бор эди.

— Амир, Аллоҳ жазоингни берсин! Раббим сени ўзингга яраша ҳукм қилсин. Бу йўлга табассум билан чиқиш ўрнига, кўз ёшлар билан кетяпман. Барбод қилган оилангнинг уволи тутади сени!

Самолётга чиқиб, ўриндиққа ўтирдим. Деразадан ёшли кўзларим билан ташқарини кузатдим. Бир неча дақиқадан сўнг самолёт тўлди. Маҳаллий ва хорижлик юзлаб инсонлар янги умид диёри сари саёҳатга отланаётган эди. Ёнимда Онадўлининг икки яхши инсони ўтирарди. Оғир-оғир ҳаракатланаётган самолёт учиш-қўниш йўлаги бошига келганда, гилдирақларини катта шовқин билан ердан узди. Бир неча сониядан кейин Истанбул оёқ остида қолди. Улкан шаҳарда, Айтчимни охирги марта кўра оламанми, деб пастга қарадим. Бу шунчаки имконсиз истакнинг бесамар уриниши эди. Улкан изтироб ер юзидан са-

мога кўтарилиб борарди. Бир бахтсиз аёл фалакка чиқиб, руҳини ва бор хаёлларини ерда қолдириб кетаётган эди...

Елкамга теккан бармоқлардан ўзимга келдим. Ёнимда ўтирган хола менга нимадир демоқчи бўлди.

— Ҳа, шунақа бўлади, қизим. Юртни тарк этиш осон эмас. Йиғла, йиғла! Енгил тортасан.

Ортга ўгирилдим ва бош ирғаб тасдиқладим. Хола ёнида ўтирган эрига нимадир деди ва менга қаради.

— Биринчи марта чиқяпсанми?

Кейин сумкасини қучиб олган эрига ўгирилди:

— Аллоҳ жонингизни олмасин, Иброҳим! Бошимнинг устига қўйсайдингиз шуни.

Кекса амаки ҳам худди шундай оҳангда жавоб берди.

— Қўйишга жой борми? Бу сумка нимага керак эди? Олма буни дедим. Қачон менга қулоқ солгандинг ўзи?

Хола унга:

— Олинг шуни, тепага қўйинг! — деди ва менга ўгирилди.

— Бу одамнинг бепарволиги чарчатди мени. Жонимни ҳиқилдоғимга келтирганини билсин энди деб жаҳл билан айтяпман. Қаердан ҳам тушунарди мени?

Хола қизишаётганди. Жаҳли чиққан бўлса-да, унинг ғазабиди муҳаббат бор эди. Балки, севгидан иборат эди уларнинг айтишувлари ҳам.

— Аҳволингга қараганда, биринчи марта чиқаётган бўлсанг керак.

— Ҳа, шундай.

— Бундан ўттиз йил аввал, мен ҳам шундай парвозда она диёримни тарк этганман. Сен «яшилчи»-мисан?

Холанинг гапларини тушунмадим.

— Нима дегани бу?

— Яшил карта билан кетяпсанми?

— Ҳа.

— Қоладиган жой, ишни ҳал қилдингми?

— Йўқ!

— Вой ўлай! Нима деганинг бу? Бундай борилмайди-ку. Кайсаридан Истанбулга кетаётганинг йўқ! Ҳеч бир танишинг ҳам йўқдир сенинг?

— Афсуски.

— Ё худойим. Ёмонам қийналасан. Мени айтмади, демагин.

Чуқур нафас олиб, жиддий оҳангда жавоб бердим.

— Худди бу ерда қийналмаяпман-да.

— Тушундим. Сеники кетиш эмас, «суриш» демак.

Хола билан соатлаб суҳбатлашдим. Кейин чарчади, шекилли, хуррак отаётган эрига шерик бўлди. Ухлаб қолди. Ажабо, бу қандай уйқу бўлди! Бир томонда самолёт моторининг шовқини, бошқа томонда эса холамнинг хурраги... Тун ярмида, булутларнинг

устида, қоронгиликка кўмилган самолётда номаълум томонга кетиб боряпман. Ичимда зулат... Ташимда зулат... «Бу нимаси?» дегиси келади инсоннинг. «Сабр бер!» дейишдан бошқа илож йўқ. Ишни тақдирга қолдириб, «Аллоҳим не айласа, гўзал айлар» гапини такрорлаш ягона таскин эди.

Ўзини йўқотиш — аслида, ўзини топа олмасликдир. Яъни қаерда турганингни кўра билмасликдир. Ҳаёт баъзан бир тошқин билан келади. Оқизиб юборади ҳамма нарсани. Баъзи умидлар мана шу тошқинда йўқолади. Баъзилари эса шох-шаббаларга илиниб қолади — узанасан, тутасан. Тутган сари ҳаётга боғланасан. Қалбингда зулатга дарча очилади шу умид билан бирга. Ичингга нур тўлади ва ҳамма нарсани шу нур билан кўра бошлайсан.

Сумкамни ҳар гал текширганимда ўн саккиз ёшим ёдимга келади. Шўх-шодон ўсмирлигим, охирини ўйламай қадам босган ўша кунларим... Ҳали ҳаёт гидирини кўрмаган чоғларим қандай ҳам яхши экан. Ҳаёт учун курашда ўзингни йўқотмаслик қанчалар ёқимли. Кураш оғриқ билан бошланаркан. Ҳақиқий кураш азоб-уқубатларга қарамай, оёқда тик туриш экан. Гарчи бошимдан кечирганларимга ном қўя олмасам ҳам, ҳаёт менга бермоқчи бўлган сабоқни тушунмасам ҳам, биламанки, мен катта синовда эдим.

Уч соатдан кейин ҳамма йўловчи уйқуга кетди. Биргина мен рўйихушлик бермасдим уйқуга. Бир-

гина мен мижжа қоқмасдим. Хола бир зум кўзини очди-да, елкасига бош қўйиб олган эрини нариги тарафга ёнбошлатиб қўйди. Кейин ўгирилиб менга қаради.

— Ухла, қизим, ухла. Бу йўл деразадан қоронгликни томоша қилиш билан тугамайди.

Хола уйкуда давом этди. Бир неча бор ухлашга уриндим. Охир-оқибат, бир пайт кўзим илинибди.

Кенг чуқурнинг ичида эдим. Ёнимда Айтач: «Ойи, мени бу ердан олиб чиқинг», дерди. Атрофдан эса қоя бўлаклари, ҳарсанг ва тупроқ сочиларди. Гўё ер бизни ютиб юбормоқчидек эди. Айтачнинг овози тобора кучайиб борарди: «Ойи, илтимос, мени бу ердан олиб чиқинг!» Шунда улкан бир тош думалаб, Айтачни бошиб қолди. Кичкинтой жони оғриётганидан йиғлар, «Илтимос, мени қутқаринг!», деб фарёд чекарди.

Мен эндигина қўл узатиб, тошни олиб ташламоқчи бўлганимда, холанинг енгил турткисидан уйғониб кетдим.

— Қизим, яхшимисан?

Самолётдаги аксар одамлар уйғонган, менга ўқрайиб қарашаётганди. Атрофга шошиб алангладим, лекин Айтач кўринмади. Туш эди. Хола ярим қолган гапини давом эттирди.

— Қўрқинчли туш кўрдинг, чоғи. Қичқиригинг самолётни ингротиб юборди.

— Балки.

— Мана, шарофатинг билан уйқудан ҳам қолдик.

— Узр сўрайман. Ростдан...

— Қўрқинчли тушлар шундай: замонию мақо-ни йўқ. Сенинг қўлингда бўлмаган иш учун кечирим сўрама. Ёмон туш ортда қолди. Уйқу ўчди. Кел, гаплашиб кетамиз.

Хола билан яна анча суҳбатлашдик. У Кайсаридаги камбағал қишлоқдан чиқиб, Флоридада ҳаёт бошлагани, Америкада бошидан кечирганлари, америкаликларнинг туркларга қандай қараши ҳақида сўзлаб берди. У ниҳоятда қимматли бу маълумотларга ўзининг содда тили билан зеб берарди. Суҳбат орасида ичида сақлаган сирларини ҳам айтди.

— Қара, қизим, у ерларда иш топаман, деб ўзбошимчалик қилиб чиқиб кетиб бўлмайди. Худо асрасин, чорасиз қолганингда ёрдам топа олмайсан. Америкаликлар туркларга ўхшамайди. Худо ҳаққи, қўлингдан тутмайдилар. Агар қабул қилсанг, сени ўзим яшайдиган тупроқларга олиб бораман. Агар сен Мяккага боришни истасанг, айни сенбоп иш бор. Сен учун буни ҳал қила оламан.

Холанинг таклифидан ичим ёришди. Бу мен Америкада яшашим мумкин бўлган мавҳум кунларнинг тугашини англатарди. Ҳаяжон билан:

— Агар шундай қилсангиз, умримнинг охиригача сиз учун дуода бўламан, — дедим.

— Эҳ, унда нима бўларди, қизим, қул ўз насибини яшайди. Агар тақдирингда бўлса, бизга сабабчи бўлиш қолади, холос.

Хола билан суҳбат давом этар экан, самолётимиз ёнидаги қуйиш учун Англияга қўнди. Бир неча соат кутиб тургач, охирги бекаат — Маями томон йўл олдик. Узоқ парвоздан сўнг Маямига қўндик. Туғилиб ўсган мамлакатимдан бунчалик узоқда бўлиш, чет элга биринчи марта чиққанимданми, мени чўчитарди. Ортга қайтиб бўлмас юртга келгандек ҳис қилдим ўзимни.

Аэропортга қўнгач, ходимлар ёрдами билан иммиграция идорасига кирдик. Хола ва амаки, соатлаб текширишларга қарамай, мени ҳеч ёлғиз қўйишмади. Уларнинг соясида, ётиб қоладиган бир манзилни масъулларга айтдим. Қийинчилик билан кечган расмийлаштириш ишлари тугагач, аэропортдан автобусга ўтириб, Мякка шаҳри томон йўл олдик. Автобусда танимаган, ўзимга ўхшамаган ўнлаб одамлар билан биринчи марта бирга юришнинг ноқулайлигини бошдан кечираётгандим.

Холанинг исми Гулшан эди. Хотинини бир кун ҳам тарк этмаган амакининг исми эса Иброҳим. Гулшан хола мен бошдан кечираётган бу ғалати руҳий ҳолатни жуда яхши биларди. Тажрибаси, кўпни кўрганидан эди бу. Суҳбати билан мени юпатарди.

— Америкача талаффуз бироз бошқача. Шунинг учун ҳам исмингни доим нотўғри айтишади. Ҳам бироз ўзлари истагандек чақиритишни хоҳлашади. Шунда нега менга бундай дейишяпти, деб ўзингни ёмон ҳис қилма. Қўшниларим мени «Гулсе» дейишади. Гулшан

деб сўрасанг, танимайдилар. Уларга Гулсе дейсан. Иброҳимни «Абраҳам» дейишади. Балки, сенинг исминг ҳам ўзгарар. Ўз тилларига мос ном билан атайдилар ва сен ўз исмингни унутасан. Америкалик бўлишнинг биринчи шарти шу. Ҳар ҳолда, биз бун шундай кўрдик. Бошқа штатларда вазият фарқли бўлиши мумкин. Буни ассимиляция ёки мослашиш, деб аташинг мумкин. Бу қаердан қарашингга боғлиқ... Мунтазам ҳаёт тарзини истасанг, мослашасан.

Гулшан холанинг гапларидан ҳайрон бўлдим. Кайсаридоги кичик бир қишлоқдан чиқиб, минглаб километр узоқликда янги ҳаёт бошлашга муваффақ бўлишлари катта жасорат талаб қиларди. Улар бунга эришдилар. Қаршимда Америка маданиятини жуда яхши биладиган профессор бор эди гўё. Профессор Гулшан хола Америка дарсларини давом эттирди.

— Мякка жуда гўзал шаҳар. Табиати мукамал. Бирор кун тонг саҳарда уй олдидаги чиқинди қутисини ковлаётган айиқни кўрсанг, ҳайрон бўлма. Азизим, Туркияда бундай нарсалар бўлмайди. Ўнлаб катта ва кичик кўллар бор Мяккада. Ёз келганда, ҳар бир кўл бўйида чодир қураётган одамларни кўрасан. Бири балиқ тутади, бирлари ичкилик ичади. Шаҳар ташқарисидаги сокин жойга боряпмиз. От фермалари, кўй, сигир фермалари кўп. Биз Иброҳим билан, туркча айтганда, ферма бошқарувчисимиз. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари Туркиядагига жуда ўхшаш. Гўзал қулупнай далаларини кўрасан. Бу ерда фермер-

лик Туркиядагидек эмас. Ҳамма нарса машиналар томонидан амалга оширилади.

— Қизиқиб қолдим. Биз борадиган жойда сиздан бошқа турклар ҳам борми?

— Бордир, балки. Дунёнинг қаерига борма, шубҳасиз, бир туркни топасан. Аммо биз Мяккада дуч келмадик. Биз кўпинча фермада бўламиз. Кўчага чиққанимизда ҳам дўконга борамиз холос. Яъни турк миллатига мансуб одамни ахтаришга вақтимиз бўлмаган.

Сухбат тугаб қолди. Мен автобус ойнасидан ташқарини томоша қила бошладим. Маямидаги улкан осмонўпар бинолар ўз ўрнини якка тартибдаги мухташам уйларга бўшатиб берди. Табиат қўйнига қўнган, ниҳоятда замонавий уйлар... Ҳеч ким яшамайдигандек сокин кўчалар... Мяккага тўғри кетяпмиз — тақдирим олиб бораётган ерга... Унинг учун туғилган тупроғимни тарк этган жойга... Гулшан хола Сарасото университетиде ишлайдиган профессорнинг кичкина набирасига энагалик қилишим мумкинлигини айтарди. Тоза қалбли ва яхши ниятли оила эканини, у ерда ўзим учун гўзал бир дунё ярата олишимни тушунтирарди. Ўз фарзандини ташлаб кетган аёлнинг бировнинг боласига энагалик қилиши қанчалик тўғри бўларди? Улар юрагимни ёндирган бу ҳикояни билишмасди. Анча вақтгача, азоб-уқубат тўла воқеани ҳеч кимга айтмоқчи эмас эдим. Ҳозирча

қабул қилган қарорим шундай эди. Сумкамни очиб, телефонимни олганимда Гулшан хола жилмайиб:

— Бу энди чиқинди, ишлатиладиган қурилма эмас! — деди. Ҳақиқатан ҳам телефонимда сигнал йўқ эди. У менга Туркия билан боғлана оладиган янги телефон олишимни ва суҳбатларни кўпроқ ижтимоий тармоқларда ўтказишимни тушунтирди. Унинг таъкидлашича, бу усул арзонроқ ва самаралироқ экан. Ниҳоят, тўрт соатлик йўл ортада қолди. Автобусдан тушганимда қуёш ботиб бораётганди. Чамадонни олиб, ҳамроҳларимнинг ортидан эргашдим.

Нотаниш ерларда етимлик дегани шундай бўлса керак. Ҳар бир нарсаси бегона юрт... Ҳавоси ва суви ўзгача мамлакат... Ўзимни айблар эдим. «Нега бундай хом орзунинг ортидан қувдинг?» дердим. Мен билган ягона нарса — кучли бўлишим кераклиги эди. Агар кучли бўлсам, янги ҳаёт қуришим мумкин. «Сувдан чиққан балиқ психологияси» маълум пайтгача давом этишини тушуниб турардим, албатта.

Биз сербар ва баҳайбат дарахтлар билан ўралган йўлда кетаётгандик. Денгиз нафаси сезилиб турадиган бу масканда илиқ ва намхуш ҳаво оқшом устини кўрпадек ўраганди. Шундоққина ёнимиздан икки ёш ўсмир отда ўтиб кетди. Яна бир оз юрганимиздан сўнг рўпарамиздан катта ферма чиқди. Атрофи йўғон темир панжаралар билан ўралган катта оғилда отлар кишнаб турарди. Иброҳим отларни кўриб бақирди.

— Гайла! Қизим, қаердасан?

Фермада айланиб юрган отлардан бири ажралиб, овоз чиққан томонга чопиб келди. Эсанкираганча, турган жойимда қотиб қолдим. Амаки худди уй итини чақиргандек тутарди ўзини. Қўлидаги сумкасини ташлаб, оғилхона панжаралари томон кетди. Дунёнинг гўзал оти Иброҳим амакига бўлган соғинчини изҳор қилгандек шодликдан ирғишларди. Иброҳим амаки отнинг бошини силади. Сўнг ферма томон юришда давом этдик. Гайла ҳам оғилхона ичида биз билан тенг юриб борарди.

Ўн икки ёшлардаги икки бола — бир қиз ва бир ўғил югуриб олдимизга келишди. Гулшан хола уларни қучоқлаб олди.

— Никол, Элли! Яхшимисиз, болалар?

Болалар, Гулшан холанинг қўлидаги сумкаларни олишди. Хола инглизчада мендан кўра яхшироқ гаплашарди. Болалар, менга ишора қилиб, унга нималардир дейишди. Хола уларнинг сочларини силаб, меҳрибонлик билан жилмайди. Биргаликда катта бир уйнинг олдига келдик. Туркиядан келган бу икки яхши инсон ферма эгаларидан ҳол сўрашди. Тик оёқда кечган бир неча дақиқалик суҳбатдан сўнг нарироқдаги дарахтлар орасида жойлашган кичкина ёзги уйга кирдик. Бу ер икки кекса туркнинг Америкадаги ҳаётига гувоҳ уй эди. Оилаларидан, мамлакатларидан узоқ бу жой уларнинг бошпаналари эди. Бу ерда кимгадир хизмат қилиш учун шахсий ҳаётларини четга суриб, кечаю кундуз ишлардилар. Уйнинг

кириш эшиги ёнида иккита эгар ва ҳайвон еми тўлдирилган челақлар бор эди. Иброҳим амаки қўшни хонага кириб кийимларини алмаштирди. Чанг ва кир кийимлар билан ичкарига кирган эди, Гулшан хола-нинг гаши келди:

— Ҳа-а, энди ўзингизни топдингиз!

— Худого шукур, топдим. Етиб келган бўлсак, демак, иш вақти бошланди. Яхшиси, бориб ҳайвонларга бироз ем бераман. Эртага Жаноб Роско оға сўраши аниқ.

— Билганингизни қилинг! Мен қизим билан мазали кечки овқат тайёрлайман.

— Яхши бўларди. Йўл очиқтириб юборди. Алясканинг бўриларидек очман.

Гулшан хола билан кичкинагина ошхонага кириб, музлатгичдан нима топсак, столга қўйдик. Ичимдаги туйғуларга моне бўлолмасдим. Уларнинг умри шу кичкина кулбада ўтарди. Россонинг уйи деярли сарой бўлса-да, бу қўшимча уй анча кўримсиз эди.

— Хола, бу ерни қандай топдингиз?

— Худди сендек.

— Қанақасига?

— Бир танишимиз таклиф қилди. Флоридада йирик фермер хўжаликлари борлигини ва у ерда осонгина иш топиш мумкинлигини айтди. У айтган манзилга келдик. Топдик. Сенга ёқдими?

— Мякка гўзал. Ўзим денгиз ҳавосини ёқтираман. Мени безовта қиладиган ягона нарса — бутун

умрни бир фермада ўтказиш... Бу бироз зерикарли туюлади.

Гулшан хола кулиб юборди.

— Сен тупроқ ва чанг тўзиб ётган, қоринтўйди-га ишланадиган фақир қишлоқдан келганингда эди, бундай ўйламасдинг. Яхши ишимиз, еримиз бўлса, мен бу ерда нима қилиб юардим? Тақдир бу...

— Менимча, сиз ҳақсиз.

— Инсон хоҳласа, саҳрони жаннатга айлантиради. Ёки жаннатни саҳрога... Сен ҳали жуда ёшсан; юрагингга сиғдирсанг, бу ерларда яшаб кета олишинг мумкин. Акс ҳолда, азият чекасан. Менимча, сен кўникишга ҳаракат қилишинг керак.

Ярим соат ичида одатда нонуштада тановул қилинадиган егуликлар билан дастурхон тузатдик. Иброҳим амаки кийимларини алмаштириб дастурхонга бошига ўтди. Ундан отнинг ҳиди келарди. Холанинг жаҳли чиқди.

— Худо жонингизни олмасин! Нега бундай кир-япсиз? Хонани оғилхонага айлантирдингиз.

Бу кимсасиз юртда биргаликдаги илк кечки овқатимиз бўлди. Иброҳим амаки жаноб Россо мен ҳақимда сўраганини айтди.

— Жаноб Россо сени сўради. «Бу қиз ким?» деди. Хола аралашди.

— Кўзларидан ҳеч нарса қочмайди. Меҳмонимиз десангиз эди.

— Шунақа дедим. «Муаммо йўқ, муаммо йўқ!» деди. Айтганча... — деди ва қўлини чўнтагига солиб телефонини олди. Рақамлар рўйхатидан қийналиб топган рақамига қўнғироқ қилди.

— Даниел, нима янгиликлар?

— ...

— Уйдамысан? Кўлнинг бўйидамысан?

— ...

— Шу бизнинг Марко Бей набирасига энага топдим?

— ...

— Яхши! Севиндим... Агар эртага бўш бўлса, Марко Бейнинг олдига борайлик. Мен унга Туркиядан олий тоифадаги энага олиб келдим.

— ...

— Йўқ, дўстим. У грин карта билан келди. Бизда ундай нарсалар йўқ.

— ...

— Хавотирланма. Майли, эртага учрашамиз.

Телефонни ўчирди. Кулимсираб менга қаради.

— Кўзинг ойдин сенинг. Марко Бей энага топа олмабди. Аллоҳ насиб қилса, бу иш сеники...

Икки ажойиб инсоннинг қилган ишлари олдида жуда хижолат тортдим.

— Сиздан қанчалар миннатдорлигимни тушунтириб беролмайман. Сиз бир ота-она қилмайдиган ишни қилдингиз.

Гулшан хола орага қўшилди, қўлимдан тутиб:

— Бундай дема, қизим. Елкамизда ташидикми? Насибанг сеники, бизники сабабчи бўлиш...

— Аэропортда икки-уч соат кутдингиз. Уйингизни баҳам кўрдингиз. Ўрнингизда мен бўлсам, шундай қилармидим, билмайман.

— Майли, қизим, буларни қилиш учун инсон бўлиш кифоя. Ёмон бўлдимиз? Мяккага яна бир туркни олиб келдик. Келиб-кетадиган яна бир манзилимиз кўпайди.

Ўша оқшом улар менга юқори қаватдан кичкина хона ажратиб беришди. Хонадан айна пайтда омбор сифатида фойдаланиларди. Бир чеккада йиғилган кўрпаларни ерга ёйиб, тўшак солдилар. Хонанинг катта деразаси бор эди. Туннинг хира чироқлари дарахт шохлари билан бирга чайқаларди. Отнинг кишнаши, итларнинг вовуллаши, бойқуш овози эшитилиб турадиган, ҳеч одатланмаган бир оқшомни ўтказаётгандим. Деразани очганимда ичкарига салқин денгиз ҳавоси кирди. Менга жуда ёқди. Тўшакка ётиб, тебранаётган дарахтларни деразадан томоша қила бошладим. Юлдузлар дарахтлар орасида бир кўриниб, бир ғойиб бўларди. Шу алфозда чарчоқдан ухлаб қолибман.

От кишнаши овозидан уйғондим-у, сапчиб ўрнимдан турдим. Деразадан ташқарига қараганимда, Россо ва яна бир тўп эркаклар оғилдан олиб чиқилган отларга эгар тақишарди. Ҳаммаси худди ковбойдек кийинган эди. Елкаларига осиб олган мил-

тиқларидан ов зиёфатига кетаётганликлари маълум эди. «Зиёфат» сўзи бу ерда жуда машхур экан. Улар уюштирган ҳар бир тадбирга зиёфат сифатида қарашади. Сузишга бир нечта машғулотларни қўшишади ва буни «ҳовуз зиёфати» деб аташади. Туғилган кунларга ҳам «зиёфат» деб қарашади.

Россо ва унинг одамлари отларни эгарлаб жўнаб кетишди. Пастдан қизартирилган картошканинг мазали ҳиди келаётганди. Дарҳол уст-бошимни алмаштириш учун чамадонни очдим. Кийимларим орасидан Айтачнинг кичкина футболкаси чиқди. Қўлларим қалтираб, кўзимдан ёш тирқиради. Қилган виждонсизлигим бир томонда-ю, унга бўлган соғинчим бир томонда, иккиси ҳам оғир ва залворли эди! Ҳозир Туркияда бўлганимда, ниманинг эвазига бўлса ҳам, уни ҳеч қачон тарк этмасдим. Изтироб билан айтаётган пушаймонлигим учун жуда кеч эди. Бечора ўғлим, ким билади, ҳозир қаерда, кимнинг ёнида. Аллоҳдан ягона тилагим унинг бахтли бир оилада бўлиши эди. Шу хаёллар билан кийиндим. Айтачнинг футболкасини чамадонга жойладим. Бу футболка ундан қолган ягона хотира, асло йўқотмайдиган ягона нарсам эди.

Чамадонимни ёпиб, пастга тушдим. Гулшан хола жуда чиройли нонушта дастурхони тайёрлаганди. Ёнига бордим.

— Хола, айтсангиз эди, ёрдам берардим.

— Қандай ухлаётганингни бир кўрсайдинг, сен ҳам ўзингни безовта қилмасдинг. Шундай чуқур уй-қуда эдингки, кўзим қиймади.

— Мени яна уялтирдингиз.

— Икки гапнинг бирида уялганингни айтаверма. Хотиржам бўл.

Олдига бориб қучоқладим. Ундан онанинг ҳиди келди. Бу ерда мен топа олмайдиган ҳид эди бу.

Иброҳим амаки атрофда кўринмасди. Ҳойнаҳой, ҳайвонлар билан бирга эди. Бир неча дақиқадан сўнг у келиши билан нонушта қилдик. Кейин ҳаммамиз биргаликда профессор Марконинг уйи томон юра йўл олдик. Мяккани ёрқин қуёш нурида биринчи марта кўришим. Дарҳақиқат, Гулшан хола айтганидек, бу ер жуда чиройли жой экан. Дарахтлар орасидан ўтиб, кичик кўл бўйидан юрдик. Иброҳим амаки Марко ҳақида билганларини айтиб берди.

— Марко жуда интизомли одам. Саҳардаёқ уйғонади. Нонушта қилиб, Сарасотага — университетга кетади. Уйга оқшом қайтади. Баъзан хонасида тунги иккиларгача тадқиқот иши билан шуғулланади. Ортиқча гапирмайди. Такаббурликни сираям ёқтирмайди. Шовқинни ёмон кўради. Қизи вафот этгач, набирасига ғамхўрлик қилишга мажбур бўлди. Унинг ҳаётдаги ягона борлиғи — набираси. Яхши тарбиялаш учун кўлидан келганини қилади.

Қизиқиб сўрадим:

— Бунча маълумотни билишингизга қараганда, уни жуда яхши танийсиз, шекилли.

Гулшан хола кулиб, гапга аралашди:

— Бу ерга келганимиздан бери ҳафтада бир марта унинг уйини тозалаш учун борамиз. Албатта, доимий келиб кетгач, инсон кўради, эшитади, билади.

Эшитганларимдан мамнун бўлдим.

— Энди, Худо насиб этса, ўша уйда энагалик қилсам, сиз билан ҳам ишлаш имкониятим бўлади, тўғрими?

Гулшан хола жилмайиб қўйди. Бир оз ҳиссий оҳангда:

— Сўнгги пайтларда ўзимни бироз чарчагандек ҳис қиляпман. Балки, тозаликни тўхтатарман, — деди. Мен ҳаяжон билан жавоб бердим:

— Холажон, келинг, мен ёрдам бераман.

Хола кулимсираб қўйди. Иброҳим амакининг ҳаёлига бир нарса келди, шекилли, деди:

— Сўрашни унутибман. Сен инглизчани биласан-а?

— Ҳа, амаки.

— Яхши. Чунки жаноб Марко инглиз тилини билмайдиган одамга бола қаратмайди.

Ям-яшил ўтлар тизза бўйи ўсган. Теварак-атрофдан қушларнинг мен биринчи марта эшитаётган овози келарди. Катта буғдойзор ёнидан ўтдик. Буталар орасидан комбинезон кийган одам қўлида чалғи билан чиқиб келди. Уст-бошига ўт-ўлан ёпишган кек-

са киши эди. Уни кўриб бирдан сесканиб кетдим. Иброҳим амаки, аксинча, севинди. Ёнига борди. Улар қучоқлашишди.

— Даниел, дўстим, яхшимисан?

— Оо, Абраҳам. Космосга учган ракетага ўхшайсан. Бир кетганингни кўрдим, бир қайтганингни... Кўринишинг зўр. Юртингга бориш ёқибди. Юзингга қизил югурибди.

— Нима қилипсан?

— Профессор кўл бўйида сайр қилаётганда, анави ўсиб кетган ўтлар уни безовта қилади. «Ўтларнинг орасида илон, ҳашарот бўлади», дейди. Чалғи билан ўтларни ўрдим.

— Яхши қилибсан.

Даниел ўгирилиб, менга қаради. Кейин Иброҳим амакига юзланди.

— Сен айтган қиз шу бўлса керак.

— Ҳа.

— Марко қўпол одам. Умид қиламанки, муаммо чиқмайди.

У билан бирга кўл ёнида жойлашган, чорбоғли катта оқ уй олдига келдик. Даниел қўлидаги чалғини бир четга қўйиб, Иброҳим амаки билан бизга юзланди.

— Сиз сўрида кутинг. Мен бориб, олдиндан огоҳлантирай. Ўйинни қоидасига кўра ўйнайлик. Имкониятимизни қўлдан бой бермайлик.

Даниел эгнидаги комбинезонини ечди. Ҳовли саҳнидаги фаввора ёнида сочини тузатиб, ичкарига

кириб кетди. Уй икки қаватли саройдек эди. На бир инсон зоти кўринар ва на бир сас-садо эшитиларди. Гўё арвоҳлар қароргоҳига ўхшарди. Бу уй профессор ва унинг набираси учун жуда катта эди. Айтиб ўтганларидек, Марко Бей жуда қаттиққўл ва тартибли инсон. Бу ҳолат менинг имкониятларимни камайтирарди. Биз сўрига етиб келдик ва ўриндиқларга ўтирдик. Ярим соатдан кейин ҳам Даниел кўринмади. Ниҳоят, эшикдан унинг қораси кўринди. Даниел ўзига ўзи гапириб келарди. Жаҳли чиққани унинг ҳар бир ҳаракатидан сезилиб турарди. «Мен неча марта айтдим. Бунга яхшилик қилганнинг ўзи аҳмоқ!» — деб ғўлдирарди у. Ёнимизга келди. Асабий бир алфозда:

— Абраҳам дўстим, Марко Нуҳ деди, пайғамбар демади. Чолга айтмаган гапим қолмади. Бўлмайди дедимми, бўлмайди, деяпти, — деди.

Даниел рад жавобини олгани аниқ эди. Бу орада иккинчи қаватда оппоқ сочли, оқ ва узун соқолли, оқ костюм кийган бир чол бизга диққат билан тикилиб турарди. Жуда жиддий одам эканлиги билиниб турарди. У қўлларини чўнтагига солиб, шунчаки разм солаётгандек эди. Бир лаҳза кўзларимиз тўқнашганини ҳис қилдим. Даниел Иброҳим амаки ва Гулшан холага афсусда эканлигини таъкидларди.

Ўрнимиздан туриб, изимизга қайтдик. Бир неча қадам ташлаган эдик ҳамки, ортимиздан овоз келди. Оқ костюм кийган чол балкондан чақирди.

— Даниел!

Даниел ортига ўгирилиб, балкон томон юрди.

— Эшитаман, профессор.

Балкондаги кекса одам паст овозда нимадир деди. Кейин Даниел шитоб билан биз томон кела бошлади. Кулиб тутарди. Менга қараб:

— Йўлинг очиқ экан — у Нухни пайғамбар деди. Марко сен билан бир гаплашмоқчи, — деди.

Даниел ва Иброҳим амаки ўриндиқ томонга, мен эса уй эшигига қараб юрдим. Остона ҳатлаганимда бирдан ҳаяжон босди. Гулшан холаларга юк бўлмаслик учун бу имкониятдан унумли фойдаланишим керак эди. Ичкарига кирганимда қаршимда жуда баланд ва кенг меҳмонхона турарди. Юқорига олиб чиқадиган сербар зинапоя. Поллар муз йўлагидек ярқираб турарди. Профессор Марко индамай зинадан тушиб, мени катта хонага таклиф қилди. Ўзи биринчи бўлиб кирди. Мен эса кетидан эргашдим. Хонанинг ўртасида каттагина стол. Девордан деворга уланиб кетган китоб жавони хонани қуршаб турарди. Бу кутубхона эди. Марко Бей қўли билан стул томон ишора қилди. Ўтирдим. Сочи соқолига қўшилиб кетган бу одам менга диққат билан — киприк қоқмай қараб турарди. Нигоҳларидан маъно тополмадим, лекин таъсирланганини сездим.

— Грин карта билан келдингми? — деди.

— Ҳа.

— Ёшинг нечада?

— Йигирма икки.

Марко Бей жимгина ўрнидан турди. У дераза олдига бориб, ташқарига қаради. Кўзларига ёш тўлгандек эди. Кейин менга ўгирилиб, яна диққат билан қаради.

— Истаган вақтингда бошлашинг мумкин.

Мен англаёлмадим.

— Кечирасиз, тушунмадим? Яъни мен ишга олиндимми?

Бир оғиз сўз билан «Ҳа», деди.

Хурсанд бўлиб ташқарига йўналдим. Уй эшигидан чиққанимда, Гулшан хола, Иброҳим амаки ва Даниел ҳайрат билан менга қараб туришарди. Уларнинг олдига бориб, хурсандчилик билан «Мен ишга олиндим!» дедим. Ҳамма таажжубланди. Даниел ажабланиб деди:

— Бу қандай содир бўлди? Чолдан сен билан гаплашиб кўришини ярим соат илтимос қилдим. Сен эса ўн дақиқада иш масаласини ҳал этдинг-қўйдинг.

Гулшан хола ҳам ҳайрон қолди.

— Ишониб бўлмайди. У сендан нимани сўради?

— Ҳеч нарса.

— Исмингни ҳам сўрамасдан?

— Ҳа.

— Биз тозалаш иши учун уйини кўришга келганимизда, унинг қарор қабул қилиши икки ҳафтага сурилганди.

Мен ҳам камида уларчалик ҳайратда эдим. Ҳаммаси тугади, деганимда ишга қабул қилинганим катта мўъжиза эди.

Яна ҳаммамиз кўл бўйидан Гулшан холаларнинг бошпанаси жойлашган ферма томон юра бошладик. Даниел йўлнинг ярмида биздан айрилди. Ўзим билмаган ҳолда бошимдан кечирган бу энгиллик охириги пайтларда кулгини унутган юзимга табассум югуртирди.

Фермага келганимизда тушлик вақти бўлган эди. Кулбага бориб, чамадонимни олдим. Кейин мени ота-она меҳри билан ҳимоя қилган бу икки ажойиб инсон билан хайрлашдим. Улардан қанчалик миннатдор эканлигимни сўз билан ифодалаб бўлмасди.

— Кулоқ сол, қизим, — деди Гулшан хола. — Бу ақлдан озган чол билан фарзандимиз бўлмади. Болали бўлиш жуда катта бахт... Биз ҳам сени жуда яхши кўриб қолдик. Сени ўз қизимиздек қабул қилдик. Қачон кўришни истасанг, чиқиб келавер. Биз ҳам ҳар якшанба куни тозалов учун сенинг ёнингга борамиз.

Улардан ажралаётганимда йиғлаб юбордим. Чўлда қолган одамнинг топган суви қанчалик қадрли бўлса, улар ҳам мен учун бу бегона юртда шунчалик қадрли эди. Америкага янги ҳаёт учун келганларнинг энг омаддиси, балки, мен эдим. Ишларимнинг бунчалик тез йўлга тушиши мўъжиза бўлиб туюларди. Раббим, қилган катта гуноҳимга қарамай, менга ёрдам берарди.

У ердан чиқиб, тўғри профессор Марко Бейнинг уйи томон йўл олдим. Чамадоним оғирлигидан чарчаб қолдим. Буғдойзор билан кўл ўртасидаги дарахт соясига ўтирдим. Тинкам қуриганди. Боз устига, руҳимда кўзгалган фарзанд доғи титратарди мени. «Кошки», дедим ўз-ўзимга. «Кошки, Айтачимни ҳам ўзим билан олиб келган бўлсам». У ёнимдалигидан қанчалар бахтли эдим. Дунё шундай жой экан. Ҳар томонлама мукамал яшаш мумкин эмас бу ҳаётда. Ҳар доим нимадир кам бўлади, ҳар доим ярим қолган ҳис-туйғулар қуршовида ўзини йўқотади инсон. Бойлик беради Яратган, ёнига бир хасталик қўшади. Соғлик беради, қашшоқлик заҳматиға йўлиқтиради. Бу ярим дунёда бутун бахтга эришиш мумкин эмас. Ҳар бир жон ўзига яраша муаммо билан курашади. Фурсатини топган одам қачондир бахтга эришади. Эҳтимол, энг муҳими ҳаётни оғриқлар ичида ҳам яшай билишдир. Асосийси, дардга қарамай кўла олиш, юрак санчиқларига қарамай табассум қилиш...

Албатта, бу сирни билиш осон эмас. Уни англашга азоблар билангина эришиш мумкин. Мен ҳам азоб чекар, чеккан азобларим сабаб эса кўп нарсани англадим.

Ярим соатдан сўнг Марко Бейнинг уйи олдига келдим, теварақда ҳеч ким кўринмасди. Қўлимдаги чамадон ўт-ўланларга ишқаланганидан ям-яшил тусга кирганди. Остонага яқинлашганимда эшик бирдан очилди. Ичкарида кимдир мени кутиб ту-

рибди, деган хаёлга бордим. Эшик ортида ҳеч ким йўқ эди. Ичкарига кириб атрофга қарадим. Ҳеч ким кўринмагач, чақирдим:

— Жаноб Марко!

Бир неча бор такрорлашимга қарамай, Марко Бей жавоб бермади. Чамадонни бир четга қўйиб, у билан иш суҳбати бўлган хонага кирдим. У ерда ҳам ҳеч ким йўқ эди. «Профессор», деб яна чақирдим. Жавоб бўлмади. Меҳмонхонага қайтиб, кута бошладим. Ярим соатдан сўнг юқоридаги зинапоядан қадам товушлари эшитилди. Қарасам, Марко Бей қўлларини сочиқ билан артиб, пастга тушяпти. Ўрнимдан туриб, унга юзландим.

— Ортимдан юр, — деди у.

Чамадонни олиб, Марко Бейга эргашдим. Залнинг ўртасидан юриб, йўлак бўйлаб одимлади. Бурчақдаги хонани очди. Четроқда туриб менга:

— Шу ер — сенинг хонанг, — деди. — Нарсала-рингни жойлаштир. Кейин менга учра.

Марко Бей яна юқори қаватга чиқиб кетди. Хонага кирдим. Жуда катта ва озода хона. Девор бўйлаб жавон, хонанинг деразаси ёнида эса тоза ётоқ бор эди. Катта дераза ям-яшил дарахтлар ва кўл томонга қараб очиларди. Дераза олдига бориб ташқарига кўз ташладим. Ердан тахминан тўрт метр баландликда экан. Эшик ёнидаги деворда LCD телевизор турарди. Хонанинг бир бурчагидаги эшик эътиборимни тортди. Қизиқиб, уни очдим. Ичкарида ҳаммом ва ҳожат-

хона бор экан. Чамадондан кийимларимни олиб, жавонларга жойлай бошладим.

Ҳайҳотдай бу уйда ўлик сукунат ҳукм сурарди. Ҳатто тик этган овоз ҳам йўқ.

Уст-бошимни алмаштириб, душ қабул қилдим. Жисмоний ва руҳий чарчоқ елкамдан зилдай босиб турарди. Ухлаб қолибман. Кимдир эшикни тақиллатганини сездим. Тезда кийиниб, эшикка қарадим. Эллик беш ёшлардаги бир аёл экан. Мени кўриб, негадир чўчиб кетди. Анча қараб тургандан кейин, дудқланиб:

— Ке-ке-кечки овқат тайёр, — деди ва кетди.

Мен хонадан чиқиб, залга бордим. Уй ташқарисидан аёл овози эшитилди.

— Бу ёққа чиқ!

Ташқарига чиқдим. Улкан дарахт остида кенгинан сўри бор эди. Узоқдан қараганда, сўри худди кўл юзасида тургандек кўринарди. Яқинлашдим. Америка услубидаги дастурхон таомлар билан тўлдирилганди. Марко Бей столнинг бир бурчагида ўтириб, шўрва ичарди. Бир марта бўлсин, бошини кўтариб қарамади. Овқат тайёрлаган хоним косаларга шўрва қуяр, ора-сира менга зимдан қараб қўярди.

Бундай қулай шароит мени қўрқитарди. Туш кўраётгандек ҳис қилдим ўзимни. Уйғонаман ва ҳаммаси тугайди... Эски бир фабрикада материал сараловчи ишчи бўламан, деб ўйлар эдим доим.

Аёл олдин ўзини, кейин эса таомларни таништирди.

— Авваламбор, менинг исмим Барбара. Бу қўзиқорин шўрва... Бемалол ичишинг мумкин.

— Раҳмат.

— Гўшти таомларимиздан ҳам тортинмай е. Марко Бей чўчқа гўштини ёқтирмайди.

Ҳайронлигим чўққига чиққанди. Буларнинг бари ҳақиқат бўлиши мумкин эмас, деб ўйлардим. Стулга ўтиришни унутиб, қоққан қозикдай тек қотиб, ўтиришни унутибман. Марко Бей менга қараб, қўли билан стулга ишора қилди. Хижолат билан ўтирдим. Шўрвани иштаҳа билан ичдим. Гўёки кино ичида эдим. «Фильм тугамасин!» дердим ўз-ўзимга. Овқатдан кейин Марко Бей жимгина ўз хонасига кетди. Дастурхонни йиғиштиришга ёрдам бермоқчи бўлгандим, Барбара жаҳд билан ликопчаларни қўлимдан тортиб олди.

— Бер, мен қиламан. Сен ўз ишинг билан шуғуллан!

Мен шошиб қолдим. Ниманидир нотўғри қилдим, шекилли, деб ўйладим. Барбара ликопчаларни олиб уй томон йўргалаб кетди.

Мен кўл қирғоғида сайр қилдим. Ёнида кичик қайиқ турган кўприкка чиқдим. Манзара, бир сўз билан айтганда, ниҳоятда улуғвор эди. Профессор жуда бадавлат одам. Бундай салтанат учун бошқа изоҳ бўлиши мумкин эмас. Мен — виждонсиз бир она — ҳеч

лойиқ бўлмаган ҳаёт тарзига ўтган эдим. Қисқаси, нақ жаннатда эдим. Ўнлаб жумбоқларга эга бўлган, мен ҳатто номлай олмаган жараён эди бу. Энага эмас, уйнинг ҳурматли меҳмонидай ҳис қилардим ўзимни.

Ишни бошлашим айтилган бўлса ҳам, мен энагалик қиладиган бола ҳеч кўринмасди. Неча ёшда, ўғилми, қизми? Булар мен жавобини билмайдиган навбатдаги саволлар эди. Балки, яна бироз сабр қилишим керақдир. Бугунги ҳукмронлик эртага бўлмаслиги мумкин. Ортга ўгирилиб, уйга қарадим. Яна Марко Бей юқори айвондан менга қараб турарди.

Ўша оқшом ичимни чулғаган ҳис-туйғулар асирига айландим. Ҳануз жавобини топа олмаган, «Қайси болага қарайман?» саволи миямда чарх урарди. Ўз фарзандини боқа олмаган она бировнинг боласига қандай қарайди! Жуда кулгили. Тушунишимча, Марко Бейнинг набираси билан эртага танишаман. Боланинг мени ёқтириши ва қабул қилиши зиммамга юкланган ишни қандай бошлашимга боғлиқ. Кечқурун соат ўн бирларда эшигим тақиллади. Эшик ортидаги одам кимлигини, мендан нима истаётганини билмасдим. Ҳайрон бўлдим. Эшикни очганимда, Барбара қўлида ноутбук билан совуқ қиёфада менга қараб турарди.

— Ол буни! — деди. Ноутбукни олдим ва ҳайрон бўлиб сўрадим.

— Бу нима, тушунмадим?

У чуқур нафас олди ва уф тортиб:

— Кўрмаяпсанми? Компьютер!

— Менга уни нега берганингизни сўраяпман.

— Марко Бей юборди. Телефонда мамлакатингиз билан гаплашишингиз қийин бўлади, деб ўйлади. «Бу орқали алоқага чиқсин», деди.

Ажабланиб, компьютерни олдим. Эшикни ёпдим. Марко Бей кўринганидан кўра меҳрибонроқ инсон экан. Ўз юртим одамларидан кўрмаган яхшиликни Америкадаги саройда кўрдим. Компьютерни ёқдим. У уйнинг симсиз тармоғига уланган эди. Селин билан бирга вақт ўтказадиган ижтимоий тармоқ сайтига кирдим. Унинг профилига қарадим — онлайн эмасди. Унга хабар юбордим. Америкага келганимни, каттагина бир уйда энагалик қилишни бошлаганимни ва бугун биринчи иш куним эканлигини айтдим. Сўнгра сайтдаги таниш дўстим Неҳир хабар юборганини кўриб қолдим.

— Айдан, эшитганларим ростми? — деб сўрар эди.

Ёзишишни бошладик.

— Афсуски, ҳақиқат.

— Сен учун қанчалик хафалигимни англатормайман. Эринг сени ўлдириш учун қидириб юргани ҳаманинг тилида. Илтимос, ўзингизни эҳтиёт қилинглар. Илтимос!

— Хавотир олма, Неҳир, мен шундай жойдаманки, у юз йил изласа ҳам топа олмайди.

— Жуда қизиқтириб қўйдинг. Орамизда қолади. Қаердалигингни айт.

— Америкадаман.

— Йўғ-э! Ҳазиллашмаяпсанми?

— Ҳа. Америкадаман.

— Ниҳоят орзуингга эришибсан-да!

— Орзуга ғам билан, қайғуга ботиб етишиш, бошқа юртга ғариб бўлиб келиш бўлди.

— Бундай ўйлама. Ўғлинг билан у ерда янги ҳаёт бошлаётгандирсан? Туркияда бахтли ҳаётинг йўқ эди шундоқ ҳам.

Доим кўрққан ва мен умуман жавоб бера олмайдиган бу савол ҳар гал янграганда, мум тишлаб қолардим.

Сухбатга нуқта қўйиш кераклигини ҳис қилдим.

— Майли, Неҳир, ўзингни эҳтиёт қил. Ҳаммага салом айт, — деб гапни тугатдим.

Айтачнинг қаердалиги ҳамма учун сир ва мавҳум бўлиб қолади. Ҳатто мен учун ҳам. Туйқус газеталарда йўқолган ва ташлаб кетилган болалар ҳақидаги хабарлар ёдимга келиб қолди. Истанбулнинг барча маҳаллий газеталарини бирма-бир кўздан кечирдим. Ҳеч биридан масжидга ташлаб кетилган бола ҳақида хабар топа олмадим. Ўша кеча газеталарга соатлаб тикилдим. Кейин чарчоқдан ухлаб қолибман. Ярим тунда компьютердан келган овоздан уйғониб кетдим. Чат очиқ қолган экан, Селин хабаримга жавоб берибди. У ҳали ҳам нимадир ёзаётган эди.

— Айдан, Америкага эсон-омон етиб борганидан жуда хурсандман.

— Селин, қаршимда эканингни кўриб, жуда севиндим. Қаердасан, нималар қияпсан?

— Ҳозиргина айвонга чиқдим. Онам билан чой ичдик.

— Вой, бу вақтда чой ичасизми? Бир оз кеч эмасми?

— Қанақа кеч? Соат эрталаб ўн бўлди!

— Унутибман, азизам. Бу ерда тунги соат уч...

— Айдан, жуда ташвишдаман. Айтачни олиб кетолмаганингни биламан. Отасига ҳам қолдирмабсан.

Чуқур нафас олдим. Ҳар гаплашганимда менга бериладиган саволга бу гал мантиқли ва виждонли одамдек жавоб беришга мажбур бўлдим.

— Уни фақат ўзим биладиган дўстимнинг оиласига қолдирдим. Бу мавзудан бошқа сўз очмасанг, миннатдор бўлардим.

— Яхши, азизам.

— Селин, сендан бир илтимосим бор.

— Айт.

— Уйимизга бориб, онам билан гаплашсанг дегандим. Унга менинг аҳволим яхши эканлигини айт.

— Албатта, айтаман. Ойинг менга деярли ҳар куни қўнғироқ қилади, сени сўрайди. Бироздан кейин чиқаман, уларни зиёрат қилиб, саломингни элтаман.

— Жуда хурсанд бўлардим. Мендан асло хавотир олмасин. Мен ҳар қачонгидан ҳам яхшироқман.

Кўзим ёшга тўлди. Қадрдон дўстимга чин юракдан миннатдорчилик билдирдим. У билан гаплашиш юрагимдаги оловга сув сепганди. Селин билан яна бир неча соат ёзишдик. Мен унга Америка қандай жой эканлигини сўзлаб бердим. У қилган сафарим бошидаёқ омадим келганидан ва Гулшан холадан ҳайратга тушди.

Бир неча соатлик уйқудан кейин эшик қўнғироғи яна жиринглади. Ташқаридан «Нонушта!» деган овоз келди. Овоз сўхтаси совуқ аёл Барбараники эди. Дарҳол кийиндим ва эшикдан чиқиб, меҳмонхонага ўтдим. У ердан ташқарига... Яна сўрида нонушта дастурхони тузалганди. Марко Бей ўзининг одатдаги бурчагида ўтириб, жимгина нонушта қиларди. Стол устида эса мен умуман кўрмаган егуликлар. Жўхори уни, мисир ёрмаси, муссли, колбаса ва креп биринчи бўлиб кўзимга ташланган таомлар эди. Стаканлардан кофе иси таралиб турарди. Ўтирдим, улар билан бирга нонушта қилдим. Жаноб Марко овқатланиб бўлгач, ўрнидан туриб атрофни пича кузатган бўлди. Кейин менга у билан боришимни айтди. Унга эргашдим. Уйга кирдик. Зинапоядан юқорига кўтарилдик. Ҳар босган қадамимда ҳаяжоним ортиб борарди. Зинадан чиқиб, кенг йўлак бўйлаб юрдик. Бир хона яқинига келганида, Марко Бей тўхтади. Менга ўгирилиб,

қўли билан «ортимдан кел» деб ишора қилди. Бирга ичкарига кирдик.

Кенг ва катта хона... Хона ичида юзлаб ўйинчоқлар... Ўртада катта тўшак ва унда ухлаётган бир қиз... Тўшак бошига келган икки киши: Марко Бей ва Айдан...

Марко Бей каравот бошига бориб, чуқур нафас олди ва қизни чақирди.

— Оливия, қани турақол!

Мен ҳам каравотга яқинлашдим. Олтин сочли, бениҳоя гўзал бир қизалоқ маза қилиб ухлаб ётарди.

— Оливия!

Қиз секингина ўрнидан турди. Марко Бей каби у ҳам менга тўғри қарамади. Марко Бей давом этди:

— Бу опа энди сенинг янги энаганг...

Оливия секин бошини кўтарди ва кўз қири билан менга боқди. Ҳайрон бўлгани кўзларидан билиниб турар эди. Бир зумда қотди-қолди. Кейин кўзларидан бир-икки томчи ёш оқди. Марко Бей қўли билан ишора қилиб, чиқишимни айтди. Дарҳол хонани тарк этдим. Эшикни ёпдим. Ўзимни жуда ёмон ҳис қилардим. Шубҳасиз, қиз мени ёқтирмаганди. Ўша пайт

мен ҳаммаси тугади, деб ўйладим. Оливияда яхши таассурот қолдирмаган эдим. Ичкаридан жаноб Маркониң овози эшитиларди. Оливияга ниманидир тушунтиряпти, деб ўйладим. Тахминан ярим соатдан кейин Марко Бей эшикни очди ва мени ичкарига таклиф қилди. Кирганимда Оливия деразага қараб олганча ташқарига тикилиб турганди. Биргалиқда қизнинг диванига яқинлашдик. Марко Бей менга юзланди.

— Оливия мениң борлиғим. Уни сенга ишониб топшира олишим учун бир неча кун муҳлат бераман. Агар яхши муносабат ўрнатишга муваффақ бўлсанг, иш сеники. Агар уддалай олмасанг, янги иш қидириш учун уйни тарк этишинг мумкин.

Марко Бей гапини тугатгач, хонадан чиқди. Оливия ҳамон қимир этмай ташқарига қараб турарди. Мен каравотнинг бир четига ўтирдим. Бир неча дақиқа иккимиз ҳам сўзсиз қолдик, у ташқарига, мен эса унга боқардим.

Бир пайт эшик очилди. Ичкарига Барбара кирди. Қўлида патнис билан ётоқ олдига келди. Менга кўзларини золдирдай олайтариб:

— Ётоқдан тур! Унинг тўшагига ўтирмаслик кераклигини билишинг лозим, — деди. Эсанкираб ўрнимдан турдим. Оливия индамай ўгирилиб, патнисни сурди. Барбара шаҳдам қадамлар билан эшик томон юрди. Менга яна қараб:

— Оливия нонушта қилиб бўлгач, патнисни ташқарига чиқариб қўй! — деди.

— Албатта, агар хоҳласангиз, ошхонага олиб бо-
раман.

Асабийлашиб менга ўқрайди:

— Ошхонага олиб боришинг шарт эмас! Шунча-
ки эшик олдида қолдир, етади.

«Яхши», дея олдим фақат. Барбара хонадан чиқиб кетаётганда Оливия жимгина нонушта қиларди. Қў-
лидаги бир бўлак қовурилган нонни паришонхотир чайнаб ўтирарди. У билан гаплашишнинг айнаи вақти деб ўйладим.

— Оливия, нонушта сенга ёқдими? — дедим. Бола мени эшитмагандек тутди ўзини. На менга қаради ва на гапларимга жавоб қайтарди.

— Ёқимтой қиз экансан. Сочларинг жуда чирой-
ли...

Нима десам ҳам жавоб қайтармасди. У билан гап-
лашишга уриниш худди деворга сўз қотишдек эди. Умуман жавоб бермасди. Унинг бу сокин туриши ва сассизлигидан тушкунликка тушдим. Нонуштасини қилиб бўлгач, патнисни олиб, хона эшигининг ортига қўйдим. Қайтиб келганимда, Оливия яна каравотида ётган ҳолда, шифтдан кўзини узмай ётарди. Бирпас ўтирдим, кейин ўрнимдан туриб, сочилиб кетган ўйинчоқларни тартибга келтирдим. Ёнбошлаган ўйинчоқ машиналар ва қўғирчоқларни йиғиб, бур-
чақдаги саватга солиб қўйдим. Дераза четида турган

оппоқ сочли қўғирчоқни олиб тўшакка яқинлашдим. Қўғирчоқни кўрсатиб, унга жуда ўхшашини айтдим. Тагин жавоб бермади. Нақадар оғир ишга киришганимни ўшанда англадим. Оливия каравотидан секин турди ва югуриб чиқиб кетди. Мен эса унга эргашдим. Бола рўпарадаги ҳожатхонага кирди. У ердан чиқиб, яна хонасига қайтди. Каравотига қайта узанди. Бу ечилиши керак бўлган жумбоққа ўхшарди. Унинг ҳам бир нозик жойи бўлиши керак, деб ўйладим. Агар шу жойини топсам, у билан боғлана олган бўлардим. Деразалардан бирини очдим. Ичкарига тоза ҳаво кирди. Сайроқи қушларнинг овози хонани эгаллади. Қизалоқ ўрнидан туриб деразани ёпди. Хонада икки киши бўлсак ҳам, Оливия гўё менинг борлигимни сезмаётгандек тутарди ўзини. Унинг мен билан алоқа қуришини кутиш тўғри эмасди. Шундай деб ўйладим. Каравотнинг бир четига ўтирдим ва мени эшитаётганини сезиб, унга ҳикоямни сўзлай бошладим. Эътибор бермади. Парво ҳам қилмади. Сўрамади. Қарамади.

Ўша кун мен уни фақатгина томоша қилган бир кун бўлди.

Муваффақиятсиз ўтган кун ортидан яна бир тонг отди. Марко Бей мени кузатиб турганини билардим. Боланинг хонасини шарпадай кезиб, уни тартибга солиш мендан талаб қилинадиган иш эмасди.

Оливиянинг хонасига кирганимда, ўйинчоқлар тагин хона бўйлаб сочилиб ётганини кўрдим. Саро-

симага тушдим. Оливия ҳар доимгидай каравотида чўзилиб ётар, ҳар замон менга маъносиз-маъносиз қараб қўярди. Яна ўйинчоқларни йиғиштира бошладим. Ағдарилиб ётган машиналарни ва уларнинг ёнидаги қўғирчоқларни йиғиб, саватга солиб қўйдим. Кеча дераза тоқчасида кўрган оппоқ сочли қўғирчоқ яна ўша ерда эди. Бу кун ҳам борлигимни билдириш учун қўлимдан келганча ҳаракат қилдим, аммо фойдаси бўлмади. Ўнлаб уриниш бесамар кетди. Бола худди мени кўрмасликка олаётгандек эди. Яна бир кун ҳавога учди. Марко Бей мендан мамнун бўлмаслиги ҳақида ўйлай бошладим.

Тонг отди, ҳаммаси ҳал бўлиши керак бўлган кун бошланди. Бу кун менинг охириги имкониятим эканини билардим. Даниел ҳовлидаги гулларни суғораётганини кўрдим. Нонуштадан сўнг Марко Бей уй орқасидаги гараждан олиб чиққан машинага ўтирди ва жўнаб кетди. Барбара ҳеч қандай ёрдам сўрамай дастурхонни йиғиштиришга киришди. Ўрнимдан туриб, Даниелнинг олдига бордим. У чўккалаганча атиргул остидаги ўтларни тозаларди.

— Салом, — дедим. Даниел менга қараб кулди.

— Салом. Эшитишимга қараганда, ишлар ўз йўлида кетмаётганмиш.

— Афсуски, ҳа. Қанча ҳаракат қилмай, Оливия билан гаплаша олмадим.

Даниел ўрнимдан туриб, менга диққат билан қаради.

— Ишончинг комил бўлсин, у гаплашмайдиган ягона одам сен эмассан. Автоҳалокатдан кейин унинг бирор ким билан гаплашганини кўрмадим.

Топишмоқнинг жавобини топгандек эдим. Эҳтимол, агар мен Оливиянинг ҳикоясини билсам, яхшироқ усул қўллашим мумкин.

— Қандай автоҳалокат? — деб сўрадим.

Даниел чуқур нафас олиб, сўзлай бошлади.

— Бу қизалоқ онаси билан Сарасотадан келаётиб жарликка қулаб тушган. Онаси ўша бахтсиз ҳодисада вафот этди. Воқеани ҳеч ким кўрмаган. Ёрдамчи гуруҳлар уларни икки кундан кейингина топишди. Шифокорларнинг айтишича, ҳалокат пайтида бола чуқур руҳий лат еган. Ўшандан бери унинг бу жароҳати тузалмади.

Даниел ўзи билмаган ҳолда менга ишора берганди. Муаммони ўзимдан излаётгандим, энди бу менинг айбим эмаслигини билиб олдим. Тушкунликка тушишга ҳожат йўқ, демак. Бу эса муаммога кўпроқ ишонч билан ёндашиш имконини берарди менга. Қисқа, аммо муҳим суҳбатдан кейин Оливиянинг хонасига югурдим. Оливия яна каравотида шифтга термилиб ётарди. Ёнига ўтириб, сочларини силашга тутиндим. Оливия безовта бўлди. Терс ўгирилиб олди. Гапни у бошдан кечирган автоҳалокатдан бошладим.

— Оливия, мен бахтсиз ҳодиса ҳақида биламан. Сен учун чин дилдан хафаман. Хоҳласанг, бу ҳақида гаплашишимиз мумкин.

Яна бир уриниш наф бермади. Пинагини ҳам бузмай, қимирламай ётарди. Кутилмаганда эшик очилди. Ичкарига Барбара кирди. Қўлида патнис, яна нонушта олиб келганди. Мен билан салом-алик ҳам қилмай, патнисни Оливиянинг каравоти устига қўйди ва эшик томон йўналди. Остонага етганда ортига ўгирилиб, менга қараб тиржайди.

— Менимча, бу охирги кунинг. Арвоҳ каби мана бундай ўтираверишинг бу ишни билмаслигингдан далолат. Профессор тез орада сенга эшикни кўрсатиб қўйса ажаб эмас!

Хонадан чиқиб кетди. Қаттиқ ранжидим. Балки, у ҳақдир. Удалай олмаганим аниқ эди.

Катта хона... Тўшақда ётган ўн ёшли қиз... Хонада телбалардек кезиб юрган аёл — Айдан...

Хонада жаҳл билан у ёқдан бу ёққа бориб келаётганимда, туйқус ўйинчоқлар эътиборимни тортди — яна одатдаги ерларида эдилар. Бу сафар уларга тегинмай, кўздан кечирдим. Ўйинчоқларнинг ҳам бир ҳикояси борлигини англадим. Ҳангу манг бўлиб қолдим. Оливия, асида, ишоралар билан гапираёт-

ганди. Нималарнидир тушунтирарди. Лекин биз пайқамасдик. Карахт бўлиб қолган эдим.

Дарҳол эшик олдига келдим ва диққат билан қардим. Ағдарилган машина ва ёнбошлаб ётган қўғирчоқлар... Атрофга қўйилган бошқа ўйинчоқлар, худди ўша аварияга қараб тургандек тизилганини пайқадим. Ниҳоят Оливиянинг сирини тушундим. Ўртадаги нарса у йўлиққан бахтсиз ҳодиса саҳнаси эди. Бу ерда аниқланиши керак бўлган ҳолатлардан бири Оливия бу қўғирчоқларни қачон қўйгани эди. Чунки у мен билан бирга бўлганида фақат тўшагида ётарди. Бола бу ўйинларни ярим тунда ўйнаган. Тўғри тахмин қилгандим. Дарҳол хонадан чиқдим ва боққа югурдим. Даниел кўл бўйида, кўприк ёнида кичик қайиқни тозалаётган эди. Кўприкка чиқиб чақирдим.

— Даниел!

— Нима бўлди? Оливия яхшими?

— Хавотир олма, у жуда яхши. Сенга бир саволим бор.

— Марҳамат, қулоғим сенда.

— Сен айтган воқеа ярим тунда содир бўлганми? Даниел ҳайрон бўлиб, менга қараб қолди.

— Ярим тун эканлигини қаердан биласан? Оливия айтдимми?

— Йўқ. Мен шунчаки қизиқяпман.

— Ҳа, ярим тунда...

Ҳайрон бўлиб ортга қайтмоқчи бўлдим ва хаёлимга келиб қолган бошқа бир саволни бердим.

— Воқеа айнан соат нечада юз берганди?

— Мунча қизиқасан? Ҳатто Марко ҳам бу даҳшатли воқеани сенчалик суриштирмаган.

— Илтимос! Қайси вақт?

— Менимча, тунги ўн бирлар атрофида...

Қувониб уй томон юрдим. Жумбоқнинг парчалаари бирлашишни бошлаганди. Оливиянинг хонасига кирганимда, ўйинчоқлар ҳали ҳам ўз жойида турар эди. Мен дарҳол барча ўйинчоқларни йиғиб саватга жойладим. Миямга ажойиб фикр келиб қолди. Оливиянинг жамики қулфларини очадиган калитни жуда яхши билардим.

Бор ишим сабр билан кутиш эди.

Ўша оқшом компьютерда Селин билан ёзишиб, вақт ўтишини кутдим. Селин онамдан хабар бериб турарди. Мен ҳақимда эшитиш онамни анча тинчлантирганди. Юрагида ўрнашиб қолган ўлим айрилиғи кўрқуви ўз ўрнини соғинчга бўшатганди.

Тун. Соат 22:58. Сукунат ҳукм сураётган уй... Марко Бей ўз хонасидаги компьютерга тикилган... Меҳмонхонадан эса хира ёруғлик тушиб турибди... Зинадан иккинчи қаватга кимдир кўтариляпти: Айдан...

Меҳмонхонадан ўтиб, зинадан секин кўтарилдим. Уйда ажиб бир сокинлик бор эди. Юқори қаватга чиққаетганимда кимнингдир хиргойи қилаётгани қулоғимга чалинди. Паст овозда айтилаётган қўшиқ оёқ товушим сабаб бирдан тўхтаб қолди. Қоронғида қоқилиб тушгандим. Оливия шу сабаб куйлашдан тўхтади. Турган жойимда қимир этмай кута бошладим. Бир неча дақиқадан сўнг қўшиқ яна бошланди. Оёқ учида эшиккача бордим. Ҳамон куйларди.

Бир оз эгилиб калит тирқишидан ичкарига қарадим. Кўрганларимдан ҳайратга тушдим — Оливия хонанинг ўртасида ўтириб олиб, пичирлаганча ўйин ўйнарди. Эшикни очиб уни уялтириш тўғри бўлмасди. Яна секин зинадан пастга тушдим. Оливия ҳаммасини худди мен ўйлагандек қилаётганди. Гўё у ҳар кеча такрор ва такрор жароҳатланарди. Ўйнаётган бу бахтсиз ҳодиса ўйини ярасини янгилаб турарди. Ташхисим шу эди. Хулосаларим йўлида тўғри одимласам, у билан гаплаша олардим.

Эртаси куни эрталаб нонушта қилаётгандик. Марко Бей умидсиз қиёфада менга қарарди. Бор жасоратимни тўпладим:

— Марко Бей, нима деб ўйлаётганингизни биламан. Сиздан бир илтимосим бор, агар изн берсангиз, яна бир кун қолмоқчиман.

У чуқур нафас олиб:

— Қолиш нимани ўзгартиради? — деди.

— Жаноб, менимча, эртадан бошлаб Оливия мен билан гаплашади, деган фикрдаман.

Марко Бей гапларимни эшитиб ҳаяжонланди. Биринчи марта менга табассум қилиб:

— У билан гаплашишга муваффақ бўлган кунинг сенга бу уйнинг барча эшиклари очилади.

Мен ҳаяжон ичра дастурхон бошидан турдим ва Оливиянинг хонаси томон юрдим. Ичимда дуо ўқиб илтижо қилар эдим.

— Аллоҳим, менга ёрдам бер! Ёлвораман, Аллоҳим, мени шарманда қилма.

Оливия яна ўз каравотида ётар, одатдагидек маъносиз нигоҳлари билан деворга тикиларди. Ўзим билан ўзим гаплашиб, хонани айлана бошладим. Оливияга сақлаётган сирини ҳис эттиришга қарор қилдим.

— Вой, қара, бу ерда нималар бўлибди. Ағдарилган машина олдида бу қўғирчоқлар нега ўликдек қотиб турибди?

Оливия оёқларини силкитиб турганди. Гапимни эшитгач, туйқус оёқларини силкитишни бас қилди. Мен давом этдим:

— Менимча, бу машина ҳалокатга учради. Кимдир бу бахтсиз ҳодисага учраган одамларга ёрдам бериши керак. Бу нимаси? Ҳамма қараб турибди. Лекин ҳеч қайсиси ёрдам бермаяпти. Виждонсизлар!

Бориб дераза ёнида турган қўғирчоқни кўтариб, ёнбошлаб ётган машинани унинг қўллари билан ростладим.

— Ана, ҳалокатга учраган машина тузатилди. Менимча, бу ерда жароҳат олган бошқа киши йўқ.

Кўз қирим билан қарадим — Оливия тўшакдан туриб, диққат билан мени кузатяпти. Шунда тўғри йўлда эканимга амин бўлдим. У нимадир демоқчидек оғзини очарди. Мен ўйинчоқлар билан гаплашишни давом эттирдим. Оливия каравот четига келиб, ўйинчоқлар билан нима қилаётганимга кўпроқ диққат қарата бошлади. Шитоб билан унга юзландим. Кўзларимиз тўқнашди. Тек қотганча менга қараб турарди.

— Сен ҳам қўшилишни хоҳлайсанми?

Кейин Оливия мен умуман истамаган ишни қилди — тўшагига бориб ётиб олди. Ҳаммаси ҳал бўлди деганимда, яна бошига қайтдик. Ўрнимдан туриб секингина эшик томон юрдим. Кичкина қиз ўз жойида жимгина ётарди. Ноилож хонадан чиқдим. Ўшанда ортиқ бу уйда қиладиган ишим қолмади, деб ўйладим. Эшикни ёпаётиб ортимга ўгирилдим-у, Оливия ўйинчоқлар бошига келганини, паст овозда шивирлаётганини кўрдим. Яна эшикни очиб, секин ичкарига кирдим. Бола ўйинчоқларни яна эски ҳолига келтираётган эди. У машинани афдариб, қўғирчоқларни унинг олдига қўйиб, бошқа ўйинчоқларни машина томонга қаратаётган эди.

Сўнг менга қараб анчадан бери кутган ишимни қилди.

— Бундай бўлганди, — деб шивирлади у. Мен шошиб қолдим. Дарров ёнига ўтирдим. Икки қўлим билан елкаларидан оҳиста тутдим.

— Ўша кечада ойинг билан жарликка қулаб тушганингизда, сизга ҳеч ким ёрдам бермади.

Оливия шунчаки менга қараб турарди. Давом этдим:

— Сизга ёрдам беришмади. Агар улар ёрдам берганда эди, ойинг ҳозир тирик бўларди.

Оливия юм-юм йиғларди. Сўнг сапчиб ўрнидан турди-да, ётоғига югурди. Каравотига отилиб пиқиллаб йиғлай бошлади. Ўрнимдан туриб, унинг ёнига ўтирдим.

— Агар бу ҳақда мен билан гаплашишни истасанг, сени эшитишга тайёрман, — дедим. — Менга ўша кун ҳақида гапириб берасанми?

Ўксиб-ўксиб йиғларди. Аммо мен билан гаплашмасди. Орамиздаги масофа яқинлашган бўлса ҳам, бу ҳали етарли эмас эди. Сочларини силадим. Кейин ўрнимдан туриб ўйинчоқлари тепасига бордим.

Ўйинчоқларни бирма-бир силжита бошладим. Ҳам гапирар, ҳам ўйинчоқларнинг жойини алмаштирардим.

— Сизлар доим автоҳалокатга қараб турасизлар. Лекин ҳақиқатда ҳеч бирингиз автоҳалокатни кўрмагансиз, — дедим ва ўйинчоқларнинг автоҳалокатга

қараган йўналишини ўзгартирдим. Ҳаммалари бошқа томонга қарай бошладилар.

— Агар кўрганингизда, ёрдам берган бўлардингиз.

Ҳалокатга учраган машинани тузатаётганимда бир овоз эшитилди.

— Беришмади!

Кескин бурилиб Оливияга қарадим. У менга қараб турарди.

Қувончдан юрагим қинидан чиққудек эди.

— Беришмади.

У йиғлар ва тинмай «беришмади» дерди. Гапира бошлаганидан фойдаланиб давом этдим.

— Агар кўрганларида, албатта, ёрдам беришарди. Аммо кўрмадилар, — дейишим ҳамон у гапимни кесди:

— Бир киши менга қаради. Лекин ёрдам бермади. У шунчаки қараб турди. Сўнг бизни ташлаб, қочиб кетди.

Ўрнимдан туриб Оливияни бағримга босдим. Кўриниб турибдики, у ҳали-ҳамон бошидан кечирган бахтсиз ҳодиса асоратларидан қутула олмаган. Унинг бу ҳолатидан мен ҳам мутаассир бўлдим.

Кўзим ёшга тўлиб уни бағримга босар эканман, у ҳам мени қучоқлаётганини сездим. Агар Оливия дунёсига очилган ўша кичкина дарчани пайқамганимда бугун у билан гаплашаётган бўлмасдим. Шу

орада эшик бирдан очилди. Марко Бей бизни тўшақда қучоқлашиб йиғлаётганимизни кўриб ҳайрон бўлди. У кўзларини катта-катта очиб бизга тикилиб турарди.

Оливия:

— Ёрдам бермади, — деб шивирлашда давом этди.

Марко Бей ҳайрат ва кўзларида ёш билан бизга яқинлашди. У нимадир демоқчи бўлар, лекин тили калимага келмасди. Гўё Оливиянинг соқовлиги унга ўтиб қолгандек эди. Қизнинг қўлидан тутиб, ўзига тортди ва маҳкам қучоқлади.

— Оливия, эҳ Оливия! — дея олди фақатгина.

Ўша кун Оливия гапира бошлаган илк кун эди ва биринчи марта қизалоқ билан ўз хоҳишига кўра ташқарига чиқдик. Марко Бей юқори қаватдаги айвонидан бизга қараб турарди. Бу ҳолатдан у жуда хурсанд бўлгани аниқ эди. Оливия катта бир дарахтнинг тагига бориб, қўллари билан унинг танасига тегина бошлади. Гўё биринчи марта ташқари чиққандек эди. Юз берган бу воқеага мен ҳам ишонолмасдим. Беихтиёр кўзларим севинч ёшлари билан тўлди. Даниел уй ёнидаги кичкина ҳужра олдида қалпоғини ечиб, қўлларини қўлтиғи остига суққанча, бизга қараб турарди. Мен эса ғалабамнинг нашидасини сурардим. Номлай олмаган ғалабам... билардимки, бу Раббимнинг марҳамати эди.

Оливия индамай уй томон югурди. Мен ортидан эргашдим.

Ичкарига кириб, юқорига кўтарилганимда зинадан тушиб келаётган Марко Бей менга жилмайди. Қўли билан ишора қилиб орқасидан боришимни сўради. Кутубхонага кирдик. У столга ўтиришимни сўради. Ўтирдим. Ўзи эса тик турган ҳолда айланиб юрарди. У менга қараб ўтирилди. Ҳаяжон билан:

— Турк қизи! Буни қандай қилдинг, билмайман-у, ammo сен унинг кўнглига йўл топишни уддаладинг. Мен буни қандай амалга оширганингни билишни жуда хоҳлардим. Ҳақиқатан ҳам...

— Жаноб, мен, аслида, катта иш қилмадим.

— Ўнлаб психологлар даволаш сеансларини ўтказдилар. Лекин Туркиядан келган бир қиз бунинг уддасидан чиқди. Бу қандай содир бўлди? Илтимос, айт!

— Мен фақат унинг тилида гапирдим.

— Унинг тилидами?

— Ҳа.

— Бу қайси тил экан?

— У ҳис-туйғуларини ўйинчоқлари билан англа-тадиган қизча.

Мен тўғри тушунтира олмагандим, Марко Бей ҳам унча тушунмаган эди. Гапимнинг ярмидан тўхтатиб, деди:

— Исмингни нима дегандинг?

— Айдан.

— Қара, Айдан. Сени ишга олганимда аввалига ичимдан рози эмасдим, кейин иккиланмасдан қабул қилдим. Кўриб турибманки, тўғри қарор қилган эканман. Оливия дастлабки қадамини қўйди. Аммо босиши керак бўлган ҳали кўп одимлар бор. Бу бола икки йилдан бери икки оғиз ҳам гапирмади. Икки йил ичида икки марта ҳам ташқарига чиқмади. Агар сен уни ҳаёт билан таништирасанг ва у унутган табасумни қайтарсанг, ишингни ортиғи билан бажарган бўласан. Билишингни истайманки, у менинг бу ҳаётдаги ягона борлиғим.

Профессор жуда оғир масъулият юклади елкамга. Буни удаллашим керак эди. Ўша кун Оливия хонасига кирди ва қайтиб чиқмади. Демак, икки йиллик одатий жараёндан осонликча узилиб бўлмайди.

Эртасига эрталаб унинг хонасига кирганимда, ўйинчоқларни яна ўша ҳолатда кўрдим. Биргина фарқ бор эди. Бахтсиз ҳодисани кузатиб турган ўйинчоқларнинг йўналиши ўзгарган. Фақат биттаси томоша қилиб турарди. Ўғил бола ўйинчоқ эди бу. Хаёлимга бир фикр келди. Оливия яна каравотида узаниб ётарди. Уни чақирдим.

— Оливия.

Ўгирилиб қаради.

— Сен билан бир иш қиламизми?

Лаблари тирқишидан:

— Нима? — деди.

Бахтсиз ҳодисани кузатган ўғил бола ўйинчоқни олиб ёнига бордим. Унга кўрсатиб:

— Автоҳалокатни кўрган, аммо ёрдам бермаган бу виждонсиз одамга...

Қизча рози бўлгандек бош ирғади.

— Нима дейсан, бир дарс бериб қўямизми?

Кудди ва яна бош ирғаб тасдиқлади. Мен ўйинчоқни олиб дераза олдига бордим. Оливия диққат билан мени кузатарди. Деразани очиб қўғирчоқни ташқарига улоқтирмоқчи бўлдим. Кейин эса қўлимни тортдим. Хаёлимга бир фикр келди.

— Сен бу виждонсизнинг адабини беришни хоҳлайсанми?

Олтин сочли қиз илк бор жилмайди. Ҳаяжонланиб, майда қадамлар билан секин ёнимга келди. Унга ўйинчоқни бердим.

— Менимча, у ўз қилмиши учун оғир жазога лойиқ. Энди бу хонада сен билан қолишга ҳаққи йўқ!

Оливия очиқ турган деразадан қўлидаги қўғирчоқни куч билан улоқтирди. Ўйинчоқ айланиб бориб буталарнинг ортига тушди. Оливия бу ёмон одамнинг жазосини бериб, хурсанд бўлган, анча енгил тортганди.

Унинг хаёлида ҳаммаси тугаганига ишонч ҳосил қилишим керак. Бу эса пастга тушиш учун бир баҳона бўларди.

— Қаерга тушганини кўрамизми, нима дейсан?

Биринчи марта тушунарли оҳангда «Яхши», деди.

Югуриб пастга тушдик. У ўзи одатланмаган ишларни қиларди. Пастга тушаётганимизда қўли билан кафтимдан тутди. Айнан шу муносабат менинг Оливия қулфларига калит топганимни билдирмоқда эди. Шодликдан нима қиларимни билмасдим. Унинг қўли тафтини ҳис этганимда бирдан хаёлимга Айтач келди. Болагинам, етим, онасиз ва изтироблар ичидан... Ким билади, ҳозир қаерда, кимлар билан эди? Бир зум юрагим санчди. Мен бундай юрак санчиқларини кўп марта бошдан кечирган эдим.

Чуқур нафас олдим ва икки йил тўлганига қармай, ҳали ҳам яраси янгиланаётган Оливиянинг ҳаётига қайтдим. Бирга эшикдан чиқдик. Уйнинг орқасига ўтиб, ўйинчоқ тушган бутани топдик. Ўйинчоқ шохга осилиб қолган эди. Уни олиш учун бормоқчи бўлганимда Оливия қўлимдан тутиб тўхтатиб қолди. Боришимни истамади. Унинг таъзирини бермоқчи эканини англадим. «Тегма, ўша ерда қолсин», — деди. У ердан узоқлашдик. Олдинда, кўл яқинидаги дарахт тагида бир арғимчоқ кўрдим.

— Учишни хоҳлайсанми? — деб сўрадим.

Ҳа, дея мамнунлик билан бош ирғади. Оливия энди болалардек ҳаракат қиларди. Унинг дунёси болалар дунёсига айланганди энди. Болалик истакларини бирин-кетин санарди. Икки йиллик кечиккан болаликнинг ўрнини фақат шу тарзда тўлдириш мумкин эди.

Йиллар давомида кулишни унутган қизалоқ ёқимли табассум қиларди. Арғимчоқда учгач, яна хонасига кириб, каравотига ётиб олди. Кўриниб турибдики, у ерда ўзини хавфсиз ва қулай ҳис қилади. Бироқ хонасига боришга шошгани мени безовта қилди. Янгидан ҳаётга қайтиши ва жароҳатлардан халос бўлиши учун бироз вақт керак бўлади.

Соатлаб хонасида қолди. Кейин иккинчи қаватнинг айвонига чиқдик. Айвон жуда катта эди. Муҳташам қўл манзараси инсонни ўзига чорларди. Оливия бориб бир ўриндиққа ўтирди. Мен ҳам ёнига бордим. Унинг аҳволи Айтачимникига ўхшарди. Иккаласи ҳам онасиз. Иккиси ҳам чуқур жароҳатланган. Бу менинг қизчага бўлган муҳаббатимни янада оширарди.

Қачонки Айтачни, жоним ўғлимни ўйласам, уятдан бошим ерга эгиларди. Бу вазият мени еб битирмоқда эди. Мен ўзимни даволашга қарор қилдим. Дардимга даво бўладиган малҳам ахтарардим. Айтачни мушук боласидек кўчага ташлаб кетишнинг жиддийроқ баҳоналари бўлиши керак эди. Бўлмаса, ўтказган умрим менга азоб берарди. Оливиянинг ёнига ўтирдим ва ўйлай бошладим. Сўралиши керак бўлган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилдим.

«Туркияда қолсам, нима бўларди?»

«Туркиянинг қаерига яширинсам ҳам, Амир мени топарди».

«Топса нима бўларди?»

«Ўлдирадди».

Кўп бор ўлим жари ёқасигача боргандим. Устига устак, қурул сотиб олган эди. Охири муқаррар ёмон эди.

«Менинг ўлимим муаммони ҳал қилармиди?»

«Йўқ. Айтач онасиз қолар, отаси қамоққа тушарди. Яна бир хил якун топарди. Балки бундан ҳам баттарроқ бўларди».

«Айтачни бирор танишимга ташлаб кетсам бўлмасмиди?»

«Йўқ. Амир нима қилиб бўлмасин, уни ҳам топарди. Бундан ташқари, у яқиним учун ҳам катта хавф бўларди».

«Отасининг ёнида қолдирсам, яхши бўлармиди?»

«Албатта, бундай бўлмасди. Жинни бир ота, уни ҳам ўзига ўхшатиши турган гап».

«Ҳозир яхшироқми?»

Агар яхши бир оила даврасида бўлса — бу жуда юқори эҳтимол — янада яхшиланиши аниқ. «Менга душман бўлмайдимми?» деган саволга эса ҳалигача тайинли бир жавоб топа олмадим. Албатта, мendan жаҳли чиқади. Аразлаши ҳам табиий. Балки, мени кўришни ҳам истамас. Барча эҳтимолларни тарозига солганимда, ҳозирги қарор кичик фарқ билан бўлса-да, тўғри экани кўринди.

Шубҳасиз, бир ҳақиқат бор. Унинг севгиси қалбимда доимо яшайди. Бир кун келиб ортга қайтиб, уни топиш умиди мени яшашга ундайди.

Оливия ўрнидан туриб бирдан қўлимни ушлади. Ўзи билан боришимни хоҳлади. Ичкарига кирдик. Мени қаёққа олиб кетаётганига қизиқдим. Биз яна бирга хонага кирдик. Оливия одатдагидек тўшагига ётди. Паст овозда:

— Сиз ҳам ётасизми? — деди.

Уни хафа қилмаслик учун ёнига ётдим. Табассум билан қўлимдан қучди ва уйқуга кетди. Қутилмаганда Барбара кириб келди. Мени сираям хушламагани қарашларидан маълум эди. Оливиянинг тўшагида ётганимни кўриб, жаҳл билан бақирди:

— Қандай журъат этдинг! Сен кимсанки, Оливиянинг тўшагида ётасан?

Турмоқчи бўлганимда Оливия қўлимни қўйиб юборишни истамади. Ғазабланган аёл Оливия қўлимдан ушлаб турганини пайқади. Ҳайратдан кўзлари косасидан чиққудек бўлди. Бир оғиз ҳам гапирмай, хонадан чиқиб кетди. Ўз ҳақдини билмаган аёл ўзини худди уйнинг бекасидек тутарди.

Барбаранинг мен билан боғлиқ бир муаммоси бор эди. Мен бу масалани кун келиб муҳокама қиларман, лекин ўша кун бугун эмас эди. Кези келганда, албатта, бу муносабатнинг ҳисобини сўрайман.

Эртаси кун тонгда, ухлаётганимда, эшик қўнғироғи жиринглади. Очсам, Гулшан хола билан Иброҳим амаки қаршимда жилмайиб туришибди. Бегона юрда ота-онамни кўрганымдагина бу қадар севинган бўлардим. Гулшан холанинг бўйнидан қучдим. Ҳам-

мамиз биргаликда ташқарига чиқдик. Қизгин суҳбатдан сўнг Гулшан хола уйни тозалаш учун келганини айтди. Омборга бориб, тозалаш воситаларини олишда уларга ёрдам бердим. Иброҳим амаки Оливия ҳақидаги хабарни алақачон эшитган эди.

— Сенинг шарофатинг билан Оливия гапираётган экан.

Кувонч билан жавоб бердим.

— Қандай бўлганини билмайман. Оливия дўстлигимни тўлиқ бўлмаса-да, қабул қилганга ўхшайди.

— Марко совуққон одам бўлишига қарамай, кулиб юрганмиш. Балли сенга. Иккимиз сен билан фахрланамиз. «Офарин у қизга», дедик.

Эшитганларим мени хурсанд қилди. Улар билан бирга тозалик ишларини бошладик. Оливия нонушта қилгунича тозаловнинг катта қисмини тугатишни режалаштирдик. Мен полларни артдим, Гулшан хола ўриндиқларнинг чангини артди. Марко Бей кийимини кийиб, қўлидаги сумка билан зинадан тушди. Дераза артаётган Иброҳим амаки уни кўриб олдига борди. Қисқа суҳбат қуришди. Кейин Марко Бей уйдан чиқиб кетди. Афтидан, унинг дам олиш кунлари тугаганди. Ҳафтанинг охири бўлишига қарамай, университетга кетаётган эди.

Уйнинг кекса жодугари Барбара вақти-вақти билан ошхонадан чиқиб, бизга ўқрайар, кейин секингина ичкарига кириб кетарди. Бир неча соат ичида уй

чиннидек бўлди. Иброҳим амаки Даниелнинг ёнига боққа кетганда, биз Гулшан хола билан Оливиянинг хонасига бордик. Ичкарига кирганимизда Оливия ҳали ҳам уйқудаги маликадек ухлаб ётарди. Хола унга диққат билан қаради.

— Айдан қизим, балки ишонмассан, лекин мен Оливияни биринчи марта бунчалик яқиндан кўришим.

— Жиддий айтяпсизми?

— Ҳа. Машаллаҳ, жудаям чиройли қизалоқ экан.

— Ҳақиқатан ҳам чиройли...

— Она йўқ, ота йўқ. Гўзалликдан нима фойда! Инсоннинг тақдири гўзал бўлсин.

Гулшан холанинг айтган ҳар бир сўзи юрагимга ўқдек санчилди. Яраларимдан қон оқа бошлади. Овозимиздан Оливия уйғониб кетди. Каравотдан аста туриб, ҳаммомга йўл олди. Оливия чиқиши билан хола:

— Ана, бола уйғонди. Биз ҳам шу ердамиз. Хонасини яхшилаб бир тозалаворсак бўлмайдимиз? — деди.

Аввал Оливиядан сўраб, кейин тозаламоқчи бўлдик. Оливия бир оздан сўнг яна тўшагига қайтди. Унга хонани тозаласак, яхши бўларди, дедим. Қўлидан ушлаб, айвонга олиб чиқдим. У ўриндиққа ўтириб, табиатни томоша қила бошлади. Мен эса хонага қайтиб, тозалашга ёрдам бердим. Гулшан хола:

— Айдан, бу бола икки йил давомида ётоқдан чиқмади. Шу каравотни кўтариб, айвонда бироз шамоллатсак-чи, — деди.

Холанинг сўзи менга мантиқли туюлди. Тўшакни кўтарганимизда бизни ғалати ҳолат кутиб турарди. Чойшаб ва тўшак орасида юзлаб фотосуратлар бор эди. Секин тўшакни бир четга суриб, расмларга қарай бошладик. Суратлар унинг онаси ва ўзига оид эди. Онасига диққат билан қарагач, ҳайратга тушдим. Гулшан хола тошдек қотиб, бир суратга, бир менга қарарди. Мен ҳам кўзларимга ишонолмасдим. Оливиянинг онаси менга қуйиб қўйгандек ўхшаш экан. Гўёки ўз расмимни томоша қилаётгандек эдим. Биттасини олиб каравот устига ўтирдим. Эҳтимол, Марко Бейнинг иш суҳбатига келганимизда олдинига «йўқ» деб, сўнг эса ишга қабул қилишининг сири шундадир. Мен Оливиянинг онасига худди эгизидек ўхшар эканман. Оливия ўзини менга яқин ҳис қилишининг сабабларидан бири ҳам унинг онасига ўхшашлигим бўлиши мумкин.

Гулшан хола ҳайрон бўлиб қўлидаги расмга тикилиб туриб, кейин менга ўтирилди.

— Қизим, бу сенинг расминг бўлиши мумкинми? Тавба, тавба!

Ҳайратимиз ўтиб кетгач, тўшакни ўз жойига қўйганимиз маъқул, деган фикрга келдик. Оливия болаларча қурган дунёни йўқ қилиш яхшиликка олиб келмасди. Бу адолатсизлик бўларди. Чарчаганим учун

каравотга ўтирдим. Ўйга чўмдим. Оливиянинг доимо ётоқда ётишни хоҳлаши, хонага боғланиб қолгани онасига бўлган меҳрининг натижаси бўлиши мумкин. Демакки, жажжи малика суратларини каравот остига қўйиб онасига яқин бўлишни хоҳлаяпти.

Ҳар ўтган кун Оливиянинг сирли дунёсида янги нарса кашф қилардим. Ўша куни Гулшан холаларни Оливия билан кўл бўйигача кузатиб қўйдик. Икки кекса одам юрак хасталиги, чарчоқнинг таъсири билан оёқда зўр-базўр юришарди. Улар билан бир жойда бўлиш шараф эди мен учун.

Профессор Марко уйга қайтгач, кечки овқатни айвонда тановул қилмоқчи эканини айтди. Барбара айвонга дастурхон ёзди ва ошхонадан овқатларни олиб кела бошлади. Оливия ва мен айвондаги ўриндиқда ўтирган эдик. Марко Бей ора-сира Оливияга қараб жилмайиб қўярди. Бир пайт менга:

— Эртага харид қилишга бораман. Агар хоҳласанг, Оливия билан боришинг мумкин. Баҳонада яшаётган шахрингни кўрасан, — деди у.

Марко Бейнинг таклифига йўқ дея олмасдим. Ўзимни улкан қафасга қамалиб қолган қушдек ҳис қилардим.

— Албатта, жаноб. Сиз шуни маъқул кўрсангиз, мен рад эта олмайман.

Барбара дастурхонни овқат билан тўлдирди. Бирга кечки овқатни еяётганимизда енгил шабада эса бошлади.

Инсон янгидан янги ҳаёт долғаларига кириб бо-
ради. Кечагина меҳмонхоналарда қочоқдек паноҳ
топган аёл бугун саройда яшовчи хонимга айлан-
гандим. Бу, шубҳасиз, тақдир эди. Турмушимнинг
сўнгги йилида бошдан кечирган руҳий ва жисмоний
зўравонликнинг аламини чиқараётгандек эдим. Зулм
исканжасига айланган тўрт девор орасидан озод-
лик сари қанот қоққандим. Бутун ҳаётимни ва ун-
даги барчани бир четга суриб, орзуларим маъвосига
келгандим. Ичимда доим бир дардим бор. Қулганда
тўхта, дейди, бола меҳри билан қўлимни узатсам,
қаршимда пайдо бўлади. Аммо бир кун илинжларим
қатида сақлаган ҳасратим гуллайди. Шунда мен дунё-
нинг энг бахтли одами бўламан. Америка орзуси мен
учун хайрли бошланди ва худди шу йўсинда давом
этарди. Ҳолбуки, ёввойи қўлларда орзулари даҳшат-
ли тушга айланган ўнлаб одамларнинг ҳикояларини
эшитгандим. Паст табақаданлиги сабаб озодлигини
яшай олмаган, бузуқ ахлоқий қадриятлар ичра ўзини
йўқотиб, Туркияда эркин нафас ололмай қолган ўн-
лаб одамлар бор. Менга эса омад кулиб боқди. Кўп-
чиликка насиб қилмайдиган бу имконият Аллоҳнинг
карамидир. Келажакда буни янада аниқроқ кўраман.

Эсаётган шамол бироз кучайди. Стол устидаги
салфеткалар япроқдек тебраниб турарди. Марко Бей
осмонга қараб:

— Жин урсин! Бу об-ҳавонинг авзойи бузуқ, —
деди. Ўрнидан туриб айвон адоғигача борди. Атрофга

аланглар, ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас оларди. Бу орада пастдан Даниелнинг овози келди. Қарсиллаб ёпилган эшикнинг товуши ортидан Даниел қичқирарди:

— Марко Бей! Марко Бей!

Кекса профессор пастга қаради.

— Нима керак, Даниел? Нима бўлди?

— Марко Бей, айтилишича, Сарасотада пайдо бўлган торнадо шу томонга кетаётган экан.

Марко Бей тезда ортига ўгирилиб, ичкарига қараб бақирди:

— Барбара!

Барбара югуриб айвонга келди.

— Тезроқ дастурхонни йиғиштир. Торнадо келаяпти!

Кейин менга қарата:

— Айдан, Оливияни хонасига олиб бор. Ёнидан айрилма. Агар шамол кучайса, сизлар ертўлага тушасиз, — деди у.

Нималар бўлаётганини тушунолмасдим. Айни пайтда шаҳар администрациясининг эълонлари сирена садолари билан бирга янграрди. Ҳамма гўё уруш бошлангандек ҳадиксирарди. Даниел барча эшик ва деразаларни беркитди. Оливиянинг қўлидан тутиб ичкарига кирдим. Шамол аста-секин кучайиб борарди. Атрофда учиб юрган нарсаларнинг ўннга-чапга урилган овози келарди. Оливиянинг хонасига кирганимизда томдан талотум садолари кела бошлади. Бу мен Туркияда ҳечам дуч келмаган ҳодиса эди. Дақиқа

сайин овозлар кучайиб борарди. Тўсатдан бостириб келган кучли ёмғир туфайли боғ шалаббо бўлди. Уйнинг ёнидаги барча нарсалар кўл томон учиб борарди. Оливия даҳшатдан қўлимни маҳкам ушлаб, ёнимдан қимирламасди. Қўрқмаслиги учун унга тасалли бердим:

— Қўрқма, азизам. Тез орада ўтиб кетади.

Уйнинг пастки қаватларидан деразаларнинг синган овози эшитиларди. Марко Бей хонамизга кирди.

— Бу ерда турманг, тез пастга тушинг. Қани, тезроқ! — деб қичқирди.

Биз хонадан учиб чиқиб, зинага югурдик. Шиша синиқлари оёғимиз остида эзиларди. Дарров пастга, ертўлага тушдик. Уй бамисоли зилзилада қолгандек тебранарди. Қўрқинчли лаҳзалар ўтишини кутардик. Марко Бей саросима тўла кўзлари билан меҳмонхонадан ташқарини томоша қиларди. Тиним билмас шамол ярим соат давом этди. Умрим давомида ҳеч қачон таниш бўлмаган бу табиат ҳодисаси бу ерда ғайриоддий ташвишлар орасида одатий ҳолга айланган эди. Шамол бутунлай тўхтагач, электр таъминоти узилди. Уй зулмат эгаллаган зиндонга айланди. Оливия қўлимни маҳкам ушлаб, даҳшатдан титраб турарди.

Уй ичидан «Даниел, генератор!» деган овоз келди. Бир неча дақиқадан сўнг генератор ишга тушиши билан қоронғилик ўз ўрнини ёруғликка бўшатиб берди. Ичкари ойдинлашгач, биз Оливиянинг хонасига

чиқдик. У каравотига чўзилди. Мен ҳам ёнига ўтирдим. Кўзларига боқдим.

— Нима дейсан, эртага харидга чиқамизми? — деб сўрадим.

Рози бўлиб, бош ирғади. Мен унинг гапиришини истардим.

— Оливия, илтимос, фақатгина бош чайқама. Менга овоз чиқариб жавоб бер. Чиройли овозингизни эшитсам, севинаман.

У яна бош чайқади. Ўрнимдан туриб:

— Аммо ҳали ҳам бош чайқаяпсан. Мен жавоб беришингни хоҳлайман, — десам ҳам, ҳеч нарса ўзгармади. Осон деб ўйлаган усулида жавоб беришда давом этди.

Кеч тушиб, Оливия ухлаб қолгач, устини ёпдим ва ўз хонамга тушдим. Селин билан бу ерда бошдан кечирган можароларим ҳақида суҳбатлашдим. У ҳайрат билан тингларди. Суҳбатнинг «қайноқ» қисми тугагач, ота-онам ҳақида хабар берди. Уларнинг аҳволи яхши эканини билиб, хурсанд бўлдим. Унинг айтишича, Амир доимий равишда спиртли ичимликлар истеъмол қилар, унинг шахсиятида жиддий деформациялар ва назоратни йўқотиш бўлиб турар экан. Амир қилмишларининг жазосини тортмоқда эди. Бир ота, бир эр бўлишига унда ҳамма имконият бор эди. Агар у масъулият ва меҳр билан ёндашганда, балки бугун бутун оила бирликда бу ерда бўлардик.

Оиласиз бахтли бўлишга уриниш, ўз инини бузиб, янги ҳаёт қуришга интилиш муз устида уй қуришдек гап. Жуда жаҳлим чиқарди ўзимга ўхшаган бевафолардан, худбинлиги сабаб оиласини барбод қилганлардан, хиёнат билан янги ҳаёт излаётганлардан... Аммо бўлмади! Ипи узилди, чоки сўкилди.

Эрталаб тўшақда қўлимни чўзганимда бировга тегиб кетганимни англадим. Ваҳима билан каравотимдан сакраб турдим. Ёнимда кимдир ухлаб ётарди. Юрагим қинидан чиқиб кетай деди. Қўрқиб қарадим. Оливия экан. Қизалоқ туни билан ухлай олмаган, ўзини яқин ҳис қилиб, менинг ёнимга келгани кўриниб турарди. Қўрқувим йўқолгач, ёнимга келишининг қувончини яшадим. «Сеними, ширин қизалоқ!» дедим фақат. Дунёлар гўзали бу қиз Айтачим каби ёлғиз эди ҳаётда. Шу тасаввур билан ёндашганим учун уни ўз фарзандимдек кўрдим. Чунки у бир фаришта эди. Беғубор туйғулари, болаларча кўрқувлари ва мўъжаз умидлари билан бамисоли эзгулик обидаси эди. Мен яна унинг ёнига ётдим. Бирга ухлашда давом этдик.

Янги бир тонг... Бир киши зинадан кўрқув ва хавотир билан тушмоқда. Жаноб Марко асабий аҳволда... Тезда эшикни очиб, ташқарига қараяпти... Кейин ичкарига кириб, Айданнинг хонаси томон юрди...

Хона эшигини секин очиб қаради... Оливияни Айданнинг ёнида кўргач, кўрқуви табассумга айланди...

Ўша куни тушдан кейин Марко Бей машинасини уй олдида қўйиб, бизни кутиб турарди. Оливия билан бирга уйдан чиқдик. Машинанинг орқа томони-га ўтирдик. Марко Бей машинасини Мякка маркази томон ҳайдади. Йўл четидаги бир дўконда тўхтади. Ўгирилиб бизга қаради.

— Музқаймоқ хоҳлайсизларми?

Мен Оливияга боқдим. Оливия индамай, жилмайиб қўйди. Унга жасорат беришни истадим.

— Ҳа, Оливия, музқаймоққа нима дейсан?

У Марко Бейнинг нигоҳлари қаршисида «ҳа» деди. Ҳаммамиз машинадан тушдик ва музқаймоқ сотиб олдик. Дўкон олдидаги столга ўтириб ея бошладик. Бирдан чуқур ярам — Айтач келди хаёлимга. Туйғуларим беихтиёр жўшиб кетди. Кўзларим ёшга тўлди. «Ҳозир», дедим. Агар Айтачим бўлса, қанчалар хурсанд бўлиб ерди. «Ойи, бу жуда мазали экан. Яна олайлик!» дерди.

Жаноб Марко кўзларим ёшга тўлганини пайқади. Нега ҳиссиётларга берилганимнинг сабабини билолмай тикиларди.

— Айдан, сенга ёқмадими?

— Йўқ, аксинча, ёқди.

Олов олган туйғуларим бирдан сўнди. Музқай-моғимиз тугагач, улкан бир савдо марказига кирдик. У-бу харид қилиб бўлганимиздан сўнг машинада шаҳар айланиб уйга қайтдик.

Кунлар ўтиб борарди. Оливия билан ўртамизда мустаҳкам ришта ўрнатилди. У энди аввалгидек оғзига толқон солиб олган бола каби фақат бош чайқаб қўймас, паст овозда бўлса-да, жавоб қайтарарди.

Бир куни у билан кўл бўйига сайр қилдик. Кичкина малика ям-яшил ўтлар орасидан бойчечак теришга тушиб кетди. Оппоқ гулни севинч билан узиб олиб келди. Менга берди. Сўзлари билан мени ҳам кўзёшга ботирди. Қийналиб бўлса-да, жумласини тамомлади. Кўзида жикқа ёш билан менга қараб турарди.

— Айдан.

— Эшитаман.

— Ҳалиги...

— Айт, азизам.

— Айдан...

— Қулоғим сенда, Оливия?

— Сизни оyi деб чақирсам, майлими?

Кўзларим ёшга тўлди. Туркия-Америка ўртасида қолдим. Онасидан айрилган бир қиз ойисини, боласидан айрилган она эса боласини изларди. Балки ўр-

нини тўлдира олмас, лекин бу иккимиз учун кичик бир тасалли бўларди. Оливияни қучоқладим.

— Майли, азизам, — дедим оддийгина.

Унинг кўзлари Айтачимнинг нигоҳини эслатар, қўллари эса Айтачимникига ўхшаб тутиб турарди. Жуда ҳаяжонлангани сезилиб турарди. Зўр-базўр, қийналиб «ойи» деди. Кейин уялиб, бир неча қадам ташлади. «Ойи», деди у яна. Кўзлари қувончдан порлаб кетганди. Онасизлик унинг ичида катта бир бўшлиқ яратган эди. «Ойи» деб бу ҳислар бўшлигини тўлдиради.

Ўша куни Оливия ва менинг орамизда янги меҳр-муҳаббат риштаси боғланди. Туйғуси ярим қолган бир она сифатида унинг мени «ойи» чақирishi энг гўзал бахт эди. Ўша кундан бошлаб у менга қаттиқ боғланиб қолди. Мени чақирганида чин дилдан, ҳис қилиб «ойи» дерди. Қаерга борсам ҳам доим ёнимда эди. Топган ҳар фурсатида, хонамга югуриб келиб, ёнимда жимгина ётарди. Онасиз ўтказган кунларининг аламини чиқариб, етишмаётган меҳр-муҳаббатнинг ўрнини тўлдираётгани аниқ эди. Оналик муҳаббати шундай эди. Усиз бўлмасди. Усиз бола бола бўлмайди. Она меҳрисиз улғайган болаларнинг ҳаёти бутун бўлмайди. Унинг менга бўлган ҳаддан ташқари муҳаббати янги муаммони келтириб чиқарди. Оливия энди менсиз ҳеч нарса қилишни хоҳламасди.

Бир куни Оливия билан унинг хонасида ўйнаётганимда Барбара кириб келди. Шумшайиб эшикни очиб:

— Хоним, Марко Бей кутубхонада сени кутмоқда, — деди.

Ҳайрон бўлиб ўрнимдан турдим, кутубхонага тушдим. Марко Бей хона ичида у ёқдан бу ёққа бориб келарди. Мени кўриб, жилмайиб, стулга ўтиришимни сўради. Нимадандир безовта экани ҳаракатларидан сезилиб турарди. Келиб столнинг нариги томонига — менга қарама-қарши ўтирди. Хижолат бўлаётганди.

— Айдан, гапни нимадан бошлашни билмайман.

Шубҳасиз, нохуш хабар айтмоқчи эди. Ичим сиқилиб унинг тезроқ гапиришини кутардим. Ўз саройининг ҳукмдори ва жуда жиддий одам негадир эгилиб-букиларди.

— Менга қара, турк қизи. Сенинг бу ерга келишинг билан ҳаётимизда, айниқса, Оливиянинг ҳаётида ажойиб ўзгаришлар юз берди. Оливия сенга қисқа муддат ичида меҳр қўйди ва сен унга етишмаётган самимий муҳаббатни бердинг. Икки йилдан бери гапирмаган набирам шарофатинг билан ҳамма қатори болага айланди. Бунинг учун сендан қанчалик миннатдор эканлигимни айта олмайман. Сен ҳам тахмин қилган бўлсанг керак, унинг яхши улғайиши мен учун жуда муҳим. Яқинда уйда таълим олишни бошлайди.

Мен сенда таълим бериш учун зарур психологик билим борлигини кўряпман.

Чуқур нафас олди ва гапининг оҳангини ўзгартирди.

— Лекин охири пайтларда кўряпманки, унинг сенга бўлган меҳри ҳаддан ортиқ ошиб кетди... Оливиянинг сенга бўлган муҳаббати боғланиб қолишликка айлана бошлади. Бу ҳол мени ташвишга солмоқда. Чунки мен Оливиянинг ўзига ишонган қиз бўлиб улғайишини хоҳлайман. Кимгадир боғланиб қолганда эса бу мумкин эмас.

Профессорнинг сўzlари қаёққа қараб кетаётганини яққол сезиб тургандим. Лекин барибир тугагини кутдим. У ўрнидан туриб олдимга келди. Стулни суриб, ёнимга ўтирди. Менга тикилиб турди-да, давом этди.

— Сени биринчи марта кўрганымда, кўzларимга ишонолмадим. Балки бундан беҳабардирсан. Ўлган қизим Алисияга шунчалар ўхшашсанки, ақл бовар қилмайди. Сени кўрганымда қизимни кўргандек бўламан. Шунинг учун иш мавзусида сенга йўқ дея олмадим. Энди Оливияни даволаш ишларинг тугади. Сен учун Мяккада қолишинг мумкин бўлган бир уйни банд қилдим. Катта бир дўконда ишлашинг мумкин. Бундай шароитда бу уйда қолишингнинг Оливия учун ҳеч қандай фойдаси йўқ. Бундай бўлишини сираям хоҳламагандим. Жуда афсусдаман.

Марко бир америкаликдек фикр юритиб, неварасига яхши бўлиши учун мени жарга улоқтирарди.

Ранжиган бўлсам-да, эҳтимол, тўғриси шу эди. Оливиядан йироқлашиш фикри менга озор берарди. Кўзимдан беихтиёр ёш оқди. Индамай ўрнимдан туриб:

— Изнингиз билан мен чиқай, — дедим.

Ўзимни Америкадаги энг бой одамдек ҳис қилиб юрган чоғимда, тўсатдан қўлимда ҳеч вақо қолмаганини кўрдим. Эшиқдан чиқаётганда:

— Айдан, бугуноқ кетишинг шарт эмас, — деди.

Бу вазиятда бир соат ҳам қолишим тўғри эмас, деб ўйладим.

— Жаноб, ҳозир кетишим энг тўғриси. Рухсатингиз билан, — дедим ва хонадан чиқиб кетдим.

Хонамга бориб нарсаларимни йиғиштира бошладим. Америкадаги ҳукмронлигим ниҳоясига етаётганди. Барча нарсамни чамадонга солиб, хонадан чиқдим. Барбара меҳмонхонадан иржайиб қараб турарди. Унга ҳаддини билдириш учун икки оғиз сўз айтишни жуда хоҳлардим, лекин бунга ҳолим йўқ. Уйнинг чиқиш эшигида Даниел эски юк ташувчи машинада мени кутиб турганини кўрдим. Марко Бей ҳам ўша ерда менга маъюс қараб турарди. Даниел чамадонимни машинасининг орқасига жойлади. Энди ўтирмақчи эдим, қаердандир Оливия пайдо бўлди. У билан видолашишни хоҳламасдим. Ундан айрилиш мен учун иккинчи энг оғир мусибат бўларди. Яна ўша

ҳолатни бошдан кечиришни хоҳламасдим. Аммо ундан қочиб ҳам бўлмасди. Менга қараб, қичқирди:

— Ойи, қаёққа кетяпсиз?

Марко Бей таажжубланиб, Оливияга қаради. Оливия югуриб келиб бағримга отилди. Ундан узоқлашмоқчи бўлдим, қўлимдан келмади. Қаттиқ ушлаб турар, қўйиб юбормасди. Марко Бей ёнимизга келди. У Оливиянинг қўлидан ушлаб, қўйиб юборишини истади. Аммо Оливия ҳамон маҳкам тутиб турарди. Кўзларим ёшланганди. Унга қараб:

— Оливия, сени кўришга келаман. Ваъда берман! — дедим.

Қийин бўлса-да, мени қўйиб юборишга мажбур бўлди. Юк машинасига ўтириб, жўнаб кетдик. Ортга қарадим — Оливия ерга ўтирган ҳолда йиғлар эди. Кўздан ғойиб бўлгунича унга тикилиб қолдим. Даниел сўради:

— Айдан, Марко сендан жуда мамнун эди. Нега бундай бўлганини тушунолмадим?

Унга жавоб бера олмасдим. Даниел давом этди.

— Хавотир олма. Ҳали ҳам омадинг бор экан. Марко сенга кичик, аммо қулай уй тайёрлаб қўйди. Бир йиллик ижара ҳақини тўлади. Ишинг ҳам тайёр. Менимча, хафа бўладиган нарсанинг ўзи йўқ. Илтимос, йиғлашни бас қил!

Мен бошдан кечирган ва ҳис қилганларим бир боғбон тушуна оладиган туйғулар эмасди. Унга берган жавобим фақатгина сохта табассум бўлди. Кўп

Ўтмай мўъжаз уй олдида тўхтадик. Даниел чамадонни олиб, эшик олдига борди. Чўнтагидан чиқарган калит билан эшикни очди. Кичик бўлишига қарамай, яхши жиҳозланган уй экан. Даниел калитни олиб менга узатди.

— Сенга янги уйингда бахт тилайман. Ичкарига кир ва қанчалик омадли эканлигингни кўр.

У бир неча қадам ташлади ва ортига ўгирилди.

— Агар бирор нарсага эҳтиёжинг бўлса, қаердалигимни биласан. Унутмаки, биз икки яхши дўстмиз.

Унга раҳмат айтиб, ичкарига кирдим. Яна бир ҳижронга мубтало бўлгандим. Тақдирнинг менга берган сабоғи бўлдимми бу? Билмас эдим. Бориб диванга ўзимни ташладим. Йиғлаб-йиғлаб, ухлаб қолибман.

«Кимсасиз ўрмонда жон жаҳдим билан югурардим. Амир эса қўлида милтиқ билан мени қувиб борарди. Оёғимга тушов урилгандек бўлди. Қанчалар истасам ҳам, югура олмасдим.

Ёмғир ёғиб, чақмоқ чақарди. Олдинда қуёшли далани кўрдим. Югуриб ўша томонга кетдим. Икки бола — бир қиз, бир ўғил — гуллар орасида чопиб юрибди. У ерга етиб келганимда булутлар тарқалиб, чақмоқ ғойиб бўлганди. Ортга қарасам, мени таъқиб қилаётган ҳеч ким йўқ. Болаларнинг қошига югурдим. Қизалоқ мени кўриб олдимга келди. Болакай эса тепалиқдан пастга қараб югуриб кетди. Бирдан қочиб кетган бола Айтач эканлигини ҳис қилдим. «Кетма!» деб бақирдим бор кучим билан. Айтач ортига ўгири-

либ жилмайиб қўйди ва яна югуриб, кўздан ғойиб бўлди. Ортидан чопдим, лекин уни кўрмадим».

Томоғимга нимадир тиқилиб, бўғилиб қолаёзгандим. Бирдан уйғониб кетдим. Тушим экан. Инсон туйғу-истакларини кундалик ҳаётда яшай олмаганида уни тушларида кўради. Бу ҳам шулардан бири эди. Ҳаётимга кирган иккала фарзандимни ҳам йўқотдим. Етимлик мен билан боқий қолармикан?

Катта оппоқ уй... Дарахт шохлари деразаларни чертяпти... Кутубхонада ноилож қолиб, ўйга чўмган одам — Марко... Юқори қаватда ўз хонасида сассиз йиғлаётган қизча — Оливия...

Дарахтлар билан ўралган, чорбоғи бор уйда ўша кеча тонг отиши қийин бўлди. Уй ёнидан ўтаётган машиналарнинг овозига қўшни итнинг ҳуриши қўшилди. Нима қилишимни билмай хоналарни айланиб чиқдим. Америкада яшаган бахтли дамларим ўз ўрнини синовли кунларга бўшагиб берди. Ит вогуллашни бас қилгач, тонгга яқин ухлаб қолибман. Бир пайт эшикнинг қаттиқ тақиллаганини эшитдим. Ўрнимдан туриб, ҳайрон бўлиб эшикни очдим. Қар-

шимда иккита полиция ходими бор эди. Нима бўлганини тушунмадим. Ходимларидан бири сўз қотди:

— Салом, хоним.

— Тинчликми?

— Сиз шу уйда яшайсизми?

— Ҳа.

У қаерлик эканимни сўради. Мен Туркиядан келганимни айтдим. Хужжатларимни — паспорт, виза ва грин карта хужжатларини ҳамда уй ижарага олинганлигини тасдиқловчи хужжатларни топширдим. Полиция хужжатларимни олиб, машинага ўтди. Ўн дақиқадан сўнг келиб, хужжатларимни қайтаришди. Улар қўшнилардан бири берган ўғрилик хабари билан келганини айтиб, узр сўрашди. Бу ҳодиса оғир курашларнинг аллақачон бошланганидан дарак берарди. Эшикни ёпдим ва курсилардан бирига ўтирдим. Ўтиришим билан эшик қўнғироғи тагин жиринглади. «Ишқилиб, тинчлик бўлсин», деб эшикни яна очдим. Рўпарамда Даниел турарди. Ҳаяжон ва қўрқув билан менга қараб:

— Оливия йўқолиб қолди! — деди. Мен ўзимни йўқотиб қўйдим.

— Қанақасига? Ҳазиллашяпсанми?

— Эрталаб қарашса, Оливия тўшагида йўқ экан. Қаерга кетганини ҳам билмаймиз. Қидирмаган жойим қолмади.

Даниел, эҳтимол, Оливия шу ердадир, деб келганини айтди ва қўшиб қўйди:

— Биз энг кўп ўзини кўлга ташлашидан хавотирдамиз. Марко жуда ёмон аҳволда!

Тезда уйни қулфладим ва Даниел билан кетдим. Бирга уйга келдик. Ўнлаб полициячилар бор эди. Кўл томонга қараганимда, икки ғаввос сувга шўнгиётганди. Қўрқувдан тиззаларим қалтирай бошлади. Марко Бей дарров ёнимга келди. Ёш ва саросима тўла кўз билан боқарди.

— Айдан, Оливия йўқолиб қолди! Топа олмаяпмиз. Балки, унинг қаерга кетганлиги ҳақида бир фикринг бордир.

Ақлимга ҳеч нарса келмади. Мен бу ерда бўлганимда Оливия ҳеч қачон бундай қилмаган эди. Тахминим йўқлигини айтдим. Марко Бей яна кўл бўйига қайтди. Полиция кўпроқ кўл олдида тўпланганди. Вақт ўтиши билан оломон сони ортди. Боғдаги бир тош устига ўтирдим. Кутилмаганда турки совуқ Барбара пайдо бўлди. Жаҳл билан қичқирди:

— Бу бола ҳеч қачон уйдан қочмаган эди. Қачонки сен келдинг, у шундай одат чиқарди.

Ундан алаимни олиш вақти келган эди. Барбаранинг қўлидан ушлаб, кичик хужра орқасига тортқиладим. Қўлини бўшатишга уринган сари янада қаттиқроқ сиқдим. Жуда асабий эдим.

— Қўлимни қўйиб юбор! — деб бақирди.

Бор ғазабим билан қичқирдим:

— Менга қара, телба хотин! Мени ҳеч қачон ёқтирмаганингни бошидан бери биламан. Аммо Оливияга зарар бердинг, деб асло тухмат қилма!

Барбара кутилмаган бу муносабатдан ҳайкалдай қотиб қолди. Қўлини қўйиб юборганимдан кейин ҳам қимир этмади. Жаноб Марко нима қилишини билмай кўлнинг у бошидан бу бошига бориб келарди. Унинг олдига бордим.

— Жаноб, илтимос, ўзингизни бунчалик қийнаманг. Оливия ўзига зарар етказадиган даражада но соғлом фикрлайдиган қиз эмас. Аллоҳнинг ёрдами билан у соғ-омон чиқади.

Йиғламсираб менга қаради ва «Иншооллоҳ» дегандек елкамга уриб қўйди.

— Онасидан айрилиб қолганимда умримнинг ярми кетганди. Оливияни йўқотсам, чидай олмайман.

Унинг умидсизлиги мени ҳам қуршаб олди. Шунчаки кутишдан наф йўқ деб ўйладим. Уй атрофини айлана бошладим. Оливия бориши мумкин бўлган жойларни қарадим. Ҳеч бир из тополмадим. Сўри ёнидаги улкан дарахт тагида чўкдим. Полиция ҳамон кўлда қидириш ишларини олиб борарди. Нариги соҳилдан итлар билан яна бир янги гуруҳ келди. Бу орада мен дарахтдан бир нечта янги барг тушганини пайқадим. Улардан бири оёғим остига кўнди. Эгилиб баргни олдим. Дарров ўрнимдан туриб, дарахтга қа-

радим. Бир неча метр баландликда кичкина туфлини кўрдим. Паст овозда:

— Оливия, — дедим. Овозимни эшитган Оливия «Ойи», деб жавоб қайтарди. Унинг ёнига чиқиб бордим. Жажжи қизалоқ қалин барглар орасида бир шохга узаниб ётарди. Йиқилиб кетишидан қўрққаным учун дарахтга чиқиб, қўлидан маҳкам тутиб олдим. Оливия бор кучи билан мени қучоқлади.

— Илтимос, мени ташлаб кетманг, — деди. Уни соппа-соғ кўриш мени жуда хурсанд қилганди. Аввало, дарахтдан йиқилмасдан тушиш керак эди. Дарахтдан кўлга қараб бақирдим.

— Марко Бей!

Марко Бей ва бир неча полициячилар овозимга чопиб келишди. Бир полициячи кўл бўйидагиларни чақирди.

— Бола бу ерда! Бола бу ерда!

Ҳаммалари дарахт тагига йиғилишди. Марко Бей кувонч кўз ёшларини тутиб тура олмади. Оливияни полициячилар ёрдами билан пастга туширдик. У мени қучоқлаганча, қўйиб юбормасди. Ҳамма энгил нафас олди. Полициячилар хайрлашиб кетишди.

Қизалоққа ҳеч нарса бўлмагани барчани севинтирди. Оливияга мени қўйиб юборишини айтдим. Қулоқ солмади. Марко Бейнинг олдидаги хижолатим ортарди. «Кейинроқ яна келаман», десам ҳам, фойдаси бўлмади. Оливия биринчи марта буваси Марко Бейдан аразлаган эди.

— Уни жўнатиб юборсангиз, мен яна қочиб кетаман!

Марко Бей ва мен унинг гапига кулдик. Болаларча беғубор, аммо кулгили ифодаси бор эди. Марко Бей менга табассум билан қараб турарди. Сўнг гап бошлади.

— Кўп йиллар давомида ўқидим. Ҳали ҳам ўқияпман. Ёшим олтамиш бешда ва мен икки карра икки тўрт бўлмаслигини ўрганияпман, — деди. — Айдан, қизим, сени жўнатишни ечим деб ўйладим, хато қилдим. Оливиянинг меҳрга муҳтожлигини кўрмасликка олдим. Сен унинг дардига дармон бўлдинг. Унга яна шикаст етказишга ҳаққим йўқ.

Марко Бей яхши гап айтаётганди. Лекин айнан нимани назарда тутаётганини англай олмасдим.

— Жаноб, мен нима демоқчилигингизни тушунмадим.

Марко кулимсираб, полициячилар қолдирган чиқиндиларни йиғиб олаётган Даниелга бақирди.

— Даниел!

Даниел орқасига қаради.

— Эшитаман, профессор.

— Бу ерга кел.

Даниел ишини қўйиб, шахдам-шахдам қадам ташлаб келди.

— Кеча борган уйингизга қайтиб, Айданнинг нарсаларини олиб келинглар.

Даниел ҳам бу янгиликдан мамнун бўлди. Оливия жилмайиб, бувасининг кучоғига отилди.

— Истасанг, атиги бир кун яшаган уйимга бирга борамиз. Нима дейсан? — дедим Оливияга.

— Майли.

Даниел машинанинг эшигини очди. Мен «йўқ» дедим. Кейин Оливияга юзландим:

— Дарахтга тирмашиб чиққан қиз юкхонага ҳам чиқа олар, — дедим.

Оливия бир неча уриниш билан юк машинасининг орқасига чиқди. Ортидан мен ҳам чиқдим. Даниелнинг машинасида янграб турган ажойиб қўшиққа жўр бўлиб, янги уйимга етиб келдик. Оливия билан буюмларимни тўплаб, чамадонга жойлаштирдик. Сўнг яна юк машинасининг орқасига сакраб, Америкадан кетгунимча яшашим мумкин бўлган уйга йўл олдик.

Кеча бошимдан кечирган туманли об-ҳаво ўзгариб, хаёлларим оламида куёш юз очган эди. Ўша кундан кейин Оливия билан орамиздаги масофа Марко Бей айтганидек бўлди. Марко Бей у қилиши керак бўлган ҳеч нарсага аралашмаслигим кераклигини айтди. Айнан шундай қилдим. Оливия энди юзидан севинч тўла табассум аримайдиган қизга айланган эди.

Оливия учун Америка таълим тизимидаги уйда таълим жараёни бошланди. Ҳар куни уйга бошқа-бошқа ўқитувчи келарди.

Кун сайин оламга юз очаётган тилла сочли қизалоқ ҳаётга ташна нигоҳ билан боқарди. Бир кунга сифмайдиган ишларни бир онда битириш пайида бўларди баъзан. Буваси Марко Гулшан холалар яшаётган фермадан миниш учун от ажратди. Умримда биринчи марта от миниш мени ҳам қаттиқ ҳаяжонга солди. Даниелнинг эскириб кетган юк машинасига ўтирдик ва Россонинг фермасига бордик. Иброҳим амаки, Гулшан хола ва Россонинг икки одами бизга ёрдам беришди. Иккита ҳайбатли, эгарланган от келтиришди. Иброҳим амаки отнинг эгарини ушлаб турар, Россонинг одами отга минишимизга ёрдамчи бўлар, Гулшан хола эса четда туриб куларди. Оливия оғилнинг қалин панжарасига оёғини қўйиб, отнинг эгарига ўтирди. Ҳаяжондан оғзи қулоғида эди. Кейин мен ҳам худди шу тахлит отга миндим. Тулпорнинг тагимизда ўйноқлаб туриши бизни қўрқитиб юборди. Россонинг одами бизга нима қилишимиз кераклигини уқтирди.

— Эгарнинг ўртасига ўтиринг! Елкангизни ва оёғингизни тик тутинг! Акс ҳолда, мувозанатни ушлаб олмайсиз! Узангини товонингиз билан босинг! Тизгинларни юмшоқлик ва қаттиқлик орасидаги тарафликда сақланг! Ўнгга кетмоқчи бўлганингизда ўнг жиловни, чапга кетмоқчи бўлсангиз, чап жиловни энгил тортинг!

Биз айнан у айтганидек қилдик. Иброҳим амаки отларнинг жilовини ўз қўлига олди-да, оғилнинг атрофида бир-икки марта сайр қилдирди. Оливиянинг қўрқуви ўрнини қувонч эгаллаб олди. Мендаги ҳаяжон ҳам бир зумда йўқолди. Сўнг биз фермадан чиқиб, отларнинг жilовини Мякка дарёси томон бурдик. Ям-яшил дарахтлар оралаб кўркам манзарали майдонга етиб келдик. От миниш бунчалик ёқимли ҳис уйғотишини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Майин шамолнинг сочларимизни силаши, димоғимизга урилган ўт-ўлан ҳиди, отларнинг оёғидан чиқаётган тақа овози... Қайфиятимизга мос бу вазият бизни хушнуд қиларди. Оливия билан соатлаб қирадир кездик.

Кенг далага етганимизда Оливия отдан тушмоқчилигини айтди. Қийин бўлса ҳам, биринчи бўлиб мен тушдим. Кейин унга кўмаклашдим. Отларни яйловда қолдириб, ербағирлаб ўсган дарахт танасига ўтирдик. Оливия ичига сиғмай нуқул жilмаярди. У менга ўзининг энг ички ҳис-туйғуларидан сўз очаётганда кутилмаган ҳол юз берди. Отлар бошни бошга бериб, уйга қараб йўл олишди. Кетларидан югуришимиз, бақиримиз наф бермади. Отларнинг тилини билмаслигимиз аён эди. Тўхтатиш учун қичқирганимиз эса отларни баттар чўчитиб юборди. Қоча бошладилар. Олдинда эса бизни узун йўл кутиб турарди. Бу кун гўзал хотирага айланди.

Кунлар шу тарзда бир-бирини қувиб, йиллар ўтди.

Оливия энди ўн уч ёшли ўсмирга айланган эди.

Унинг кескин хатти-ҳаракатлари ва ўзини, ўзлигини таниш учун бераётган саволларини тўғри тушунардим. Мен унинг барча сирларини баҳам кўра оладиган ва у доимо ёнида кўришни хоҳлаган ягона инсони эдим. Бир куни у билан қўл бўйида сайр қилаётганимизда, менга ҳаётим билан боғлиқ савол берди.

— Ойи, сиздан бир нарса сўрасам, майлими?

— Албатта, қизим. Сўрашинг мумкин.

— Бирор мартаба кимнидир севиб қолганмисиз?

Шу пайтгача берилмаган бу саволнинг бир сабаби бўлиши керак эди.

— Нега сўрадинг?

У табассум қилди.

— Ҳеч нарса... Шунчаки қизиқдим. Сиз гўзал аёлсиз. Сизни ёқтирган одам бўлган бўлса керак.

Мен чуқур нафас олдим ва дарров жавоб бердим.

— Бўлган. Севгандим. У ҳам яхши кўрарди. Биз турмуш қурдик. Кейин келиша олмадик. Ажралишга мажбур бўлдик.

— Ростданми?

— Ҳа.

— Фарзандли бўлганмисиз?

Саволнинг бу нуқтагача келишини билардим. Кўзларим беихтиёр ёшга тўлди.

— Ҳа.

Қиз ҳайратланди.

— Ишонолмайман! Қаерда унда?

Мавзуни ёпмоқчи эдим.

— Оливия, илтимос, бу ҳақда гаплашмайлик.

— Яхши. Хоҳламасангиз, гаплашмаймиз. Аммо бир кун айтиб бермоқчи бўлсангиз, сизни тинглашга тайёрлигим ёдингизда турсин.

Оливия очган бу дарча ҳеч қачон ёпилмасди. Хаёлимдан чиқмаган ягона ўй Айтачнинг номаълум оламда қолдирилгани эди. Ичимни қамраб олган изтироб ҳеч қачон аримас, нима қилсам ҳам, қалбимда ҳузур йўқ эди. Ташқаридан қараганда мени: «Қандай бахтли аёл», дейишлари мумкин. Аммо кўринганимдан фарқли ўлароқ, ичимда тубсизликлар ва қоронғи жарликлар бор эди.

Бир куни, Оливия дарсда бўлганида, мен уйдан чиқдим. Кўл ёнидан ўтиб, Гулшан холанинг уйи томон юрдим. Олдинда — кенг дала ўртасидаги кичик бир уйга кўзим тушди. Чарчагандим, ҳарсанг тош устига ўтирдим. Ҳеч қандай муаммоим бўлмаса-да, юрагим сиқиларди. Тўсатдан қалбимни жунбишга солган бир садо янгради. Ўрнимдан туриб, атрофга қарадим. «Бу овоз, бу овоз жудаям таниш!» дедим. Ҳаяжонга тушиб у қаердан келаётганини аниқлашга уриндим.

Бейхтиёр кўзим ёшланди. Бу сас мана шу диёрда энг кўп ташна бўлганим — азон садоси эди. Бегона юртда мен орзиқиб кутган овоз! Юрагим дир-дир титрарди... Истанбулда мутлақо қадрига етмаган, эшитганда эса парво ҳам қилмаган азон худди ичимда ўқиладигандек эди. Бу садо нақадар гўзал эканини ўзга юртда яхшироқ фаҳмлар экан инсон. У менга ким эканимни хотирлатгандай бўлди. «Илтимос, тугамасин», дея йиғлардим.

— Аллоҳим, ёлвораман, тугашига йўл қўйма!

Ойлар давомида саҳрода сувсиз қоласан... Ёки болангни йўқотасан қоронғи ўрмонда... Худди шундай. Ҳамма сени четга улоқтирганда кимдир ғамхўрлик қилади. «Ҳеч ким мени тушунмаяпти», деган онингда бир садо эшитасан. Ўлим ёқасида турганинда кимдир малҳам тутади. Мен ҳам шу ҳолатга тушдим... Ёлғизлигимга эм бўлмоқда эди бу садолар...

Кўзёшларимни тутиб туролмадим. Ичимдаги бир овоз: «Ўрнингдан тур ва садо келган жойга бор!» дерди. «Тур ва бор!» Ўзим ҳануз англамаган бўлсам ҳам, руҳимга нақадар гўзал нақш солган экан яратган Раббим. Бор дардимни тўкиб солмагунча йиғлайвердим. Етимликни ёлғизлик деб ўйлардим. Ҳақиқий етимлик меҳрни ҳис этмаслик экан. Олисида бўлиш экан етимлик — суйган одамингиздан. Ўша куни мени илҳомлантирган ва қалбимда жўш урган ҳиссиётларга ғарқ бўлдим. Айтачимни топиш қувончи каби улкан бахт эди бу. Дунё ташвишлари орасида йўқотиб қўйган

эканман ўзимни. Озурдаҳол эканимни буткул унутган эканман...

Соатга қараганимда тушлик вақти эди. Демакки, пешин намози вақти кирган эди. Дарахт тагидан оқиб келаётган сувга кўзим тушди. Бориб қувонч билан таҳорат ола бошладим. Анчадан бери тилга олмаган шаҳодат калимасини келтирар, қалбимни қамраган туйғулардан титраб йиғлардим. Бирдан ичинг жиз этади-ку... Оёғинг ердан узилиб, атрофни бошқача кўра бошлайсан. Худди шундай бўлди. Тезда Гулшан хола яшайдиган фермага етиб бордим. У қулбасининг ёнида ўтирганча олма арчарди. Мени кўргач, хурсанд бўлиб ўрнидан турди. Бир-биримизни қучдик. Гулшан хола хавотирланиб:

— Тинчликми, қизим — деди. — Нега йиғлаяпсан? Бошингга бирор иш тушдими?

Табассум билан юзига қараб:

— Хайрли иш тушди, холажон. Йўл устидаги дала ўртасида кичкинагина уй бор экан. Ўша уйдан келаётган азон овозини эшитдим.

У менга жилмайиб турарди.

— Шунинг учун йиғлаяпсанми?

— Ҳа. Бағоят гўзал экан азон овози. Қанчалар соғинган эканман. Ота-онам мени кўргани келишгандек бўлди. Ичимда кечаётган туйғуларни ифодалай олмайман.

— Азонсиз тупроқларда улғайиш — қанчалик азоб, шундай эмасми? Инсон Аллоҳнинг исмини

эшитмаса, йўлдан адашади. Ҳиссиётларинг жуда гўзал... Уларни ҳеч қачон қўйиб юборма. Иншооллох, ҳидоят эшиклари очилади.

— Мана шундай ҳис-туйғулар ичида эканимда ибодат қилишни истайман. Жойнамоз борми?

— Мен билан юр.

Бирга уйга кирдик. Юқори қаватдаги кичкина хонага кўтарилдик. Хола менга бурчакда турган жойнамози ва рўмолини олиб берди. Анча вақтдан бери биринчи марта Раббимнинг ҳузурда бўлиш эди. Унинг қаршисида йиғлаш, кўз ёш тўкиш нақадар ёқимли... Айтолмаганларимни айтиш, гуноҳларимни унинг қаршисига қўйиш ва ёлғиз ундан паноҳ тилаш ва фақатгина: «Афв эт, Аллоҳим», дейиш қанчалар ёқимли... Мен унутган Раббим мени ҳеч қачон унутмади. Тилагим — Раббимни кўриш эди. Парвардигорим: «Эй бандам, мени ичингдан изла. Дардинг ичингда, дармонни ҳам ичингдан қидир. Қалбингга боқ. Ўша ердаман. Қалбинг билан қарасанг, кўрасан мени», дерди гўё. Ҳар бир ўқиган ракатим менга роҳат бағишларди. Ўзим билмаган ҳолда юрагим юмшаб, қандайдир енгиллашганимни, ичим ойдинлашганини ҳис қилардим.

Гулшан хола билан кечган кўтаринки суҳбатдан сўнг ўзим турган уйга йўл олдим. Азон овозини эшитган жойимга етгач, тўхтадим. Балки, яна эшитарман, деб кутдим. Вақт ўтиб борар, қуёш бота бошлаганди. Шом вақти бўлди, деб ўйладим. Кутдим. Руҳимга ши-

фодек янграган азон овозини такрор эшитдим. Кечки салқин тушган, қалдирғочлар осмонда сайр қила бошлаганди. Ёқимли шабада юзимни сийпаларди. Ям-яшил дарахт тагига чўқдим. Ўша куни мени қуршаб олган севинчни ҳеч қачон унутолмадим...

Азон якунига етгунча шу ерда қолдим. Кейин охишта қадамлар билан уй томон кетдим.

Баъзи ҳодисотлар тўсатдан келар экан. Ҳеч қутилмаган вақтда... Кутмасдан ва унутганингдан кейин келар экан. Қулни ғафлат босмагунча, Хизр ёрдамга етишмайди. Магар билсам, қалбим шунчалик торайиб турганда, Хизр азон садоси билан юрагимни нурлантирибди. Бу туйғуни қайта яшаш учун қачонки ўзимни ёмон ҳис қилсам, келиб тош устига ўтирар, азон садосига қулоқ тутардим. Ўша куни бошлаган намозимни ҳеч қачон оқсатмадим. Афсуски, Америкада мусулмонларга яхши муомала қилинмас экан. Исломот терроризмга яқин тушунча деб қабул қилинар экан. Буни билганим учун узоқ вақт намоз ўқиётганимни одамлардан яширдим. Хурофот бутунлай йўқ бўлиб кетгувчи кунларни кутардим.

Марко Бей менда зоҳир бўлган ўзгаришларни пайқаган эди, албатта. Бир куни айвонда ўтирганимда ёнимга келди.

— Айдан, охирги пайтларда сенда ўзгариш рўй бераётганини кузатяпман. Гўё юрагинг билан гаплашаётганга ўхшайсан. Юзингда ҳам нур пайдо бўлган-

дек. Кўряпманки, олдингидан ҳам бахтлироқсан. Бунинг сири нимада?

Марко Бей сезганича бор эди. Чунки намоз ўқий бошлаганимдан кейин ҳар нарсага куюнавермасдим. Ғазабимни қўзғатганларни Аллоҳга топширардим. Шу асно дилимни хуфтон қиладиган ўй-фикрлардан халос бўлардим. Марко Бей ҳаётимдаги бу лаззатни пайқгани мени жуда хурсанд қилди. Саволига ҳам ички сокинлик билан жавоб бердим.

— Жаноб, кейинги кунларда дуоларимни кўпайтирдим. Ҳар бир ўқиган дуоим менга тасалли берди.

Марко Бей бироз ўйланиб турди-да, кулиб юборди.

— Шунақами! Сен учун севиңдим. Қизиқ, сен қандай дуолар қиляпсан?

Жилмайдим ва изоҳлашга уриндим.

— Мени кечир, Аллоҳим. Ёрдам бер. Азобларда қолдирма мени!

— Дуодан кейин қийинчиликларинг тугайдими? — табассум билан айвон четига юрди у. Сўнг ортга ўгирилиб, гапини тамомлади: — Ҳаётингда бошқа қийинчиликлар қолмадими, яъни? Дуо билан ҳаммасини ҳал қилдингми?

— Иштихон тугамагунча, қийинчилик тугамайди, жаноб. Муҳими, қийинчиликлар эмас, балки уларни енгиб ўтиш учун чидамнинг битмаслигидир. Агар сабот қилсангиз, қийинчиликлар келади, кетади.

Марко Бей индамай орқасига ўгирилиб кетди. Айтган гапларимни кейинги кунлар ҳам ўйлаб юрганини сездим.

Ўша кундан бошлаб Марко Бей ислом дини ҳақида билишга уринаётганини англаб қолдим. Чунки бир куни кутубхонага кирганимда стол устида «Дунёда ислом тушунчаси» номли китоб турарди. Китоб ёнидаги кичик қоғозларга маълумотлар ёзган эди. Шундан бошлаб унда кўзга ташланадиган баъзи ўзгаришларни пайқадим. У энди ичкилик ичмаётган эди. «Ташладим шуни!» дерди.

Бир куни кечқурун компьютерда ота-онам билан гаплашиб ўтиргандим. Видео суҳбат қилаётгандик. Онамнинг айтишича, Амир бошқа бирига уйланиш мақсадида мен билан ажрашиш учун ариза берган ва ажрим ишлари кечаги кўрилган суд мажлисида ҳал бўлибди. Шундай қилиб, бошимнинг балоси Амир ҳаётимни бутунлай тарк этди. Ундан қутулиш ҳурлигимга ҳурлик қўшди. Албатта, Айтач туфайли қонуний жавобгарликларим бор эди. Лекин бундан бошқа ҳеч қандай алоқам қолмаганди. Онам мени жуда соғинганини, энди Туркияга бемалол қайтишим мумкинлигини айтарди. Айниқса, Айтачга бўлган соғинч-ҳасратим барҳам топишини истарди. «Сен қандай онасан?! Фарзандингни кўрмасдан қандай яшаяпсан у ерларда?» дерди. Айтачнинг манзилини айт, деб туриб олди. «Йўқ», дедим. Айта олмадим. «Ҳали эмас», деб гапни бошқа ёққа бурдим. Мен

унинг ерини билармидим! Нима десам ҳам ёлғон бўларди. Индамадим.

Сухбат тугаганда ўй-хаёлларим қоришиб кетган эди. Бу ерда чамалаганимдан кўра мукамал ҳаёт тарзим бор эди. Туркияга кетсам, барчаси остин-устун бўлиши мумкин. Узоқ сафарга чиқиш учун ҳали эрта эди. Айтачни кўриш — мен ҳаётда энг кўп хоҳлаган истак эди. Ўзим билан бирга олиб кела олмаган, оиламга қолдира олмаган боламни топиш ҳозирча ҳеч нарсани ҳал қилмас эди. «Кут», дедим ўзимга. «Яна биров кут!»

Оливия билан ташқарида табдили ҳаво этишни қанда қилмасдик. Бир куни тушдан кейин — уйда ҳеч ким йўқлигида бир шўхлик қилишга қарор бердик. Қўл бўйидаги кичик кўприкка боғланган қайиқчага ўтириб, сузиб кетдик. Ўша куни умримда биринчи марта эшқак эшдим. Қайиқ икки ҳаваскорнинг қўлида бир ўннга, бир чапга сузиб борарди. Шу асно ўзимизни кўл ўртасида кўрдик. Атрофдаги қушларнинг овози қурбақаларнинг қуруллашига эш бўларди. Ям-яшил дарахтлар ичра — кўлда сайр қилиш таҳликали тажриба эди.

Оливия Туркияга қизиқарди.

— Ойи, Туркия қандай давлат? Бир оз сўзлаб беринг.

— Туркия жуда гўзал мамлакат. Излаган нарсангни топишинг мумкин. Ҳар фаслдан баҳра олиш мумкин бўлган, муҳташам табиат ва тарихга эга нодир мамлакатлардан бири...

— Ростданми? Энди янада қизиқиб кетяпман. Нима дейсиз, бир кун бирга борамизми?

— Насиб, иншооллоҳ, борамиз.

— Пирамидалар ҳам ўша ерда, шунақами?

— Йўқ, бизда пари мўрилари бор. Шоҳ мақбаралари. Рим ёдгорликлари...

— У ерда террорчилар кўпми?

— Илгари бор эди, ҳозир унчалик қолмади.

— Мусулмон йўқми, яъни?

— Мусулмонлар бор. Аммо террорчилар йўқ.

Оливиянинг эшитган ва билганлари сабаб тушунчалари собит эмас эди. Эшкакларни ташлаб, унинг қаршисига ўтирдим.

— Қулоқ сол. Афсуски, бу тўғри маълумот эмас. Мусулмон одам террорчи бўлмайди. Ислонда «Бир инсонни ўлдириш бутун инсониятни ўлдириш билан баробардир», деган тушунча бор. Ислон ва терроризмни боғлаш динимизни тушунмайдиганларнинг бузуқ мафкурасидир. Масалан, бу ерда қайси дин бор?

— Христиан.

— Христианликда одам ўлдириш борми? Дин рухсат берадими?

— Йўқ.

— Башарти айрим кимсалар насронийликдан нотўғри фойдаланиб, уни хато талқин қилган ва инсонларни ўлдирган бўлса, диннинг гуноҳи нима? Бунга юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Бизда ҳам худди шундай. Ислом шуурини англай олмаган одамлар, афсуски, ислом динини нотўғри талқин қилиб, ўз мақсадларига эришиш йўлида фойдаланадилар. Исломда зулм йўқ. Ислом ҳатто пайғамбар Муҳаммад (с.а.в) нинг амакисини ваҳшийларча ўлдирган одамни ҳам кечирган. Террористнинг дини бўлмайди. Террорчи, хоҳ у насроний бўлсин, хоҳ мусулмон бўлсин, террорчидир. Бир христиан террорчи бўлса, демак, барча «насронийлар террорчи» дея олмаганимиздек, мусулмонлар ҳам шундай.

Оливия тушунгандек бош ирғаб қўйган бўлса-да, кўнглида қолиб кетаётган саволлар тез орада ўз жавобини топиши лозим эди. Қайиқнинг бир тарафга эгилиб турганини пайқадим. Оливия ҳам шошиб:

— Ойи, қайиққа сув сизиб кияпти, — деди.

Кўрқув билан қайиқ ичига қарадим-у, оёқларимиз остига сув сизаётганини кўрдим. Дарҳол қирғоқ томон эшкак эшишга тушдим. Оливия туфлисини ечиб, қайиқдаги сувни бўшата бошлади. Катта тезликда қирғоққа яқинлашдик. Қайиқ қамишлар орасида қолди. У ердан қирғоққа етиб бориш учун сув ичида бир оз юришимиз керак эди. Аввал қайиқдан мен сакрадим. Сув тиззамгача келар эди. Кейин Оливия тушди. Лойга ботиб, қирғоққа бирга етиб

келдик. Уст-бошимиз расво бўлди. Қайиқнинг ярми сувга тўлганди. Булар Оливияга хуш ёққанди. У ердан чиқиб, буғдойзорга кирдик. Оливия буғдойлар орасига югурди ва яширинди. Қанча чақирмайин, беркинган жойидан чиқмади. Уни қидира бошладим. Бақирдим, чақирдим, ёлвордим — чиқмади. Бир неча дақиқадан сўнг уни буғдойзор ичида ётган ҳолда топдим.

— Бу нима қилганинг! Ақлдан озай дедим, ахир. Одам деган ҳам шундай қиладими?

Пиқирлаб кулди. Гапларимга аҳамият бермагани аниқ эди.

— Ойи, сиз ҳам ётинг!

У жуда бахтиёр эди, йўқ дея олмадим. Мен ҳам ёнига чўзилдим. Биргаликда булутларни томоша қила бошладик. Буғдойнинг ям-яшил бошоқлари аро булутлар жудаям гўзал кўринарди. Қушларнинг овози фусун бағишлаган бу саҳна айнан менбоп эди: болалигимда майсалар узра узала тушиб, ёрқин орзуларга чўмган кунларимни, унутилмас хотираларимни ёдга соларди. Кўкдаги булутларни, худди болаликдаги сингари, турли нарсаларга ўхшатдик. Оливия тасаввур қобилиятини намойиш этарди.

— Қаранг, ойи! Анави булут бувам Марконинг соқолига ўхшаркан. Ўнг тарафдагиси — болғага, тепамиздаги — дарахтга, ёнидаги — ҳасса тутган кампирга...

У билан вақт ўтказиш жуда ёқимли эди. Айтачимнинг тўлдириб бўлмас бўшлиғи қаршисида бу менга тасалли берарди. Шу чоғ яна менда янги қарашларни зоҳир қилган азон овози янгради. Номаълум бир куч мени бу муборак овоз томон чорларди. Уни аниқроқ эшитгач, ўтирдим ва тинглай бошладим. Дилимга бир ҳузур оқиб кирмоқда эди. Оливия ўрнидан туриб, шоша-пиша кўнглидан кечаётган ҳис-туйғуларини сўзлай бошлади.

— Бу чет эл мусиқаси бўлса керак. Биринчи марта эшитиб турибман.

Сочларини силаб, бу овоз азон эканлигини, одамларни ибодатга чорлашини тушунтирдим. Оливия гапларимни диққат билан тингларди. Кейин эса:

— Нима дейсиз? Овоз келган жойга борамизми? — деди.

Ичимдагиларни ўқиётганга ўхшарди. Ёлғиз ўзим боролмайдиган бу жойга Оливия билан бирга боришим мумкин эди. Ўрнимиздан туриб, азон келган томон юрдик. Уй рўпарасига келганимизда айвонда намоз ўқиётган ўттиз ёшлардаги йигитга кўзимиз тушди. Ёш, чеҳраси нурли, келишган, ҳалол инсонга ўхшарди. Секингина Оливиянинг қўлидан «кетдик» деб тортдим. Оливия унинг намоз ўқиётганини кузатиб турарди. Уни тортқилаб олиб кетаётганимда намоз ўқиётган йигит бизни пайқаб қолди. Ортимиздан чақирди.

— Марҳамат, қандай ёрдам бера оламан?

Ортимга ўтирилдим. Табассум билан қараб турарди. Биз эса қочиб у ердан узоқлашдик. Қулупнайзор ёнидан ўтаётганимизда, Оливия қулупнайлардан ея бошлади. «Бас қил!» дейишим ҳам уни тўхтатолмади. Қаҳқаҳа отиб кулар, қулупнайлардан тинмай узиб ерди. Кимдир «Ҳей, нима қияллар?» дейиши ҳамон у ердан ҳам қочиб кетдик. Кўл бўйидан уйнинг боғига етганимизда саргузаштли кунимиз ниҳояланди. Кийимларимиз лой ва чангга беланган эди.

Тўғри бориб сўрига ўтирдик.

Даниел бизни бу аҳволда кўриб ёнимизга келди ва кизиқиб сўради.

— Тинчликми, хонимлар, бу нима аҳвол? Худди кўлдаги ботқоқ қурбақаларига ўхшаб қолибсизлар.

Оливия билан бир-биримизга қараб кулардик. Оливия:

— Даниел, кўприкка боғлаган қайиғингиз бор эди-ку!

Даниел ҳайрат билан кўприк томонга қаради. Оливия давом этди:

— Энди йўқ.

— Нега?

— У ҳозиргина қаршидаги соҳилда чўкиб кетди.

— Эй Худойим, нима қилиб қўйдингиз? У қайик чириган эди. Ботиб кетиши мумкин.

Оливия кулиб жавоб берди.

— Даниел, қулоғингиз карми? Аллақачон чўкиб кетди.

Биз кулар эканмиз, Даниел бошини сарак-сарак қилиб ёнимиздан кетди. Азон айтилган уй ҳақида ўйлаб қолдим. Намоз ўқиётган йигит эътиборимни тортганди. Уни яна бир бор кўришни ва гаплашишни хоҳлардим. Биринчи гал қилган хатоимнинг ортидан синган жасоратим билан бундай ташаббусга асло қўла олмасдим. Иккинчи Амир воқеаси мен кўтаролмайдиган юк бўлиши аниқ. Шу боис узок вақт ёлғиз ва жим юришни тўғри деб билдим.

Яна бир куни Гулшан холаларни йўқлаш учун кетаётганимда йўлда чодирлардан иборат бозорча қурилганини кўрдим. Қизиқиб кирдим. Ўйинчоқлардан тортиб боғдорчиликка оид жиҳозларгача, китоблардан тортиб уй анжомларигача бор эди. Китоб растасига яқинлашдим. Йўлаклардан бирида Қуръоннинг инглизча таржимасига кўзим тушди. Олиб кўз югуртирдим. Сотувчи:

— Ҳар бир мусулмон бу китобни ўқиши лозим, — деди.

Эътибор бермай ўқишда давом этдим. Бир пайт сотувчига қарадим-у... тилим калимага келмай қолди. Бир неча кун олдин азон овози эшитилган уйда кўрган йигит эди бу. Ҳаяжон зўридан кўзларига тик қарай олмадим.

— Мусулмонмисиз? — деди.

«Алхамдулиллах», дедим. У менга диққат билан разм солди.

— Сизни қаердадир кўргандайман.

Ваҳимага тушдим. Таниб қолса, ана шарманда!

— Йўғ-э, қаерда ҳам кўрардингиз?

— Хотирам мени алдамайди. Сизни қаердадир кўргандекман, лекин қаерда?

Қуръонни дарров сотиб олдим. Пулини тутқазиб, мени таниб қолмасидан, у ердан узоқлашмоқчи эдим. Энди кетаман деб турганимда:

— Бўлди, эсладим, — деди.

«Эвоҳ», дедим ўзимга ўзим.

— Сиз ўтган кунни бир малла қиз билан уйим олдига келгандингиз.

Мен ўгирилиб хижолат бўлиб унга қарадим.

— Ҳалиги, сизни безовта қилганим, боғингизга рухсатсиз бостириб кирганим учун узр сўрайман.

У кулиб юборди. Табассум билан деди:

— Сизни у ерда кўриш жуда ёқимли эди.

Ортга ўгирилиб кетаётганимда кулиб сўз қотди:

— Уйимнинг боғига кириб, мени доим безовта қилишингиз мумкин!

Ичимга тушган лахча чўғ ўша кунни яна бироз алангаланди. У инглизчада чала ва ёқимли сўзлаши билан ҳам мени ўзига жалб этарди. «Аллоҳим, тўғри йўлдан адаштирма!» деб дуо қилардим. Ўзим билмай туриб, бир саргузашт ичига тушиб қолгандек эдим. Илгари ҳам ҳавасларимга ишониб, бир телбага йў-

лиққандим. Бу йигит ҳам мен ким эканини, қанақалигини билмайдиган қоронғи дунё эди. Ҳаммасига кўз юмган ҳолда у томон қанот қоқа олмасдим. Ўзимни тўхтатиш учун барча баҳоналарни ўртага қўйдим.

Бироқ учқун чақнаб бўлган эди. «Ортиқ ўйлама, ақлингга келтирма!» деганим сайин хаёлимдан чиқмас бўлди. Гўё кимдир қармоқ ташлаб юрагимни қўлга олгандек. Ўзимни тийиш учун Қуръон ўқий бошладим. Юрагим тўлқинланиб, ҳар ўқиганда ғамғуссаларим пардек учиб кетарди. Чунки мен излаган барча саволларимга жавоб топаётгандим.

Қалдирғочларга тўла оқшом... Оливия билан айвонда ўтирганимизда Марко Бей келди. Набирасининг ёнига ўтирди. Оливиянинг сочларини силади.

— Яхшимисан, маликам?

— Яхшиман.

— Кўриниб турибди яхши эканлигинг. Тишлаган жойини узиб оладиган даражада ўзига ишонган, тешик қайиқ билан кўлда сузадиган даражада ақлдан озган қиз...

Оливия ўнғайсиз табассум билан менга қараб тўрарди. У билан кўзларимиз тўқнашмаслиги учун кескин ҳаракат билан нариги тарафга ўгирилдим. Даниел ҳаммасини айтиб бергани аниқ эди. Марко Бей менга қаради.

— Айдан, бери кел.

Мен ўрнимдан туриб, секин унинг ёнига бордим. У қўли билан ишора қилиб:

— Ўтир, — деди.

Мени ўз қизидек кўрарди. Шу сабаб бемалол ёнига ўтирдим. Кўллари билан елкамиздан қучди.

— Қичик хонимлар. Қилган ишларингизга қараганда, бир неча кунлик саёҳат сиз учун фойдадан холи бўлмайди.

— Оливия бобосининг бўйнига ёпишди.

— Саёҳат дейсизми?

— Ҳа. Саёҳатмисан саёҳат!

— Қаерга?

— Дунёнинг энг қизиқарли шаҳрига! Инсонлар бахтга фарқ бўлиш учун борадиган ерга... Нью-Йоркка...

Оливия ўрнидан туриб бобосининг бўйнига осилди.

Қувончдан гўё учаётгандек эди. Мен учун ҳам ёқимли сюрприз бўлди. Ёшлик йилларимда қилган орзуларим ниҳоят амалга ошар экан. Марко Бей набирасини бахтли кўришдан чексиз завқ туярди. Унинг хурсандчилигида менинг ҳиссам катта эканлигини биларди. Оливия уйдаги таълим сабаб мендан бошқа одамлар билан ҳам мулоқот қила бошлаган, ўзига бўлган ишончи ҳам кескин ошганди. Онаси билан бўлган бахтсиз ҳодисанинг изларини хотирасидан ўчириб ташлаган эди. Қувноқ, шўх-шаддоқ қиз уйнинг бахт туморига айланганди.

Шанба куни Марко Бей бизни машинада Сарасотага олиб борди. У ердан самолётда осмонга кўтарил-

дик. Мен дераза ёнидан жой олдим, ўртада Оливия, йўлак томонида эса Марко Бей. Оливия ўша куни ҳаяжондан бир жойда тек туrolмади, тинмай нималарнидир бидирлаб кетарди. Тўхтамай гоҳ ўннга, гоҳ чапга буриларди. Икки ярим соатлик парвозда сира-ям жим турмади.

Нью-Йорк самоларини қучаётган учоқ... Осмон-ўпар бинолар, бирин-кетин тизилган машиналар, улкан яшил майдонлар, ҳовузли ҳовлилар... Орзулар пулга айланадиган жой... Камбағалларга яшаш имкониятини бермаган нархи осмон, муҳташам шаҳар. Нью-Йорк...

Аэропортдан чиқиб, машинада тўғри Озодлик минораси томон йўл олдик. Осмондан самолёт билан тушган эдик, энди эса яна лифт билан тепага кўтарйла бошладик. Биринчи қават, иккинчи қават, йигирманчи қават, эллингинчи қават, етмишинчи қават, юзинчи қават... Ниҳоят, ресторандамиз. Баландлик даҳшатга солади. Ходимлар ҳамроҳлигида дераза ёнидаги столга ўтирдик. Ҳангу манг эдик... Кўчадаги одамлар кўринмайдиган даражадаги юксакликдамиз. Оливия бундай катта шаҳарга биринчи марта кели-

ши эди. Ҳайрат билан атрофга алангларди. Марко Бей бизга катта зиёфат берди.

У ердан чиқиб, одамлар селдек оқувчи кўчалар бўйлаб сайр қилдик. Бошга қулагудек юксак бинолар, кўча аниматорлари, сигнал садолари... Иморатлар орасидаги осуда денгиз... Ўзлигидан узоқлашган минглаб одамлар... Ва бу ажабтовур дунё ичра ҳайратга тушган биз...

Меҳмонхонага етиб келдик. Оливия билан бир хонада эдик. Толиққанимиз сабаб бошимиз ёстиққа тегиши билан ухлаб қолдик.

Эрталаб меҳмонхонада Америка услубида нонушта қилганимиздан сўнг янги саргузаштлар бошланди. Кемада Элис ороли, кейин эса Озодлик ҳайкали экскурсияси. Кетидан Марко Бейдан мен учун жуда ажойиб совға... Учимиз биргаликда турк ресторанида донер кабоб едик. Қадрдон бу таомдан йиллар ўтиб баҳра олдим. Донер ер эканман, беихтиёр кўзимга ёш келди. Ўрнимдан туриб Марко Бейнинг бўйнидан қучдим. Унга ташаккур айтдим. Оливияга донер кабобнинг таъми ёқиб қолди. Ликопчасидагини еб бўлгач, яна сўради. Икки кундан бери кезиб юрганимиз Нью-Йорк жозибаси мени бу қадар хурсанд қилмаган эди.

Ўша кунни кечқурун биз яна самолётда Сарасотага, у ердан эса Мякка томон машинада йўлга тушдик. Ўрмонзордан ўтаётганимизда Оливия бирдан титрай бошлади. Қўлимни маҳкам сиқиб олганди. Унинг бу ҳолати бошдан кечирган фалокатини яна хотирла-

ганидан далолат эди. Сарасотадан онаси билан келаётиб шу ўрмонзорда бахтсиз ҳодисага учраганди. Кўзлари ёшга тўлиб, унсиз йиғларди. То ўша ҳудуддан чиқиб кетмагунимизча қўлимни қўйиб юбормади. Марко Бейга қараганимда унинг ҳам кўзлари ёшланганини кўрдим. Машинанинг орқа кўзгусида акс этган қиёфасида ғам-қайғу ифодаси бор эди. Сарасотадан узоқлашиб, Мяккага келдик. Уйга кирганимизда анча кеч бўлиб қолганди. Кейинги пайтларда Марко Бей набирасининг мен билан ухлашини хоҳламаётганди. Оливиянинг қалбини ларзага келтирган туйғулар эса уни хонамга келишга ундаганди. Энди эшикдан кираётганимизда:

— Марко бува! — деб қақирди. Марко Бей ўтирилиб унга қаради.

— Агар рухсат берсангиз, бугун ойим билан ухламоқчиман.

Профессор унинг йўл давомида қайталанган жахроҳатидан хабардор эди.

У Оливиянинг бошини силади.

— Аммо фақат бир кун...

— Яхши, Марко бува. Келишдик.

Кичкина малика севинч ила мени қучди. Кечаси Оливиянинг мен билан қолиши хуфтон намозини қазо қилишимга сабаб бўларди. Ўша куни Оливия мени қучганча ухлаб қолди. Тунда уйқуси бир неча марта бўлинди. Қайта ухлаши учун уни юпатдим. Шу кеча мен билан қолиши тўғри қарор бўлган экан...

Эртаси куни эрталаб кеч уйғондик. Марко Бей эрта туриб, университетга кетаётган эди. Оливия билан сўрида нонушта қиламиз, дедик. Барбара доимгидай қовоқ уйғанча нонушта дастурхонини тайёрларди. Бизга хизмат қилишдан малолларди. Кўз қарашларидан, дастурхонга санчқиларни ташлашидан буниси сезиб турардим. Чидай олмадим.

— Хоҳласанг, бошимизга улоқтир! — дедим.

Безбетларча деди:

— Жуда истардим, лекин ўша кун бугун эмас. Илк қоқилганинда кўрасан санчқини. Ҳеч шубҳа қилма.

Оливия Барбаранинг бу муомаласига биринчи марта қарши чиқди.

— Менга қара, бақалоқ! Сен ойим билан бу тарзда гаплаша олмайсан. Чегарадан чиқма!

Барбара Оливиянинг бу гапларидан ранжиди. Бир оғиз ҳам сўз айтмай уйга кириб кетди. Нонушта пайтида қандайдир қизнинг қўшиқ айтаётганини эшитдим. Бурилиб қарасам, Оливиядан бир неча ёш катта бир қиз, кўл бўйида таёқ билан ўйнаб, қўшиқ куйлаётган экан.

Негадир унинг кўриниши менда ёқимсиз ҳис уйғотди. Йиртиқ шимлари, тўзғиган сочлари ва татуировка чизилган қўллари яхшилиқдан нишона эмас эди мен учун. Оливия овоз келаётган томонга қаради.

— Бу ким бўлди?

— Билмайман. Биринчи марта кўришим.

— Чет эллик бўлса керак.

— Шундай бўлса керак.

Эллик метр нарида кичкинагина уй бор эди. У ердан аёл кишининг овози келди.

— Жинда! Ботқоқликдан нари кет.

Сув ўйнаётган қиз қўлидаги таёқни жаҳд билан кўлга улоқтирди.

— Жин урсин. Жинда, Жинда! — деди ва тез-тез юриб кетди.

Унинг бу ҳоли Оливиянинг ҳам эътиборини тортди. Қизнинг хатти-ҳаракатларини таажжубланганча кузатарди. Таҳлика эшик қоқаётганди. Буни алақачон англагандим.

Бир неча кундан кейин Оливия ўқитувчиларидан оладиган дарсини тугатди. Гулшан холаларниқига бирга бормоқчи эдик. Хонамда кийимларни дазмоллаётганимда Оливия айвонга чиққанди.

Ёқимли май кунлари... Мовий кўл... Кўлда чўмлаётган бир гуруҳ ўғил-қизлар... Айвондан уларни ҳайрат билан кузатиб турган қиз — Оливия...

Уйни тўлдирган ҳайқириқдан чўчиб тушдим. Ваҳима ичра хонамдан отилиб, уйнинг юқори қаватига

чопдим. Зинадан кўтарилаётганимда ўқитувчи уйдан чиқиб кетаётган эди. Югуриб Оливиянинг хонасига кирдим. Хонада ҳеч ким кўринмасди. Дарҳол айвонга йўл олдим. Овоз ташқаридан келаётганди. Айвонга чиққанимда, Оливия жилмайганча кўлга қараб турганини кўрдим. Унга яқинлашиб, мен ҳам кўл томон разм солдим. Бир гуруҳ йигит-қизлар кўлда сузишарди. Диққат билан қарагач, улардан бирини танидим. Ўтган гал нонушта пайтида кўрганимиз ўша қиз эди. Туркчасига «Йўқолларинг», деб бақиришни жуда хоҳлардим. Аммо бу жиноят эди. Америкада номақбул ҳаракат ҳисобланади бу. Оливиянинг қўлидан тутиб гап бошладим.

— Қулоқ сол, азизам. Уларга ҳавас қилма. Кўриб турганларинг тўғри иш эмас. Ва сен учун ҳали жуда эрта.

Кўз узмай уларга тикилиб турарди. Қаршисига чиқиб, ўй-хаёлларига тўсиқ қўймоқчи бўлдим.

— Оливия, эшитяпсанми? Улар бир гуруҳ безори. Тушуняпсанми?

Ниҳоят кўзларимга қаради.

— Ошириб юборяпсиз, ойи. Бунинг нимаси ёмон? Ёшларнинг кўлда сузишга ҳаққи йўқми? — деди.

— Албатта, ҳаққи бор. Лекин ўзини бошқара олмайдиган даражада эмас, телбалардек эмас, — гапга нуқта қўйдим.

Кўлда кўрганлари унга ёқиб тушганини сездим. Ёшларнинг бу жиннилиги ҳали-бери унинг хаёлидан кетмаса керак. Айтмаса ҳам, буни ҳис қилардим.

Ўшанда нимадир қилишим керак, деган хулосага келдим. Кечки пайт Марко Бей кутубхонада ишлаётганида унинг олдига бордим.

— Жаноб, агар бўш бўлсангиз, кирсам бўладими? Марко дафтарлари ва қаламини қўйиб:

— Кел, Айдан, киравер. Ташвишли кўринадими? Тинчликми? — деди.

Ёнига бориб ўтирдим.

— Жаноб.

— Эшитаман, гапир.

— Ён томонимиздаги бўш уйга бир оила кўчиб келди.

— Кўприк қаршисидаги уйгами?

— Ҳа.

— Хўш, нима демоқчисан?

— Шу оиланинг бир қизи бор. Адашмасам, унинг исми Жинда. Оливиядан бир неча ёш катта қиз.

Марко жидамайиб турарди.

— А-ҳа, қандай яхши! Оливияга энди дўст керак.

— У қизни яхши қиз, дея олмайман.

— Шуми муаммо?

— Муаммо шундаки, у Оливияга ёқди. Қизнинг хатти-ҳаракатлари Оливиянинг эътиборини тортипти.

Марко ўрнидан туриб жилмайди.

— Айдан, Айдан! Кулгимни қистатяпсан.

Айтган гапларим унга нега бунчалик кулгили ту-
юлганини тушунмадим.

— Жаноб... Мен тушунтира олмадим, шекилли.

Қўлини елкамга қўйди.

— Тушунтирдинг, тушунтирдинг. Менга қара,
бу ер Америка. Туркияда қандай эканини билмай-
ман. Оливия — балоғат ёши остонасидаги бир қиз.
Табиийки, унинг дўстлари бўлади. Албатта, салбий
хатти-ҳаракатлар эътиборни жалб қилади. Ёмон
дўстлар бўлмаса, яхши билан ёмонни қандай ажра-
тамиз?

— Лекин...

— Бу ишнинг «лекин-пекин»и йўқ, Айдан. Ҳам-
маси назорат остида... Сен хавотир олма!

Профессор мендан кўра яхшироқ билади, албат-
та. Қиз унинг набираси эди. Таъсирчанлигим сабаб
нотўғри хулосага келган бўлишим мумкин.

Профессор:

— Айдан, чойнакка қаҳва сол, бирга ичамиз, —
деди.

Бориб қаҳва тайёрладим. Марко Бей билан суҳ-
батлашиб, қаҳва ичдик. У билан гаплашиш ташвиш-
ларимни бир оз бўлса-да, енгиллатди. Кейинги кун-
ларда ҳам қўшни қиз Жинда ўғил бола дўстлари билан
кўл зиёфати уюштиришда давом этди.

Гушан холани соғинган эдим. Кўргани бориш учун уйдан чиқдим. Оливиянинг тўрт соатлик дарси бор эди. Кўл бўйлаб борар эканман, сувга бир нима тушгандек овоз эшитилди — дарахт ортидан келаётганди. Диққат билан қарасам, ҳув ўшанда — уйининг боғига кирганимизда, айвонда намоз ўқиган йигит. Оёқ кийимларини, пайпоқларини ечиб, кўл сувида таҳорат оляпти. Юрагим дукурлай бошлади. Сездирмай ўтиб кетмоқчи бўлгандим, оёғимга новда бўлаги илиниб қолиб, олдинга мункиб кетдим. Дарҳол ўрнимдан туриб, эгнимни тўғриладим. У менга табас сум билан боқиб турарди.

— Яна сен. Уй зиёрати тугади, энди кўл зиёрати бошландими?

Уятдан юзим қизариб:

— Менимча, сизни яна безовта қилдим, — дедим.

— Йўқ, безовта қилмадинг.

— Ҳалиги, сал нарироқдаги от фермасида холам ишлайди. Уларни кўргани кетаётган эдим. Сув овозини эшитиб, тўхтадим.

— Тушундим. Америкалик эмаслигинг билиниб турибди. Қаерликсан?

— Туркиялик.

Юзида яна бир зум табассуми жонланди. Ҳайрат билан менга қараб турарди.

— Жиддий айтяпсанми?

— Ҳа, туркияликман.

— Ишонолмайман!

Бориб дарахтга суянди. Қўлларини кўтариб дуо қилди:

— Аллоҳим, бу қандай тасодиф!

Нима бўлаётганини англай олмай ҳайрон бўлиб қолдим. Турк бўлса керак, деб ўйладим ва туркча гапира бошладим. У ҳам туркча гапирарди. Мен ҳам у каби лол эдим.

— Сиз ҳам туркмисиз?

— Ҳа, — деди. Кейин қўшиб қўйди:

— Ҳа, туркман. Лекин Озарбайжонданман.

Бу катта қувонч бағишларди. «Қанчадан бери Америкадасиз?» деб сўраганимда, у тахминан ўн йил олдин келганини, Американинг кўплаб штатларида ишлаб, ниҳоят, шу ерда қўним топганини айтди. Унга нисбатан илиқлик ва яқинлик ҳиссимнинг ҳикмати нима эканлигини ҳалигача тушуна олмагандим. Ўзимни қизиқтирган саволларни бера бошладим.

— Сиз яшаётган уйдан азон овози келади — жуда гўзал. Сиз ўқийсизми?

У кулиб юборди.

— Йўқ. Менда радио бор. Намоз вақти кирганда янграйди. Уй бироз узоқда бўлгани учун овозни баланд кўтариб қўйганман. Бу тупроқларда ушбу садони эшитишга эҳтиёж бор.

— Олис юртларда азонни эшитиш жуда ёқимли!

— Инсон йўқотганда — англайди, олис бўлганда — эҳтиёж туяди.

— Кўриниб турибдики, таҳорат олиб, намоз ўқиб юрасиз.

— Улар менинг энг яхши дўстларим. Уларсиз мен бу заминда яшай олмайман. Ёлғизлигимни, дардларимни доим Раббимга айтаман. Биламан, у мени тушунади. Ҳар доим менга ёрдам қилади.

Яратган ҳақида илк мартаба суҳбатлашаётган эдим. Бу туйғуни ҳеч кимга айтолмаслик қанчалик оғриқли эканлигини энди тушунаётгандим. Америкаликларнинг вақтинчалик кайфу сафо дунёсида кечаётган умримда абадият ҳақидаги суҳбат руҳимга дармон бўлди. «Аллоҳ» деганимда ёлғизлигим ўзига бир маҳбуб топаётганди. Келар экан ҳаёт. Кетар экан ҳаёт. Инсон ҳам бир кулар, бир йиллар экан. Охири ҳузун билан яқун топадиган бу фаний дунёда узилай деб турган арқонни тутмоқ нақадар бемаънилик. Ҳаёт ўргатади: келиб-кетгувчи ҳеч бир нарсани маҳкам ушламаслик керак.

— Мен Озарбайжонда бу туйғуларни ҳис қила олмадим. Балки, ёшлиқ қилгандирман. Балки, мен ҳақиқатни кўра олмагандирман. Инсон сувнинг қадрига сахрода етади. Бу ердаги ҳаётимнинг қисқача хулосаси шу! Ҳеч кимни хафа қилмайман, айбламайман. Ёмонлик ҳам ҳақиқатни ўргатади, ҳам яхшилиқни. Ибрат нигоҳи билан қарасанггина буни кўришинг мумкин. Бу одамларни кофир демайман. Қандай бош-

лашинг эмас, қандай якунлашинг муҳимроқ. Балки, мусулмон бўлиб кўз юмар. Мен-чи, мен ҳозир мусулмонман, аммо оқибатим қандай бўлади? Мен шундан хавотирдаман. Энди англадимки, ер юзидаги ҳамма жой бир хил. Франция, Америка, Африка... Бироқ... Жаннат сенда бўлиши лозим. Қаерга борсанг, жаннат билан бирга боришинг керак. Гўзаллаштирадиган — сенинг ичингдир, атрофга нур сочадиган — сенинг ичингдир. Ёмонлаштирган, зиндонга айлантирадиган ҳам сенинг ичингдир. Дунёда ёмонлик йўқ, ёмон жой йўқ. Уларнинг бари ичимиздадир.

У янада кўпроқ гапиришини истар эдим. Тинглаган сари руҳимга салқин ҳаволар, биллур сувлар қуйилаётгандек эди. Ботинимга инган бу енгиллик узоқроқ давом этсайди, дердим.

— Ишим бўлмаган кунлари кўл ёқасига келаман. Оёғимни сувга солиб, буларни менга раво кўргани учун Раббимга дуо қиламан. Айтганча, сен қаерда яшайсан? Сўрашни ҳам унутибман.

— Шу кўл бўйидаги катта уй бор-ку, ўша ерда.

— Бу ерга яқин экан.

— Ҳа.

Ўрнидан туриб кетаркан, орқасига ўгирилди.

— Ҳалиги... Мен ҳар чоршанба куни шу ерда бўламан. Кичик бир қармоғим бор. Агар келмоқчи бўлсанг... гаплашамиз. Мамлакатимиз ҳақида суҳбатлашамиз.

Табассум қилдим. Бу ерда у билан гаплашиш қанчалик тўғри бўлишини тушундим. Унинг сезгир ва ҳалол инсон эканлиги менга кучли таъсир қилди. Йўқ дея олмасдим.

— Ишим бўлмаса, келишга ҳаракат қиламан.

— Ишламай қўяқол, кел, — кетар экан, яна ортига қараб хитоб қилди:

— Ҳа, дарвоқе, исмим Манаф.

Буғдойзор четидан ўтиб, қамишзорлар орасида кўздан ғойиб бўлди. Кўнглимда баҳор таровати уфуриб турарди. Гўё кун янгидан ёришгандек бўлди. Қушлар ҳам бугун ўзгача сайраётгандай... Кўлдан таралаётган хушбўй йўсин ифори ўт-ўланлар ҳиди билан қоришиб кетганди. Бир нечта оқчарлоқ бошим узра айланар, кўл бўйлаб учиб юрарди. Бир қиз севинч билан дарахтга суяниб, кўл бўйидаги чуқур қояликларда ўзини йўқотгудек эди. Юрагидаги қора туйнук ҳаёт билан васила боғлашга ҳаракат қиларди. Умид билан «Кут, келади!» дерди у. «Ўғлимга етишиш они яқин, қилган оғир гуноҳим ҳам ювилади!» — дерди ўзига ўзи.

Гулшан холаларникига бордим — соғинчим пича ариди. Улар билан гаплашсам, худди ота-онамла суҳбат қургандай бўлардим. Кўнглим хотиржам ҳолда уйга қайтдим. Кўл бўйидан қараганда, қарши тарафдаги уй ўзининг бор ҳашамати билан кўзга ташланиб турарди. Соҳилнинг нариги томонидаги кўприк устида икки қиз суҳбатлашиб ўтирарди.

Кўрққаним, ўша қизлардан бири Оливия бўлиши эди. Кўзимни кўприқдан узмай, шитоб билан илдамладим. Илкис тўхтадим. Қаттиқ жаҳдим чиқди. Кўшни қиз Жинда ва Оливия қаҳқаҳа отиб гурунглашарди. Югуриб уларнинг ёнига бордим. Асло бошланишини истамаганим дўстликнинг олдини олиш учун Оливияни ихота қилишим керак эди. Марко Бейнинг «муаммо йўқ» деганига қарамай, чечақдай маъсум ва покиза Оливияни кўча қашқирига ем қила олмасдим. Бақирдим.

— Оливия!

Оливия ваҳима ичра менга қараб, Жинданинг ёнидан узоқлашди. Дарҳол кўприкка чиқдим. Жинда назарга ҳам илмагандай менга беписандларча қараб турарди. Кўлимни кўтариб, ғазабнок ҳолда қичқирдим.

— Менга қара! Оливиядан нари юр.

У ҳамон жавоб бермай бепарво тикилиб турарди.

— Жиндамисан, бошқамисан. Қизимга яқинлашма!

Қиз индамай у ердан узоқлашди. Уйга кетаётган Оливияни чақирдим.

— Оливия, мени кутиб тур!

Унга етиб олиш учун тезлашдим.

— Сени огоҳлантиргандим. У сенга лойиқ қиз эмас.

— Ойи, сиз ростдан ҳам ошириб юборяпсиз. Биз шунчаки танишдик. У ҳақиқатан ҳам яхши қиз.

Ўша оқшом Марко Бей мени олдига чақирди. Асабийлашгани ҳар бир ҳаракатидан билиниб турарди.

— Айдан, Оливиянинг ўша қиз билан гаплашаётгани нега сени безовта қияпти?

— Жаноб, у чиндан ҳам жуда ёмон қиз.

— Унинг ёмон экани ҳақида сен қарор чиқарасанми? Ёмон қиз эканлигини қаердан биласан?

— Унинг хулқ-атворини умуман хушламадим.

— Хулқ-атвори сенга ёқмагани ҳаммага ёқмаганими?

Марко Бейнинг сўзлашдаги қатъий услуби олдида жим туришим керак эди. У давом этди.

— Айдан! Оливияни яхши кўришингни, уни муҳофаза этишга ҳаракат қилаётганингни биламан ва тўғри тушунаман. Лекин бу усул нотўғри... Муаммони ҳал этиш учун сенда арзирли сабаб бўлиши керак. Тушундингми мени?

Марко Бей сезгиларимни янглиш деб билар, мени ошириб юборяпти, деб ўйларди. Бироқ мен фалокат оёқ остида эканлигини билардим. Бундай хулоса чиқаришда ҳақ эканлигимни эртаси куниёқ кўрдим. Уйғонганимда тонг отган, қуёш нурлари хона деразасидан ичкарига сизиб кираётган эди. Кийиниб, юзимни ювгач, ташқарига чиқдим. Даниел уйдан кўлгача узанган ажриқларни ўрган, ҳар ердан ўт хиди келарди. Мовий осмоннинг ранги кўлнинг яшил ранги билан уйғунлашиб, борлиқда фируза ранг жилваланарди. Олисдан қора булутларнинг шиддат билан

яқинлашаётганини кўрдим — саросимага солувчи кўринишда эди. Кутилмаганда эсган шамол дарахтларни силкитиб юборди. Даниел ўтларни аравага тўлдириб ташиётганди. У ҳам шамолни пайқаган эди. Аравани ерга қўйди ва ҳавони текширгандек диққат билан бир нуқтага тикилиб қолди. Ёнига бордим.

— Даниел, қаршимиздан бу томонга қараб келаётган булутлар одатий булутларми?

Даниел яна қаради.

— Жин урсин. Бу тропик бўрон! Ҳозироқ ичкарига кир. Барча деразаларни маҳкам ёпинглар. Ертўлага тушинглар.

Ичкарига кирмоқчи бўлганимда кўл ёнидаги дарахт ортида икки киши турганини кўрдим. Жинда ва бир йигит, кўллардаги сигаретга ўхшаш нарсани ҳафсала билан чекишарди. Мени ташвишлантиргани улар чекаётган нарса сигарет эмаслиги ҳақидаги эҳтимол эди.

Бизга яқинлашаётган иккита улкан бўронни кўрдим. Бири юқоридан, иккинчиси пастдан келаётганди. Дарҳол уйга чопдим. Юқори қаватга чиқаётганда ошхонага тарафга қараб бақирдим:

— Барбара, бўрон келяпти!

Барбара ошхонадан чиқиб, ҳадиксираб менга қаради ва яна кириб кетди.

Тепага чиқиб, Оливиянинг хонасига кирдим. У ҳамон маза қилиб ухлаб ётарди. Сокин овозда:

— Оливия, бўрон келмоқда, — дедим. Дарров ўрнидан турди.

— Ҳозир бораман, ойи, — деб, кийиниб олди. Шу пайт уй аста-секин ларзага кела бошлади. Мякка бўйлаб янграган сиреналарнинг овози шамол шовқинига қоришиб кетди. Телефоним тинмай жиринглаётганини пайқадим. Марко Бей университетдан бизга кўнғироқ қилаётган эди. Эҳтиёт чораларини кўришимизни ва ертўлага тушишимиз кераклигини айтди. Айвоннинг эшигини ёпаётганимда кучли бўрондан қаттиқ тебранаётган дарахтларга кўзим тушди. Мени қизиқтирган нарса, Жиңда ва унинг йигити эди. Улар бўронни эндигина пайқашганди. Дарахтдан сакраб, уйлари томон чопишди.

Томдан келаётган шовқин-сурон... Баргларни чирпирак қилиб учираётган, шохларни қарсиллатиб синдираётган бўрон... Ҳавода чарх ураётган пакет ва қоғоз парчалари... Қўққисдан қуйган ёмғир... Гўё ядро бомбаси тушгандан кейинги ҳолатдек эди. Аслида, содир бўлган воқеа бу қитъанинг одатий иқлим хусусиятларидан бири эди. Тропик бўронлар йилга-ўн икки марта содир бўлади. Биз тезда ертўлага индик. Барбара ҳам аллақачон пастга тушган эди. Электр узилиб, генератор автоматик равишда ишлай бошлаганди.

Ўша куни биринчи марта Оливияга Насриддин Афандининг латифаларидан айтиб бердим. Ҳазиллар унга ёқди. Айтган ҳар бир латифамга қаҳқаҳа отиб

куларди. Хавотирли ва кўрқинчли кун ўйин-кулги билан тўлди. Ташқарида эса тўполон, ойналарнинг синиши, ёмғирнинг шовуллаши бир неча соат давом этди. Бўрон тамоман ўтиб кетгач, биратўла тушлик қила қолдик. Даниел, одатдагидек, таъмирлаш ишларини бошлаб юборди. Боғдан болға овози эшитиларди.

Бир неча кундан кейин, ниҳоят, чоршанба келди. Мени кучли ҳаяжон чулғаб олганди.

Оливияни ўқитувчилари билан ёлғиз қолдириб, ўйдан чиқиб кетдим. Қадамларим мени кўл томон элтди. Юрагимда ниначилар қанот қоқарди. Кўлнинг нариги ёқасидаги дарахтлар орасидан тутун бурқсирди. Икки кун олдинги бўрон барча дарахтларнинг қуриган шохларини синдирган, сўқмоқни шох-шаббалар тўсиб қўйганди. Юриш анча қийин эди. Бир неча дақиқадан сўнг кўл қирғоғига етиб олдим. Тутунлар оралаб йўлимда давом этдим. Қаердандир овоз келди.

— Тутун чиқаётган жойга кел!

Овоз Манафники эди. Олдига боргач, икки курси тайёр эканини кўрдим. Бир тарафда эса самовар ёниб турарди. Табассум билан менга қаради.

— Кичик хоним, кўп саволлар берибман-у, лекин исмингни сўрашни унутибман.

— Айдан.

— Жуда чиройли исм. Марҳамат, ўтир.

Самовар эътиборимни тортди. «Иншооллох, чойдир», — дедим. Сўнгги марта чой ичганимга бир аср бўлгандек эди.

У кўрсатган жойга ўтирдим.

— Самовар?

— Ҳа! Чой ичамиз, деб ўйладим. Ахир, бу ерда бундай одатлар йўқ.

— Чойни қанчалик соғинганимни англата олмайман.

Ёнида кичкина сумка бор экан. Ичидан иккита финжон олди. Бирини тўлдириб менга узатди. Чойдан хўплар эканман, унинг хушбўй ҳиди ич-ичимга сингиб кетди.

— Аллоҳ рози бўлсин. Анча йилдан бери кўрмаган дўстимни учратгандек бўлдим.

— Биз туркмиз. Томиримизда қон эмас, чой оқадди.

Ҳар чой хўпламида суҳбатимиз қизиқ борарди. Саволлар турмуш мавзусига уланди. Менга қараб гап бошлади.

— Қарши бўлмасанг, сенга бир саволим бор эди. Аймо бироз шахсий!

— Марҳамат, сўранг.

— Оилалимисан ёки турмушга чиқмаганмисан, деб сўрамоқчи эдим, лекин ҳаддимдан ошдимми, деб кўрқаман.

Кўлимдаги финжонни бир четга қўйдим.

— Америкага келишимдан аввал оилали эдим. Турмушимиз ўхшамади, уддалай олмадик ва ажрашдим.

Савол навбати менга келди.

— Сиз-чи?

— Йўқ, йўқ. Уйланиш ҳақида ўйлаш даражасидаги бирор қиз билан муносабат яшамадим. Насиб дедим, шу кунларгача келдим.

Сўраш гали яна унга келгани мени чўчитарди. Кейинги саволнинг нима бўлишини тахмин қилардим. Мавзуни ўзгартирмоқчи бўлганимда яна савол берди.

— Фарзандинг борми?

Бу савол Айтачни шундоққина кўз олдимга келтириб қўйди. Унинг кафеда иштаҳа билан пицца еётгани онгимда муҳрланиб қолганди. Ёноқларига кетчуп юқи теккан, ойисига ширингина бўлиб тикилиб турарди. Кўзларим жиққа ёшга тўлди. Манаф ноўрин савол бердим, шекилли, деб ўйлади.

— Кечирасан. Менимча, ҳаддимдан ошдим.

— Хавотир олманг. Сиздан олдин чегарадан ошган — мен.

Ичимда баҳайбат тоғга айланган сирим вулқондай пишиб етилиб, охири ёрилиб кетганди. Занжирлар узилган, ойналар парчаланганди.

— Манаф, мен катта гуноҳ қилдим.

Манаф гапларимга қулоқ тутиб, ҳайрат билан қараб турарди.

— Мен афв этилмас бир виждонсизман. Балки, дунёдаги энг ёмон аёлдирман.

У ҳамон ажабланиб боқарди.

— Менинг бир ўғлим бор.

— Қаерда?

— Ўзим ҳам билмайман.

— Қанақасига?

— Чин сўзим, қаердалигини билмайман. Уни охирги марта Истанбулда эканимда кўргандим.

— Бошим қотиб қолди. Ўғлим бор, аммо қаердалигини билмайман, дединг. Энди эса Истанбулда деяпсан. Ростданам, гангиб қолдим.

— Ҳикоя шунчалар узунки, яқиндагина танишган одамимга тушунтира олмайдиган даражада чигал!

— Агар бироз бўлса-да энгил тортсанг, сени тинглайман.

Кимгадир ёрилмасам бўлмасди, ортиқ чидай олмасдим. Балки, тинглаши мумкин бўлган биргина инсон Манаф эди. Чунки у айбламай, холисона тингларди.

— Турмуш қурган одамим аввалбошда дунёдаги энг яхши одам эди. Аммо кейин билдимки, у қўй пўстинини ёпинган бўри экан. Қисқаси, киборлик ниқоби ечилгач, том маънода телбага айланди-қолди. Зўравонлик қиларди, куч ишлатарди. Тез-тез бошқарувини йўқотиб, ўзидан кетарди. Интернетдан топган бир аёл билан суҳбатлашар эди. Бир куни унга ажрашмоқчи эканимни айтдим. Ақлдан озди. Мени

ўлдириш билан таҳдид қилди. Ишонмадим, шунчаки кўрқитмоқчи, деб ўйладим. Ёстиқ остидаги курулни кўриб қолгач, унинг бу гапи жиддий эканлигини англадим. Ўғлимнинг — жонимнинг қўлидан тутиб, уйдан қочдим.

Ҳам йиғлар, ҳам гапирардим.

— Ягона чорам ундан қочиш эди. Мени излаётганди. Оилам ва дўстларим олдига бора олмасдим. Топиб олиб, яна ваҳшатини сочарди. Кимса билмас меҳмонхонада ҳафталаб яшадим. Ўша орада грин картага топширган аризамга ижобий жавоб келди. «Пешонамда Америка бор экан», дедим. Барча расмийлаштириш ишларни ҳал қилиб бўлгач, навбат паспорт ва визага келганда, отанинг рухсатисиз фарзандимни олиб кета олмаслигимни билдим. Орзуларим остин-устун бўлди. Иложсизлик нима эканлигини ўша куни англаб етдим. Отасига қолдира олмасдим. Ота-онамга ҳам ташлаб кета олмасдим. Яъни танишларимдан бирига қолдиришнинг имкони йўқ эди. Чунки у энди руҳий хастага айланган, мантиқли фикрлай оладиган ҳолатда эмасди. Болага зарар етказиши мумкин эди. Бирдан бир ечим уни виждонлидек кўринган, нотаниш одамга қолдириш эди. Мен шундай қилдим.

Манаф берилиб тинглар, ҳикоянинг якунини кутарди.

— Умримнинг охиригача ўзимни кечирмайман, мен шундай қарорга келдим.

Нафасим бўғзимга тиқила бошлади. Ўша кунги воқеалар худди бугун содир бўлгандек ҳамон кўз ўнгимда эди.

— Охирги кун биз узоқ айландик ва чарчадик. Ҳориганидан фойдаланиб, уни масжид ичига ётқиздим. У ухлаётганида, чиқиб кетдим. Кейин пушаймон бўлиб, ортга қайтиб келганимда, тополмадим. Мен қолдирган жойда йўқ эди. Сўнг Америка...

Манафнинг кўзлари ёшга тўлди.

— Сен учун жуда афсусдаман. Бир она қисматида юз бериши мумкин бўлган энг оғир дардни бошдан кечирибсан.

— Мен ҳали ҳам шу дард билан яшаяпман. Ярала-рим аввалгидай яп-янги. Ўзимни дунёнинг энг ёмон аёлидай ҳис қиляпман. Ўша кундан бери ўзимни умуман кечирмадим, кечиролмадим. Биргина умидим — қайтганимда уни топиш... Унинг оёғига ёпишиб, «Афв эт!» демоқ.

— Айдан, боланг узрингни қабул қиладими, йўқми, билмайман, лекин Аллоҳдан афв сўрашинг лозим. Ҳақли бўлган ва чорасизликда қилган янглиш қарорларинг бор. Раббимнинг карами кенгдир, Унинг шафқатига сиғин ва фақат Ундан ёрдам сўра. Агар У сени кечирса, боланг ҳам сени кечиради. Илтимос, буни унутма!

Манафга ичимдагиларни тўкиб солиб, анча енгил тортдим. Унинг фикрлари мен учун жуда муҳим

эди. Пушаймонлигимни кўриб, менга ҳамдард бўлиб йиғларди.

— Қўлларингни оч. Қанча гуноҳинг, қанча савобинг бўлса, ҳаммасини Унинг олдига қўй ва ёрдам сўра. Азоб-уқубатларинг яқун топишига ишонаман. Сенга ваъда бераман, мен ҳам сен учун дуо қиламан.

Онамга, отамга, дугонамга айтолмаганларимни унга айтдим. Мени тушунди. Ҳис-туйғуларимга, ҳасратларимга ҳамдард бўлди. Бироздан сўнг ўрнимдан туриб, уйга кетиш учун изн сўрадим. Кетаётиб:

— Гаплашганимиз яхши бўлди. Мен ҳам барча қатори гуноҳкор бандаман. Ҳамма нарсага қодир ва ҳамма нарсанинг эгаси бўлган Аллоҳга ўзингни топшир, энгил тортасан. Роҳат ва ҳузурнинг соҳиби Удир, — деди.

Табассум билан у ердан узоқлашдим. Кутилмаган мавзуда сўз очиб, дардимни илк бор бошқа инсонга ёрилгандим. Манаф бу ҳаётда мен учун алоҳида ўрин тутувчи инсонга айланди. У билан чой суҳбатлари давом этарди. Уйга келгач, хонага қамалиб олиб, йиглаб тавба қилдим. Яратганга ёлвордим. Ўша кундан бошлаб ҳаётда энг кўп ишлатадиган сўзим «Афв эт, Аллоҳим!» бўлди.

«Афв эт виждонсизлигим учун».

«Афв эт худбинлигим учун».

«Афв эт йўлингда юрмаганим учун».

«Афв эт шукур қилмаганим учун...»

Одамларга ҳолингни англата билмаганингда, кимдир пайдо бўлади ва «Сени тушуняпман», дей-

ди. Унинг қадр-қиммати шунчалик ошадики... Манаф менга: «Сени тушуняпман», деган ўша инсон эди.

Яна бир кун Манафни кўргани кўл қирғоғига келганимда самовардаги чой ёнига балиқ ҳам қўшилган эди. Кўлдан тутган балиқларини чўғда пишириб, едик. Унга бўлган ҳисларим янада кучайган эди. Унда ҳам менга нисбатан илиқ туйғулар борлигини ҳис қилардим. Балиқларни еб бўлгач, менга ақл бовар қилмайдиган бир таклиф берди.

— Айдан, мен тасодифга сираям ишонмайман. Ҳамма нарсада бир хайр бор, деб ўйлайман доим. Сен билан учрашим ва шу кунгача келишим оддий дўстлик ҳикояси эмас.

Кўзларимга боқди. Ҳаяжондан тили тугилиб-тутилиб:

— Агар сен ҳам хоҳласанг...

Унинг жасоратини синдирмаслик учун юзига тик қарамадим.

— Агар сен ҳам қабул қилсанг, Истанбулга қайтганимда ўғлингни бирга излашни истардим.

Қулоғимга ишнолмай, кўкда учиб юрардим гўё. Бу қайсидир маънода турмуш қуриш таклифи эди. Кўнгил уфқим мунаввар бўлди. Унингдек хушмуомала ва меҳрибон инсоннинг ярим қолган туйғуларимга шерик бўлиши ғоят муҳташам иш эди. Кўзларига қараб, нима демоқчи эканини сўрадим.

— Бу бир дўстлик таклифига ўхшамаяпти.

— Худди шундай. Мен сени мана шу кўл бўйида топдим. Сен ҳам фарзандингни топишингни хоҳлайман.

Ўша куни уйга қандай келганимни билмайман. Тонггача қувонч кўз ёшларим тинмади. Манаф менга бир умр бирга яшашни таклиф қилганди. Раббимнинг ҳикмати қанчалар буюк! Истанбуллик бахтиқаро қиз ҳаётининг энг оғриқли кунлари ортидан минглаб километр олисларда гуллаган бахтини топганди. Олиб келган ҳам, учраштирган ҳам У эди. Америкага келганимга беш йил тўлганди. Беш йил ўтиб, бошимнинг балоси бир жиннидан қутулдим, ҳаёт ва одамларни қадрлайдиган Манафни топдим.

Ўз қизимдек, ўз жонимдек суйганим Оливия кўнгил боғимнинг гули эди. Кун келиб, Туркияга қайтиб кетсам, усиз қандай яшайман, билмайман. Шунчалар боғланиб қолдимки унга, бир соат кўрмасам, ўзимни ёмон ҳис қилардим. Унга бўлган меҳрим туфайли хафа бўлишини асло хоҳламасдим. Охирги кунларда бизга қўшни бўлган Жинда эса менинг энг катта фалокатимга айланганди.

Оливия энди ёлғиз вақт ўтказишни истар эди. Бир куни сўрида ўтирар эканман, унинг йўқлигини пайқаб қолдим. Хонасидадир, деб ўйладим. Ҳовли этагида келаётганини кўриб ҳайрон бўлдим. Келиб

ёнимга ўтирди. Айб иш қилиб қўйгач, онасининг этагига ёпишадиган болалардек тутди ўзини. Юзимга қараганида нафасидан бадбўй ҳид анқиётганини сездим.

Дарров уни рўпарамга ўтирғиздим. Кўзлари қизариб кетганди.

— Оливия, яхшимисан?

— Ҳа, ойи.

— Оғзингдан келаётган ёқимсиз ҳид нимаси?

— Қандай ҳид?

— Сигарет десам, сигарет эмас. Ўткир бегона ўт ҳиди.

— Ойи.

Бу ҳид қандай ҳид экани ва Оливия қандай балога аралашиб қолганини тушунолмадим.

Кун сайин қалбим маликаси мендан узоқлашарди. Энди унинг дўстга эҳтиёжи бор эди. Яхши бир дўстга... Аммо артофда яхшиси бўлмагач, ёмони ўзига тортаверади. У қочиб бўлса ҳам, Жинданинг ёнига борарди. Яна бир кун ташқарига чиқмоқчи эканлигини айтди. Рухсат берган эдим. Уйдан югуриб чиқди. Қизиқиб, айвондан уни кузатдим. Тезда уйнинг орқа томонига ўтиб кетди. Бориб, йўлакнинг деразасидан орқа тарафга қарадим. Ҳеч ким кўринмасди.

Пастга тушиб, орқа ҳовлига қараб юрдим. Уйнинг орқа эшиги қаршисида кичкина кулба бор эди. Кулба эшиги ярим очик турганди. Сездирмай кулбага яқинлашдим. Ичкаридан паст овозда пиқирлаган

кулги эшитилди. Афтидан, хавф эшик қоққанди. Ичкарига кирганимда Оливия ва Жинда ичган нарсаларининг идишини ерга думалатаётганларини кўрдим. Хона тутунга тўлган эди. Асабийлашдим. Жиндага жаҳд билан ўкрайиб қарадим.

— Мен сенга нима дегандим?

Оливия биринчи марта менга эътироз билдирди.

— Ойи!

Унга эътибор бермай, Жиндага бақира кетдим.

— Бу қизга нима ичирдинг, Аллоҳнинг балоси!

Жинда менга ҳисоб бермай, эшикдан чиқиб кетмоқчи бўлди. Қўлидан тутдим. Зарда билан қўлини силтаб кафтимдан суғуриб олди ва кулбадан сирғалиб чиқиб кетди. Ичкарида ғалати дуд бурқсирди, тутунлар орасида эса дунёнинг энг маъсум қизи бутун софлиги билан ёлғиз қолганди. Сўнгги пайтларда унда ҳамма нарсага нисбатан қизиқиш уйғонганди. Бу қизиқиш билан у ўйлаб ҳам ўтирмай, ўзида аллақандай шаҳд топар ва кўнгли тусаган ишни қилишга уринарди. Палапон ҳали учирма бўлиб улгурмай, билгисиз томонларга, янглиш ерларга қанот қоқишга уринарди. Ўз иштиёқининг ортидан қувиш унга қизиқ туюларди. Мен эса уни бўриларга ем қилишни истамасдим. Оливиянинг ёнига бордим. Кўзларига тикилдим. Ер чизиб турарди.

— Оливия, Худо ҳаққи, бу қиздан нима топдинг? Узоқроқ тур, деганим сари унинг олдига чопяпсан.

Индамай, фақат мени тинглади.

— У сенга нима ичирганини билмайман, лекин у яхши нарса эмасли аниқ.

Юзини яширганча, йиғлаб кулбани тарк этди. Аслида, бу ёшлиқдаги оддий ўтиш даври эди. Тўғри бошқарилмаган ўтиш даври... У ора-сира уйдан олисларга кетишни истарди. Бир дўст топиб, бошқа муҳитга аралашни ва у ерда ўзини намоён қилишни хоҳларди. Аммо афсуски, Жинда каби номақбул дўст учраганди унга.

Кулбадан чиқиб, уй томон йўналдим. Кўл бўйидаги кўприк устида яна ўғил-қизлар йиғилиб олиб, сузиш зиёфати уюштиришаётганди. Ҳавода ҳайқирик ва қаҳқаҳалар учиб юрарди. Бош ролда Жинда! Салгина аввал ғазабимга дучор бўлганди. Бу тадбирни қачон ташкиллаштириб улгурди, билмайман. Дарров Оливия хаёлимга келди. Уйга диққат билан қарадим. У айвонга чиқиб, бир бурчакда уларни жимгина кузатиб турарди. Шу пайт хаёлимдан бир фикр ўтди. Дарҳол Жинда яшайдиган уйга бордим. Уйнинг боғига кириб бордим — ҳамма ёқ тартибсиз эди. Кўнғироқни чалдим. У қандай оиладан эканлигини билишни истадим. Эшик очилиб, ичкаридан ўн олти-ўн етти ёшлардаги, белидан юқориси яланғоч бир йигит чиқиб келди. Уни кўриб, ҳайрон қолдим.

— Ойингни чақириб юборасанми? — дедим. Кулиб юборди.

— Қанақа ойи?

- Бу Жинданинг уйи эмасми?
- Ҳа. Аммо онаси ҳозир уйда эмас.
- Унда қаерда?
- Таътилда.
- Қачон келади?
- Қачон хоҳласа, ўшанда. Мен қаердан биламан.
- Сен акасимисан?
- Уф! Бор, тошингни тер! — деди ва эшикни ёпди.

Бу ер «озодлик»ка эришмоқчи бўлган ўсмирлар «қутурадиган» маконга айланганди. Жинданинг сўнгги вақтларда нега ўз билганидан қолмаётгинини мана энди тушуниб етдим. Америкада ёшлик чиркинлик ботқоғига ботиб қолиши мумкин. Эркинлик ниқоби остида тарқалган бузуқ ахлоқий тушунчалар ва адабсизлик... Бизга оид қадриятларнинг бу ерда ҳеч қандай қиймати йўқ. Оила ва бошқаларнинг рухсати бор экан, эркинлик чексиз тус олади. Афсуски, бу чегарасизлик яшин суръатида тарқалаётган гиёҳвандлик балосига оид статистикани янада даҳшатли ҳолга келтирмоқда.

Ноилож уйга қайтдим. Ягона ечим Оливия билан гаплашиш, деб ўйладим. Айвонга чиқдим. Оливия кўлини кўлтиғига уриб, кўлда қичқираётган ёшларни асабий ҳолда томоша қиларди.

- Оливия.
- Нима!

— Менга қара! Сенга қандай тушунтиришни билмайман...

— Тушунтирманг! Эшитишни хоҳламайман. Бошқалар завқ олишсин, мен эса уларни фақат томоша қилай.

Уни ҳимоялаш учун қилган барча уринишларим акс таъсир кўрсата бошлаганди. У илгари ҳеч қачон бундай кўпол сўзларни тилга олмаганди. Олдиндан, билиб-билмай ўзича ҳукм чиқаргани тайин эди. Ҳозир унга бир нима дейишим умуман фойдасиз экани боис ортимга қайтдим.

Бўлиб ўтган ишларни оқшом пайти Марко Бейга гапириб бердим. Кулбада кўрганларимни ҳам. Марко Бей мени яна ошириб юборяпти, деб ўйлади. Ёшлик йилларида майда-чуйда нарсалар муаммо сифатида қабул қилинишини ва бу масалани тўғри тушуниб, ҳал этиш кераклигини айтди. «Мен Оливия билан гаплашаман», деб мавзуга нуқта қўйди. Чора излаб юрган бутун йўлларим тўсилди. «Эҳтимол, мен бўрттириб юборгандирман», деб айбни ўзимдан қидира бошладим.

Кўёшли чоршанба куни. Тонгда Оливияни ўқитувчилари билан қолдириб, кўл томон йўл олдим. Фикру ёдим Манафда эди. Унинг суҳбатини жуда соғингандим. Юрагим кабутардай потирларди.

Оёқларим «Янада илдам қадам ташласанг-чи!», кўзларим эса «Имкон қадар уни тезроқ кўр!» дерди. Бўғзимга тиқилган ҳаяжон сўзга дўнарни: «Оз қолди!». Кўлнинг нариги қирғоғига етганимда на ёнаётган ўт, на сув овози бор эди. Суҳбат қурадиган жойимизга келдим. Ҳеч ким йўқ!

Йўқ. У келмагани. Нега келмадийкин?

Балки келиб қолар деган ўйда анча кутдим. Кўзларим сўқмоққа қадалди. Бутун вужудим қулоққа айланди. У келмади.

Қушларнинг овози ғамгин... Осмон сокин ва бўронсиз... Кўл бўйида бир қиз юрибди... Ғамгин, хорғин, маъюс...

Ўша кун у келмади. Балки иши чиқиб қолгандир, балки бошқа сабаби бордир, деб ўйладим. Уни қайта кўриш имкони бир ҳафтадан кейингина туғилиши мумкин. Аммо афсуски, тугамасликка учрайди бу кунлар... Тонги ҳам отмайди тунларнинг... Тилимда бир савол: «Нега келмади, нега?» Ҳануз айвондан кўл томон боқардим. Мабодо, самовар тутунини кўрсам, югуриб бораман деб. Йўқ, бўлмади. Кунлар бир-бирини қувиб, ниҳоят орзиқиб кутилган чоршанба ҳам

келди. Оливияни ўқитувчиларига топшириб, бог бўйлаб кўлга қараб юрдим. Даниел менинг кетаётганимни пайқаган, ортимдан диққат билан кузатарди. Кўлнинг қарши қирғоғига етганда савдойи ҳисларим асирига айландим. Соғинч шундай нарса — қанчалик монелик қилсанг, шунчалик оловланади. Етишиш душвор бўлгани сари, чўғлар баттар аланга олади. «Бўлақол!» дедим. «Қани, самовар оловини ёқ!» Тутун йўқлиги мени яна кўрқитди. Яна бўшлиққа дуч келдим, яна кимсасизликка... Самовар йўқ! Дарахт остида ўтирган одам ҳам... Фақат... Ғариб ва ғамгин бўшлиқ бор. Қисқа вақт ичида қанчалар ўргатиб қўйибди мени ўзига. Ипсиз боғлаб олибди. Балки, бошқа бирор жой топгандир, деб атрофга қарадим.. Йўқ. Яна йўқ. У яна келмади...

Дарахт остига ўтириб, дуо қилдим.

— Аллоҳим, афв эт! Хатоларим сабаб мени жазолама. Суянган тоғимга айланиб улгурган бу одамни мендан олма. Энди ўзимни янада ёлғиз ҳис қиляпман. Уни менга юборган ҳам, олган ҳам сенсан, шубҳасиз. Олма, Аллоҳим. Мени усиз қолдирма!

Йиғим овозимни ютиб юборди. Ярим соатча ўтирдим-да, чорасизлигимни кифтимга ортиб, изимга қайтдим. Бораётиб товоним ерга тегмаганди, энди эса қадамларим оғирдан оғир эди.

Усиз яна бир ҳафта ўтди. Яна бир ҳафтам ҳасратга тўлди. Ундан кейинги ҳафтада ҳам уни топа олмагач, бирон кўнгилсизлик бўлган, деб ўйлай бошладим.

Шунчаки кутилмаганда келиб, кутилмаганда юз ўгириб кетиши аламли эди. Ўша куни «Етар энди», дедим.

Телбадек югура бошладим. Дарахтлар орасидан, буғдойзор ёнидан ўтдим. Ит қувса ҳам, бунчалик тез ва кўп югурмаган бўлардим. Ҳаво етишмай қолди. Тўхтадим. У яшайдиган уй рўпарасида эдим. Шошқинлик ва ҳаяжон билан қадам ташладим. Балки, эшикни бирон аёл очар. «Сен кимсан?» дер, эҳтимол. Боққа кирдим. Тўсатдан эшитилган овоздан сесканиб ортга тисарилдим ва ўтириб қолдим. Девдай қора ит дераза панжараларига занжирлаб қўйилганди. У занжирни узгудек бўлиб ириллар, менга ташланиш учун тинмай сапчирди. Бор жасоратимни жамлаб, уй эшиги томон юрдим. Итнинг овозини ҳеч ким эшитмасди. Манафнинг итларга қизиқиши бор, деб ҳеч ўйламагандим.

Кошки, эшик олдига бормасам эди. Кошки, эшикдаги ёзувни кўрмасам эди: «Бу уйда исломий тарғибот олиб борилаётгани учун вақтинчалик муҳрлаб қўйилган».

Индамай ортга қайтаётганимда бир овоз эшитилди. Ғалати овоз.

— Хоним!

Ўгирилганимда бир киши ҳовли этагидан менга қараб турарди. Унга юзландим. У татуировкали; узун-калта сочлари эса соқолига қўшилиб кетганди.

— Манафга келдингиз, шекилли.

Бош ирғаб тасдиқладим.

— Полиция уни олиб кетди. Қўлидан тортиб, машинага отишди. Агрофдаги уйлардан шикоят тушибди. Олиб кетишди. Энди келмайди.

Манаф ҳақида олган сўнгги маълумотим шу бўлди. Ўша кунга қадар кўрмагандим. Ундан кейин ҳам бошқа кўрмас эканман. Ғариблик елкамга юк бўлди. Тобора оғирлашиб борарди юким. Оч пушти рангли баҳор кунлари ўз ўрнини заъфарон кузга бўшатиб берди. Соғинч ғам билан иттифоқ тузиб, менга тинмай азоб берарди. Хаёлларим чилпарчин бўлган ўша кун хотирамда ўчмас из қолдирди.

Уйга келганимда заррача мажолим қолмаганди. Хонамга кириб, ўзимни тўшакка отдим. Тилимда эса «Нега, Аллоҳим?» деган сўроқ янграрди. Эндигина ҳаёт чархпалаги айлана бошлаган ва қўққисдан тўхтаб қолганди. Бундан кейин мени бу ерга боғлаб турадиган ягона куч Оливиянинг меҳри эди. Бутун борлигим билан унга юкиниб, ҳаётни у билан бирга севишга интилардим.

Оливия кейинги пайтларда менга қарши чиқадиган, гапларимга эътироз билдирадиган бўлиб қолди. Унинг ҳам ичида кураш кетаётганди. Палапон ўз уясидан ташқаридаги оламини кашф қилишни, таҳликалардан қўрқмай, эркин яшашни хоҳлаётганди.

Вақт селдай оқарди. Янги давр бошланди. Оливия ўқиш учун лицейга қатнай бошлади. У Марко Бейнинг уйда таълим олиш ҳақидаги таклифига норозилик билдирган, янгича муҳитда ҳаёт билан танишишни истарди. Эрталаб кетиб, кечқурун ўнлаб ҳикоя билан қайтарди. Ҳамма қатори, ўқувчининг кунлиқ ва мактаб ҳикоялари...

Инсон ўз оиласига энг яқин бўлган фурсат — ёшлиқдир. Сўнг у кундан кунга узоқлашиб боради ўз оиласидан. Бир хонадан бошқа хонага... Уйдан ташқарига. Ташқаридан эса бошқа жойларга... Қандайдир куч оиласидан секин-аста узоқлаштиради инсонни. Узоқлашмай туриб, ажралмасдан туриб курашга киришиб бўлмайди чунки. «Менинг уйим» дея олиш учун, янги уй қуриш керак — Оливиянинг лицей томон талпинишлари ҳам шундан эди. Унинг менга аталган вақти камайганди. Аммо кўшни қиз Жинда ҳали ҳам Оливияни ўз домига тобора кўпроқ тортиш учун ҳаракат қиларди. Ўқишдан чиқиб унинг олдига келар, шаҳар кўчалари ва боғларини бирга кезиб, сандироқлаб юришарди.

Бир кун Оливия уйга қайтганида анча ҳолдан тойганини сездим. Чарчаганини ва тезроқ ухлашни хоҳлаётганини айтди. Индамай бориб, сассиз-садосиз ётоғига чўзилди. Нимадир бўлгани аниқ эди. Ундаги ўзгаришлар нимадан эканини билиш вақти келганди.

Ухлаб қолишини пойлаб, ўқиш сумкасини текшириб кўрдим. Сумкадан ғайриоддий буюм чиқиб келди. Бу электрон сигаретага ўхшаш нарса эди. Сумкаси ёш қизга ярашмайдиган даражада ифлос эди.

Уйғотай десам, жавоб берадиган ҳолда эмас. Ярим тунда Марко Бей кутубхонада ишлаётганини билиб, ёнига кирдим. Менга ажабсиниб қараб турарди. Кафтимда нимадир борлигини пайқади ва нигоҳини қўлларимга қаратди. Олдига бориб, секингина Оливиянинг сумкасидан топиб олган матоҳимни столга қўйдим.

Марко Бей бир столдагига, бир менга қарарди.

— Айдан, буларни қаердан топдинг?

— Афсуски, Оливиянинг сумкасидан ...

Қўлига олди. Синчиклаб кўздан кечирди. Мен давом этдим:

— Жаноб, мен сизга бу қиз Оливияга зарар беради, дедим.

— Жин урсин! Сеними, аҳмоқ қиз!

Ўша кеча кутубхонада суд ташкил этилди. Айбланувчи — Оливия, судья — Марко Бей, мен эса гувоҳ эдим. Оливия қўлларини қовуштирганча тек қотиб турарди. Жим туришига сабаб эса саволларимизга берадиган жавоби йўқлиги эди. Соатлаб гап уқтирсак ҳам, хатоларини бирма-бир тушунтирсак ҳам — фойдасисиз, чунки Жинданинг тавсиялари бизникидан устунроқ келаётганди.

Ўша кундан сўнг Оливиянинг менга нисбатан газаби янада кучайди. Сумкасини ковлаб, топган нарсамни Марко Бейга олиб борганим унга ёқмади. Аммо бу масала уни ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайдиган даражада муҳим эди.

Бир куни уйдан ўқишга кетаётганида унинг изидан тушишга қарор қилдим. Орқа ҳовлидан йўл четдаги пиёдалар йўлагига чиқди. Жинда эса орсиз қиёфаси билан дарахт ортидан унинг ёнига келди. Кулиб бўйнидан кучди. Қаҳқаҳалар ичра йўлда давом этишди. Таъқибим лицейга қадар давом этди. Биргаликда ичкари кириб, кўздан ғойиб бўлишди. Асл муаммо улар орасидаги самимият эди. Барча огоҳлантиришларим ва танбеҳларимга қарамай, Оливия у томон талпинарди.

Ўша куни кафега кириб, деразадан лицейни кузатдим. Дарс тугагунига қадар теварак-атрофда айланиб юрдим. Ниҳоят, дарслар якунланди. Ўқувчилар уйларига йўл олишди. Жинда олдинроқ чиқиб, мактаб дарвозаси олдида кутиб турарди. Кимни кутаётганини тахмин қилардим. Оливия уни кўриб, жилмайиб унга яқинлашди. Биргалашиб уйга қайтишларини кутиб турганимда, улар бошқа томонга йўл олишди. Ортларидан кузата бошладим. Катта дарахт остидаги йиртилган сим тўр орқали қандайдир харобага киришди. Мен ҳам кетларидан ичкарига кирдим. Жинда сумкасини эски, бўёқлари ўчиб кетган машина устига қўйди. Кейин сигаретга ўхшаган алланима чиқар-

ди. Оливияга узатди. Оливия эндигина олмоқчи эди, мен югуриб бориб унинг қўлидан ушладим. Жинда мени кўриб, қоча бошлади. Оливиянинг қўлидагини олиб, ерга ташладим. Оёғим билан эзиб яроқсиз ҳолга келтирдим. Тезда Жинданинг орқасидан югурдим ва унинг сочидан тортдим. Мендан қочмоқчи эди. «Кўйиб юбор мени!» деб қичқирарди. Мақсадим уни полицияга топшириш эди. Тўсатдан бошимга қаттиқ жисм билан урилганини ҳис қилдим.

Кўзимни очганимда Оливия тепамда йиғлаб турарди. Бошим қонга беланганди. Ўзимга келганимдан сўнг Оливия нима бўлганини сўзлаб берди. Орқадан икки ёш йигит келиб, бошимга таёқ билан урибди. Бошим ёрилгани, бунга ўзи сабабчи эканига қарамай, мени ташлаб кетмаганидан хурсанд бўлдим. Қандай ботқоқликка тушиб қолганини оз бўлса-да тушуниб етгандир, деб ўйладим. «Ҳар ёмоннинг бир яхшиси бор», деган гап ўз тасдиғини топаётгандек эди. Ўша кун у менга ваъда берди. Жинда билан бошқа учрашмасликка ва у билан бундай номақбул ишларни қилмасликка, пушаймонлик ичра сўз берди.

Унутгандим, билмагандим. Оливия ҳам буни ўша пайтда сезмади. Занжир аллақачон Оливиянинг бўйнида осиглиқ эди. Кишанлар унинг оёқларини қаттиқ сиқиб турарди.

Қизгинам, ўша кундан кейин хафа бўлмаслигим учун менга ҳеч нарсани билдирмади. Уни бир кун ҳам Жинда билан кўрмадим. Сумкаси худди кибор

аёлларникидек топ-тоза эди. Буни кўриб бошим осмонга етди. Шаҳар бўйлаб сайрга чиқардик, уйда турк таомларини пишириб, завқланардик.

Айвонда ўтириб, чуқур ҳиссиётлар қуршовида кўл томон боқиб турардим. Манаф билан учрашадиган жойимиз олислардан кўзга ташланиб турарди. У ердан тутун чиқаётганини кўрсам эди, деб ўйладим. Айвондан кўлнинг нариги қирғоғини томоша қилиш қисматимнинг бир парчасига айланганди. Ногоҳ Оливия келиб тиззамга ўтирди. Кўзлари қувончдан порлаб турарди. Бўйнимдан қучоқлаб, юзларимдан ўпди.

— Жоним ойим. Сиз дунёдаги энг гўзал аёлсиз.

Унинг бир илтимоси борлиги аниқ эди.

— Тинчликми, кичкина хоним? Сизни бундай бахтли кўришимизнинг сабаби бўлса керак?

— Ҳа, бир сабаби бор. Қандай айтишни билолма-япман.

— Биласан сен.

— Ойи!

— Эшитаман, маликам.

— Бизнинг бир дўстимиз бор.

— Хўш...

— Дам олиш кунларида уларнинг уйида туғилган кун режалаштириляпти.

— Ким бу дўстинг? Ёки жирканч Жиндами?

— Уфф, ойи! Илтимос, қўйинг энди. У билан очган саҳифамни аллақачон ёпганман.

— Унда ким бу дўстинг?

— Исми Апрель.

— Уларнинг уйи Мяккада ва сен ҳам шу зиёфатга боришни хоҳлайсан.

Ёноғимдан чимчиб қўйиб:

— Оналарнинг энг доноси. Қаердан билдингиз! Худди шундай.

— Бормасанг, қўшилмасанг...

— Бўлмайди, ойи. Йиғин бизники. Тошбўрон қилишади кейин мени.

Унинг боришини хоҳламагандим. Ичимга ғулғула тушганди. Эндигина ҳаммаси ўз йўлида кетяпти деганда...

— Кетма, Оливия. Сен билан нима хоҳласанг, қиламиз. Ўзимиз яхши бир зиёфат уюштирсак-чи?

Хафа бўлди. Кучоғимдан сапчиб туриб, менга қовоғини солиб қаради.

— Сиздан шу кунгача бирор нима сўраганмидимки, рухсат бермаслик учун баҳона қиялмасиз? Биринчи марта шундай зиёфатга боришни истаяпман. Мени ранжитасизми?

Унинг бу жавоби қаршисида чорасиз қолдим. Оёқ тираб туриб олишини сезгач, тўпни Марко Бейга оширдим.

— Марко буванг қарор қилади!

— Агар сиз «хўп» десангиз, Марко бувам йўқ дея олмайди.

Ёшлик даврига кечагина қадам қўйган, иштиёқ билан ҳаётни таний бошлаган қиз камдан кам ҳолатдагина биздан нимадир сўрарди. Оливия оқшомгача Марко Бейнинг келишини кутди. Одатига хилоф равишда бувасининг бўйнига ёпишди. У Марко Бей билан муносабатда ғалаба қозонди. Марко Бей «Бўпти, бор!» деди.

Ҳаяжондан еттинчи осмонда парвоз қиларди. Қалби қалдирғочдек қанот қоқар, ҳали у хонадан бу хонага югурарди. Унинг бу кўтаринки кайфияти шанба кунигача давом этди. Ўша тонг силкинишдан уйғониб кетдим. Кўзимни очганимда, Оливия порлаган кўзлари билан менга қараб турарди.

— Бугун ҳаётимдаги энг ҳаяжонли кун! Ётоқда роҳат қиладиган кун эмас.

— Сен шундай деб ўйлайсан, — дедим ва ухлашда давом этдим. Бир пайт бошимга қуйилган сувдан ўзимга келдим. Ҳайрат билан Оливияга қарадим. У кўлида финжон тутганча жилмайиб турарди.

— Хайрли тонг, ойи. Агар турмасангиз, навбатда челақ ҳам бор.

Ундан аввал челақни мен олдим. Уни тутиш учун югурдим. Хонадан қочиб чиқди. Капалақдек учиб, бир зумда юқорига кўтарилди. Ета олмадим. Эгнимни кийиб, хонасига чиқдим. Жўшқин суҳбатдан кейин нонуштага тушдик. Сўрига келганимизда қуёш

нури қўл узра ёйилиб ётар, мовий сув тилларанг тусга кирганди. Даниел майсазорни сугориш учун тадорик кўраётганди. Оливия оғзига бир-икки луқма отгандай бўлди ва «Мен тўйдим», деди. Нонуштадан сўнг бошланган тайёргарлик соатлаб давом этди. Сочлар, либослар, пойабзаллар... Кеч кирганда уй бўйлаб, дунё гўзали бир малика кезиб юрарди. Эшик олдига келганида, кулиб мени қучоқлади.

— Кўришгунча, ойижон, — деди ва машинада кутиб турган Марко Бейнинг ёнига ўтирди.

У ойнани тушириб, қўл силкиди. Ичимда ғалати бир ҳис бор эди. Беихтиёр кўзимдан ёш сизди. Худди қизим уйдан келин бўлиб кетаётган ва охирги марта яқинлари билан видолашаётгандек... Меҳр деганлари шу бўлса керак. Киши истаса, умуман танимаган одамини ҳам ўлгунича яхши кўриши мумкин. Ҳаётимдаги икки бола учун соатлаб дуо қилдим. Кўнглимда ғалати бир хавотир ва ғашлик ўрмаларди...

Ярим тун. Зерикканимдан айвонга чиқдим. Марко Бей ҳам Мяккада дўстлари билан дам олаётган эди. Бирдан юзимга салқин шабада урилди. Дарахтлар ҳам енгил чайқалди. «Яна тропик бўрон!» деб ўйладим. Лекин шамол секинлашди. Майин шабада қўл сиртида майда тўлқинлар ҳосил қиларди. Ой ёғдуси сувда рақс тушаётгандек оҳиста титрарди. Кулбанинг томига урилган дарахт шохи ритмга мос тарзда муסיқа чаларди. Ўрнимдан туриб, айвон бурчагига келдим. Пастда — ҳовлидаги ўриндиқда Барбара қўлида-

ги эгов билан тирноқларини текислаётганди. Даниел яшайдиган уйдан эса чироқнинг сарғиш нурлари тараларди. Баъзан шаҳарнинг шовқин-сурони шамол этагида шу ергача етиб келарди.

Ичкари кирмоқчи бўлганимда телефоним жиринглади. Марко Бей эди. Ҳайрат ва хавотирдан фақат «яхши» дея олдим. Замон тўхтаб қолди. Макон ғойиб бўлди. Хаёлимда ақл бовар қилмас ўйлар чарх ура бошлади. Кўзимдан ёш тирқираб кетди. Ўқдай отилиб пастга тушдим, Барбаранинг ёнидан ўтиб, Даниелнинг кулбаси эшигини муштлай бошладим. Даниел уйқудан ваҳима билан ўйғониб, менга бақрайиб қолди.

— Касалхонага кетяпмиз, Даниел, шошилинч! — дедим.

Ҳеч нарса демай юк машинасини шайлади. Бирга касалхонага йўл олдик. Ўн дақиқалик йўл ўн соатдек туюлди. Жаноб Марко Оливиянинг зиёфатда тоби қочганини ва тез ёрдам машинасида касалхонага олиб кетилганини айтганди. «Аллоҳим, ёрдам бер!» деб балки минг бора дуо қилгандирман. Шифохона эшиги олдида жуда кўп йигит-қизларни кўрдим. Улар Оливиянинг дўстлари эди. Машинадан тушибоқ ичкари кираётганимда менга кўриниб қолмаслик учун яширинаётган Жиндани пайқадим. Дарҳол дарраҳт панасига ўтди. Ўша пайт қўрқувим икки бараваар ошди. Касалхонанинг ичи ҳам ташқариси каби гавжум эди. Одамлар орасида Марко Бейнинг бурчақда

деворга суяниб бир аҳволда ўтирганини кўрдим. Олдига югуриб бордим. Унинг қўлларидан тутиб сўрадим:

— Марко Бей, Оливия қандай?

Марко Бейни ҳеч қачон бунчалик аянч аҳволда кўрмагандим.

— Қандай эканлигини билмайман.

— Нима бўлибди унга?

У менга қаради ва бошини эгди. Жуда хафа эди.

— Меъёридан ортиқ наркотик, дейишди.

Фақатгина «Нима?!» дея олдим холос. Ҳарқанча уринмай, у менга ишонмай, жуда муҳим масалада лоқайдлик қилганди. Индамай бир бурчакка бориб йиғлай бошладим. Дўстларининг кўпчилиги кўз ёш тўкарди. Оливияни яхши кўрадиганлар кўп экан, деб ўйладим. Жонлантириш хонасидан шифокор чиқиши билан ҳақиқатни англадим. Ҳамма докторнинг бошида тўпланди. У айтадиган икки оғиз гапни эшитишга илҳақ эдик: «Болангиз яхши...»

Доктор қўлидаги қоғозга ёзилган исмларни ўқиди.

— Белла Винд, Келвин Кемпе, Памела Масининг оилалари шу ердами?

Бир неча киши ҳаяжон ичида, кўрқиб, оломонни ёриб ўтиб, шифокорнинг олдига борди. Вақт тўхтаб, тақдир дафтарида маълумот ўқиладигандек эди.

— Болаларингизнинг аҳволи яхши. Ўзларига келишди. Бир оздан сўнг уларни хонага оламиз.

Марко Бей одамлар ичидан ўтиб, шифокорнинг ёнига борди. Мен ҳам унга эргашдим. Марко Бей:

— Оливия, Оливия қандай? — деб сўради.

Доктор унга диққат билан қаради.

— Профессор, илтимос! Тинчланинг. Хушига келиши учун қўлимиздан келган барча ҳаракат қиялмиз. Яна бир оз сабрли бўлинг, илтимос! — деди.

Марко Бей ноилож менга ўгирилди. Уни ҳеч қачон бу қадар умидсиз ва ночор ҳолда кўрмаган эдим. Яна кутиш бурчагимизга қайтдик.

Доктор ичкарига кириб кетди. Кўриниб турибдики, бир нечта бола бир хил аҳволда. Марко Бей деворга суянди. Овози чикмасди. Қилиниши керак бўлган ягона иш дуо эди. Билган барча дуоларимни ўқидим. Ёлвордим Раббимга. Мени «ойи» дейдиган даражада яхши кўрган қиз ўлим билан олишаётганди.

Орадан кўп ўтмай, жонлантириш бўлими хонаси очилди. Ичкаридан чойшаб билан қопланган замбил чиқди. Унинг ёнида шифокор бор эди. Шу чоғ вақт ўз қийматини буткул йўқотди. Шифокор маъюс ва чорасиз кўзлари билан профессорга тикиларди. Дудоқларидан ёлғизгина икки сўз тўкилди.

— Оливия Аневей.

Марко Бей ва мен замбил томон югурдик. Кўркувдан қўлларим қалтирарди. Оломоннинг шовқини тинди. Қулоғим гаранг бўлиб қолгандек, атрофни эшитмасди. Гўё ҳаммаси ҳазил эди. Гўё даҳшатли бир тушнинг ичида қолгандек эдим. Марко Бей овози-

нинг борича бақирарди. Қувватим битган бўлишига қарамай, замбилнинг чойшабини кўтардим.

Дунёдаги энг покиза қиз, маъюсликни унутиб кулишни ўрганган, боласидан айрилган аёлга фарзанд бўлиб, шодлиги билан ҳаётимдан жой олган, бу дунёда ёлғизлигимни унуттирган қиз... Чиққан эди ҳаётимдан. Сокин ва нафассиз ётар эди замбилнинг устида. Хаёлимда унинг сўнгги табассумлари жонлашиб турарди. «Ойи, бугун менинг энг ҳаяжонли куним!» — деб машинадан сўнгги марта қўл силкиган эди. Ҳаётимга индамай кирган қиз ундан жимгина чиқаётган эди.

Уни замбилда ўликхонага олиб кетишди.

Унинг кетиши менда тузалмас жароҳатлар қолдирганди.

Оливия бир капалақдек, кабутардек учиб кетган эди мангуга.

Уйқусиз ва сассиз, ғам тўла кечадан сўнг, ёмғирли тонг ҳам отди. Марко Бей меҳмонхонасининг бир бурчагига чўккалаганча йиғларди. У яшашга ундовчи мақсадини тамоман йўқотган эди. Ҳимоялаб, асраб-авайлаган набираси ҳаётини тобад тарк етганди. Ташқарида момақалди роқ гулдирарди.

Марко Бейнинг дўстлари ва бир нечта қариндошлар ичкари киришди. Ҳеч ким сас чиқармасди. Сукунатнинг сабаби сўздан ҳеч бир наф йўқлигида эди. Қабристонга бордик. Оливия ёмғирлар остида сўнгги сафарини бошлади. Эҳтимол, у қалбида жуда

катта жудолик жароҳатини қолдирган онаси билан учрашгандир.

Оломон тарқалгач, қабр бошига бориб дуо қилдим. Кўз ёшимга кўмилиб ёд олган барча сураларни ўқиб, Раббимдан мағфират сўрадим. Марко Бей сал нарироқдаги дарахтга суяниб, йиғлаганча менга қараб турарди. Оливия билан сўнгги бор гаплашмоқчи бўлдим. Момақалди роқ ва ёмғир шовқини овозимга парда тортди.

— Оливия, сенга ғамхўрлик қилолмаганим, сени ҳимоя эта олмаганим учун узр сўрайман. Сени жуда-жуда яхши кўришимни билишингни хоҳлайман. Асло унутмайман, доим сенинг ҳаққингга дуо қиламан. Сен бу ўлкада менга фарзанд бўлдинг. Мен сендан жуда мамнунман. Мен сендан розиман, Аллоҳ ҳам рози бўлсин. Сени жаннатнинг қасрига жойлаштирсин. Ўзингни ёлғиз ҳис қилма. Мен доим сенинг ёнингда бўламан. Сени ҳеч қачон унутмайман.

Елкамга қўйилган қўлдан ўзимга келдим. Марко Бей билагимдан тутиб мени турғизди. Уст-бошим лойга беланганди. Виргаликда қабристондан чиқдик.

Оливия — баҳор чечаги, тоғнинг хушбўй гиёҳи, кўл нилуфари... Оливия — беғубор табассум... Қабристонда, энди суюклилари ёнида бирга олиб юра олмайдиган даражада олисдаги бир қиз...

Бу дунёда ёлғиздир инсон. Ҳаёт эса ўткинчи. Ҳар бир кунимиз бизни ўлимга элтади. Ҳузурга дардлар билан етишилади. Ўлим ишонч билан гўзаллашади. У қошу қовоғимиз қадар яқин экан, қандай қилиб унутади инсон севмоқни, суйганлари билан кечган дамларни?

Оқшом қайтиб келганимда, уйни чуқур қайғу, сукунат ва ёлғизлик эгаллаганди. Остонадан ҳатлаётганимда Гулшан холалар ҳам етиб келишди. Бир неча дақиқа кучоқлашиб, йиғладик.

Дунёнинг энг ширин қизалоғи учиб кетди, Гулшан хола. Мени бу ҳаётда яна етим қолдирди. Қўларим, оёқларим, жоним, жаҳонимга айланганди у. Борлигим кетди. Сўнгги қувончимни ҳам олиб кетди, кетган ерига.

Хола унсиз-унсиз йиғларди, юм-юм йиғларди. Кейин улар ҳам кетишди. Қайғу яна мен билан қолди. Марко Бейнинг аҳволи ҳам жуда ёмон эди. Ўз дўстининг қурбонига айланган Оливиянинг йўқлиги ҳаммани оғир мусибатга солганди. Хонамга кириб барча нарсаларимни йиғиштирдим. Оливия билан тушган суратларимизни олиб кўксимга босдим.

Бир турк аёли америкалик қизни ўз боласидек яхши кўриши мумкинми?

Унга ўз фарзандига боғлангандек боғланиб қолиши мумкинми?

Ҳа, ҳа!

Барча яшаган кунларим ҳаққи, ҳа! Мен уни жуда яхши кўрардим. Севгининг юрти, тили, дини бўлмайди. Севсанг, жонингга жон бўлади.

Йиғлаб ҳозирладим чамадонимни. Деворларнинг юзига инган товушлар қолди хонада. «Ойи, сиз билан ухласам майлими?» Жавоннинг устидаги — фурсат топди дегунча ўқийдиганим Қуръони каримни олиб, кутубхонада дарддан инграб ўтирган Марко Бейнинг олдига бордим. У кўзлари ёшга тўлиб, бир нуқтага тикилганча қотиб турарди. Ҳатто ичкарига кирганимни ҳам сезмади. Чамадонимни бир четга қўйиб, унинг ёнига бордим.

— Марко Бей.

Қувватдан қолган эди. Қийналиб, бошини кўтарди, индамай қараб тураверди.

— Жаноб, мен кетяпман.

Кўзларидан ёш қуйиларди.

— Сен ҳамми? — деди фақат.

Қучоқлашиб йиғладик. Оғир вазиятларимда менга ота бўлганди. Тушунувчан, обрўли, яхши ниятли оқсоқол эди. Шунчаки «Кетма», деди.

— Келган кунингдан бери сени ўз қизимдек яхши кўрдим. Сени кўрганимда, ўз қизимни кўргандек бўлдим. Кетма!

Оливиянинг кетиши ортга, юртимга қайтиш чиптамни қўлимга берди. Чеккан азобларим ичра

йўқотганларимни топишим, ҳаётни ташлаб қўйган еримдан давом эттиришим керак эди.

— Жаноб, бу ерда йўқотган бир қизим ва Туркияда топишим керак бўлган бир ўғлим бор. Рухсатингиз билан мен кетай.

Қарорим қатъий эканини кўргач, ортиқ қол, демади. Қўлимдаги Куръонни унга узатиб:

— Мен ёлғиз қолганимда, дардларим кўпайганида, доим шу китобни ўқидим. Ўлим дардига ҳам, ёлғизлигингизга ҳам у дармон бўлади, — дедим.

Жаноб Марко титраган қўллари билан Қуръони каримни олди. У билан хайрлашиб, хонадан чиқдим. Барбара ошхона эшигидан менга жимгина тикилиб турарди. Бориб у билан ҳам видолашдим. Кўзларида ёш айланарди. Эшик томон юрар экан, менга ўгирилиб:

— Ёмон қиз, сени соғинаман, — деди. — Доим кетишингни хоҳлаган эдим. Кетадиган кунингни сабрсизлик билан кутган эдим, энди эса хафа бўляпман, — деб қўшиб қўйди.

Ҳасрат тўла табассум билан ортга ўгирилиб, унга бир қараб қўйдим. Кейин уйдан чиқиб, сўрида ўтирган Даниелнинг олдига бордим. Йўлга чиққанлигимни дарров тушунди. Бошидаги каскасини ечиб салом берди.

— Сафарга отландинг, шекилли, — деди у ва қўшиб қўйди. — Юк машинасини тайёрлаб турганим маъқул.

Қанчалик қаршилиқ қилсам ҳам, у гапида туриб олди. Аввалига Гулшан холалар билан хайрлашгани бордик. Америкада яшаган вақтим давомида мени қўллаб-қувватлаган ва ҳеч қачон ёлғиз қолдирмаган бу оққўнғил инсонлар олдида қарзим бор эди. Улардан розилиқ сўрадим. Гулшан хола охириги сўзини айтди:

— Бу ерга келганинг ҳам ғалати эди. Кетганинг ҳам ғалати бўляпти. Юрагингда йўқотган севгингни топасан, деган умиддаман. Раббим сени доим па-ноҳида асрасин!

Уларни кучиш дардларимни енгиллаштиргандек бўлди. Охириги видолашувдан сўнг фермадан чиқдим. Машина ойнасидан ортга қараганимда Гулшан холанинг қўл силкитганини, Иброҳим амаки эса уст-боши чанг ҳолда тикилиб қолганини кўрдим. Юк машинасида Мяккага кетаётиб Манаф яшаган уй ёнидан ўтдик. Узоқдан кўриниб турган уй ҳамон хувуллаб ётарди.

Бу гўзал, сокин заминда бир умр ўтди. Худди ёш болалар тепаликка чиқиб, қумдан қўрғон ясаган-у, сўнг кун ботиши билан уни яна бузиб кетишгандек эди. Ортада фақат излар қолди... Мен яшаган уй дарахтлар орасидан элас-элас кўриниб турарди. Гўё Оливия айвондан қараб менга табассум билан қўл силкиётгандек, қўл бўйидан эса самовар тутуни ўрлаётгандек эди... Бу гўзал манзаралар хотирамда мангу сақланиб қолади. Ўй-хаёлларга чўмганим ҳамон му-

дом улар билан юзлашаман. Оливия бағримга бош қўйиб, ўша бегуноҳ ва маъсум кўзлари билан термилиб, менга «ойи» деб хитоб этади. Жаноб Марко сўрида нонушта қилади, Барбара эса тунд қиёфада дастурхон йиғиштиради. Манаф кўл бўйида «Сенга ёқадиган чойдан дамладим», дейди...

Мяккадан автобусда Маями томон йўл олдим. Йўқотган севгимдан бой берган севгим сари кетаётгандим. Гўзал эди! Яшамоқ гўзал эди... Оддий қиз бўлиб келиб, кекса профессорнинг набираси ҳаётида бир салтанат қуриш гўзал эди. Меҳр салтанати тахтига ўтириб, дилларга нақш солиш гўзал эди. Етим боланинг онаси бўлиш, йўлларини Америкага бурган икки кекса туркнинг суюкли қизига айланиш гўзал эди.

Беш соатлик йўлдан сўнг Маямига етиб келдим. Самолёт чиптасини сотиб олиб, Туркияга қайтиш учун сўнгги тадорикни кўрдим. Келишим ғам билан бошланган Америкадан қайғу билан қайтаётган эдим. Самолётга чиққач, қодир Эгамнинг эшигига бош урдим. Кўнглимни Унга боғлаб, кўзда ёш билан дуо қилдим: «Аллоҳим, Америкага келганимда мушкулимни осон қилганингдек, Истанбулга қайтганимда ҳам менга имдод бер!».

Самолёт Англияга ёнилғи қўйиш учун қўнаётганида, мен учун янги бир дунёнинг эшиклари очилаётган эди.

Тўғрироғи, мени янги ва машаққат тўла саргузашт кутаётганди. Ҳолдан тойдирувчи парвоздан сўнг, ниҳоят, самолётимиз Отатурк аэропортига қўнди. Истанбул мен туғилиб ўсган, яшаш учун курашган шаҳар... Севгимни топган ва жон томиримдан жудо айлаган шаҳар... Тупроғи, ҳавоси, саломи бошқа, мени мен қилган замин... Мен сенга қайтдим! Битмаган соғинчимга нуқта қўйиш учун келдим. Хуш келдинг, де, хуш қаршила мени, Истанбул!

Аэропортдан таксига ўтириб, Айтачни йўқотиб қўйган тумандаги меҳмонхонага келдим. Мен қолдириб кетган жажжи бола ҳозир тўққиз ёшда бўлиши керак. Уни топмас эканман, ота-онамнинг қўллари ни ўпиш мен учун ҳаром. Ҳатто Селинга ҳам келганимни айтолмасдим. Айтач ҳақида сўрашарди. Айта олмас эдим. Қабулхонадан калитларни олиб, хонамга кирдим. Чарчоқдан халос бўлиш учун душ қабул қилдим. Кейин Истанбулда биринчи марта пешин намозини ўқидим. Бутун қалбим билан илтижо айладим: «Аллоҳим, мени афв эт!»

Бир неча соатлик дуолар ортидан, ошхонага тушиб, соғинганим турк таомларидан едим. Бу лаззатни нақадар қўмсаган эканман. Магар қандай мазали экан турк таомлари. Қалампир дўлмаси, қуруқ ловия,

палов — устида донери билан. Балиқ, зайтун ёғи, ловия...

Овқатланиб бўлгач, Истанбул кўчалари бўйлаб сайр қилдим. Ҳар босган қадамим мени Айтачимга олиб борарди. Ҳамиша ярим қолди менинг меҳр-муҳаббатим. Ишқим ҳам бир бошланиб, чалажон қолди. Севган инсонимнинг виждонсизлиги туйфайли барбод бўлган турмушим, жажжи Айтач билан баҳам кўра олмаган оналик меҳрим, Оливия билан ярим қолган риштам, Манаф билан бошланган бир томонлама муҳаббатим... Бу сафар қароримда қатъий эдим. Топишга ва йўқотмасликка аҳд қилдим. Жоним ўртанди, жоним ёнди. Одамдек ҳаёт бошламоқ ва уни одамдек тугатмоқ истардим.

Бир неча кўча наридан ўғлимни қолдирган масжидим кўринди. Ичим титрар ва фақат «Афв эт, Аллоҳим!» дер эдим. Масжидга яқинлашганим сари ҳаяжоним ортиб борарди. Атрофда ҳеч ким кўринмасди. Шундай кимсасиз бир пайтда тарк этгандим уни. Кўзларимда ёш... ичкарига кирдим. Ажабо, Айтачимнинг ҳиди ҳалиям борми? Йўқ эди, албатта. Фақат масжиднинг ўз муаттар ифори келар эди. Мен уни ётқизган бурчакка келдим. Худди кечагидек ёдимда. Уни ерга ётқизиб, устини ёпгандим. Сўнг уни ёлғизлик уйқусида тарк этгандим. Эгилиб ётган жойини силаб-сийпаладим. Айтач айнан шу ерда ётувди. Кошки, дедим. Кошки, у ҳали ҳам шу ерда бўлса-ю, «Ўғлим! Уйғон, мен келдим!», десам, кўта-

риб бағримга боссам. Лекин фақат «кошки»лар бор эди бу ерда. Шамол эсиб, уни олиб кетганди. Менга номаълум олис ерларга олиб кетган эди...

Бир бурчакда чўккалаб, кўз ёш билан ибодат қилдим. Қўлларимни кўтариб «Афв эт!» дедим.

— Сенга айтиш учун ҳеч қандай асосли баҳонам йўқ. Дуо қилишга ҳам юзим чидамаяпти. Сен бандаларингни жуда яхши кўрасан-ку. Тавба қилса, хурсанд бўласан, уни кечирасан-ку. Кечир, Аллоҳим!

Шу чоғ бир одам кириб келди. Мени кўргач, кичик бўлмага ўтди. Англадимки, у киши масжиднинг имоми эди. Ўрнимдан турдим ва у киши кирган хона эшиги томон юрдим. Эшикни аста тақиллатдим. У яқинроқ келиб, «Эшитаман!» деди.

— Бироз гаплашсак бўладими?

— Албатта, синглим. Сиз ташқарида туринг, мен ҳозир чиқаман.

Оёқ кийимимни кийиб, масжид ҳовлисига чиқдим.

Ташқарида уни кута бошладим. Бир неча дақиқадан сўнг келди.

— Эшитаман, сизга қандай ёрдам бера оламан?

— Ҳалиги... Сизга қандай айтишни билмаяпман.

— Бемалол гапираверинг, сизни эшитаман. Ёрдимим тегиши мумкин бўлган масала бўлса, қўлимдан келганини қиламан.

Чуқур нафас олдим, ичимдаги бор гапни айта бошладим.

— Бундан олти йил аввал — май ойида ноиложликдан бу ерга келгандим. Ёнимда уч ёшли ўғлим Айтач ҳам бор эди.

Имом менга диққат билан қараб турарди.

— Ичкарига кириб, бироз дам олдим. Ўта чорасиз вазиятда бўлганим учун ўша куни фарзандимни шу масжидда қолдириб кетишга мажбур бўлдим.

— Зап иш қилибсиз-да! Одам деган ўз фарзандини ҳам ташлаб кетадими?

Нима деса ҳам ҳақ эди. Лекин мен ҳамдардлик билдиришини кутмасдим. Гапларимни бошқача усулда ифода қилдим.

— Ўша куни бундай виждонсизликка йўл қўйган она бугун боласини излаб изтироб чекапти.

— Худо ҳаққи, бу ерда иш бошлаганимга тўрт йил бўлди. Шунга ўхшаш ҳодиса бўлганини эшитдим. Мендан олдин Рифъат ака бор эди. У билса керак. Агар хоҳласангиз, сизга унинг рақамини топиб берман.

Ҳаяжонландим. Кичик бўлса-да, бир қадам ташлагандим.

— Жуда хурсанд бўлардим.

Имом телефонини чиқариб, бир-икки кишига қўнғироқ қилди. Ниҳоят, жаноб Рифъатнинг рақамини топди.

Ҳаяжоним жўшиб кетди. Чўнтагидан чиқарган қоғозга рақамни ёзиб берди. Имомга раҳмат айтиб, у ердан кетдим. Кўнглимни чулғаган ҳислар билан бир

боққа кириб, жаноб Рифъатга қўнғироқ қилдим. Қайта-қайта чақириклардан сўнг телефонини кўтарди.

Айни ҳикояни унга ҳам айтиб бердим. Жаноб Рифъат қаттиқ аччиқланди ва дағаллик билан вафосиз онага дакки берди.

— Боланинг кўз ёшларини сираям унутмадим. Бир она сифатида уни бу азобда қолдиришга ҳаққинг йўқ эди! — деди.

Бу сўзлар қалбимга нишдай санчилаётганди. Айбимни ич-ичимдан ҳис қилардим. Менинг йўқлигим болам учун мислсиз азоб эди. Жаноб Рифъат виждонининг овози билан билганларини айтиб берди. Ўғлим Болалар полиция бўлими гуруҳлари томонидан олинганини, ўша кеча ижтимоий хизматлар бўлимига топширилганлигини айтди. Раҳмат айтиб, гўшакни кўйдим.

Ўша куни меҳмонхонага бориб, янги кун қўшининг чиқишини интизор бўлиб кутдим. Боламга энди кечагидан ҳам яқинроқ эдим. Билардимки, бу бир жанг бўлади. Севги ва нафрат жанги... Аллоҳнинг ёрдами билан севги ғалаба қозонади.

Ярим кечаси уйғониб кетдим. Шу билан қайтиб ухлолмадим. Деразадан қараб, азим шаҳар Истанбулни томоша қилдим. Балки шу ёниб турган чироқлардан бири ўғлимнинг тепасида порлаётгандир. Қайси чироқ экан, ажабо? Бир оилага умид маёғи бўлгандир Айтачим. Мен бера олмаган меҳрни улар берган бўлиши мумкин-ку! У оилага раҳматнинг ўзи ҳеч қачон

етарли бўлмас эди. Агар жонимни сўрасалар, берардим, албатта. Таҳорат олиб, хуфтон намозини ўқидим. Раббимга ёлвориб, «Афв эт», дедим. Адоқсиз ҳасрат ичимни ёндирарди. Дуо очарди юрагимни, балки, у ўзгартирарди тақдиримни ҳам...

Эрталаб нонушта ҳам қилмай йўлга чиқдим. Ижтимоий хизматлар. У ердагилар билишарди ўғлимнинг қаердалигини. Фақат уларгина оча олиши мумкин эди бу берк қулфни. Ижтимоий хизматлар биносига келганимда, ичимда улкан хавотир кезарди. Ичкарига кириб, маслаҳатчи ходимга мудир билан учрашмоқчи эканимни айтдим. Ходим мени мудир котибасининг ёнига олиб борди. Котиба қиз мудирнинг мажлиси борлиги ва бир неча соатдан кейин келишини айтди. Ташқарига чиқдим. Дақиқалар соатларга тенг эди. Вақт имиллаб ўтаётганда кутиш нақадар қийин! Икки соатдан сўнг яна қайта бинога кирдим. Мудир котибасининг ёнига бордим. Ичкарида бир нечта киши кутиб турарди. Ярим соат кутгач, мудирнинг хонасига кирдим. Ёш бир онанинг фарёдига қулоқ тутишларини истадим.

— Марҳамат, — деди. Мен ҳикояни энг бошидан сўзлаб бердим. Тинглади.

— Тушундим, — деди.

— Хоним, мен сизни тушуниб турибман. Рўйхатдан болангизни қидирайлик.

У компьютерини титкиларди. Қувончим бирдан кўкларга кўтарилди.

— Ҳа, бизда экан...

— Илтимос сиздан, қаердалигини айтинг. Илтимос!

— Афсуски, бизда бундай ваколат йўқ. Сизга бу маълумотни беришим учун суд қарори керак. Бориб прокуратурага ариза ёзинг. Агар судья лойиқ кўрса, биз сизга фарзандингизнинг манзилини берамиз.

Ҳаммаси яхши кетяпти, деб турганимда, йўлимга улкан бир тош тушганди. Худди хорижга чиқишда бошимдан кечирганларим каби.

— Илтимос, жаноб мудир. Манзилини бир оғиз айтинг, бўлди.

— Сизга ёрдам бериш учун ваколатимдан ошолмайман. Бу катта хавф ва мен таваккал қила олмайман. Судга боринг, аризангизни топширинг. Энг тўғри йўли шу.

Оёқ тираб туриб олиш муаммони ҳал қилмасди. Қаттиқ қаршиликка дуч келмоқда эдим. Тезда бориб, бир адвокатурадан ёрдам олдим. Дарҳол даъво ишимиз очилди. Прокурорга кўрсатма бердим. Прокурор суд мажлиси учун сана белгилади. Ўн беш кундан кейин судимиз бўлиши керак эди.

Тақдир менга яна бир бор «кут» деяётганди. Яна вақт билан жангим бошланди. Кутишнинг охири мукофоти бўлса-ку, яхши. Бироқ бу кутишларнинг охири мавҳум. Судья «бўлмайди», дейиши мумкин. Тақвим япроқлари шитирлашини пойлаб кунлар ўтди ва ниҳоят суд куни келди. Тўғри адвокатурага

бордим. У ердан эса суд залига. Йўлакда соатлаб навбатимиз келишини кутдик. Вақт тўхтаб қолгандек эди. Ва ниҳоят, суд ижрочисининг чақириғи билан ичкарига кирдик. Судья қўлидаги ҳужжатларни кўздан кечириб, ёнидаги прокурорга алланималарни шивирлади. Сўзни адвокатга берди.

— Ҳурматли судья. Менинг мижозим, ҳужжатларда батафсил баён қилган маълумотларига кўра, боласини ташлаб кетишга мажбур бўлади. Ўлим эҳтимоли ҳам ўзига, ҳам боласига хавф солган. Айдан хоним уни чет элга олиб кетишни хоҳлайди. Фақат отанинг розилиги бўлмагани учун олиб кета олмайди, оиласига ва яқин қариндошларига «топиб олади» деган кўрқув билан қолдиришни истамайди. Ўзи эса ўлдирилиш таҳдиди сабабли бу ерда қола олмайди. Хавф ортада қолганлиги туфайли ижтимоий хизматлар доирасида бир оилага асранди қилиб берилган ўгли Айтачнинг манзилини ҳамда васийлигини онага берилишини тўғри деб ҳисоблаймиз ва талаб қиламиз.

Судья прокурор билан ўзаро қисқа суҳбатлашди. Вақти-вақти билан менга қараб қўйишарди. Кейин гап бошлади:

— Унда, янги оиласи нима бўлади? Улар бошидан ўтказадиган чуқур қайғунинг ҳаққини ким беради? Болани олиб: «Бу аёл сенинг онанг!» деб топшириш бола учун иккинчи бир жароҳатни келтириб чиқармайдими?

Ишлар йўлида кетмаётган эди. Адвокат қанча ҳаракат қилса-да, фойдаси йўқ бир нуқтага қараб йўналаётганди. Судья умидимни сўндирган охириги сўзларини айтди.

— Талабни рад этишга қарор қилинди.

Адвокат менга, мен эса адвокатга қарадим. Қаршимга ўтиб бўлмас ғов қўйилди. Осон кўчади, деб ўйлаганимиз бир жараён имконсиз ҳолга келди. Кўз ёшларимни сувдек оқизиб, суд залини тарк этишга мажбур бўлдим. Адвокат менга тасалли берса-да, ечим тополмаган эди. «Хафа бўлма, юқори судга мурожаат қиламиз», деди у. Мен эса ҳеч нарсани эшитмасдим. Чорасиз ва абгор ҳолда, кўчаларда айланиб, Айтач билан денгизни томоша қилган қияликка бордим. Бу ерда бирга денгизга қараб ўтирган эдик. Ўғлим қўлидаги таёғи билан кичкина дарахт танасини енгил калтаклаганди. Дарахт кўкка салом берадиган даражада ўсибди. Ўғлим ҳам шундай улғайгандир, албатта. Уч ёшида тарк этгандим уни. Ҳозир тўққиз ёшда бўлиши керак. Уни йўқотишимнинг жазоси, етиша олмасликнинг ҳам бир бадали бор эди. Балки, Аллоҳим афв этмагандир ҳануз. Ҳали синовим битмагандир. Ундан бошқа ёрдам берадиган ҳеч ким йўқлигини билардим. Бор кучим билан, денгиз томонга қараб қичқирдим. Ҳайқирдим ичимдагиларни.

— Айтач! Ўғлим, қаердасан?

Овозим чексиз денгиз узра сингиб кетди. Тўлқинлар ютиб юборди товушимни. Икки-учта чағалай

овозимдан чўчиб, у ердан узоқлашди. Биргина мен қолдим, тепалик бошида умидлари узилган, бўйни букилган ҳолда...

Охирги умидим дея, Ижтимоий хизматларга бориб, яна бир бор илтимос қилдим. Ҳеч ким менга ёрдам беришни хоҳламади. Юзига термилганларим нигоҳларини олиб қочди.

Бошимдан кечираётганларим қилган хатоимнинг жазоси эди. Мадорим қолмаганидан судралиб боққа чиқдим. Бир ўриндиққа ўтирдим. У ерларни тозалаб юрган бир аёл мени хафа кўриб, бефарқ бўлолмай, ёнимга келди.

— Нима бўлди, синглим, қоя қулаб, тагида қолгандек кўринасан. Нима муаммо?

Аввалига гаплашишни хоҳладим. Қистаб сўраганидан сўнг ҳаммасини шартта айтиб бердим. Юзигаям қарамасдан ердан ерга урдим ўзимни. Ҳикоям унга қаттиқ таъсир қилганди. Ўзининг ҳам худди шундай ҳикояси борлигини, болалигида асраб олинганини айтди. Қўлимдан ушлаб мени бир дарахт панасига тортди.

— Синглим, мен онасизлик азобини кўп чекдим. Бола сира чекмасин бу азобни. Ҳа, виждонсизсан, аммо ҳақли сабабларинг бор.

У нимадир йўл билан ёрдам бермоқчи бўлаётганини сездим.

— Бола неча ёш эди?

— Уч

— Яхши. Ташлаб кетганингда исмини айта олармиди?

— Ҳа.

У чўнтагидан қоғоз-қалам чиқариб, менга узатди.

— Барча маълумотларни, болангни қолдирган масжидни, ташлаб кетган вақтингни — ҳаммасини ёз.

Бутун умидларим сўнганида янги бир ёғду порлайдими, ажабо? Ҳаяжонланиб, у сўраган маълумотларни ёзиб бердим.

— Мен архив қаердалигини биламан. Тозалаш баҳонаси билан кириб, ҳужжатларни кўздан кечираман. Агар топсам, сенга олиб келаман. Сен эртага бир кириб ўт, — деди. У билан келишиб, хайрлашдим.

Тунда меҳмонхонага қайтдим. Қандай ҳам изтиробли ҳаёт бу! Қўйилган тўсиқларни ошиб ўтолмагач, қанчалар қийналади инсон. Ноиложликдан қўллаган бу усулим ҳам, аввалгиси каби хато эди, албатта. Ҳасратим тоғдек эди. Кўзларим ҳеч нарсани кўришни истамасди. Шу сабабли юз бераверарди менинг янглишишларим. Бошқа бир йўлим қолмагани учун таклифни қабул қилдим. Ўша кеча эрталабгача даҳшатли тушлар кўриб, ваҳима билан уйғондим.

Айтачим йўлақда, қояда, ўрмонда «Ойи, мени қутқар!» дея қичқирарди.

Салқин ва туманли Истанбул субҳидамида янги бир умид билан «хайрли тонг», дедим. Димоғимга денгизнинг намхуш ҳавоси уриларкан, Ижтимоий

хизматлар бўлимига йўл олдим. Боғ эшигидан ичкарига киришда биров қўлимдан тутди. Чўчиб қарасам, фаррош аёл. Мени панароқ ерга етаклади ва қўлидаги қоғозни кийимим чўнтагига солди.

— Бу маълумотларга эришиш осон бўлмади. Бор, кет, болангни топ. Агар бирор нима бўлса, асло мени кўрмадинг, билмайсан.

Ўғлимнинг маълумотлари чўнтагимда эди. Аёлга қандай раҳмат айтишни билолмасдим.

— Бўлақол, кет, — дерди.

Кетаётганимда яна бир бор таъкидлади:

— Унутма, на мен сени кўрдим, на сен мени!

Кўзимдан ёш қуйилди. Унга хўп дегандек бош ирғаб, узоқлашдим. Қонуний йўл билан бўлмаса ҳам, ўғлимнинг яшайдиган жойини топган эдим. Бир бурчақда ўтириб, аёл ёзган маълумотларга қарадим. Эдирнадаги бир манзил.

Вақтни бой бермай, метрога ўтирдим. Биринчи жўнайдиган автобусда Эдирнага йўл олдим. Дуч келишим мумкин бўлган саҳна кўз ўнгимда жонланарди. Эшикни тақиллатаман... Аёл киши очади ва унга «Мен ўғлингизнинг ҳақиқий онасиман!» дейман. Айдан... Кетидан эса «сеники-меники» жанжали. Асл муаммо Айтачимнинг менга қандай муносабатда бўлиши эди. Йиллар давомида онасидан айро тушган болам.

Автобус Эдирнага етгач, таксига ўтириб, ўғлим яшайдиган уй жойлашган маҳаллага бордим. Теле-

фонимдан жойлашув маълумотларига кириб, йўналиш бўйича юра бошладим. Ҳар қадамим ичимдаги ҳаяжонимни оширарди. Катта муюлишдан орқа кўчаларга кирдим. Баҳайбат чинор ёнидан ўтиб, узун тепаликка чиқдим. Телефонимга кўра, Айтчим яшайдиган уй бир неча метрдан кейин кўриниши керак эди. Бошимни кўтариб қараганимда, мен ахтарган уй рўпарамда турарди. Икки қаватли, озода, чорбоғли бир уй эди. Кўчада югураётган болаларнинг овози ичра диққат билан уйга қараб турардим. Деразалари ёпиқ, боғда ҳам ҳеч ким йўқ. Шу пайт атрофда қувалашиб ўйнаётган болалардан бири менга урилиб кетди. Мувозанатни йўқотдим. Йиқилмаслик учун ўзимни зўрға тутдим.

Урилган бола Айтач бўлиши мумкин, деб ўйлادим. Ҳаяжон билан юзига қарадим. Бола менинг Айтачимга ўхшамасди. Ўзимга келганимда бола мен истаган саволни берди.

— Опа, кимдир керакми?

— Бу кимнинг уйи?

— Комил амакиники. Чақирайми?

— Йўқ, йўқ!

Манзил тўғри эди. Болага ичимни жиз эттирадиган яна бир савол бердим:

— Уларнинг кичкина боласи бўлиши керак эди. Тўққиз ёшларда...

— Комил амакининг ўғлими?

— Ҳа.

— Опа, сиз Айтач ҳақида гапиряпсиз.

Ўғлимнинг исмини эшитганимда вужудим титраб, сочларимгача симиллаб кетди. Кўзларим ёшга тўлди.

— Ҳа, худди шундай.

— У бола жуда ғалати! Уйидан, боғидан ташқарига чиқмайди. «Кел, ўйнаймиз», деймиз, келмайди. Нега сўраяпсиз?

— Йўқ, шунчаки қизиқдим.

— Қўйинг, опа, қизиқманг. Ғирт кўрқоқнинг ўзи...

Айтачни топганимдан етишган қувончимга боланинг гаплари соя солди. Ахир болам ўз бошидан жудоликни кечирди. Албатта, оқибатлари бўлади-да. Демак, Айтачим меҳр етишмагани сабаб ўзининг ички дардлари билан яшаётир. Бола рухсат сўраб дўстларининг орасига қўшилди. Ниҳоят, ўғлимни топгандим. Мендан бир неча одим нарида, тўрт девор орасида эди. Олти йиллик соғинчга қандай яқун ясаш борасида ўйлаган чораларим бор эди. Тўғридан тўғри эшикни тақиллатиб: «Мен Айтачнинг онаси-ман!» дейишим мумкин. Оқибати ҳалокатли бўлар, балки. Ёки пухта бир режа билан унинг ҳаётига киришим керак... Иккиланиб турганимда Айтач яшайдиган уйнинг боғ томонидаги эшигини хўмрайган қиёфали бир киши очди. Диққат билан менга қаради. Кейин жимгина ичкарига кирди. Менга бу одам сираям ёқмади. Ўғлимнинг музлаткич каби совуқ одам билан бир уйда яшаши жуда ачинарли. Бир неча қа-

дам нарига юриб, уйнинг боғ эшигидан узоқлашдим. Менинг биринчи умидим ўғлимни, ҳаётим парчасини ўз кўзларим билан кўриш эди. Уйнинг ёнгинасида бўш майдон бор экан. Ҳеч ким кўрмаган пайт майдондан ўтиб, дарахтлар орасига яшириндим. Кўчада кутишим эътиборни тортиб, муаммо туғилиши мумкин. Бу ерда эса мени ҳеч ким кўрмас эди. Бу жойдан Айтач яшаётган уй ва боғни бемалол кузата олардим. Дақиқалар соатларга айланди. На уйнинг пардалари очилди, на боғга кириб чиққан бирор одам бўлди. Кеч тушгач, дарахтлар орасидан уйни кузата бошладим. Қоронғи тушган бўлса-да, уйда чироқ ҳамон ўчиқ эди.

Кўчада ҳеч ким йўқ пайтда беркинган жойимдан чиқдим. Яқин атрофдаги меҳмонхонага жойлашдим. Кўнглимни оздирар, ўзимни эса бегонадек ҳис қилдирар эди бу ер... Меҳмонхоналарда қолишни ортиқ истамаётгандим. Аммо қисмат экан. Туркияни тарк этишда ҳам меҳмонхонада паноҳ топгандим. Қолаверса, қайтган кунимдан бери меҳмонхонада эдим. Вақтинчалик, ўткинчи бир жараён, деб овутардим ўзимни. Эҳтимол, чеккан изтиробларим ўғлимга етишишнинг бир бадалидир...

Эртасига яна ўғлим яшайдиган уй ёнидаги майдонга келдим. Дарахтлар орасида худди навбатчи аскардек тик туриб, ўғлимни кута бошладим. Ҳали ҳам уйдан сас-садо чиқмасди. Бир неча дақиқадан сўнг ичкаридан қадам товуши эшитилди. Уй эши-

гидан кеча кўрганим — совуқ юзли одам чиқди. Боғ дарвозасини секин очиб, кўчага йўналди. Киприк қоқмай уйни кузатишда давом этдим.

Қанчалар улғайганди Айтачим.

Оёқларим, кўлларим титрар, кўз ёшларим селдек оқарди. Шундоққина рўпарамда эди у. Сиймоси билан, ўзини тутиши билан бу бола менинг ўғлим эди.

Ҳайқиргим келди. Югуриб бориб қучоқлагим келди. Ҳолбуки, қанчалар азобли экан — қалбингдагини кўриб туриб ҳам яқинлаша олмаслик! Қанчалар алам қилар экан — олти йиллик соғинчдан кейин ҳам учраша олмаслик... Ҳушимдан айрилишимга бир баҳя қолди. Дарахтга суяниб хўнг-хўнг йиғладим.

Кўзларим асир эди болагинам томонда. Қалбимдан бир йўл очилиб, қаршидаги боққа томон кетарди. У қўлини чўнтагига солиб, бир неча бор атрофни айланди. Болагинам. Устига оқ кўйлак, тор шим, оёғига кўк пойабзал кийиб олганди. «Ўғлим, мен шу ердаяман!» дейишни, «Болам, мен келдим!» деб унинг қўлидан ушлаб ҳаётимга олиб киришни шунчалар истардимки... Жонимдан бино бўлган болам...

У ўзга бир ҳаётда, ўзга дунёда фарзанд ролини ижро этарди. Унинг фильмида бош қаҳрамон бўлишни хоҳлардим. Балки, энди ҳаётимда ҳеч қачон бунга имкон берилмас. Бунинг ҳаммаси тақдирдан эди. Тақдир эса Аллоҳ томонидан ёзилган.

Айтачни кўриб чидолмадим. Оналик туйғуларим ғолиб келди. «Етар энди!» дедим ва дарахтлар

орасидан югуриб чиқдим. Айтач ўйнаган уйнинг боғи томон юрдим. Ташқи эшикнинг қулфини очаётганимда, болагинам билан юзма-юз келдим. Айтач ваҳима ва саросимали кўзлари билан менга қараб турарди. Неча кунки ором бермаётган истак мени бир лаҳзада енгди. Бориб ўғлимни бағрига босдим. Айтач қўрқиб, йиғлаб мендан қутулишга уринарди. Кўз ёшлар ичида қучоқладим. Ўғлим титраган кўйи мени итариб юборди, мувозанатимни йўқотдим. Йиқилдим. Мендан қутулгач, югуриб уйга кириб кетди. Ўзимни йиғиб олиб, ярим очиқ эшиқдан ичкарига кирдим. Ичкарида яна бир бошқа эшик бор экан. Ўша томон юрдим. Эшикнинг шиша ойнаси ортидан қадам товушини эшитдим. Бутун жасоратимни тўплаб, эшикни тақиллатдим. Бор гапни айтишга аҳд қилдим. Оғзига ниқоб тутган, рангпаргина бир аёл бўсағада пайдо бўлди. У базўр эшиқдан чиқиб, ташқарига бир-икки қадам ташлади. Шу заҳотиёқ қичқирдим:

— Мен Айтачнинг онасиман!

Ҳорғин кўзлари билан менга тикилганча анграйиб қолди. Аҳволи хароб эди. Нима дейишни ҳам билмай қолдим. Бечора аёл менга маъюс кўзлари билан жовдираганча қараб турарди. Ҳалиги одамнинг нега бунча совуқ ва руҳсиз эканига жавоб топгандек эдим. Аёл менга бир дақиқа анграйиб қолди. Кўзларидан ёшлар томчилади. Қилган ишим нотўғри эканини ўшандагина англадим. Айтач аёлнинг оёқларини

қучоқлаб, менга безовта нигоҳлар билан худди бегонадек қараб турарди. Аёл чуқур нафас олди. Жаҳли юзига қалқиб чиқди.

— Олти йил олдин қаерда эдинг, Айтачнинг онаси? Масжид ичида тарк этаётиб, оналигинг қаерда эди?

Қош қўяман деб кўз чиқариш шундай бўлади. Шафқатсиз ва худбин бўлишнинг якуни шудир.

Йиғлаб юбордим. Кўрганларим, соғинчим, жудолигим, виждонсизлигим ҳаммаси бирлашиб, маҳв этаётганди мени.

— Узр сўрайман, мени кечиринг, — дедим-у Айтачга бир боқиб ташқарига чиқдим. Оғир хаста эканлиги шундоққина кўриниб турган, ўғлимга она бўлган бу аёлга нисбатан адолатсизлик қилдим.

Инсонларнинг мени тушунишини истабман-у, ўзим тушунолмабман уларни... Марҳаматга муҳтож чоғим марҳаматсиз инсонга айланган эдим.

...Бир кафега бордим ва кўрган-кечирганларимни қоғозга туширдим. Афв тиландим, ўғлим билан юз берган дардли ҳикоямни баён этдим. Манзил ва телефонимни ҳам қайд этиб, ўғлимга бошпана бўлган ўша уйга қайтдим. Боғнинг дарвозасидан ичкарига секингина кириб, мактубни уйнинг эшигига қистиргач, у ерни тарк этдим.

Бир хаста онанинг умидларини ўйинчоқ қила олмасдим. Демакки, ҳали ўғлим билан учрашиш вақти

эмас эди. Кўз ёшларга гарқ бўлиб, Истанбулга йўл олдим.

Эдирна...

Бир киши уйнинг боғидан ичкари кирди... Уй эшигига қараб йўналди... Эшикка қистирилган мактубни кўрди... Уни олиб, диққат билан ўқишга тутинди...

Юракни эзадиган вазиятга тушган бўлсам ҳам, ўғлимни кўрганим жуда гўзал иш бўлганди. Уни тирик ва саломат кўриш менга умид бағишлади. Бир кун келиб, албатта, унга эришишимни билардим. Меҳмонхонага қайтдим ва бир неча кун хонамдан чиқмадим. Унга етишиш учун дуолар қилдим. Орзуларимни у билан учрашадиган кунимга қадар четга сурдим. Онам билан телефонда узоқ гаплашдим. Айтач воқеасини авра-астаригача айтиб бердим. Жаҳли чиқди, қичқирди, жимиб қолди, кечирди. Чунки у она эди.

Меҳмонхонадан чиқиб, уйга йўл олган куним эрталаб кийимларимни йиғаётганимда эшик тақиллади. Қабулхона ходими экан.

— Хоним, меҳмонингиз бор. Қабулхонада сизни кутишмоқда.

Ҳайрон бўлдим. Қизиқишим ортиб, пастга тушдим. Қабулхонага разм солдим. Ҳеч ким кўринмасди. Яна бир неча қадам ташлаб, ортга назар солдимۇ ўриндиқда ўтирган кишини кўриб йиғлаб юбордим. Кичкинтойим Айтач жимгина ўтирарди. Хурсандчиликдан ўзимни йўқотар даражада «Ўғлим, Айтачим!» дедим ва уни маҳкам бағримга босдим. Олти йиллик соғинчим, азоб-уқубатларим, сабр-тоқатда адо бўлган кунларим ниҳоя топганди. Севинчга айланди кўз ёшларим. Балки Раббим мағфират қилганди мени.

Айтачни қидириб борганимда кўрганим қўпол одам ҳам ёнимда эди ва йиғлаб юбормаслик учун ўзини базўр тутиб турарди. Кўрган манзарасидан мутаассир бўлганди. Бир вақтнинг ўзиде ҳам кечирим сўрадим, ҳам миннатдорчилик билдирдим. Бечора ота ўғлимга юрагини, уйини очган, виждонли, марҳаматли одам эди. Бир неча кун олдин умр йўлдошидан айрилганини, энди Айтачга ғамхўрлик қилиш унга қийинчилик туғдиришини айтди. Ёзган мактубим унга қаттиқ таъсир қилганини алоҳида таъкидлади. Уни бир отадек кучоқладим.

— Айтач энди сизнинг ҳам ўғлингиз. Эшигим сизга бутун умр очиқ! Қай вақтда кўришни истасангиз, келишингиз мумкин. Сизга қанча раҳмат айтсам ҳам кам, — дедим. Аччиқ табассум билан Айтачнинг сочларини силади.

— Албатта, келаман. Айтач билан иккимизнинг режаларимиз бор. Ҳаммасини амалга оширамиз, — деди ва рухсат сўради. Бу оқкўнгил инсон кетиб, ўғлим менга қолганди.

— Мени эсладингми, азизим?

Йўқ дегандек бош чайқади. Яна янги жароҳат ва яна янги энага саҳнада эди. Мен бу ишларда устаси фаранг эдим. Кўлидан тутдим ва дарров меҳмонхонадан чиқдик. Қувонганимдан оёқларим ерга тегмасди. Таксига ўтириб, уни ташлаб кетган масжидга етиб келдик. Ичкарига кирдик. Бу масжидга илк бор шундай севинч билан киришим эди. Юрагимда кабутарлар парвоз қиларди. Яна ичкарида ҳеч ким йўқ эди. Уни ухлатиб қолдирган жойга бордим. Ҳаммаси кечагидек ёдимда эди. Табассум билан:

— Бу жойни эсладингми? — деб сўрадим. Атрофга қаради ва менга юзланди. Яна бош чайқаб қўйди.

— Ҳозир сен билан бир ўйин ўйнаймиз. Олти йил олдин сени шу ерда қолдиргандим. Бошидан бошлашга нима дейсан?

Жилмайиб қўйди.

— Бўлақол, ёт, — дедим.

Ҳайрон бўлиб менга қаради.

— Қани, бўлақол!

Эътироз билдирмай, айтганимни қилди. Бир бурчакда турган жойнамозни олиб, устини ёпдим. У ётар экан, мен масжиддан чиқдим. Кўзларим қувонч ёшларига тўлганди. Телефонимнинг соатини олти

йил орқага суриб қўйдим. Сўнг севинч билан ичкарига кирдим. Гўё олти йиллик бир сахна қайтадан намойиш қилинаётгандек бўлди. Айтач уни ётқизган еримдан қимир этмаган эди. Бориб, устидаги жойнамозни олиб ташладим. Бутун қалбим билан уни бағримга босдим. Биринчи марта у ҳам мени қучоқлади.

— Жоним болам, сени шу ердан топиш учун олти йил кутдим. Мудом сени тарк этган ўша кун билан яшадим.

Бир-биримизни қучоқладик. У ердан чиқиб, ёнма-ён узоқ юрдик. Унга бошимдан кечирган ҳамма нарса — қочишим, кўз ёшларим, Америка ҳақида сўзлаб бердим. Ҳеч бир сўз демади. Уни қайта топишим, унга ўзимни англатишим учун энг муносиб ёшда эди. Туйғулари қоришиб кетмаган, сўроққа тортишни бошламаган бир пайтда у билан учрашиш катта лутф эди.

— Раббим, буюк Аллоҳим! Тавбамни қабул қилганинг ва мени кечирганинг учун ўзингга минг бор шукурлар бўлсин...

Ўша оқшом ота-онамнинг уйига бордик. Уларнинг дийдорига тўйгач, онам Амир ҳақида гапириб қолди. Амир турмуш қурган аёлининг интернетда биров билан ёзишаётганини кўриб қолибди ва ўша одамни топиб, ўддирибди. Ўтган кунларимни зиндонда айлантирган бу одам энди қамоқхонада эди...

Ҳаммаси тақдирдан. Раббим дуоларим билан йўлимни ойдинлатди. Оливия ўлгач, Америкада қолишимнинг маъносизлашгани, қайтиш вақтим, боламини асраб олган оиладаги аёлнинг вафоти, Амирнинг қамоққа тушиши... Қисмат эди, албатта. Барчаси менинг йўлимни очди. Ҳаммаси Айтачимга етишмоқ учун ҳаётимдан бир-бир чиқиб кетди. Ҳар бир сабабни ўзимга боғламоқчи эмасман. Назаримда, бу менинг пешонамдан эди.

Оилам ва биз учун янги кун туғди. Энди Айтачининг бутун умр мен билан яшашига ҳеч қандай тўсиқ йўқ эди. Янги ҳаёт дарвозалари охирига қадар очилди. «Юр!» деди Парвардигорим.

Бир кун оқшом ҳаммамиз биргаликда чой ичиб ўтиргандик. Эшик кўнғироғи жиринглади. Бориб очдим. Қаршимда милиция ходими турарди. Уни кўрдим-у, кайфиятим бузилди.

— Келинг, — дедим.

— Айдан Эроғлу билан кўришмоқчи эдим.

— Менман, эшитаман.

Зинадан пастга ишора қилди.

— Бу жаноблар Америкадан келишган. Улар сиз билан кўришмоқчи.

Эшитганларим мени буткул лол қилганди. Бир неча қадам ташлаб, пастга қарадим. Кўрганам тушга ўхшарди. Жаноб Марко билан Манаф менга табасум билан қараб туришарди. Манаф мен томонга бир неча одим ташлади.

— Самоварда чой дамлагандим. Келмаганингга ўзимиз борайлик, дедик.

Шодликдан кўз ёшларим дув-дув тўкиларди.

«Аллоҳим, Аллоҳим!» дер эдим фақат...



II БЎЛИМ

КЎНГИЛНИ ИЛИТГАН ҲИКОЯЛАР

Ёлғизлик — кашфиётдир

Индамайсан. Баъзан гапиришга мадоринг бўлмайди. Ҳеч ким сени тушунмайди баъзан.

Тушунтирсанг ҳам англамайдилар. Оғиз очтирмайди баъзан тушунилмаслик туйғуси.

Ичингда сайрга чиқасан.

Юриб-юриб, ўзингни топа олмайсан. Қояларга урилиб, жарликлардан қулайсан.

Шу алфозда ойлар, йиллар ўтади.

У ерда бир одам билан танишасан. Сенга ўхшаган, аслида, сен бўлган одам билан.

Ўша сафарга чиқмагунингча, у одамни таний олмайсан.

Ой ёғдуси каби одил бўл

— Қуёш каби бўлишинг лозим, фарқларни юзага чиқарадиган нурлар сочишинг керак, — деди у.

— Сен ҳеч ой ёруғида юрганмисан? — дедим мен.

— Юрмаганман.

— Ой нурида юрмай туриб, одил бўлолмайсан. Адолат нима десанг, «Ой нуридир», — деб жавоб қиламан.

У рангларга ҳамиша бир хил муносабатда бўлади. Қочиш фурсатини ўлжага бера туриб, овчига йўл кўрсатади. Энг муҳими, у на тунни зулматда қолдиради, ва на кунни ойдинлатади. Чунки у зулмат ва ёруғликнинг марказидадир.

Ўзлигингни кашф эт

Тоғ бошида ҳайкалдек турган одамни кўрдим. Эсаётган шамол ва чанг-тўзоннинг ўртасида. Салобатли чинор каби турарди. Шамолга қарши чиқаётгандек эди гўё.

— Нима қиляпсан? — деб қичқирдим.

Парво ҳам қилмай, давом этди шамол билан баҳслашишда. Сўрадим такрор:

— Нима қидиряпсан бу тоғ бошида?

— Ғам-ғуссада ўзлигини йўқотган одамни, жондан қизганган жонимни, қўлдан бой берган умидимни ахтаряпман..

Индамай ўгирилиб, ўйлаб кўрдим айтганларини. Ва сўнгги бор сўрадим:

— Топдингми?

Жавоб қилди пинагини ҳам бузмай:

— Қуёшли кунлар кўрсатмас эмиш ҳақиқатни. У тўзондан сўнг ўртага чиқар экан. Армон билан улғаярмиш бахтли одам. Йўқчиликдан бунёд бўлар эмиш кучлилар.

Умидинг чироқдир, асло сўндирма

Умид кабутарнинг қанотидадир доим.

Йўқотиш ва йўқотмаслик ўртасидаги бир ердадир у.

Қўлингни узатсанг, тута олмайсан. Яқинлашганинг сайин узоқлашади.

Яна ҳам умид бор.

Йўлимиздан адашганимизда, зимистонда йўқолиб қолганимизда, ҳамиша йўл-йўриқ кўрсатади, далда беради ва илҳомлантиради...

Букилма, тўғри бўл!

«Мен ҳақ бўлган бирор масалада ёнимда турасанми?» дея сўрадим.

Бошини эгди, ютинди. Саволимни ўзгартириб, такрор сўрадим.

«Ҳақлигимни била туриб ёнимда турмайсанми?»

Яна ютинди. Ёнимда туролмади. Чунки мен билан бўлиш унга фойда келтирмасди. Ваҳоланки, у билан қанчалар кўп адолат ҳақида суҳбатлашгандик. Ҳалоллик оловини ёққандик.

Ўчоқда чўғ қолдирмагани бу мунофик.

Ростгўйнинг ёрдамчиси Аллоҳдир. Сен ёнимда бўлмасанг ҳам, майли.

Сендан илтимосим, ноҳақ айблама. Илондек эшилаганинг сабаб тик турадиган ҳолинг қолмабди.

Ғам чек, бахтли бўл

Ҳаётда унутар инсон. Унутар қаттиқ севганини. Севгилисига айтмаганларини ҳам... Ажабланарлиси, унутмас истакларини. Кундалик ташвиши бордир мудом. Борилиши керак бўлган жойлар, якунига етказадиган ишлари бордир. Доим охиригача боришни хоҳлайдилар. «Бу тугасин, бошимдан кетсин!» дейдилар. Ҳар доим натижага қарашади. Ҳолбуки, билмаслар натижада ўлим борлигини. Балки фаҳмламас, аммо ҳар бир жон ўлимга югуради.

Муҳими, ҳаётни югура туриб ҳам яшамоқдир.

Азоб чекса-да, бахтли бўлишни ўрганмоғи, унут бўладиган ташвишлар орасида қучмоғи лозим яқинларини. Акс ҳолда, яшалмаган ҳаёт қолади ортидан...

Ҳали шуми сенинг дардинг?

Очликдан эти суякларига ёпишган болани кўрдим.

Африкалик...

Истаса-да, яшай олмаётган, емак тополмаган бола.

Ўйланиб қолдим ўзимча. Муаммоларим бунинг олдида ҳеч нарса экан.

Ваҳоланки, қанчалар кераксиз нарсалар учун хафа қилибман ўзимни. Мен дард кўрмабман.

Дард кўрдим, деб ўйлабман. Лекин мудом хато қилибман.

Бу дунёда ёлғизсан, агар Аллоҳ бўлмаса ёнингда

Бирини ерга йиқилиб, бечорадек нолияпти:

— Мени кўп ранжитишди. Жуда хафа қилишди.

— Ростдан, кимга ҳам қизиқки, сенинг хафалигинг? Иложсизлигинг, ёлғиз қолганинг кимга қизиқ?

Йиқилсанг, йиғларлар хўжакўрсинга. Икки дақиқада ўчади дардинг, бу бепарво қалблардан.

Эй дўстим!

Ё ўзинг чиқасан ботқоқдан ёки ботиб кетасан. Эҳтимол, топа олмассан елкангда дўстона қўлни.

Бироқ ҳамиша Раббингни топасан, топганингни ўзинг сезмасанг-да.

Азоб-уқубатларни битирадиган ҳам, юзингни кулдирадиган ҳам Удир.

Сени ёлғиз қолдирмайдиган Раббингдан сўра!

Гар Аллоҳ ёнингда бўлса, асло етим ҳис қилмайсан ўзингни.

Муаммоларинг билан дўстлаш

Муаммоларни бартараф этишни мақсад қилганлар пашшани филга айлантиришади. Кичкина тошни олиб кўзингга яқинлаштирасанг, улкан қояни кўрасан. Қандай кўрсанг, шундай ишонасан. Ишончинг тақдирингда акс этади.

Кўй ҳаммасини жойига.

Катталаштирсанг, ўсади. Кичрайтирсанг, майдалашади.

Албатта, бўлади бирор дардинг. Хасталигинг, етишмовчилигинг, англомаслигинг, ўзингни бир бурчакка улоқтирилгандек ҳис қилишинг...

Имтиҳон бор экан, қийналишинг табиий.

Дард бўлмаса, дармон топилмас эди. Дармон изланмаса, Яратган топилмас эди.

Кўй энди буларнинг барини. Ўзини унуттирмаган Яратганга дуо қил. Муаммосиз бўлишни иста-

ма... Фиръавннинг боши бир дафъа бўлсин оғримадди!

Ожизликларинг билан кураш

— Қанчалар кўп заиф томонинг бор, — деди менга.

— Ҳа, дедим. — Чунки инсонман.

— Улар билан яшаш осон бўлмаса керак, — дея қўшимча қилди.

— Албатта, қийин, лекин қизиқарли...

— Сен қийинини танла. Қийинчиликда хайр бордир.

Кулдим.

Табассумим жиддийлашди бирдан.

— Қийинчиликка интилиш, одатлардан воз кечиш осон бўлганда эди, на одам ўларди, на чақалоқ йиғларди.

— Сен, — деди у. — Сен!

— Ўлдирадиган ва йиғлатадиганлардан бўлма. Бошқалардан фарқим бўлсин десанг, қийинчиликка талпин.

— Қийинчиликка талпиниш нимани англади?

— Савоб иш қил. Чунки савоб нафсингни қийнайди, — деди.

Жуфтинг жону жаҳонинг бўлсин

Тун. Ялтироқ осмонўпар бинолар орасидан қичкириқ эшитилди. Бир аёл овозининг борича бақирди...

— Бездор бўлдим сендан! Одам деган хотинига чиройли сўзлар айтмайдими? Ҳақоратларинг, курақда турмас сўзларинг менга инсон эканлигимни унуттирди. «Мен кимман ўзи?» деяпман дастингдан.

Жимгина узоқлашдим у ердан. Бироқ уларнинг овози ҳамон эшитиларди. Аёлнинг исёни сира битмади. Қанча олисларга кетсам ҳам, шаҳар шовқини ичра ялтироқ бинолар қолган бўлса-да, бир аёл фарёди тун дафтарига ўйилиб ёзиларди. Жавобсиз ва оғриқли саволлар қайғу деворига урилиб, яна қайтиб келаётгандек эди.

Яккаш дарахт тагида ўтирдим. Фақат чигирткаларнинг овози эшитиларди. Бир чигиртканинг товуши бошқасиникини тўсиб қўярди. Ўй-хаёлларим уфқида пайдо бўлган бир-икки сўз тилимдан тўкилди. Бирдан бақирдим. Айбдорлар курсиси пайдо бўлди қаршимда. Хосиятсиз одам икки букилиб ўтирарди. Хотинига виждонсизларча муносабатда бўлган пасткаш!

— Сен, ўрнингдан тур!

Қўллари олдига боғланган бир киши ўрнидан турди, минбар ортидан:

— Сенга нима бўляптики, кечагина «дунёнинг энг гўзали» деган одамингга бугун ҳақорат ёғдирыпсан. «Ранжитиб қўяманми?» деб юрагингда сақлаган сўзларингни энди аямай сарфляяпсан.

— Лекин у мени тушунмаяпти, жаноб. Чарчадим, тўйдим.

— Тўйган сенмисан? Синовлардан ўтаётган ягона одам сенмисан? Албатта, хафагарчиликлар, ғазабланишлар бўлади. Ҳар ғазаб дарахтдан бир япроқ тўкар. Сен дарахтни илдизи билан суғуриб ташляяпсан. Ҳолбуки, у ота-онасининг жигарбанди, сенинг бахтингни ўз бахтидек билган бир жон. Сенга муҳтож бир аёл. Сен унга муҳтож бўлганинг каби...

Ранжитма, озор берма.

Ранжитсанг, ранжийсан.

Озор берсанг, озор топасан.

На ранжитган бўл ва на озор берган.

Бахт — кўнгилга кирмоқдир.

Айбни ўзингдан изласанг, кўнгилга кирасан.

Яратганнинг борлигини ҳис эт

Яратганнинг борлигини ҳис қилдир менга! Қўлим билан тутгандек ишонишни хоҳлайман. Жўшқин ҳаёт, мавж урган дунё... Қўра олмайди банда бу дунё ичра Яратганини.

Ҳиссиёт — бу юрак иши. Ёлғиз ҳис-туйғулар орасидагина кўриш мумкин. Ҳис қил! Ўшандагина бошқача кўз билан қарай бошлайсан дунёга. Оёқларинг ердан узилиб, ҳеч бир ишда қийналмайсан. Биласанки, Раббинг сен билан!

Сен ҳамиша баҳорда қол

Ҳаётинг фаслларга ўхшайди. У гоҳ ёзга, гоҳ қор фаслига айланади. Ҳар қандай мавсумда ҳам ҳаётинг баҳор бўлсин. Бунинг учун фақат биргина шарт мавжуд: ҳаммаси ўткинчи эканини унутмаслик...

Умидсизликка тушма, у кечиради

— Кўп гуноҳ қилдим, кўп! — деб шивирлади қария. — Ҳаром едим. Гийбат қилдим. Етимнинг молини ўғирладим. Мен қилмаган гуноҳ қолмади. Хуллас, яхшилиқни баҳона айлаб, ҳаммасини барбод этдим. Сўнгги маконим жаҳаннамдир.

— Гуноҳ китобингиз қанчалик катта бўлмасин, Аллоҳнинг раҳмати олдида ҳеч нарса эмас. Шу марҳамат бўлмаса, авлиё ҳам жаннатга кира олмас!

Кўрдим, билдим ва ишондимки...

Йўл сенгадир, Парвардигор! Кетиш сенга, бо-риш сенга. Биламан, тиканли йўлдир бу. Йиқилиш ҳам бор, қоқилиш ҳам. Тузоқларга тўладир сенга борадиган бу йўл. Бу йўлдан бир амаллаб ўтилади, биламан. Сенинг ҳидоятинг, сенинг марҳаматинг юритиши мумкин фақат. Ёлвораман, тут қўлимиздан. Овчининг жозибадор кўринган тузоғига туширма бизни. Хато қилиб, тушсак ҳам, сен бизни уерда қолдирма.

Кўрдим, билдим ва ишондимки, сенинг раҳматинг бўлмаса, ҳеч бир банда бахтга эриша олмайди.

Бизни бахтга эришганлардан қил.

Фақатгина Аллоҳ де

Дунё мени сенга олиб борувчи йўлдир. Дийдорингга етишмоқ учун яратилган кураш майдони. У бир пардадир. Сенга етишмоққа тўсиқдир дунё.

Чечак томон чопаман, соҳибини билмасдан.

Ейман, ичаман, тортиқ қилганни кўрмасдан.

Дунё дардида ёнаман мудом, даво берувчини ўйламасдан.

«Оқ соқолли одам келиб, бир мўъжиза кўрсатса-ю, юрган бу ёмон йўлимдан қайтсам», деб ўйлайман. Гарчи шунча мўъжиза ҳаётимда бор бўлса-да.

Юрадиган оёғим, кўрадиган кўзим бор,
 Уйим, ҳатто машинам, қучмоқ учун болам бор,
 Осмоним, ёмғирим, бўроним,
 Олаётган нафасим бор,
 Яна нима кутай «Аллоҳ» демоқлик учун...

Кўп ўйлаб, сиқилма

Эй кўнгил,
 Нега майда-чуйда бунча нарсаларга ғам чекасан?
 Ғам билан нега сиқасан жонни, жононни?
 Ёзган Ҳақдир. Ёзилган ҳақингдир.
 Озор берма эгасига.

Сабр, шукур, дуо учбурчагида бўл. Сабринг саломатликка, шукринг ҳидоятга, дуонг эса раҳматга айланади, иншооллоҳ...

Ёлғизлик

Ўзингни ёлғиз ҳис қилганингда дардингни да-
 рахтга, қушга ёки тошга айт. Сенга жавоб бера олмасалар ҳам, айбламай тинглашади.

Яшадим дема

Турмуш ўртоғи ва болалари билан бирга умр кечирмаган бўлса-ю, «Мен ҳаётда тўйиб-тўйиб яшадим», деса, билгиаки, у инсон ё кўр, ёки ёлғончидир. Жуфти ҳалолидан аяган табассумини бошқасига бахш этган одамни ўта виждонсиз, деб аташ мумкин.

Бугун билан яша, йўқса кеч қоласан

Бугун умрим эртани кутиш билан ўтди. «Эртага байрам, эртага таътил, эртага меҳмон, эртага имтиҳон...» Доим эрталарга қараб, бугунни йўқотганимни англадим. Ёшим етмишда, ортимга ўгирилиб боқяпман энди. «Кошки», дейман, қачон ақлимга келса. «Кошки, қилсайдим», «Кошки, бошқача яшасайдим», деяпман.

Биламан, поезд алақачон жўнаб кетди. Бозор ҳам алақачон ёпилди.

Бола билан бола бўлиш

Аслида, болаликка қайтиш, ҳаётни қайта яшаш имконияти мавжуд.

Магар болалигингни яшай олмаган бўлсанг, боланг билан бола бўл. У билан ўйна. У билан қувна.

Чунки у болалик дамларингдагидек ҳаракат қилади.
Унга қўшилсанг, унингдек бўласан.

Болалар оламига кирмоқ

Болаларни қизиқтирмайди сенинг ўй-фикрларинг.

Мағлубият ва ғалаба улар учун аҳамиятсиз.

Уларнинг бойликка эҳтиёжи йўқ.

Бегуноҳдирлар, агар севсалар, жондан севадилар.
Кечирим сўралмасдан бурун кечирадилар.

«Хурсанд қиламан», деб ўйинчоқ олма. Ўйинида
шерик бўл шунчаки.

Сенинг дунёинг нопокдир. Ношукурдир қалбинг.

Истар, истаса-да, тинчланмас нафсинг. Пештах-
таларга қадалган гуноҳларингдир.

Риёкорлик, худбинлик, ғазаб, очкўзлик сендадир.

Сен малаклар оламига кирганинг яхши.

Сен, яхшиси, малаклар оламига кир. У ер жаннат
боғидир.

Энг чўққига чиққанинг оламга дoston бўлсин

Муваффақият — бургутнинг қанотида ёки тош-
бақанинг тошига осилиб, чўққига чиққанларнинг

ҳикоясидир. Тоққа бургут ҳам чиқади, тошбақа ҳам. Бургутнинг чиқиши шов-шув бўлмайди. Тошбақанинг тирмашиши эса дostonга айланади. Чунки ҳақиқий кураш тошбақанинг курашидир.

Энг буюк дард — бедардликдир

— Ҳаётда энг муҳим муаммо нима? — савол бердилар.

— Энг муҳим муаммо йўқ, — деди.

— Қанақасига?

— Қўлинг бўлмаса, энг муҳим муаммо — бу қўларингдир. Агар кўзинг бўлмаса, энг асосий дардинг — кўзларингдир.

Жим бўлиб қолдилар. Айтиладиган сўз ҳам, бериладиган жавоб ҳам қолмаган эди.

Сен учун муҳим бўлмаслиги мумкин, бирок...

Тўшакка михланган беморни ташқарига олиб чиқишинг уни учар шарда дунё бўйлаб саёҳат қилдириш билан баробардир.

Ҳаётни ёмондан ўрган

Мен комил инсон бўлишни ёмонлардан ўргандим.

Ачинишни виждонсизлардан,
қул ҳаққини — ўғридан,
марҳаматни — шафқатсиздан,
рост сўзлашни — ёлғончидан,
камтарликни — такаббурдан,
сахийликни эса хасисдан ўргандим.

Ўқитувчининг кимлиги муҳим эмас. Муҳими, сен нимани ўрганганинг. Агар тўғри кўз билан қарасанг, оловда салқинликни, чўлда денгизни кўришинг мумкин.

Ёмон болалар ўз оиласида етишиб чиқади

«Бу бола қандай қилиб шундай бўлиб қолди?» деган ота-оналарга ҳамиша шундай дейман:

«Қотил ўқ узган қуролда ота-онасининг бармоқ излари бўлади».

Ишқда одоб бўлса

Агар ҳалол йўл билан севсанг, Аллоҳнинг раҳмати ёмғир мисол ёғар.

Муҳаббатингни одоб билан ўрасанг, на бўронда учасан, на селларда оқасан.

Аллоҳ йўқдек тутма ўзингни

«Аллоҳ борми?» десам, «Албатта, бор!» дейсан.
Унда нимага ўзингни У йўқдек тутасан?

Ишқ бўлсин

— Келдингми?

— Келдим, — деди.

— Қандай келдинг?

— Юрагимни оёқларимга боғлаб келдим.

— Ерда қолдими бирор нарса?

— Ғамгин муҳаббат, етим бир одам...

— Юкингиз енгил, — деди. Эшикни ёпди бирдан.

Қайтиб кетди келган йўлига. Ҳикмат нимадир, сўради, суриштирди. Топа олмади саволига жавоб.

Ўйлар уфқида тафаккурга шўнғиди.

«Аллоҳ!» деганда очилди панжаралар. Аллоҳ деганда ғамга қўшилди соғинч. «Мени ўз нафсингиздан кўра кўпроқ севмагунингизча, ҳақиқий имон соҳиби бўла олмайсиз» сўзи ила пайғамбарини таниди. Ишқ эди — пайғамбарини севмоқ. Уни соғинмоқ, суннатига амал қилмоқ.

Аллоҳ таолонинг хузурида «умматим» дегандилар. «Умматим» дейишлари муҳаббатга айланганди пайғамбаримизнинг.

Буюк бир ишқ бўлса агар, Яратган бордир, албат.

Аллоҳ демақдир ҳақиқий муҳаббат.

Севди. Севмоқда давом этди.

Тақиллатди эшикни.

Очилди барча эшиклар охиригача...

Ёлғиз Аллоҳдан сўра

Ҳамма нарсани эгасидан сўра.

Бандасига бўйин эгма, қўл очма, ёлворма!

Сен Аллоҳдан сўра истаганингни.

Афсусланмайсан.

У эшиқдан асло ортга қуруқ қайтмайсан.

Чин севги

Юрак ёнган сари ишқни топади.

Ишқни топган одам ИНСОН бўлади.

Афв эт, Аллоҳим!

Раббим, мен келдим.

Гуноҳларни кучиб, ихлосни ташлаб келдим.
Хузуринга бутун ожизлигим ила келдим.
Кечирилмас гуноҳларим бор...
Синдирган юракларим орасида қул ҳаққим бор...
Гийбатларим, куфрларим, катта гуноҳларим...
Йўлдан адашганларим, ҳаммасидан тўйганим...
Шафқатсизлигим, худбинлигим, кибрим...
Хузуринга шундай келдим, ё Раббим!
Кечирим, ҳикмат, ҳидоят Сендадир...

Кибр қандай кўринади?

- Йўл устида кетаётган кийими йиртиқ одам ким? — деб сўрадилар.
- Мен, — дедим.
- Ҳолинг хароб-ку, биродар? — дедилар.
- Кибрим ошганида доим шундай кўринишда бўламан, — дедим.

Қалбни Аллоҳга боғламоқ

- Чораси нима экан? — дедим.
- Юракни боғламоқ, — деди. — Дардга дармонни, кўнгилга фармонни боғламоқ.
- Қандай боғлаш?

— Тилингни қалбингга, қалбингни эса кўз ёшингга боғлаш. Асл сир шу, — деди у.

— Яхши, боғладим, — дедим.

Қулиб юборди.

— Шунчалик осон деб ўйлайсанми? Токи кўз ёшларинг юрагингга томмагунча боғлай олмайсан...

Гуноҳингдан қутул-да, кел

— Қани, киритинглар мени ичкарига, жуда чорасизман.

— Бу ифлос қўллар билан даргоҳга кира олмайсан! Қўлингни юв. Юрагингни кўз ёшларинг билан юв.

— Қандай?

— Чиқ бир тепаликка. Ихлос билан ур ўзингни.

Кирларинг тўкилмагунича ур.

— Менинг гуноҳларим кўп, тўкилмайди.

— Ихлос барча гуноҳларни тўкади.

Бир ойдан сўнг

— Яна мен келдим. Эшикни очинг!

— Йўқ, бу кир билан кира олмайсан! Бориб тозалан.

— У келди, бу келди, киритдингиз.

— Ихлосингни сўроққа тут, чиқ ўша тепаликка.

Икки йилдан сўнг

— Мана, келдим. Энди ичкарига киритинглар, демайман.

— Дема, чунки зотан ичкаридасан. Самимиятинг садоқатингга туташган кундан бери даргоҳдасан.

Ҳатто ўзингга ҳам айтма

Чорасизга чора бўлмоқ Аллоҳнинг иродасидир.

Агар маёқ бўлсанг-да, буни ҳатто ўзингга ҳам сўйлама!

Кибр ичингда қайнайдиған бир ботқоқликдир — ботарсан!

Асл ёлғизлик

Ёлғизлик — бу атрофингда ҳеч ким қолмаслиги эмас.

Асл ёлғизлик — Аллоҳдан узоқлашишдир. Қанчалик узоқлашсанг, ўзингни шунчалик ёлғиз ҳис қиласан.

Аллоҳ кифоя

Дўстим дейсан, тополмайсан.

Жоним деганингни кўролмайсан.

Улар бўлмаса ҳам бўлади.

Аллоҳ бўлса қалбингда — етади.

«Киши Аллоҳдан бошқа ҳеч кимга муҳтож эмаслигига ишонса, Аллоҳ ҳам уни ўзидан ўзгасига муҳтож қилмайди» (Ҳз. Шамс).

Сўзда севаман дейсан, холос

— Гоят севасанми? — деб сўрадилар.

— Ҳа, — деди. — Ўйлаб ҳам ўтирмай, жонимни фидо қиладиган даражада севаман.

— Шунчалар севганинг учун на ғамхўрлик қиласан, на фидокорлик. Яна ўлгунингча севишингни айтасан. Ўн дақиқасини ҳам ажратмайдиган танбал одамнинг ўлимгача муҳаббатига ким ҳам ишонарди?

Эй жонон!

Ё ёмғир бўлиб ёғ, ёки бўрон бўлиб эс.

Ёғмасанг ҳам эсгилки, юрагим сен ила роҳат топсин.

Кибр ботқоқликдир

«Сен жуда ўзгачасан!» дея-дея такаббурлик қозонини қайнатишди. Улар менга қарагани сайин юксал-япман, деб ўйладим. Дардга дучор бўлганда англадимки, бир қудуқнинг ичида эканман.

Дард — бу мукофот

Дарддан азоб чекаётганини сўйлаган одам ё дард чекмаган, ёки уни тушунмайди.

Аллоҳнинг дард бериши Унинг бандасига бўлган муҳаббатидир.

Банда ўта чорасиз қолса, «Бир сен қолдинг, Аллоҳим!» — дейди.

Бу эса Аллоҳ билан ёлғиз қолиш ҳолатидир.

Ёлғизлик — ҳимояловчи қалқон

Ёлғизлик ичимда ўргимчак тўри тўкиди, деб ўйладим.

Магар у мени ҳимоя қиладиган қалқон экан.

Тўр йиртилди. Инсонларни танидим.

Еган ўқларимнинг ҳисоби йўқ...

Ёлғизлик — тафаккурга даъватдир

Ёлғизлик тафаккурга даъватдир.

Чекинма, таклифни қабул қил!

Машаққат чекмоқ

Бойчечакнинг қор остида гуллаши бир истисно эмас.

Машаққатда қолган бандага хабардир бу: «Қанчалик қийин бўлмасин, Аллоҳнинг ўзи кифоя!»

Ҳеч ким мени тушунмайди, дема

Баъзан «Ҳеч ким мени тушунмайди, ёнимда турмайди», дейсан.

Ҳаммаси устма-уст келар гоҳида. Тушқунликка тушасан, хафа бўласан.

Ҳар ишда бир хайр бўлса, бунда ҳам бордир, албатта.

Бир куч сени Раббинг томон чорлаётган бўлиши мумкинми?

Асло умидингни сўндирма

Ҳаммасига қарамай, «Аллоҳ» дея билсанг, демакки, ҳали ҳам умид бор.

Асло тугади, дема

Тепалик устидаги бир киши бор кучи билан қичқирарди.

Сўрадилар:

— Кимга бақиряпсан?

— Ўзимга, — деди у. — Юз мартаба тавба қилган ва тавбасини бузган ўзимга! Умидим пучга чиқди, уддасидан чиқа олмаганимни кўряпман. Мен тамом бўлдим.

— Нима, энди ўзингни шайтонга таслим қиласанми? Бу тепаликка чиққан бўлсанг, ҳали ҳам ичингда нимадир бор. Билиб қўй, улар ичингда экан, ҳали-бери тугамайди.

Аллоҳ таоло бандасига жуда яқиндир. Банда гуноҳ қилган сари Аллоҳдан узоқлашади.

Нафсингни ўзингга қул қилиб олсанг, қалб кўзинг очилади. Юрганинга оёқларинг ерга тегмай бораётгандек бўласан.

Қалб кўзи билан боқар бўлсанг, кўзларинг кўрмайдиган нарсаларни ҳам пайқайсан.

Денгизда тўлқин бўлиш учун булутдаги бир томчига айланишинг зарур. Булутдаги томчи бўлиш учун эса оташда ёнишинг керак. То буғланиб кетгунингча...

Гоҳида сени ҳеч ким тушунмайди. «Раббим», дейсан. Ёлғиз ҳис қиласан ўзингни.

Энг тўғриси ўзи шудир. Чунки Раббинг доим сен билан!

Ҳар дард Аллоҳнинг даъватидир. Сабр ила унинг эшигига етганинга, барча эшикларнинг очилганини кўрасан. Сабрда давом эт.

Аллоҳга ишониш кераклигини унутганингда У
ўзини эслатади.

Муаммоларинг, бошингга келган мусибатла-
ринг ортиб бораётган бўлса, буюк Раббингдан даъват
оляпсан, демакдир. Бу даъватни қабул қил.

Чин дилдан «Аллоҳ» дейишинг Аллоҳнинг «Эши-
таман, бандам!» дейишидир.

Баъзан жуда узоққа кетасан, аммо ўзингни
ёнингга олиб бора олмайсан.

Ўзингни ёмон ҳис этганингда яхшилик қил. Та-
бассум айлаганингни сезмай ҳам қоласан.

Ёлғизлик тўрт девор орасида қолишдир, деб ўй-
лайсан. Ҳақиқий ёлғизлик — Аллоҳдан узоқлашиш-
дир.

Охиратни дунё ишларидан устун қўйсанг

Бир киши жума кuni чуқур тушкунликка тушади. Ишлари устма-уст келади.

Дарҳол буғдойини тегирмонга олиб боради. Чунки уйда нон ёпгулик ун йўқ. Болалар оч, кутишмоқда. Қолаверса, ўша кун боғнинг суғорилиш кuni. Сув навбати унга келай деб турибди. Яна бир иши тўқайда қолдирган отини олишдир. Кечгача олиб келмаса, бўрилар уни парча-парча қилиши мумкин. Жума бўлгани учун намозга ҳам бориши керак. У ростдан ҳам жуда қийин аҳволда эди. Уйда болалар оч, сув навбати келяпти, тўқайдан отини олишга эса умуман вақти йўқ. Бу иккиланишлар қуршовида «Яхшиси, жума намозига бора қолай», деди. Жума намозидан чиқиб, ноилож уйига қайтса, хотини хамир тайёрлаётганини кўрди. Сўради: «Тинчликми?» дея. Хотини: «Бей, қўшнимиз тегирмондан ўзларининг унларини олиб келишаётганида, қоплари орасида бизникини кўрдим. Ундан сўраганимда: «Ё Аллох, демак, адашиб сизникиниям ун қилдирибман-да. Олинг қўшни, қопингиз», деди».

Ҳали ҳайрати кетиб улгурмай, олдига бошқа қўшниси келади:

«Нега бугун боғингни суғоришга келмадинг? Бугун сенинг сув олиш кунинг эди. Сабзавотларинг ҳам ташналиқдан сарғайиб кетганди...»

У маъюс бўлиб ерга қарайди. Қўшниси унинг қўлидан ушлаб: «Хавотир олма, қўшни», дейди. «Сен келмагач, унутди, шекилли, деб ўйлаб, сувни боғингга тўғрилаб қўйдим. Сабзавотларинг мўл-кўл суғорилди», дейди.

Айни пайтда, яна бир жуда қизиқ воқеа содир бўлади. Тўқайда қолдирган оти арқонини узиб, уйига йўл топиб келганди. Эркак кўзларига ишонолмайди. Парвардигорга минг бор шукур қилади.

Дуо шукур билан ижобат бўлади

Бир дуодир яшамоқ. Бир дуо ҳикматидир салтанатинг. Оласан-у, сўрамайсан. Қарайсан-у, кўрмайсан. Ҳар олган нафасинг, еган ҳар бир луқманг бир ҳикмат туфайли амалга ошади. Сенга марҳамат қилганга шукур эт! Дуонинг қабул бўлиши фақат шукур биландир.

Сирга эришмоқ хоҳласанг

Агар сирга эришмоқчи бўлсанг, йўлинг узоқ ва машаққатлидир, билиб қўй. Сир чуқурдадир. Тушишинг керак чуқурларга... Нафасинг тиқилиб, саросимага тушасан! Йўл унга элтар экан, кимдир уни ўғирлашга уринишини, қулоғингга нимадардир пи-

чирлаётганини кўрасан. Тўғри йўлни топганигда, уфққа тушган шуъла ичра юриб борасан. Хавотир олма, излаган топади. Сен ҳам топасан!

Тавбанг бўлса, умид бор

Пушаймондан бошланади ҳамма нарса. «Тавба қилдим, ё Раббий!» дейсан. Йўлга чиқиш учун қадам ташласанг, эски одатларинг оёғингга ўралиб қолади. Катта истак пайдо бўлади ичингда. Ва кимдир сенга «Кел, яна қил», дейди. «Йўқ!» дейсан. «Мен келмайман!» дейсан. Ичингда тавбангни бузадиган орзулар жўшади. Ва ўзингни гуноҳ ботқоғида топасан.

Яна «Тавба!» дейишинг керак. Яна пушаймон бўлишинг ва яна йўлга қайтишинг керак. Таслим бўлиш — шайтоннинг занжирига тушишдир. Бу асирликда кўра олмайсан ҳақиқатни.

Шайтон сенга ўралашсин

«Менинг шайтон билан ишим йўқ», дейишинг тўғридир. Бироқ шайтоннинг сен билан иши бордир, унутма. Агар у ўралашмаса, демак, сен нотўғри йўлдасан. Чунки шайтон фақатгина йўлдан оздириб бўлганлари билагина ўралашмайди.

Ип устида эканингни унутма

Қуллиқ — бу ингичка чизиқдир. Имон — ингичка чизиқдир. Бу дунё сиротга ўхшайди. Фарқига бор-маса-да, инсон доим шу чизиқ устида юради. Яхши одам бўлиш билан ёмон одам бўлиш ўртасида қилдек масофа бор. Қилган яхшилигингда кибр бўлса, ёмонликка айланади у. Шафқатсиз севгида кўз ёшдан бошқа нима ҳам бўлардики? Ҳақиқий дорбозлик, арқон устида эканингни унутмаслиқдир.

Ҳақиқатнинг юки олтиндир

Чарчадим дема! Юкинг олтиндир. Сабринг мукофотдир. Саррофга олиб борганинга етасан қадрига.

Сени тушунишларини кутма. Чунки сен ўзингни тушунмаяпсан.

Ёрдамни ёлғиз Аллоҳдан иста

— Кимдир борми? — деб бақирди бири.

— Овозимни эшитгувчи, дардимга дармон бўлгувчи одам йўқми?

На кимдир эшитди, на кимдир жавоб берди. Но-
илож соатлаб бақирди. Умидини узганида, кимдир
пайдо бўлди. Кўрганди, эшитганди кимдир.

— Дардинг нима? — деди. Нега бундай фарёд ай-
лаб бақиряпсан?

— Бақиримизга сабаб олиб келган дардимдир.
Юкимга қўл узатувчи дўст излаяпман.

— Бундай фарёд билан дўст тополмайсан. Кўнгил
эшигидан кирмасдан топа олмайсан.

— Эшигим доимо очиқ турарди. Лекин тақилла-
тадиган бўлмади.

Кулди ва сўзнинг энг оғир ерини сўйлади.

— Бақирмай келган киши дўстдир. Дўст Аллоҳ-
дир. Эшик Аллоҳникидир. Агар унинг ризолик эши-
гини тақиллатганинда эди, очиларди ўнлаб эшиклар.
Сенга шифо бўладиган ҳам, сенга дўст юборадиган
ҳам Удир.

Бандасидан кутилган ёрдам кўз ёшларини арта-
диган дастрўмолдир.

Раббингдан келадигани эса раҳматга тўла селдир.

У кўрсатар, У юборар. У туттирар қўлингни. Кел-
ганга эмас, жўнатгувчига қара. Юборувчи Аллоҳ бўл-
са, қолганлари шунчаки воситачидир.

Луқмани арслоннинг оғзида кўрганлар ризқни
Аллоҳ беришини унутган бўлсалар керак.

Севгининг мукофоти — севилмоқдир. Жавобсиз сеvgининг мукофоти қисматига рози бўлишдир. Тақдирга тан бергин, токи мукофотинг катта бўлсин.

Вақт — сенга берилган энг буюк неъматдир. Ҳар сония сени Раббингга олиб боришини унутган бўлсанг, шайтоннинг ўйинчоғига айланибсан демақдир.

Инсоннинг болага, чақалоққа нега кўзи қиймайди? Аллоҳ таоло томонидан уларга ато этилган беғуборлик раҳм-шафқат туйғусини уйғотади кишида. Чунки у боланинг марҳаматга эҳтиёжи бор.

Ҳамма нарса сен учун яралган

— Ҳамма нарса сен учун яратилган, кўрмаяпсанми?

— Кўряпман, лекин нима кўраётганимни билмаяпман.

— Кўрсайдинг, билардинг, — деди у ва қўшиб қўйди:

— Яқиндан кўришни бошла. Анави дарахтга, гулга, шохда осилган мевага, оқиб турган ариқ сувига қара. Ҳаммаси сен учун яратилган.

— Лекин қанақасига? Ҳаммаси мен учун яратилган бўлмаслиги керак. Бошқа одамлар-чи? Уларнинг ҳам ҳаққи йўқми?

— Жумбоқнинг жавоби шунда. Ҳаққингчалик яратилган. Сен кўришинг учун яратилган. Сен ўз улушингизни кўрасан, оласан. Баъзиларни кўрмоқ, баъзиларини татимоқдир насибинг. Бир идишни тўлдириб ичмоқ ҳам насибингдир, шохдаги олмага боқмоқ ҳам.

— Кўшнимнинг олчасига қараш насибимми?

— Қараш ва кўришдир сенинг ҳаққинг. Еганингда қорнинг тўяди. Кўрганингда кўзинг. Ҳозирги ҳолингга кўра эса, сен кўрганни кўра олмаган маҳбус, шохдаги олчани узиб ололмайдиган ногирон, насибсизсан.

— Яъни?

— Яъни ҳаммаси насибдир. Насиб бўлган нарса Ҳақнинг нисбатига кўра яратилган. Ўрмон ҳам, тоғ ҳам сен учун яратилган. Сен боришинг, кўришинг, юришинг учун. Агар у сен учун яратилмаганида, сен у ерда бўлмас эдинг.

— Мен кетаман, сой қолади. Ўрмон у ерда яшашни давом эттиради. Бошқа одамлар келишади у ерга.

— Уларнинг ўша ерда қолиши ёки сендан кейин бошқа бировнинг келиши унинг сен учун яратилгани ҳақиқатини ўзгартирмайди, унутма!

Мўъжиза кутяпман деганлар учун

— Мен мўъжиза кутяпман. Бир оқ соқолли бобо келиб, мени ёмон йўлдан қутқаради.

— Мўъжиза кутганинг эмас, кўрганингдир. Келгандир, тақиллатгандир эшигингни кекса бир одам. Сен соқолини кўрмагандирсан.

— Келганида аниқ билардим.

— Бош оғриғинг, еган зарбаларинг, қоғоз бўлаги каби гижимланиб отилганинг — оқ соқолли бободир, асли. Сўйлагандир у керакли сўзларни. Шунчаки сен тушунмагандирсан.

Севиш севилишдан кўра фазилатлироқдир. Севишнинг фазилатидан татиб кўрмаганларнинг севишни кутишлари фақатгина пуч хаёлдир.

Аллоҳ учун севмоқ — ҳамма нарсадан воз кечмоқдир.

Доим бола бўлиб қол

Доим бола бўлиб қол дегандинг-а.

Ҳали ҳам ўн беш ёшдаман. Ўн олтига ўтолмадим
ҳеч.

Чим устида ётаман, оёқларимни лойга суқаман.

Жиққа ҳўл бўламан ёмғирда, совуқ қотаман ҳамон
шамолда.

Майда-чуйда нарсаларга берилиб, кўпиртираман
кичик хурсандчиликларни.

Жинни, телба, дейишади. Ёшингга ярашганини
қил, одам бўл, дейишади.

Билишмайдики, одам бўлиш болалигича қолиш
эканлигини.

Қорда қалтирамаган, сойга тушмаган бўлсанг,

Кўшнининг итидан қочиб, оёғинг қоқилмаган
бўлса,

Йиғлаганда ичинг титрамган, кулаётганда кўзла-
ринг порламаган бўлса,

Қоронғиликдан қўрқиб, нурга қочмаган бўлсанг,

Овозинг чиққанича, бир тепаликда қичқирмаган
бўлсанг,

Вояга етдим дема, етукликни кўрмай туриб.

Юлдузни кўрмай, тун ҳақида гапирадиган фақир-
дир,

Сўйлама, ҳис қилмай туриб ўй-хаёлларинг.

Мазмунсиз сўздан ҳикмат изланмас,
Мағзини ичингда пиширган бўлсанг, айтганла-
рингнинг долғаси кучли бўлади.

Ўт-ўлан тўпла қирлардан.

Юпқага пиёзни ўра.

Фақат нон сотиб ол, уйга кетаётганда.

Қарзларинг бўлсин имконинг қадар.

Чой дамла самоварда, қорайиб кетган чойнақда.

Заифлигинг, очлигинг бўлсин.

Кўп нарсани иста, лекин қўлга кирита олма.

Орзуларинг эришиш учун жуда олисда бўлсин.

Шунга қарамай иста, тушкунликка тушмасдан.

Сен кўйлакнинг чангини муаммога айлантир-
ган,

Туфлиси ялтироқ эмаслиги сабаб ўзини ялангоёқ
деб ўйлайдиган,

Шамолдан қочган, тароқсиз юрмаган одамсан...

Яшадим деб ўйлама! Бу дунё сеники эмас.

Нотаниш дунёда доимо бегона бўлиб қоласан.

Аллоҳ йўлида югур

Дунёлик молинг кўп бўлса, оч қоласан. Қорнинг
тўйса-да, тўймас кўнглинг. Раббинг учун ажрата-

диган вақтинг бўлмаса, фақирдирсан, аслида. Уйқуни унутган мулк эгаси бўлишдан кўра, «Аллоҳ» деган бир баъдавий бўл. Чунки «Аллоҳ» дедирмаган мулк — фақирликдир.

Ўзига ажратадиган вақти бўлмаган одам хомдир. Ҳақиқий хомлик дунёвийликка интилишдир. Дунё ортидан қувиб, Раббингни топа олмайсан.

Юрак билан кўрадиганларга

Ҳамма нарсани кўриш ва ҳеч нарсани кўрмаслик ўртасида унчалик катта фарқ йўқ. Ҳамма нарсани эшитиш ва ҳеч нарсани эшитмаслик ҳам шундай. Қарайсан, кўролмайсан. Эшитасан, тушунмайсан. Тушунмасдан эшитган, фаҳламай кўрган нарсангда маъно йўқдир. Ҳис қилдирган ҳақиқат — қалбингга етиб борган билимнинг натижасидир. Юрагинг билан тингла. Юрагинг билан боқ...

Бахтли бўлишни истасанг, йўқотишдан бошла. Ҳар йўқотган нарсанг сенга доноликдан сабоқ беради. Сен қадрлайдиган нарсалар ё йўқотиб қайта топганингдир, ёки йўқотишдан кўрққанинг...

Ўлимни ўлдирмоқчи бўлган одам

«Вақти ва йўли ноаниқ бўлган ўлим ҳар доим ҳаёлларинг этагидан тортади. Эслатади ўзини кутилмаган пайтларда. Кет, дейсан — кетмайди. «Мен сендан қочолмайдиган даражада яқинман. Мен билан дўст бўлишинг тўғри йўлдан озишинг учун тўсиқдир. Аслида, мен инсоний ҳаётда яшатадиган ягона ҳақиқатман...», — дейди у.

Бир киши кимсасиз оролда ўзини кутаётган ўлимини дафн қилмоқчи бўлди. Олди юкини, тушди йўлга. Сухбат бошланди, ҳаёт ва ўлим ўртасида.

— Бугун сендан қутуламан, — деди киши.

Ўлим жилмайиб қўйди.

— Мен жиддийман. Бугун сени ҳеч ким билмайдиган водийга кўмаман. Энди мени кўрқитолмайсан.

Ўлим унга яна табассум қилди:

— Яхши.

Улар кимсасиз водийга келганларида, ҳаёт мангу давом этадиган яшаш тарзи одамнинг кўз олдига келди. Юз йиллаб яшаганини кўрди. Аввал отасини, кейин ўғлини кузатди абадий ҳаётга. Кейин невараси, чевараси... Ҳеч кимни тополмади дардини айтадиган. Ҳеч ким тингламади уни. Чунки у шажаранинг ягона вакилидир. Асрлар ўтиши билан у ўз насл-насабига бегоналашди. Наридир энди у. Ҳеч ким эгалик

қилмайдиган ғалати борлиқ. Тушунмайди ҳеч ким гапирадиган тилини. «Агар бу бизнинг давримизда содир бўлганида қиёмат қойим бўларди», дерди кўрган- эшитганларига.

Эскирган танаси юк бўлиб қолганди. Дарахт тагида ўтирганида, ёнидан ўтиб кетаётган болани пайқайди. Бақирди орқасидан «Солиҳ!» дея. Бола ўгирилиб кетди ва яна йўлида давом этди. Ўғлига ўхшатганди болани. Солиҳ эмаслигини англаб, хафа бўлди. Ўрнидан туриб, ҳасрат билан хотинини, отасини ва бошқаларни қидира бошлади... Ҳеч кимни топа олмади. Бир жарлиқдан акс-садо эшитилди. Югуриб қоянинг учига келди. Барча танишлари ям-яшил майсазорда овқатланаётганини кўрди. Югурди улар томон. Энди уларнинг ёнига келганида, ҳамма бир зумда ғойиб бўлди. Тош устида ўтирган ўлимни кўрди. Ўлим унга табассум қилди.

— Яна сенми?

— Мен, — деди ўлим.

«Охири бор дунёда абадий яшаш нақадар оғриқли!»

Эркак бирдан ўзига келди. Ҳали тоғда бўлиб, ўлимни кўмгани кетганини эслади. Ўлим унга қулим-сираб қаради.

— Нима дейсан, юз йиллаб яшашни хоҳлайсанми?

Бечора одам қўлидаги белкуракни тезда ташлади. Кейин ўлимнинг қўлидан тутиб, ортга қараб кетди.

— Сен билан дўстлигимиз марҳамат эканлигини англадим. Ахир сен қандай ҳам яхши дўст экансан яхшиларга.

Энг буюк севги

Бандасининг муҳаббатидан ўтмасдан туриб, илоҳий ишққа эриша олмайсан. Албатта, бандасини севишда давом эт. Қулга бўлган севги Аллоҳдан келса агар, ишққа айланади. Парвардигорнинг бандасига бўлган муҳаббатини била олмайди инсон. Алдайсан, ўғрилиқ қиласан, итоатсизлик қилиб қон тўкасан. Шафқатсиз ва худбин ҳам бўласан. Қўлларингни кўтариб «Ё Раббий!» деганингда, «Лаббай, қулим!» дейди. «Афв эт!» дейсан, сени кечиради. Бу ҳолингда сени ҳеч ким ёнига яқинлаштирмайди. Яқинларинг кўчага чиқариб қўйишади. Лекин У бурмайди юзини, ёпмайди эшикни. Кирмоқчи бўлганингда, «Марҳамат, бандам!» дейди У сенга. Яратганнинг марҳамат билан афв этиши севгидир. Хўш, сенинг севгинг-чи?

Гуноҳларни ёққан одам

Тоғ ёнбағрида бир тутун кўрдим. Қамраб олганди атрофни. Келиб қарадим, бу қандай тутун дея.

Катта гулхан ёнида бир одам бор эди. Сўрадим нима қилишини. «Гуноҳларимни ёқаман», деди.

— Бунча кўп гуноҳинг бор экан, биродар, ер-у осмон тутун бўлибди.

— Энди бир неча курак урдим. Яқинда бошладим тозалашни.

— Тоғ тешилиб, қоялар эрибди гуноҳларинг шидатидан.

— Тоғни тешган гуноҳга қандай чидаши мумкин инсон? Ёқмаган гуноҳим мени кулга айлантиради, биламан. Бу катта қўрқувдан шамдек эрияпман.

— Қандай ёқяпсан шунча гуноҳни?

— Афсус-надомат сепиб, тавбам билан ёндираман. Ёлворишим билан кучаяди аланга.

— Қандай яхши. Ўлимдан олдинги тозалик нақадар гўзал!

Кетдим у ердан. Бир тоғ бошида бир одам қолди — гуноҳи билан ёлғиз.

«Сенинг ҳам юзлашиш вақтинг келди!» деди ичимдаги бир овоз. Маҳкама тузиб, ўзингга ҳукм чиқар. Бир тоғ топ ичингда. Бир оташ ёқ кўнглингда. Куйдир барча гуноҳларингни...

Ҳаммадан кечган дунё сендан кечмайдами?

Озор топмай туриб кўролмайсан ҳақиқатни. Йўқотмасдан топа олмайсан дўстни. Гуноҳларинг тўкилиши учундир дардлар билан сийланишинг. Тери маромга келиши учун калтақда тобланиши керак. Сабрли бўл. Чунки етуклик сабр-тоқатни талаб қилади.

Бошладан қўрққанларга, жасорати етмаётганларга дейди дунё: «Йиғламанглар! Палапоннинг биринчи парвози йиқилиш билан бошланади. Ерга тушишдан қўрқма! Гўдак ўрнидан туришининг ягона шarti эмаклаш, юриши учун эса йиқилиб тушиши шарт».

Баъзи ҳақиқатлар ёз қуёшида, баъзи ҳақиқатлар ой нурида кўринади. Қуёшда кўринганни ҳамма кўради. Ҳеч ким кўролмаганни кўришининг шarti — ой нурида юришдир. Бу эса ҳаммага ҳам насиб бўлмайдиган ҳикматдир.

Сенингча, ким омадлироқ?

— Ким омадлироқ? — деб сўради кимдир. — Бойлик ичра салтанат қурганми ёки қашшоқликдан машаққат чекаётганми?

Ўтирди, ўйлади. Жилмайиб қўйди.

— Дунё моли — пардадир. Кўпайган сари ёпилаверади пардалар. Ҳаққа олиб борувчи йўлни кўролмайдиган ҳолга келади инсон. Фақирлик нафсга оғирлик қилади. Берганида шукур қилишдир энг осони. Бермаганда ҳамд айтиш — юксалишдир. Расулуллоҳнинг фақирликлари ибратдир билганларга. Аллоҳдан узоқлаштирувчи бойликдан бўйин эгдирган қашшоқлик яхши. Нафсга оғирлик қиладиган очликдир. Жиловлари очликдадир нафснинг. Туганмас бойлик истама. Чунки тўқлик Аллоҳдан узоқлашмоқдир.

Чин юракдан гапиришнинг кучи

Агар донишманд ва олимнинг илми қалбига етиб бормаса, наф келтирмайди. Англатса-да, таъсир қилмас тингловчига. Юракдан чиққан иккита жумла онгда мавжуд саҳифа-саҳифа маълумотлардан кўра самаралироқдир. Шунинг учун ҳам Юнус дунёни

икки сўз билан тасвирлайди. Бир сўз бордир, китоблар ёздирар. Китоблар бордир, бир сўзга муҳтож...

Ҳаёт қоронғи эмас, сенинг кўзинг юмилган

Иккита зулмат бордир дунёда. Бири қуёшнинг йўқолиши билан, иккинчиси кўзнинг ёпилиши билан содир бўлади. Қуёшнинг кетиши билан бирга келадиган тақдирдир. Қўлингдан ҳеч нарса келмайди. Кўзларни юмиш — бу сенинг ироданг зулматидир. Ҳаётга кўзини юмганлар ҳамма ер қоронғи, деб ўйлайди. Кўзларини очиб қарасалар, дарахт шохига гул териб чиққан баҳорни кўрадилар. Қани, оч кўзларингни! Зулмат фақат сенинг ичингдадир...

Ҳаётда кучли инсонлар — Аллоҳнинг ҳузурида ожиз ва ночор эканини билганлардир. Бунинг далолати эса уларнинг қалбларида кибр йўқлигидадир.

Яхши инсон бўлишни истасанг, ҳамма сендан яхшироқ эканини ўйла.

Ичимдаги иблис

«Энг заиф, энг ночор, энг гуноҳкор менман», деганингда ичингдан бир овоз келади. У сенга шундай дейди: «Шу танангни жуда қадрсиз қилдинг. Келган уради, кетган туртади. Сен шунчалик қадрсизмисан?» Айнан шу шайтоннинг чақириғидир. Аксинг каби бўлишингни, мен жуда қийматлиман, дея ҳайқиришингни хоҳлайди. «Мен энг зўрман, мен энг кераклиман!» дейишингни кутади. Шайтон Аллоҳнинг ҳузурида қилган гуноҳига сени ҳам шерик қилмоқ истайди.

Биласан.

Суяк ва гўштан яратилган инсон — туғилиш ва ўлим саёҳатига отланган йўловчидир. Бу йўл чексизлик нуқтасида ҳечликни ифодалайди.

Ҳақиқатни танла

Дунё синов дунёсидир, унутма. Йўлда қиялик, баҳордан кейин қиш бўлса, бу ҳам имтиҳондир. Ғазаб билан сукунат, ёмонлик билан яхшилик бор жойда танлов ҳам бордир. Албатта, муваффақият танловингга боғлиқ. Ғалабага қадар ютқизиш ҳам сен учундир.

Танловингдир сени ҳақиқатга олиб борувчи. Яшаш тарзинг гўзал бўлса, ҳаётингда тинчлик ҳукм сурса, бу ҳақиқатни танлаганинг туфайлидир.

Ёмонга рағбат шайтоннинг даъватидир.

Қилаётган ишингни Аллоҳ ризоси учун қилсанг,
бевафолик сени ранжитолмайди.

Гўзалликка боқмоқ савобдир, лекин гуноҳга боқ-
моқ бошқа...

Асло таслим бўлма, асло!

Қачон тавба қилсам, қачон Аллоҳга мурожаат
қилсам, гуноҳларим мени янада кучлироқ ўзига тор-
тади. «Тавба!» деганим сари, гуноҳ янада баландроқ
чақиради мени.

Чунки шайтоннинг қўрқуви мени маҳв этмоқда.
Шу сабабли янада қаттиқроқ тортади тизгинимни.

Узишим керак тизгинни, қарши чиқмоғим лозим
нафсимга.

Тўхта дейишим шартдир бу зулматга.

Бас, энди, дейман бу ғазабга.

Бироз энгилик топмагунимча, кўз ёшларим тўх-
тагунча кетишим керак.

Тавбам изтироб билан етилиши керак. Қийналишим, бардош беришим керак.

Бўрон тингунича, ёмғир тўхтагунича...

Қуёш чиққунича чоптиришим керак отимни...

Дунёвий юк билан Раббингга ета олмайсан

Ортга қарамай юр, эрталабгача юр. Чунки тонгда тетиклик бордир. Қўлга киритишнинг ҳузури йўқотишнинг азобидан кўра яхшироқдир. Дунёдаги энг баланд минорани қурмоқчи бўлсанг, бошқалардан кўра кўпроқ ишлашга мажбурсан.

Жаннатда бир тош олиш учун дунёнинг юкини кўтаришнинг керак. Қўрқма! Унчалик ҳам қийин эмас бу иш.

Парво қилмай, қадрламасанг, оғир туюлмас юкинг.

Дунёвий юк билан Раббингга ета олмайсан. Юки энгил одамлар борадиган мақомдир у. Қани, юкингни энгиллат. От, улоқтир бир четга!

Юк оғир бўлса, мукофоти ҳам катта бўлади

«Яшаш нега бунчалар қийин?» деб савол бердингми ҳеч ўзингга? Хафа бўлиб, тилка-пора қил-

дингми ўзингни? Сен учун яшаш қийин бўлса, мукофотинг катта бўлгани учундир. Кўтара олганинг учун сенга берилган бу юк. Энг катта хазина энг заҳматли йўлдадир.

Асло умидсизликка тушма, асло!

Умидсизлик — шайтон йўлингни тўсишидир.

«Аллоҳ буюқдир!» де. Ўйлама, мени кўрмаяпти деб... Ўйлама, сабрим мукофотсиз қолади деб...

Табиат терапияси

Бугун об-ҳаво ёмон, ёмғир ёғмоқда. Томчилар билан ювиляпти деразанинг ойнаси. Тунд юзли одамларни кўряпман пастда. Кетади бириси, тўхтайдиккисинчиси. Кулишмайди негадир. Нима бўлса ҳам дардлари ёки дардсизликларидан...

Дарахтга тирмашган бир мушук кўряпман, чумчуқ учун қўйган тузоғини ишга солаётган... Кабутарни кўряпман парвоз олдидаги... Хўл патларини тумшуғи билан қуритишга уриняпти.

Булутлар қопласа кўкни, тушқунлик қуршаб олади қалбни. Ич сиқилиши, руҳий чарчоқ... Нима деб номласанг ҳам! Яъни яхши ҳис қилмайди инсон ўзини.

Ажабо, руҳ чексиз фалакни кўра олмагани учун тушқунликка тушадими? Бу осмон ва руҳ дўстлиги

бўлиши мумкинми? Айро қолишнинг оғриғими ичга тушган?

Кўкка боқиб, чуқур нафас олмаган инсонни кўрдингми? Илтимос, эҳтиёт бўл. Чексиз чуқурликка назар ташласанг, ичингни тўлдиради сен билмаган туйғулар. Қуласан, жилмаясан. Ҳақиқий сир, эҳтимол, шу ердадир.

Хўш, нима қилишинг керак?

Булутолрни томоша қилишинг керак, ахён-ахён. Айниқса, тушкунлик даҳлизига кирган кунларингда.

Хавотир олма, булутолларнинг, мовий осмоннинг сенга англатадиган кўп нарсаси бор.

Ёмғир ёғар экан, дарё оқар экан, денгиз тўлқинланар экан, нега ўйга чўмамиз? Нега сабабини билмаган жимжитликда тошдек қотиб қоламиз? Чўмдирган нима, тош мисоли қотирган нима инсонни?

Ҳақиқий сир томчининг тушишида, сув оқимида, унинг овозида. Сув овози ўйга солади доим. Етаклайди сен билмаган кимсасиз ерларга. Уйғонасан, сўнгра такрор шўнғийсан.

Доно табиат бежиз яратилган эмасдир, албат. Сув шунчаки ичиладиган, денгиз шунчаки сузиб ўтиладиган нарса эмас. Инсон танасининг 70 фоизи сув бўлса агар, демак, инсон табиатининг ажралмас қисмидир

у. Кўрганда қотиб қолишинг, ўйга толишинг шундан... Шунинг учун ҳам қимир этмай турасан.

Сув яқинида яшайдиганлар бахтлироқдирлар. Кўпроқ кулади илиқ сувларга яқин бўлганлар. Сени ўйлантирган нарсаларга улар аҳамият бермайдилар. Муздай сувда ҳузур бордир. Кўл қирғоқлари шу сабаб жозибалидир.

Чўмдирган куч — тўлдирадиган кучдир. Дунёвий, келиб кетадиган, кўпинча ташвишга соладиган, асаб толаларида қасди бўлган бу ҳаётга сув сепиш керак баъзан. Ёки ҳаётни сув қирғоғига кўчириш...

Денгизга ёки кўл қирғоғига боришинг, вақти-вақти билан ёмғирда жиққа ҳўл бўлишинг керак. Қор остида юришинг, совуқдан дир-дир титрашинг керак. Шамол супургисига миниб, дунё бўйлаб саёҳатга чиқишинг керак. Қалбингга ёмғир ёғаетганини, онгинг биллур сувлар билан ювилаётганини ҳис қиласан.

Хавотир олма, бу сенга роҳат бағишлайди!

Ҳаётга, одамларга исён кўтарганингда, баридан қочасан. «Чарчадим сизлардан, сизнинг кирдикорингиздан!» деганда бошланиши керак тоққа, водийга ёки бир тепаликка қочишинг. Ям-яшил, шудрингли буғдойзорлар... Сарикдан қизилгача, бинафшарангдан оқ ранггача бўялган қирлар... Ёки

фақатгина бўз тупроқ... Мавсумга кўрадир табиатнинг ранглари. Рухнинг эҳтиёжлари фаслга боғлиқдир, аслида. Фасл алмашиши эса сенга. Тасодифи йўқдир бу мўъжаз дунёнинг.

Машинадан туш. Бир йўналиш белгила. Ва юр! Энди ёлғизсан, демайман, инсонсизсан шунчаки.

— Нимани кўряпсан?

— Қуруқ ер. Улкан водий.

— Агар кўрганинг фақат шу бўлса, кўр экансан.

Овозингни эшитганлар, сени кўрадиганлар бор, сен бунни сезмасанг ҳам. Кичик бир ҳашарот, ўт парчасини олиб кетяпти. Чумоли атрофга аланглайди. Юқоридан бир кушнинг, сен кўрмасанг ҳам, овози эшитилапти. Олисда ит хурмоқда. Майсаларга урилаётган енгил шамол... Шамолда учаётган гулбарглр... Сени тингловчи тупроқ, сезяпсанми? Сенга хабар берувчи табиат... Кўрган ҳар бир нарсанг, борлигиндан хабардор... Фаришталар ҳам эшитади сени. Иблис эшита олгани каби...

Энгашиб, ёмғирга ботган тупроқдан қўлингга ол. Ҳидла, иложи борича кўпроқ. Торт ичингга. Сенга оид нимадир бор бу тупроқда. Ўзингдан узоқлаштирган, бегоналашган бу ҳаёт, сени илдизингдан узиб қўйибди. Сени табиатдан узоқлаштирибди сунъий тузилмалар. Табиатдан узоқлашган сари тушкунликка тушинг, узоқлашган сари касал бўлишинг, узоқлашган сари бахтсиз бўлиб қолишинг шундандир...

Аввал қадам қўйган тупроқни ҳис қилишдан бошла. Ялангоёқ бўл ва юр оёқларингнинг қитиқлаши йўқолгунга қадар. Кейин ўтир бир жойга. Кўз ўнгингда юрган ҳашаротларга боқ. Ҳамма гўё сен йўқдек ҳаракатда, шундайми? Дев гавдали бир инсон, гўёки, у ерда ўтирмагандек.

Уларнинг сени пайқаши эмас, сен уларни кўришинг муҳим.

Кир уларнинг ҳикояларига.

Қаранг, кимдир харсангтош устига чиқди. Тушмоқчи, лекин қаердан, билмайди. Мос жой топиш учун тинимсиз айланиб турибди. Тошнинг тагидан бошқа бир ҳашарот унга чиқишга ҳаракат қилмоқда. Аслида, фильм суратга олинмоқда ва бу фильм сен учун намоёиш қилинмоқда, кўряпсанми? Ҳаётда бир қарорга келмаганингда нима қилишни билмайдиган кунлардагидек тутяпти тош устидаги ҳашарот ўзини. «Ичи сени, сирти мени ёқар», дейишади-ку! Пастдаги ҳашарот юқоридагининг муаммога дуч келганидан беҳабар, завқланияпти, деб ўйлайди ва дарҳол тош устига чиқишга ҳаракат қилади.

Ҳар жонзотнинг ўз ҳикояси бор бу дунёда. Ҳар ҳикояда бир ибрат... Қарасанг — кўрасан, кўрсанг — англайсан, топасан. Хузур беради сен пайқамаган она табиат. Сокинлашасан. Ўзингга келиб, ичингга қайтасан.

Бир қўнғиз берган сабоқни минг олимдан ололмайсан. Муҳими, берган эмас, бердирган.

Оқ йўл

Агар саодат йўлига кирган бўлсанг, иккиланмай
юравер. Чунки йўлинг ойдиндир.

Мундарижа

I бўлим. АФВ ЭТ, АЛЛОҲИМ	5
II бўлим. КҮНГИЛНИ ИЛИТГАН ҲИКОЯЛАР	237
Ёлғизлик — кашфиётдир	237
Ой ёғдуси каби одил бўл	237
Ўзлигингни кашф эт.....	238
Умидинг чироқдир, асло сўндирма	239
Букилма, тўғри бўл!.....	239
Ғам чек, бахтли бўл	240
Ҳали шуми сенинг дардинг?	241
Бу дунёда ёлғизсан, агар Аллоҳ бўлмаса ёнингда	241
Муаммоларинг билан дўстлаш.....	242
Ожизликларинг билан кураш.....	243
Жуфтинг жону жаҳонинг бўлсин.....	244
Яратганнинг борлигини ҳис эт.....	245
Сен ҳамиша баҳорда қол.....	246
Умидсизликка тушма, у кечиради	246
Кўрдим, билдим ва ишондимки.....	247
Фақатгина Аллоҳ де.....	247

Кўп ўйлаб, сиқилма.....	248
Ёлғизлик.....	248
Яшадим дема.....	249
Бугун билан яша, йўқса кеч қоласан.....	249
Бола билан бола бўлиш.....	249
Болалар оламига кирмоқ.....	250
Энг чўққига чиққаннинг оламга дoston бўлсин.....	250
Энг буюк дард — бедардликдир.....	251
Сен учун муҳим бўлмаслиги мумкин, бироқ.....	251
Ҳаётни ёмондан ўрган.....	252
Ёмон болалар ўз оиласида етишиб чиқади.....	252
Ишқда одоб бўлса.....	252
Аллоҳ йўқдек тутма ўзингни.....	253
Ишқ бўлсин.....	253
Ёлғиз Аллоҳдан сўра.....	254
Чин севги.....	254
Афв эт, Аллоҳим!.....	254
Кибр қандай кўринади?.....	255
Қалбни Аллоҳга боғламоқ.....	255
Гуноҳингдан қутул-да, кел.....	256
Ҳатто ўзингга ҳам айтма.....	257
Асл ёлғизлик.....	257
Аллоҳ кифоя.....	258
Сўзда севаман дейсан, холос.....	258
Эй жонон!.....	258
Кибр ботқоқликдир.....	259
Дард — бу мукофот.....	259
Ёлғизлик — ҳимояловчи қалқон.....	259

Ёлғизлик — тафаккурга даъватдир.....	260
Машаққат чекмоқ.....	260
Ҳеч ким мени тушунмайди, дема.....	260
Асло умидингни сўндирма.....	261
Асло тугади, дема.....	261
Охиратни дунё ишларидан устун қўйсанг.....	264
Дуо шукур билан ижобат бўлади.....	265
Сирга эришмоқ хоҳласанг.....	265
Тавбанг бўлса, умид бор.....	266
Шайтон сенга ўралашин.....	266
Ип устида эканингни унутма.....	267
Ҳақиқатнинг юки олтиндир.....	267
Ёрдамни ёлғиз Аллоҳдан иста.....	267
Ҳамма нарса сен учун яралган.....	269
Мўъжиза кутяпман деганлар учун.....	271
Доим бола бўлиб қол.....	272
Аллоҳ йўлида югур.....	273
Юрак билан кўрадиганларга.....	274
Ўлимни ўлдирмоқчи бўлган одам.....	275
Энг буюк севги.....	277
Гуноҳларни ёққан одам.....	277
Сенинча, ким омадлироқ?.....	280
Чин юракдан гапиришнинг кучи.....	280
Ҳаёт қоронғи эмас, сенинг кўзинг юмилган.....	281
Ичимдаги иблис.....	282
Ҳақиқатни танла.....	282
Асло таслим бўлма, асло!.....	283
Дунёвий юк билан Раббингга ета олмайсан.....	284

Юк оғир бўлса, мукофоти ҳам катта бўлади.....	284
Табиат терапияси.....	285
Оқ йўл.....	290



КАДИР АКЕЛ

АФВ ЭТ, АЛЛОҶИМ

(роман)

19.000

0



КАДИР АКЕЛ Афв эт, Аллоҳим

Ўзини йўқотиш – аслида, ўзини топа олмасликдир. Яъни қаерда турганингни кўра билмасликдир. Ҳаёт баъзан бир тошқин билан келади. Оқизиб юборади ҳамма нарсани. Баъзи умидлар мана шу тошқинда йўқолади. Баъзилари эса шох-шаббаларга илиниб қолади – узанасан, тутасан. Тутган сари ҳаётга боғланасан. Қалбингда зулматга дарча очилади шу умид билан бирга. Ичингга нур тўлади ва ҳамма нарсани шу нур билан кўра бошлайсан.

Ҳар доим нимадир кам бўлади, ҳар доим ярим қолган хис-туйғулар қуршовида ўзини йўқотади инсон. Войлик беради Яратган, ёнига бир хасталик кўшади. Соғлик беради, қашшоқлик заҳматига йўлиқтиради. Бу ярим дунёда бутун бахтга эришиш мумкин эмас. Ҳар бир жон ўзига яраша муаммо билан курашади. Фурсатини топган одам эса қачондир бахтга эришади. Эҳтимол, энг муҳими, ҳаётни оғриқлар ичида ҳам яшай билишдир. Асосийси, дардга қарамай кула олиш, қрак санчиқларига қарамай табассум қилиш...



Telegram sahifamiz
[@huzurkitoblari](https://t.me/huzurkitoblari)

